ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ”
КАФЕДРАСИ

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ”
ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси: 300000 - “Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ”

Таълим соҳаси: 340000 - “Иқтисод ва бизнес”

Таълим йўналиши: 5341200 – “Инвестицияларни молиялаштириш

Тошкент – 2012

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанидан тайёрланган ўқув-услубий комплекс “Лойиҳаларни молиялаштириш” кафедраси йиғилишида муҳокама этилган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган (2012 йил 22 август, 1 - сонли баённома).

Кафедра мудири **и.ф.н. Э. Носиров**

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанидан тайёрланган ўқув-услубий комплекс Тошкент молия институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган.

Кенгаш раиси **и.ф.д., проф. А. Каримов**

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича ўқув-услубий мажмуадаги материаллар

РЎЙХАТИ

1. Аннотация
2. Ўқув дастури
3. Ишчи дастури
4. Таълим технологияси
5. Масала ва машқлар тўплами
6. Тестлар
7. Назорат учун саволлар (ЖН, ОН, ЯН)
8. Умумий саволлар
9. Тарқатма материаллар
10. Глоссарий
11. Реферат мавзулари
12. Адабиётлар рўйхати
13. Таянч конспект
14. Ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланмалар)
15. Хорижий манбалар
16. Курс ишлари мавзулари (Курс иши бажариш режалаштирилмаган)
17. Фойдали маслаҳатлар
18. Норматив ҳужжатлар
19. Баҳолаш мезонлари
20. Муаллифлар ҳақида маълумот

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва мадернизациялаш шароитида саноат корхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг янгидан-янги босқичларини белгилаб бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш бевосита янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга боғлиқдир. Бундай шароитда муқобил инвестиция лойиҳаларини бугунги куннинг долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур ўқув - услубий мажмуада “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг моҳияти ва мақсади, инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланишини, инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнлари, инвестиция олди тадқиқотлари, инвестиция олди тадқиқотларини амалга ошириш босқичлари, инвестициявий жараён - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги давр, бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатлари, лойиҳанинг ТИАси ва бизнес-режанинг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлиги, қурилиш смета қийматини аниқлаш усуллари, лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотлари ва лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг умумий муддатини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усуллари ва манбалари кабилар қамраб олинган.

TAJRIBA-SINOV

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ 05 - ҚА - 408
2008 йил "23" августда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги 2008 йил "23" августдаги "205"-сонли буйруғи билан тасдиқланган

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳалари:	100 000 – Таълим; 300 000 – Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ.
Таълим соҳалари:	140 000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани; 340 000 – Бизнес ва бошқарув.
Таълим йўналишлари:	5341200 – Инвестицияларни молиялаштириш; 5140900 – Касб таълими (Инвестицияларни молиялаштириш)

Тошкент – 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

ўқув методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил “___”_____даги “__”-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Носиров Э.И. – “Лойиҳаларни молиялаштириш” кафедраси мудири, и.ф.н.
Узоқов А.Т.– “Лойиҳаларни молиялаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси
Зойиров Л.С. .– “Лойиҳаларни молиялаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: Собиров О.Ш. - Банк-молия академияси “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш” кафедраси мудири, и.ф.н., доц. (*турдош ОТМдан*)
Ғозибеков Т. Д.- ТИФ Миллий банк “Лойиҳалар экспертизаси ва мониторинги” Бошқармаси бошлиғи (*кадрлар буюртмачиси*)

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институти Илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2008 йил 26 июн 5-сонли баённома).

Кириш

Мазкур дастур инвестиция лойиҳасининг ғояси, унинг асосланиши, инвестиция олди тадқиқотлари, лойиҳанинг техник иқтисодий асосномаси, лойиҳавий таҳлил, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режаси, лойиҳа бўйича хом ашё ва материаллар ҳамда уларни етказиб берилиши, қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий таркиби, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишда ва инвестицион лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда инвестицион лойиҳалаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида назарий-амалий билимларини ошириш, инвестицион лойиҳалаштиришнинг назарий, услубий ва амалий асосларини бўйича талабалар билимини янада чуқурлаштириш ҳамда инвестицион лойиҳалаштириш бўйича мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – талабаларга инвестицион лойиҳалаштиришни ташкил этиш юзасидан назарий, ҳуқуқий билимлар бериш, инвестицион лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш, лойиҳа цикли ҳамда унинг босқичлардаги муносабатларни ўргатишдан иборат. Жумладан:

- инвестиция лойиҳаси тушунчаси, лойиҳа таснифи ва иқтисодиёт учун аҳамиятини ўрганиш;
- инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- инвестицион лойиҳалаштириш объектлари, таркиби ва хусусиятлари ҳақида тушунча бериш;
- инвестицион жараён, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичларини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасининг бизнес-режасини ишлаб чиқишни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослашни ўрганиш;
- қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий таркибини аниқлашни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказишни ўрганиш;
- Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштиришни ўргатиш;
- инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлилини ўрганиш.

Фан бўйича билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар

Мазкур фан бўйича бакалавр:

- инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини;

- лойиҳаларнинг мазмун – моҳияти ва таснифланишини;
- инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилишини;
- инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузишни;
- лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб боришни;
- қурилишнинг смета қийматини аниқлашни;
- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказишни;
- Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштиришни;
- инвестицияларни лойиҳавий таҳлил қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши лозим:*
- лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши бўйича;
- инвестицион лойиҳалаштириш асослари бўйича;
- инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши бўйича;
- инвестиция лойҳасининг бизнес-режасини тузиш бўйича;
- лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш бўйича;
- қурилишнинг смета қийматини аниқлаш бўйича;
- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича;
- Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш бўйича;
- қурилишнинг смета қиймати аниқлаш бўйича;
- инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили бўйича *кўникмаларига эга бўлиши керак*.
- инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти;
- лойиҳаларнинг мазмун – моҳияти ва таснифланиши;
- инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши;
- инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш;
- лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- қурилишнинг смета қийматини аниқлаш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш;
- инвестицияларни лойиҳавий таҳлил қилиш тўғрисида *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани ихтисослик фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий (Олий математика, Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, Математик программалаштириш, Информатика ва ахборот технологиялари), умумкасбий (Иқтисодиёт назарияси, Микроиқтисодиёт, Макроиқтисодиёт, Миллий ва жаҳон иқтисодиёти ва ҳ.к.) ва ихтисослик (Инвестициялар, Инвестиция лойиҳалари иқтисодий самарадорлигини

баҳолаш, Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Инвестицион лойиҳаларни техник ва иқтисодий жиҳатдан асослаш жараёнларини, лойиҳа цикли, инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш босқичларини ўрганади. Шунинг учун ҳам инвестицион лойиҳалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Инвестицион лойиҳалаштириш асосида лойиҳаларининг амалиётда самарали амалга оширилиши таъминланади. Шу боисдан ушбу фан асосий ихтисослик фанларидан бири ҳисобланиб, у мамлакат инвестиция фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда тарқатма материаллар, электрон адабиётлар, виртуал стендлар ҳамда молия-кредит муассасалари web-сайтлари маълумотларидан ҳамда маъруза ва амалий дарсларда муқобил вариантларни баҳолаш ва қарор қабул қилиш, муаммолар юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, муаммоларнинг ечимига келиш, олинган натижаларни текшириш, жараённинг моделлаштирилиши каби педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қисм

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши

“Лойиҳа” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги. Лойиҳаларнинг таснифланиши. Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланиши: янги қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

Инвестицион лойиҳалаштириш асослари

Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти. Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида. Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари. Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби. Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ. Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар). Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми. Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи. Лойиҳалаштириш босқичлари.

Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши

“Инвестицион жараён” тушунчаси ва унинг мазмуни. Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари. Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш

Инвестиция лойиҳалари бўйича бизнес-режа тузиш зарурлиги ва аҳамияти. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти. Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун маълумотлар базасини шакллантириш. Бизнес-режанинг таркибий тузилиши ва унинг бўлимларининг ўзаро боғлиқлиги. Инвестиция лойиҳаси бизнес-режани тузиш тартиби. Йирик инвестиция лойиҳаларини дастлабки техник-иқтисодий асослаш. Лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш.

Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш

Лойиҳаларни амалга оширишда замонавий маркетинг концепцияси. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш. Лойиҳанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг маркетинг концепциясини шакллантириш. Лойиҳанинг маркетинг дастури. Лойиҳа бўйича маркетинг бюджети. Лойиҳа маркетингини амалга ошириш. Лойиҳани бошқариш доирасида маркетингни бошқариш.

Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари. Қурилиш смета қийматининг таркибий тузилиши. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва унинг таркиби.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги. Лойиҳаларни амалга оширишда ресурсларни сотиб олиш. Пудрат савдолари ва уларнинг таснифланиши. Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари. Пудрат савдоларини амалга ошириш тартиби. Лойиҳаларни амлга оширишда шартнома муносабатлари.

Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш

Ўзбекистонда уй-жой қурилишини ташкил этиш ва амалга оширишнинг зарурлиги ва аҳамияти. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби. Ипотека кредитлари асосида уй-жой қурилишини молиялаштириш. Ипотека кредитлари асосида уй-жой қурилишини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси.

Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили

Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти. Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар мавзулари:

1. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши.

3. Инвестицион лойиҳалаштириш асослари.
4. Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши.
5. Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш.
6. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш.
7. Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш.
8. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш.
9. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш.
10. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, қонун ва меъёрий ҳужжатлардан фойдалана билиш ва бошқалар тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: мазкур фан мавзулари бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш; тегишли мавзулар бўйича рефератлар ёзиш; фан мазмунини бойитиш ва унинг маълумотларини янгилаб боришда ахборот ресурсларидан фойдаланишни йўлга қўйиш; фаннинг мазмунини янада такомиллаштириш мақсадида тавсия этилган чет эл адабиётлари маълумотларини таржима қилиш ва фанга татбиқ этиш; талабалар фанни мукаммал ўзлаштириш мақсадида мазкур фанга оид муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излаб топиш ва муаммоларни мақолалар орқали ёритиш.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

Тавсия этилаётган мустақил таълимлар мавзулари:

1. Инвестицион лойиҳалаштиришда инвестиция олди тадқиқотлари.
2. Инвестициялаш объектлари ва шакллари.
3. Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослаш.
4. Лойиҳани тайёрлаш - қурилишни амалга ошириш бўғинларидан бири ва ишлаб чиқаришни фан билан боғлаш воситаси сифатида.
5. Инвестицион цикл, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари.
6. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг таркиби.
7. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш.
8. Инвестицияларни молиявий таҳлил этиш ва баҳолаш.

9. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари.

10. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш.

11. Инвестиция лойҳасининг бизнес-режаси.

12. Бизнес-режа ва техник-иқтисодий асоснома (ТИА)нинг ўзига хос хусусиятлари.

13. Хом ашё, материаллар ва уларнинг етказиб берилиши.

14. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

15. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш.

16. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари.

17. Корхонада хўжалик фаолиятидан олинадиган якуний фойдани аниқлаш ва уни шакллантириш.

18. Қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий (жами) таркиби.

19. Смета - қурилишда кўзда тутилган харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш.

20. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

21. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.

Фаннинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиатаълим, амалий дастур пакетлари, тақдимот, электрон дидактик) технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим амалий машғулотларни бажаришда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади. Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни ҳисоблаш, диаграммаларни, пресонал компьютерда электрон жадвалларда Excel дастури билан ишлаш орқали фаннинг информацион-услубий таъминоти амалга оширилади. Шунингдек, мазкур фанни ўқитиш жараёнида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигида қўлланиладиган метод, методология ва моделлардан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 384с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).

2. Ковалев В.В. и др. Инвестиции: учебник. – Москва: ТК Велби. Изд. «Проспект» - 2007.-584 с.

3. Узоқов А. ва бошқ. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2006. - 380 б.

4. Маматов Б., Носиров Э. ва бошқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. Ўқув қўлланма.-Т.: ТМИ, 2007. -152б.

Қўшимча адабиётлар:

5. Кузнецов Б.Т. Инвестиции: учебное пособие.-М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.-679 с.

6. Староверова Г.С. и др. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие -М.: КНОРУС, 2006.-312с.

7. Интернет сайтлари:

www.atlantinvest.ru

www.cer.uz

www. tfi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Ўқув-услубий бошқарма томонидан рўйхатга олинди
№ 12018
"20" июн 2012 йил

Тошкент молия институти ректорининг 2012 йил 20 июндаги 149-сонли буйруғи билан тасдиқланган

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Олий таълимнинг

Билим соҳаси: 300000 - Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 340000 - Иқтисод ва бизнес

Таълим йўналиши: 5341200 - Инвестицияларни молиялаштириш

Тошкент – 2012

Аннотация

Мазкур ишчи дастурда инвестициявий лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мақсади, инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланишини, инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнлари, инвестиция олди тадқиқотлари, инвестиция олди тадқиқотларини амалга ошириш босқичлари, инвестициявий жараён - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги давр, бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатлари, лойиҳанинг ТИАси ва бизнес-режанинг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлиги, лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг умумий муддатини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усуллари ва манбалари кабилар қамраб олинган.

Тузувчилар:	Э.Носиров	- ТМИ "Лойиҳаларни молиялаштириш" кафедраси мудири, и.ф.н.
	Ф.Мирхакимов	- ТМИ "Лойиҳаларни молиялаштириш" кафедраси ўқитувчиси
Тақризчилар:	Д.Хўжамқулов	- ТМИ "Лойиҳаларни молиялаштириш" кафедраси доценти в.б., и.ф.н.
	О.Собиров	- Банк-молия академияси "Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш" кафедраси мудири, и.ф.н., доц.

Фаннинг ишчи ўқув дастури "Лойиҳаларни молиялаштириш" кафедрасининг 2012 йил 5 июндаги 20-сонли баённомаси билан муҳокамадан ўтган ва факультет Илмий кенгаши муҳокамасига тавсия этилган.

Кафедра мудири: **и.ф.н. Э.Носиров**

Фаннинг ишчи ўқув дастури "Лойиҳаларни молиялаштириш" факультети Илмий кенгаши йиғилишининг 2012 йил 8 июн 10-сонли баённомаси билан муҳокамадан ўтган ва институт Илмий-услубий кенгаши муҳокамасига тавсия этилган.

Кенгаш раиси: **и.ф.н., доц. К.Каримова**

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент молия институти Илмий-услубий кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия килинган (2012 йил 18 июндаги 4-сонли баённома).

Кенгаш раиси: **и.ф.д., проф. А.Каримов**

I. 5341200 - Инвестицияларни молиялаштириш бакалавриат таълим йўналишида “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатлар ҳажмининг тақсимоти

Т/р	Мавзулар номи	Жами соатлар	Шу жумладан		
			Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
1.	“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	4	2	2	-
2.	Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши	18	4	4	10
3.	Инвестицион лойиҳалаштириш асослари	18	4	4	10
4.	Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши	18	4	4	10
5.	Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш	22	6	6	10
6.	Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш	18	4	4	10
7.	Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш	18	4	4	10
8.	Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш	18	4	4	10
9.	Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш	18	4	4	10
10.	Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили	24	6	6	12
ЖАМИ		**176**	**42**	**42**	**92**

II. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанидан маъруза машғулотлари мавзулари

1-мавзу. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

Адабиётлар:1,4,5,6,11,12,13,14,16,17,19,21.

2-мавзу. Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши

“Лойиҳа” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги. Лойиҳаларнинг таснифланиши. Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланиши: янги қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

Адабиётлар:1,4,5,6,7,8,10,11,12,13,14,17,19,20,21.

3-мавзу. Инвестицион лойиҳалаштириш асослари

Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти. Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида. Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари. Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби. Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ. Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар). Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми. Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи. Лойиҳалаштириш босқичлари.

Адабиётлар:10,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

4-мавзу. Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши

“Инвестицион жараён” тушунчаси ва унинг мазмуни. Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари. Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Адабиётлар:1,13,14,15,16,17,19,20,21.

5-мавзу. Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш

Инвестиция лойиҳалари бўйича бизнес-режа тузиш зарурлиги ва аҳамияти. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти. Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун маълумотлар базасини шакллантириш. Бизнес-режанинг таркибий тузилиши ва унинг бўлимларининг ўзаро боғлиқлиги. Инвестиция лойиҳаси бизнес-режани тузиш тартиби. Йирик инвестиция лойиҳаларини дастлабки техник-иқтисодий асослаш. Лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш.

Адабиётлар:10,11,13,14,15,16,17,19,21.

6-мавзу. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш

Лойиҳаларни амалга оширишда замонавий маркетинг концепцияси. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш. Лойиҳанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг маркетинг концепциясини шакллантириш. Лойиҳанинг маркетинг дастури. Лойиҳа бўйича маркетинг бюджети. Лойиҳа маркетингини амалга ошириш. Лойиҳани бошқариш доирасида маркетингни бошқариш.

Адабиётлар: 4,5,6,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

7-мавзу. Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари. Қурилиш смета қийматининг таркибий тузилиши. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва унинг таркиби.

Адабиётлар: 7,10,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

8-мавзу. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги. Лойиҳаларни амалга оширишда ресурсларни сотиб олиш. Пудрат савдолари ва уларнинг таснифланиши. Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари. Пудрат савдоларини амалга ошириш тартиби. Лойиҳаларни амлга оширишда шартнома муносабатлари.

Адабиётлар: 1,8,9,10,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

9-мавзу. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.

Адабиётлар: 2,3,6,10,12,13,15,17,19,21.

10-мавзу. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили

Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти. Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар.

Адабиётлар: 1,7,10,11,13,14,15,17,18,19,20,21.

III. Амалий машғулот мавзулари

1-мавзу. "Инвестицион лойиҳалаштириш" фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

- Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари.
- Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.
- Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

Адабиётлар: 1,4,5,6,11,12,13,14,16,17,19,21.

2-мавзу. Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши

- "Лойиҳа" тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.
- Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги.
- Лойиҳаларнинг таснифланиши.

•Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланиши: янги қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар.

•Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

Адабиётлар: 1,4,5,6,7,8,10,11,12,13,14,17,19,20,21.

3-мавзу. Инвестицион лойиҳалаштириш асослари

• Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти.

• Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида.

• Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари.

• Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби.

• Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ.

• Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар).

• Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.

• Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи.

• Лойиҳалаштириш босқичлари.

Адабиётлар: 10,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

4-мавзу. Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши

•“Инвестицион жараён” тушунчаси ва унинг мазмуни.

•Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари.

•Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Адабиётлар: 1,13,14,15,16,17,19,20,21.

5-мавзу. Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш

•Инвестиция лойиҳалари бўйича бизнес-режа тузиш зарурлиги ва аҳамияти.

•Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти.

•Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун маълумотлар базасини шакллантириш.

•Бизнес-режанинг таркибий тузилиши ва унинг бўлимларининг ўзаро боғлиқлиги.

•Инвестиция лойиҳаси бизнес-режани тузиш тартиби.

•Йирик инвестиция лойиҳаларини дастлабки техник-иқтисодий асослаш.

•Лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш.

Адабиётлар: 10,11,13,14,15,16,17,19,21.

6-мавзу. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш

- Лойиҳаларни амалга оширишда замонавий маркетинг концепцияси.
- Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш.
- Лойиҳанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш.
- Лойиҳанинг маркетинг концепциясини шакллантириш.
- Лойиҳанинг маркетинг дастури.
- Лойиҳа бўйича маркетинг бюджети.
- Лойиҳа маркетингини амалга ошириш.
- Лойиҳани бошқариш доирасида маркетингни бошқариш.

Адабиётлар:4,5,6,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

7-мавзу. Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш

- Бозор муносабатлари шароитида қурилиш қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари.
- Қурилиш смета қийматининг таркибий тузилиши.
- Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва унинг таркиби.

Адабиётлар:7,10,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

8-мавзу. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш

- Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги.
- Лойиҳаларни амалга оширишда ресурсларни сотиб олиш.
- Пудрат савдолари ва уларнинг таснифланиши.
- Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари.
- Пудрат савдоларини амалга ошириш тартиби.
- Лойиҳаларни амлга оширишда шартнома муносабатлари.

Адабиётлар:1,8,9,10,11,13,14,15,16,17,19,20,21.

9-мавзу. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти.
- Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар.
- Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.

Адабиётлар: 2,3,6,10,12,13,15,17,19,21.

10-мавзу. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили

- Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.
- Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси.
- Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, ҳуқуқий ва бошқалар.

Адабиётлар: 1,7,10,11,13,14,15,17,18,19,20,21.

IV. Мустақил таълимни ташкил этиш мазмуни ва шакли

Мустақил таълим талабанинг бажарадиган илмий изланиши бўлиб, инвестицион лойиҳалаштириш назариясини ўрганишда фаннинг бирор бир мавзусини тўлиқроқ ўзлаштиради ва мавзу белгиланган шаклда бажарилади. Мустақил ишни бажаришдан мақсад талабанинг ўқиши давомида олган билимини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми тақсимоти*

	Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	**Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар**	**Бажариш муддатлари**
1.	Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши	Илмий лойиҳа ва кейс стади тайёрлаш	Амалий машғулот давомида
2.	Инвестицион лойиҳалаштириш асослари	Тақдимот ва кейс стади тайёрлаш	Мавзу якунида
3.	Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши	Кейс стади ва илмий лойиҳа тайёрлаш	Мавзу якунида
4.	Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш	Илмий лойиҳа, тақдимот ва кейс стади тайёрлаш	Мавзу якунида
5.	Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш	Тақдимот ва кейс стади тайёрлаш	Оралиқ баҳолашда
6.	Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш	Кейс стади ва илмий лойиҳа тайёрлаш	Мавзу якунида
7.	Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш	Тақдимот ва кейс стади тайёрлаш	Оралиқ баҳолашда
8.	Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш	Илмий лойиҳа, тақдимот ва кейс стади тайёрлаш	Мавзу якунида
9.	Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили	Илмий лойиҳа, тақдимот ва кейс стади тайёрлаш	Мавзу якунида

**Мавзулар йўналишлар бўйича ўқув режага мувофиқ ажратилган хажм (соат)да белгиланади ҳамда мустақил таълим учун рейтинг баллар жорий назорат ва оралиқ назорат баллари таркибига киритилади.*

V. Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўқитишда мултимедия жиҳозларидан фойдаланиб, мавзулар бўйича ишлаб чиқилган Power Point фарматидага жадваллардан, компютердан, аудио ва видео жиҳозлардан, проектордан фойдаланилади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотлар давомида “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг назарий жиҳатларини тавсифловчи тарқатма материаллар, слайдлар ҳамда кўргазмали қуроллар қўлланилади.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўрганишда талабалар дастурий ахборот тизимлари орқали инвестицион лойиҳалаштириш юзасидан янгиликларидан ҳабардор бўлишлари ва ўқиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Жумладан, компьютер дастурлари ёрдамида таҳлил учун керакли манбалар назарий жиҳатдан шакллантирилади ва ундаги маълумотлар ўрганилади. Инвестицион лойиҳалаштириш фанидан компьютер дастурлари ва EXCEL жадвал процессорларидан фойдаланилади. Шунингдек, мазкур фанни ўқитиш жараёнида тегишли ташкилотларда (тижорат банклари, инжиниринг компаниялари ва бошқ.) қўлланиладиган метод, методология ва моделлардан фойдаланиш назарда тутилган.

Талабалар “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланади.

Шунингдек, республикада чоп этилган газета ва иқтисодий йўналишдаги журналлардан мутахассислигига тегишли материалларни олади.

Талабаларга Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятига оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

VI. Фан бўйича ёзма иш саволлари

1. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг мазмуни ва моҳияти.
4. “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг мазмуни ва моҳияти.
5. Ўзбекистондан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.
6. Узоқ муддатли инвестициялар ва уларнинг гуруҳланиши.
7. Инвестициявий лойиҳалаштириш тафсилоти.

8. Техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш, техник-иқтисодий асослашнинг мазмуни.

9. Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.

10. Лойиҳалаштириш вазифалари ва унинг мазмуни (лойиҳалаштиришнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда).

11. Лойиҳалаштириш босқичлари.

12. Инвестициявий жараён, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари

13. Инвестициявий жараёнининг босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари.

14. Инвестициявий жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

15. Лойиҳа босқичининг инвестиция олди схемаси.

16. Лойиҳанинг инвестиция босқичи схемаси.

17. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг таркиби.

18. Лойиҳани дастлабки баҳолаш қийматини аниқлаш.

19. Лойиҳа техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқишда лойиҳани бошланғич ёки омилли баҳолаш.

20. Молиялаштириш режасини тайёрлаш учун эҳтимолий баҳолаш.

21. Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш

22. Техник-иқтисодий асосноманинг мазмуни.

23. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш.

24. Инвестицияларни молиявий таҳлил этиш ва баҳолаш.

25. Молиявий таҳлилнинг мақсади ва вазифалари.

26. Харажатлар баҳосини таҳлил қилиш.

27. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш.

28. Бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатлари.

29. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси ва бизнес-режа мақсадларининг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлиги.

30. Бизнес-режа таркибининг боғлиқлиги.

31. Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотлар.

32. Хомашё - материаллар ва уларнинг етказиб берилиши

33. Мол етказиб берувчилар маҳсулотларининг мақбуллигини қиёсий баҳолаш.

34. Хомашё ва материалларнинг ички ёки ташқи бозордан сотиб олиниши.

35. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уни шакллантириш.

36. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш.

37. Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг таркибий бўлимларини ҳисоб-китоб қилиш.

38. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари.

39. Асосий ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ишчи-ходимларнинг меҳнат харажатларини режалаштириш ва уларнинг маҳсулот таннархидаги улушини мувофиқлаштириш.

40. Моддий ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва шу асосда амалга оширилишини режалаштириш.

41. Маҳсулот ишлаб чиқаришни тўла қувватга олиб чиқиш босқичларини режалаштириш.

42. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг маромийлигини таъминлаш.

43. Маҳсулотни сотиш харажатларини тахминлаштириш, режалаштириш ва оптималлаштириш.

44. Корхонада хўжалик фаолиятидан олинадиган якуний фойдани аниқлаш ва уни шакллантириш.

45. Смета - қурилишда кўзда тутилган харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш ҳужжати сифатида.

46. Инвестициявий лойиҳалаштиришда смета - харажатларининг қиймат кўрсаткичини белгиловчи режали ҳужжат.

47. Смета тузиш учун бошланғич маълумотлар.

48. Бевосита харажатлар ва уларнинг таркиби.

49. Устама харажатлар ва уларнинг таркиби.

50. Қурилишнинг смета қийматида режали жамғариш (смета фойдаси).

51. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.

52. Лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

53. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институтционал ва бошқалар.

VII. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича баҳолаш мезонлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 август 1981-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”да кўрсатилганидек, талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолаш қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- Жорий назорат (ЖН);
- Оралиқ назорат (ОН);
- Якуний назорат (ЯН).

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Жорий назорат – 35 балл;
- Оралиқ назорат – 35 балл;
- Якуний назорат – 30 балл.

Жорий назорат бўйича амалий машғулотлар учун ажратилган ҳар бир мавзу бўйича талабанинг адабиётлардан олган конспекти, билими, мустақил ижодий фикр-мулоҳазалари, амалий жадвал ва топшириқларни ечиши, мустақил иши натижалари ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у амалий машғулотларда амалга оширилади.

Оралиқ назоратда фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими ёки қисми бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг талабанинг назарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади. Оралиқ назорат семестр давомида 2 даврада ўтказилади. Оралиқ назоратда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи маърузалар ўтилган мавзулар бўйича оғзаки, ёзма иш, тест ўтказиш усуллари ва талабанинг мустақил иши назарда тутилган ҳолда баҳоланади.

Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий (ЖН) ва оралиқ назорат (ОН)лар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Якуний назорат семестр якунида ўтказилиб, якуний назоратда талабанинг билим, кўникма ва малакалари ишчи ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. Якуний назорат оғзаки сўраш, амалий топшириқларни мустақил ечиш, суҳбат, ёзма иш ёки тест ўтказиш усулида амалга оширилади.

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи, яъни 39 балл саралаш бали ҳисобланиб, ушбу баллдан кам балл тўплаган талаба якуний назоратга киритилмайди.

Жорий (ЖН) ва оралиқ назорат (ОН) турлари бўйича 55 ва ундан юқори баллни тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Талабанинг семестрда жорий (ЖН) ва оралиқ назорат (ОН) турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турилари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максималл балл, шунингдек, жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича талабаларнинг билимларини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлар инобатга олинади

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	“Аъло”	Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш Инвестицион лойиҳалаштириш ва унинг хусусиятлари бўйича ижодий фикрлай олиш Мамлакатимизда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларни таҳлил қилиш Таҳлил этилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш Таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш Ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш Инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишнинг барча усулларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш Таҳлил этилган инвестиция лойиҳасига тўғри ва холисона баҳо бериш Таҳлил этилган инвестиция лойиҳаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш Ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли хулосалар бериш
71-85	“Яхши”	Таҳлил этилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш Таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш Ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш Бизнес-режа ва техник-иқтисодий асосноманинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш Таҳлил этилган жараёнга тўғри ва холисона баҳо бериш Таҳлил этилган лойиҳа тўғрисида тасаввурга эга бўлиш Ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли хулосалар бериш
55-70	“Қониқарли”	Таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш Ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш Таҳлил этилган жараёнга тўғри ва холисона баҳо бериш Таҳлил этилган инвестиция лойиҳаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш Ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли хулосалар бериш
0-54	“Қониқарсиз”	Инвестицион лойиҳалаштиришнинг назарий ва услубий асосларини билмаслик Инвестиция лойиҳаларини таҳлил этиш бўйича тасаввурга эга эмаслик Инвестицион лойиҳалаштиришнинг таҳлил жараёнларига молиявий-иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларни қўллай олмаслик

Саралаш бали 55 баллни ташкил этади

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанидан оралиқ назоратда талабанинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонлари

№	Кўрсаткичлар	Оралиқ назоратдаги максимал балл
1	2	3
1	Дарсга қатнашганлик даражаси	2,0
2	Ўтилган мавзулар бўйича конспекти ва маърузада ўтилган мавзуларни ўзлаштирганлик даражаси	8,0
3	Мустақил таълим соатларида бажарган ишлари, қилган тақдимоти ҳамда инвестицион лойиҳалаштириш бўйича берилган қўшимча топшириқларни бажариши	6,0
4	Илмий тўгаракда маъруза (реферат) билан чиқиши, викторина ва талабалар конференцияларида инвестицион лойиҳалаштириш бўйича илмий маърузалар билан қатнашиши	4,0
5	Газета ва журналларда инвестицион лойиҳалаштиришга оид мақолалар билан чиқиши	3,0
6	Мавзулар бўйича мултимедиалар тайёрлаши, слайдлар, кўргазмали қуроллар ва чизмалар тайёрлашдаги фаолияти, “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича маълумотлар базасини яратишда қатнашганлиги	6,0
7	Маъруза дарсларида фаоллиги, фан бўйича иш ўйинларини ташкил қилишдаги фаоллиги	6,0
	ЖАМИ	**35**

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанидан жорий назоратда талабанинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонлари

№	Кўрсаткичлар	Жорий назоратдаги максимал балл
1	2	3
1	Дарсга қатнашганлик даражаси	2,0
2	Амалий машғулот дарсларига тайёргарлиги, адабиётлардан конспекти, сўзга чиқиши, таҳлилий жадвалларни бажара билиши ҳамда уларга хулосалар бериш савияси, мустақил иш мавзулари бўйича маърузалар қилиши	8,0
3	Мустақил таълим соатларида бажарган ишлари, қилган тақдимоти ҳамда инвестиция лойиҳалари таҳлили бўйича берилган қўшимча топшириқларни бажариши	6,0
4	Илмий тўгаракда маъруза билан чиқиши, викторина ва талабалар конференцияларида инвестицион лойиҳалаштириш бўйича илмий маърузалар билан қатнашиши	3,0
5	Газета ва журналларда инвестицион лойиҳалаштиришга оид мақолалар билан чиқиши	2,0
6	Мавзулар бўйича мултимедиалар тайёрлаши, слайдлар, кўргазмали қуроллар ва чизмалар тайёрлашдаги фаолияти, “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича маълумотлар базасини яратишда қатнашганлиги	6,0
7	Амалий машғулот (маъруза) дарсларида фаоллиги, фан бўйича иш ўйинларини ташкил қилишдаги фаоллиги	8,0
	ЖАМИ	**35**

А) Фан бўйича якуний назорат “Ёзма иш” ва “Тест” шаклида амалга оширилса

“Ёзма иш”ни баҳолаш қуйидагича амалга оширилади. Ёзма иш кўп вариантли саволномалар усулида ўтказилади. Ҳар бир вариантда учтадан савол бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича назарий масалалар ва уларнинг амалий ҳолати, қонунчилик базасига эга бўлган жавоблар келтирилиши керак.

Берилган сволларнинг ҳар бири бўйича тўғри ва тўлиқ жавоб ёзилса, инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий мазмун-моҳияти ва ҳусусиятлари тўғри ҳамда изчил ёритилса, саволга ижодий ёндашилса, жавобларда мантиқий яхлитликка эришилса, ўзлаштириш кўрсаткичи 5-6 балл оралиғида баҳоланади.

Берилган саволларга тўғри жавоб ёзилса, инвестицион лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва вазифалари, амал қилиш механизми тўғри ёритилган бўлса, бироқ ижодий ёндашилмаган бўлса, инвестицион лойиҳалаштириш жараёнлари тўлиқ ёзилмаса 4-5 балл оралиғида баҳоланади.

Берилган саволларга асосан тўғри жавоб ёзилса, бироқ, қўйилган саволнинг моҳияти, мазмуни, натижалари юзакироқ ёритилса, бирорта саволга жавоб ёзилмаса, саволнинг моҳияти очиб берилмаса, ўзлаштириш кўрсаткичи 3-4 баллгача баҳоланади.

Берилган саволларга жавоб ёзилмаса, нотўғри ёки юзаки жавоб ёзилса, қўйилган саволларнинг моҳияти, мазмуни очиб берилмаса, ўзлаштириш кўрсаткичи 0-3 балл оралиғида баҳоланади.

“Тест” натижаларини баҳолаш қуйидагича амалга оширилади “Тест топшириқлари” кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда 24 тадан тест топшириғи бўлиб, талабага тест саволларига жавоб беришлари учун 24 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тест топшириғига талаба томонидан тўғри берилган жавоблар 1 балл билан баҳоланади. Жумладан:

- берилган тест топшириқларининг 21-24 тасига тўғри жавоб белгилаган талаба 21-24 балл оралиғида баҳоланади;
- берилган тест топшириқларининг 17-20 тасига тўғри жавоб белгилаган талаба 17-20 балл оралиғида баҳоланади;
- берилган тест топшириқларининг 13-16 тасига тўғри жавоб белгилаган талаба 13-11 балл оралиғида баҳоланади;
- берилган тест топшириқларининг 13 ва ундан камига тўғри жавоб белгилаган талаба 0-13 балл оралиғида баҳоланади.

Б) Фан бўйича якуний назорат “Тест” шаклида амалга оширилса

“Тест” натижаларини баҳолаш қуйидагича амалга оширилади. Тест синовлари кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда 30 тадан тест топшириғи бўлиб, талабага тест саволларига жавоб беришлари учун 30 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тест топшириғига талаба томонидан тўғри берилган жавоблар 1 балл билан баҳоланади. Жумладан:

- берилган тест топшириқларининг 26-30 тасига тўғри жавоб белгилаган талаба 26-30 балл оралиғида баҳоланади;

- берилган тест топшириқларининг 22-25 тасига тўғри жавоб белгилаган талаба 22-25 балл оралиғида баҳоланади;

- берилган тест топшириқларининг 17-21 тасига тўғри жавоб белгилаган талаба 17-21 балл оралиғида баҳоланади;

- берилган тест топшириқларининг 16 ва ундан камига тўғри жавоб белгилаган талаба 0-16 балл оралиғида баҳоланади.

VIII. Фойдаланиладиган адабиётлари рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 17 июндаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1354-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 август “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1167-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1442-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги 1446-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 январдаги “Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 554-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 302-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 июлдаги “Ўзинвестлойиҳа Республика инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 265 - сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли Қарори
12. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. -36 б.
13. Голов Р.С. и др. Инвестиционное проектирование: Учебник. -М.: Дашков и К^{o}, 2010.-368 с.

14. Анискин Ю.П. Управление инвестициями: Учеб. пособие. - М.: Омега-Л, 2006. - 192 с.

15. Мазура И.И., Шапиро В.Д. Инвестиционно-строительный инжиниринг: Учебное пособие. - М.: Экономика, 2009. - 763 с.

16. Станиславчик Е.Н. Бизнес-план. Управление инвестиционными проектами. 2-е изд. М.: Ось-89, 2009. – 128 с.

17. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учебное пособие. - М.: ИП Экопреспектива, 1998.- 463 с.

Қўшимча адабиётлар:

18. Ишмухамедов А.Э. ва бошқ. Лойиха таҳлили: Ўқув қўлланма. - Т., ТДИУ, 2008. - 191 б.

19. Мазур И.И. Управление проектами: Учебное пособие для вузов. М.: Омега-Л, 2007. - 664 с.

20. Ромаш М.В., Шевчук В.И. Финансирование и кредитование инвестиций: Учеб. пособие. - Минск: Мисанта, 2004. - 160 с.

21. Интернет сайтлари:

- www.tfi.uz
- www.ziyonet.uz
- www. lex.uz
- www.stat.uz
- www.mfa.uz

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” КУРСИДАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1	**“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг долзарблиги ва ўқитиш структураси**

Мамлакатимизда қулай инвестицион муҳит яратилиши республикамизда инвестиция фаолиятни ривожлантириш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири бўлиб келаётганлигига сабаб бўлмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб инвестиция фаолиятини кенг ислоҳ қилиниши натижасида катта ютуқларга эришиб келинмоқда. Бироқ, ҳозирда бу соҳа ривожига ғов бўлиб турган муаммоларнинг мавжудлиги унда эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ҳамда демократик тарзда янада чуқурлаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу ўринда, Президент И. А. Каримовнинг “Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат”[1] дея, билдирган фикрларини таъкидлаш лозим.

Амалдаги ислоҳотларни амалга ошириш негизида инвестиция, унинг молиявий жиҳатлари ва таъминоти масаласи ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу эса соҳанинг яқин қисқа давр ичида иқтисодий тараққиётнинг юқори чўққисига чиқишини таъминлашда ва инвестицияларни жалб этишда инвестицион муҳитни такомиллаштириш талабини қўяди. Шунинг учун инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва унинг молиявий жиҳатларини илмий таҳлил қилиш лозим бўлади. Бу таҳлил инвестиция фаолиятнинг энг мақбул усулини танлаш ва келажакда ҳар бир ҳудудга мос келадиган инвестиция фаолият сиёсатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодий ўсишга эришишда нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки уларнинг йўналишлари ва тузилмаларини тўғри танлаш муҳим ҳисобланади.

Инвестиция фаолияти иқтисодий ўсишни кўтариш ва ишлаб чиқаришдаги юқори самарадорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иш билан бандликни таъминлаш, асосий капиталга бўлган талабни қондириш каби мавжуд муаммолар ечимига, соҳада инвестицияларнинг ўрнини ошириш ва корхоналарнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш орқалигина эришиш мумкин. Бу муаммоларни ҳал этишда инвестициялар оқимини кучайтиришга боғлиқ инвестицион муҳитнинг молиявий жиҳатлари ва хусусиятларининг назарий асосларини тадқиқ этишни долзарб қилиб қўяди.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг долзарблиги инвестиция лойиҳасининг ғояси, унинг асосланиши, инвестиция олди тадқиқотлари, лойиҳанинг техник иқтисодий асосномаси, лойиҳавий таҳлил, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режаси, лойиҳа бўйича хом ашё ва материаллар ҳамда уларни етказиб берилиши, қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий таркиби, маҳсулотларни ишлаб чиқариш

[1] Манба: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

ва сотиш билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишда ва инвестицион лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашдир.

Иқтисодиётни тартибга солиш ва бошқаришнинг бозор воситалари орасида инвестициялар энг муҳим ўринни эгаллайди. “Инвестицион лойиҳалаштириш”нинг асосий вазифаси талабаларга инвестицион лойиҳалаштиришни ташкил этиш юзасидан назарий, ҳуқуқий билимлар бериш, инвестицион лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш, лойиҳа цикли ҳамда унинг босқичлардаги муносабатларни ўргатишдан иборат.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” махсус курсида инвестиция лойиҳалариси ва инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, инвестицион лойиҳалаштириш,объектлари, таркиби ва хусусиятлари, инвестицион цикл, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари, инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси, лойиҳа бўйича хом ашё ва материаллар ҳамда уларнинг етказиб берилиши, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларини аниқлаш, қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий таркиби каби мавзуларни қамраб олган.

Ушбу ўқув курсини ўқитишнинг мақсади талабаларда инвестицион лойиҳалаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида назарий-амалий билимларини ошириш, инвестицион лойиҳалаштиришнинг назарий, услубий ва амалий асосларини бўйича талабалар билимини янада чуқурлаштириш ҳамда инвестицион лойиҳалаштириш бўйича мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

"Инвестицион лойиҳалаштириш " курсининг асосий вазифалари:

Мазкур ўқув курсининг асосий мақсади талабаларга инвестицион лойиҳалаштиришни ташкил этиш юзасидан назарий, ҳуқуқий билимлар бериш, инвестицион лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш, лойиҳа цикли ҳамда унинг босқичлардаги муносабатларни ўргатишдан иборат. Жумладан:

- инвестиция лойиҳаси тушунчаси, лойиҳа таснифи ва иқтисодиёт учун аҳамиятини ўрганиш;
- инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- инвестицион лойиҳалаштириш объектлари, таркиби ва хусусиятлари ҳақида тушунча бериш;
- инвестицион цикл, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичларини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослашни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасининг бизнес-режасини таҳлил қилиш;
- хом ашё ва материаллар ҳамда уларнинг етказиб берилиши ҳақида тушунча бериш;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларини аниқлашни таҳлил қилиш;

- маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таҳлил қилиш;

- қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий таркибини таҳлил қилиш;

- инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлилини ўрганиш.

Ўқув курсининг умумий хажми –176 соатни ташкил қилиб, шундан 84 соати аудитория соатлари, мустақил ўрганиш учун – 92 соат ажратилган.

Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимоти

№	Мавзу	Аудитория соатлари			Мустақил иш
		Жами	шу жумладан:		
			Маъруза	Амалий (семинар)	
	5-семестр				
1.	“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	4	2	2	-
2.	Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши	18	4	4	10
3.	Инвестицион лойиҳалаштириш асослари	18	4	4	10
4.	Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши	18	4	4	10
5.	Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш	22	6	6	10
6.	Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш	18	4	4	10
7.	Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш	18	4	4	10
8.	Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш	18	4	4	10
9.	Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш	18	4	4	10
10.	Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили	24	6	6	12
	Жами	**176**	**42**	**42**	**92**

2	**“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг асосий мазмуни**

1-мавзу. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

2-мавзу. Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши

“Лойиҳа” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги. Лойиҳаларнинг таснифланиши. Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланиши: янги қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

3-мавзу. Инвестицион лойиҳалаштириш асослари

Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти. Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида. Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари. Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби. Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ. Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар). Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми. Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи. Лойиҳалаштириш босқичлари.

4-мавзу. Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши

“Инвестицион жараён” тушунчаси ва унинг мазмуни. Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари. Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

5-мавзу. Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш

Инвестиция лойиҳалари бўйича бизнес-режа тузиш зарурлиги ва аҳамияти. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти. Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун маълумотлар базасини шакллантириш. Бизнес-режанинг таркибий тузилиши ва унинг бўлимларининг ўзаро боғлиқлиги. Инвестиция лойиҳаси бизнес-режани тузиш тартиби. Йирик инвестиция лойиҳаларини дастлабки техник-иқтисодий асослаш. Лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш.

6-мавзу. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш

Лойиҳаларни амалга оширишда замонавий маркетинг концепцияси. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш. Лойиҳанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг маркетинг концепциясини шакллантириш. Лойиҳанинг маркетинг дастури. Лойиҳа бўйича маркетинг бюджети. Лойиҳа маркетингини амалга ошириш. Лойиҳани бошқариш доирасида маркетингни бошқариш.

7-мавзу. Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари. Қурилиш смета қийматининг таркибий тузилиши. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва унинг таркиби.

8-мавзу. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги. Лойиҳаларни амалга оширишда ресурсларни сотиб олиш. Пудрат савдолари ва уларнинг таснифланиши. Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари. Пудрат савдоларини амалга ошириш тартиби. Лойиҳаларни амлга оширишда шартнома муносабатлари.

9-мавзу. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.

10-мавзу. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили

Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти. Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар.

3	**“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларини ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишнинг концептуал коидалари**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар олий таълим тизими ўкув жараёнлари учун ҳам янги талабларни келтириб чиқармокда. Шундай талаблардан бири ўкув жараёнида илғор педагогик ва таълим технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Таълим жараёнида педагогик ва таълим технологияларидан фойдаланишдан асосий мақсад таълим олувчида етарли даражада билим, малака ва кўникмаларни хосил қилиш асосида тингловчиларда эркин ва мустақил фикр баён килиш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

Таълим жараёнларига замоновий педагогик технологияларни қўллашда таълим олувчининг шахсини хурмат қилиш, ҳар бир шахснинг эркин фикр билдиришига имконият яратиш, ижод билан шуғулланиши ва ўз-ўзини ривожлантиришга қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратиш орқали тингловчини шахс сифатида мустақил фикрлашга ундайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2009 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йилиги мунособати билан сўзлаган нутқида 2010 йилни “Баркамол авлод” йили[2] деб эълон қилиб, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва ўқув жараёнида, илғор педогогик технологиялардан кенг фойдаланишни кўп марта такрорлаб ўтдилар. Буларнинг барчаси “Инвестицияон лойиҳалаштириш” фанининг махсус курси бўйича ўқув жараёнини технологиясини ишлаб чиқишга сабаб бўлди. Ушбу курс бўйича ўкув жараёнининг технологиясини ишлаб чиқишдаги асосий концептуал қоидалари қуйидагилардан иборат:

Шахсга йуналтирилган таълим. Таълим жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг кенг қамровли ривожланишини кузда тутади. Бу жараёнда тингловчи ўз уқув фаолиятининг субъекти саналади ва педагог билан хамкорликда ягона таълим жараёнини ташкил ўилишда ўатнашади ҳамда ҳар бир шахснинг эркин фикр билдиришига имкон яратилади.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тулиқлилик, тизимли ёндошув ва ўзаро боглиқликда каби белгиларини қамраб олиши керак.

Фаолиятли ёндошув. Фаолият шахсни ривожлантиришдаги энг мухим ва хал ўилувчи восита - асос хисобланади. Шу сабабли таълим олувчи шахснинг мустаўил фикрлаши учун зарур сифатларни шакллантиришда унинг фаолиятини интенсивлаштириш ва фаоллаштириш, ўқув жараёнида унинг барча имкониятларини, сифатларини намоён этишига, қарама-қарши ёки монанд фикр айтишига шароит яратиш лозим.

Диалог ёндошув. Таълим жараёнининг ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги мулоқат шаклида ташкил килинишини ва уларнинг ўзаро хамкорлиги, психологик якдилик мухитини яратишни тақоза килади. Диалогик ёндошув асосида ташкил қилинган дарсда кўрилаётган масаланинг моҳиятига етиб бориш, тушуниш, англаш ва керак бўлса янги фикрлар билан тўлдириш

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2009 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йилиги мунособати билан сўзлаган нутқи 2009 й 7 декабрь “Ҳалқ сўзи” газетаси 1-б.

имконияти юзага келади.

Хамкорликдаги таълимни ташкил қилиш. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини демократлаштириш, тенглик, ўзаро хурмат, хамкорлик, ўзаро ёрдамга асосланган ҳолда, фаолият мазмунини, мақсадини ва эришилган натижаларни хамкорликда баҳолайди. Асосий тамоиллари: гурухга умумий топшириқ, умумий рағбатлантириш, ўзининг ва гурухнинг бошқа аъзоларининг натижаларига масъулият, фаолият хамкорлиги ва натижага эришиш учун тенг имконият яратиш.

Муаммоли таълим. Муаммоли дарснинг асосий мақсади бахс ва мунозара асосида иштирокчиларнинг янги, мустақил фикрларга келиши, уларнинг турли вазиятларни илмий ва амалий таҳлил этиш орқали ўз фикрларини айтиб беришга ургатиш бўлганлиги сабабли, тингловчи шахсида эркин, мустақил фикрлашни шакллантириш воситаси хисобланади. Муаммоли дарс мантикий фикрлашни, илмий мушохода қилишини, ечимларни амалий фаолиятга ижодий қўллаш бўйича кўникмаларни ривожлантиради ва шакллантиради,

Янги восита ва усулларни қўллаш. Таълим жараёнида компьютер ва информацион технологияларни жорий этиш орқали маълумотларни кўргазмали шаклда етказиб беради.

Берилган концептуал қоидаларга ҳамда “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг махсус курсининг мақсади, вазифалари, хажми ва мазмунига асосланган холда таълим усули ва техникаси; ташкил килиш шакли; воситаси; коммуникация усуллари; берилган маълумотларни назорат килиш усул ва воситалари; баҳолаш ва назорат килиш тартиблари аникланди.

Таълим усули ва техникаси. Бахс-мунозара, муаммоли усул, «Ақлий хужум» усули, Инсерт, Т-схема, Диаграмма-Венна, Кейс-стади, маъруза (кургазмали, тематик, муаммоли, информацион).

Таълимни ташкил қилиш шакли. Жамоа ва гурухлар бўйича, диалог ва полилогга асосланган, ўзаро сухбат, хамкорликда ва бир-бирини ўқитиш.

Таълим воситаси. Дарслик, маъруза матни, масалалар туплами, кодоскоп, графикли чизмалар, компьютерли ва информацион технологиялар.

Коммуникация усуллари. Бевосита ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги тезкор тескари (карама-карши) алоқага асосланади.

Берилган маълумотларни назорат қилиш усул ва воситалари. Кузатиш, блиц-суров, жорий, оралиқ ва якуний назорат натижаларини таҳлил қилиш асосида ташхис қилиш.

Бошқариш восита ва усуллари. Ўкув машғулотлари технологик карта шаклида режалаштирилган, унда ўкув жараёнининг асосий босқичлари, куриладиган масалалари ва уларни назорат қилиш (жорий, оралиқ ва якуний) тартиблари аниқ кўрсатилган.

Баҳолаш ва назорат қилиш. ҳар бир ўкув машғулоти жараёнидаги ўқиш натижаларини (ўкув топшириқларни бажариши ва тестларни баҳолаш, ҳар бир ўқув машғулотдаги тингловчининг ўкув фаолияти рейтингини баҳолаш) ҳамда бутун махсус курс давомидаги (ҳар бир тингловчининг жорий, оралиқ ва якуний натижаларини рейтинг тизими орқали баҳолаш) натижаларни баҳолаш.

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИНИНГ МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

4	**Аудиториядан ташқари бажариладиган индивидуал мустақил иш**
(Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил иши – муддат 1 ҳафта)	

Мустақил ишларни бажарилиши ва маслаҳатларни олиб борилиш технологияси

Машғулот шакли	**Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишларни бажариш бўйича маслаҳат**
Мустақил ишни бажарилиш режаси	• Мустақил ишда кўриладиган масалани ўрганиш ва уни мақсад ва вазифаларини белгилаш; • Лойиҳанинг бизнес-режасини тузиш; • Лойиҳанинг бизнес-режаси асосида ҳисоб китобларни амалга ошириши учун керакли маълумотларни йиғиш; • Йиғилган маълумотлар ёрдамида лойиҳанинг бизнес-режаси асосида компьютер дастурида ҳисоблаш ишларини бажариш; • Натижаларни таҳлил қилиш ва улар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш№ • Ҳисобот асосида маъруза қилиш учун реферат, слайдлар тайёрлади, жадвал маълумотларни таҳлил киладилар.
Мустақил ишнинг мақсади	Мустақил иш вазифаларини бажаришдан мақсад тинловчиларга мустақил равишда иқтисодий масаланинг ечимни таҳлил қилиб хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишни ўргатишдир.
Ўқитиш воситалари	Курс бўйича тарқатма материаллар, адабиётлар, компьютер дастурлари.
Ўқитиш усуллари	Мустақил иш.
Ўқитиш шароити	Компьютер синфи, кутубхона.
Якунловчи босқичдаги шароит	Компьютер, мультимедиа проектор.

Мустақил ишларни бажариш бўйича маслаҳатларни олиб боришнинг технологик картаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Изоҳ	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Тайёрлов босқичи	1.1. Мустақил ишларнинг рўйхати билан таништиради. Танланган мавзулар бир-бирини такрорламасли шартлигини билдиради.	7.1.1-илова	Мавзулардан бирини танлайдилар.
	1. Мустақил иш мақсади, уни бажарилиш тартиби, тавсиялар билан таништиради.	7.1.2-илова	Бажариш бўйича тавсияларни ёзиб оладилар.
2 -босқич. Тингловчиларнинг мустақил ишни бажариш босқичи. (5 кун)	Тингловчиларнинг мустақил ишни бажаришлари жараёнида график асосида маслаҳатлар ва кўрсатмалар беришни ташкил қилади.	7.1.3-илова	2.1. Мустақил ишда кўриладиган масалани ўрганадилар ва уни мақсад ва вазифаларини аниқлаб оладилар.
		7.1.8-илова	2.2. Мустақил ишда куриладиган масалалар юзасидан иқтисодий масалалар жадвалларни тузадилар ва уларни тахлилини қиладилар.
			2.3. Натижаларни таҳлил қиладилар ва улар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқадилар.
		7.1.4 -илова	2.4. Мавзу бўйича юқорида бажарилган вазафалар асосида ҳисобот тайёрлайдилар.
		7.1.1-илова	2.5. Ҳисобот асосида маъруза қилиш учун Power Point программаси ёрдамида презентацион слайдлар тайёрлайдилар.
3-босқич. Якун-ловчи босқич.	3.1. Аудиториядан ташқари бажарилган мустақил иш бўйича презентация қилиш.	7.1.5-илова	Гуруҳда мустақил ишларини презентация ва ҳимоя қилади. ўз хулосаларини аргументлайди.
	3.2. Гуруҳ аъзолари ва курсни олиб борувчи кафедра ўқитувчилари иштирокида пресс-конференция ўтказилади.	7.1.6-илова	Савол-жавоблар амалга оширилади. Тингловчилар мустақил ишнинг бажарилиши, якунлари бўйича фикрларини ўрганадилар. Билдирилган фикрларни магистрлик диссертацияларида тадбиқ қилиш бўйича ишлашлари мумкин.
	3.3. Мустақил ишни таҳлил қилиш варағи ёрдамида бажарилган иш баҳоланади.	7.1.7-илова	

7.1.1-илова

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бўйича мустақил иш мавзулари

Мустақил ишга тегишли мавзулар

- Инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
- Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мақсади.
- Инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланиши.
- Инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнлари.
- Инвестиция олди тадқиқотлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.
- Инвестициялар тушунчаси, объектлари ва шакллари .
- Инвестициялаш объектлари: қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий фондлар (масалан, янги маҳсулот ёки хизматлар турини ишлаб чиқишга ва ш.к.).
- Узоқ муддатли инвестициялар ва уларнинг гуруҳланиши.
- Давлат инвестициялари, хусусий инвестициялар.
- Инвестициявий лойиҳалаштириш тафсилоти.
- Техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш, техник-иқтисодий асослашнинг мазмуни.
- Лойиҳани тайёрлаш - қурилишни амалга ошириш бўғинлари.
- Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.
- Лойиҳа цикли босқичларининг мазмуни ва тавсифи.
- Лойиҳалаштирилгунга қадар лойиҳанинг ишлаб чиқилиши.
- Лойиҳалаштириш вазифалари ва унинг мазмуни (лойиҳалаштиришнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда).
- Бир босқичли ва икки босқичли лойиҳалаштириш.
- Инвестициявий цикл, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари
- Инвестициявий цикл - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги давр.
- Инвестициявий циклининг босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари.
- Инвестициявий цикл ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.
- Лойиҳа босқичининг инвестиция олди схемаси.
- Лойиҳанинг инвестиция босқичи схемаси.
- Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг таркиби.
- Лойиҳани дастлабки баҳолаш қийматини аниқлаш.
- Лойиҳа техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқишда лойиҳани бошланғич ёки омилли баҳолаш.
- Молиялаштириш режасини тайёрлаш учун эҳтимолий баҳолаш.
- Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш
- Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш.
- Инвестицияларни молиявий таҳлил этиш ва баҳолаш.

- Молиявий таҳлилнинг мақсади ва вазифалари.
- Харажатлар баҳосини таҳлил қилиш.
- Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари.
- Инвестиция лойҳасининг бизнес-режаси.
- Бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатлари.
- Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси ва бизнес-режа мақсадларининг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлиги.
- Бизнес-режа таркибининг боғлиқлиги.
- Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотлар.
- Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уни шакллантириш.
- Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш.
- Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш кетма-кетлигини ҳамда босқичларини ишлаб чиқиш ва режалаштириш.
- Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг таркибий бўлимларини ҳисоб-китоб қилиш.
- Смета - қурилишда кўзда тутилган харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш ҳужжати сифатида.
- Инвестициявий лойиҳалаштиришда смета - харажатларининг қиймат кўрсаткичини белгиловчи режали ҳужжат.
- Смета тузиш учун бошланғич маълумотлар.
- Қурилиш смета қийматини аниқлаш асосидаги смета-молиявий ҳисоб-китоблар.
- Бевосита харажатлар ва уларнинг таркиби.
- Устама харажатлар ва уларнинг таркиби.
- Қурилишнинг смета қийматида режали жамғариш (смета фойдаси).
- Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблари, унинг мазмуни ва таркиби.
- Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.
- Лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.
- Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси.
- Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институтционал ва бошқалар.

7.1.2-илова

Мустақил ишни бажарилиш алгоритми

7.1.3-илова

Мустақил ишни бажариш бўйича маслаҳат ва тавсиялар

1. Мустақил иш мавзулари сифатида банк, молия, солиқ соҳасидаги ҳозирги ҳолатни акс эттирувчи маълумотлардан, жумладан статистик маълумотлардан фойдаланишни тавсия қилинади.
2. Мустақил иш сифатида тингловчи магистрлик диссертацияси ўрганиладиган муаммонинг компьютер моделини яратиб тадқиқ қилиши мумкин. Бу ҳолда мустақил иш мавзусини ўқитувчи билан биргаликда шакллантириб олиши зарур.
3. MS Office дастурлари Word, Excel, PowerPoint ларда ишлаш бўйича кутубхона фондидаги электрон дарсликлардан фойдаланиш мумкин.

7.1.4-илова

Тингловчиларнинг мустақил бажарган ишларига ўзларининг ҳам баҳоларини беришлари кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун улар тайёрлаган ҳисоботларини титул варағида айрим кўрсаткичлар бўйича ўз ишларини баҳолашлари керак.

№	Кўрсаткичлар	Тингловчининг ўз ишига баҳоси	Ўқитувчининг берган баҳоси
1.	Мустақил иш мавзуси мазмунининг очиб берилиши тўлиқлиги. *2 баллик тизимда баҳоланади.*		
2.	Масала моделининг тўғри, аниқ ва тўлиқ шакллантирилганлиги. 1 *баллик тизимда баҳоланади.*		
3.	Олинган натижаларнинг адекватлик даражаси. 1 *баллик тизимда баҳоланади.*		
4.	Қилинган хулоса ва берилган тавсияларнинг асосланганлиги. 1 *баллик тизимда баҳоланади.*		
5.	Мустақил иш пунктларининг ўзаро мантиқий боҳланганлиги. 1 *баллик тизимда баҳоланади.*		
6.	Ишни бажаришда: - фақат ўқитувчи берган материаллардан фойдаланиб. *3 баллик тизимда баҳоланади.* - қўшимча адабиёт, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланиб – 3 *баллик тизимда баҳоланади.*		

7.1.5-илова

Презентацияни ташкиллаштириш



Презентацияни ўтказиш бўйича айрим амалий маслаҳатлар

1 Презентация гуруҳ лидерининг чиқишидан бошланади: *Мен – Ф.И.Ш.* ...
2 Барча презентация қилувчиларнинг чиқишлари ўзларини таништиришдан бошлайдилар: *Мен – Ф.И.Ш.* ...
3 Маълумотлар: - математик моделлар;
ёки - график, диаграмма, схемалар кўринишида келтирилиши керак.
4 Статистик маълумотларнинг манбалари акс эттирилиши керак.
5 Хулосаларнинг адекватлилиги кўрсатилиши лозим.

7.1.6-илова

Пресс-конференция



Савол бериш қоидалари

Саволни қандай бермаслик керак:

- Нега сиз . . . деб ўйлайсиз?
- Ишончингиз комилми . . . . эканлигига?
- Қаердан олдингиз . . . . эканлигини?
- Нега . . . . деб айтдингиз?

Саволни қандай бериш керак:

- Агар . . . бўлса нима қилишни маслаҳат берган бўлар эдингиз?
- . . . масалада нима фикрдасиз?
- . . . ни қандай амалга оширса бўлади деб ҳисоблайсиз?

Эсда тутинг: ***Савол – нокомпетентликка ишора эмас.***

Эслатма.

Пресс-конференция – бу

- Муносабатларни ойдинлаштирадиган дискуссия эмас
- Баҳс-мунозара ҳам эмас
- “Мураккаб саволлар” учун ҳисоблашиш эмас

Пресс-конференция – бу
сизнинг гуруҲдошларингиз маслаҲатлари

7.1.7-илова

Мустақил ишни таҳлил қилиш варағи

Таҳлил босқичи номи	Таҳлил босқичи мазмуни	Таҳлил натижаси	Баҳолаш	
			кўрсаткичи	мезони, %
1. Масаланинг қўйилиши ва модели	1. Масаланинг муаммо ва мақсадларини формаллаштириш, математик моделини қуриш ҳамда математик моделни ечиш усулини танлаш.		Аниқ ва тўғри	25%
2. Масалани компьютер дастурида ечиш	2. Масалани ечиш алгоритмини қуриш ва шу алгоритм асосида ечимни топишни MS Excel дастурининг имкониятларидан фойдланган ҳолда амалга ошириш.		Тўғри ва аниқ	25%
3. Натижалар таҳлили	3. Олинган натижаларни таҳлил қилиш, шу асосда хулоса ва тавсиялар бериш.		Аниқлик, қарорни асослан-ганлиги	25%
4. Ҳисобот ва тақдимот	4. Қилинган ишлар бўйича ёзма ҳисоботни тайёрлаш ва уни презентация қилиб ҳимоя қилиш.		Лўндалик асосида презентация, саволларга аниқ ва лўнда жавоб.	25%

7.1.8-илова

Мустақил ишни бажаришда ўқитувчи маслаҳати графиги

1. Маслаҳат вақти графигини бевосита кафедрадан олиш мумкин.

Электрон почта орқали ўқитувчига (ёки муаллифга) мурожаат қилиши мумкин: Mirxakimovfx@tfi.uz

1-мавзу	**Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари**

1.1. Кириш мавзу бўйича режа топшириқ ва ўқув-услубий ҳужжатлар

Маъруза режаси:

- “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
- Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.
- Фаннинг таркибий тузилиши.

Машғулотнинг мақсади: Ўқув фани бўйича умумий тасаввурларини шакллантириш ва фаннинг структуравий тузилиши билан таништириш.

Талабанинг ўқув фаолияти натижалари:

1.Фаннинг ахамияти ва вазифаларини тушунтиради;

2.Ўқув фаолияти буйича фаннинг структуравий тузилишини тушунтиради;

3.Фандаги назарий ва амалий янгиликларни ёритади;

4.Фан буйича услубий ва ташкилий ишларнинг асосий томонлари, хамда баҳолаш шакллари ва муддатларини ёритади;

5.Фаннинг бошқа фанлар билан боғликлигини кўрсатади.

Назорат шакли: Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз-ўзини назорат қилиш.	***Максимал балл:*** ***Талабага қўйилган балл:*** _____	***Ўқитувчи имзоси:***_____

Ўқув-услубий Материаллар
I. Ўқув материаллар
1.1. **“Инвестицион лойиҳалаштириш”** *фанининг бошқа фанлар билан алоқаси*

1.2. **“Инвестицион лойиҳалаштириш”** *фани олдида турган вазифалар*

“Инвестицион лойиҳалаштириш” *фани олдида турган вазифалар*

Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланишини ўрганиш;
Инвестицион лойиҳалаштириш асосларини ўрганиш;
Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилишини ўрганиш;
Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузишни ўрганиш;
Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб боришни ўрганиш;
Қурилишнинг смета қийматини аниқлашни ўрганиш;
Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказишни ўрганиш;
Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштиришни ўрганиш;
Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлил қилишни ўргани;

II. ўқув топшириқлар

2.1. Мустақил иш учун вазифа

Берилган схемани фаннинг структураси ва бошқа фанлар билан алоқасини кўрсатиб, тўлдиринг.



III. Маълумотли-Ахборот материаллар

3.1. Курс бўйича талабаларни ўзлаштиришларини баҳолаш мезонлари

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани буйича талабаларни қуйидаги рейтинг буйича баҳоланади:

35% - 35 балл - жорий назорат
35% - 35 балл - оралиқ назорат
30% - 30 балл – якуний назорат

86 - 100% балл - “аъло”
71 – 85% / балл – “яхши”
56 – 70% / балл - “қониқарли”.

Хаар бир маъруза, семинар ва амалий машгулот учун 0,5 дан 2 баллгача куйилади. Рейтинг буйича натижалар баҳоси:
2,0 балл - “аъло”
1,5 балл - “яхши”
1,0 балл - “қониқарли”
0,5 балл - “қониқарсиз”

3.2.

“Аклий ҳужум” методининг асосий қоидалари:

2. Олға сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;

3. Таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!

4. Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир.

5. Фикр билдирилаётганда бўлма!

6. Мақсад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.

7. Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунчалик яхши. Янги ва бебаҳо фикр ва ғоянинг пайдо бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади.

8. Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.

9. Хаёллар «тузғишига» ижозат беринг.

10. Бу муаммо факатгина маълум усуллар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб уйламанг.

11. Фикрлар «ҳужуми»ни ўтказиш вакти аниқланади ва унга қатъиян риоя қилиниши шарт.

12. Берилган саволга кискача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

IV. Ўз-ўзини назорат қилиш учун материаллар:

4.1. Такрорлаш учун савол ва топшириклар:

- “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг моҳияти нимадан иборат?
- “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети нима?
- “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг мақсади нимадан иборат?
- “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг асосий вазифаларини баён этинг.
- “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани қандай иқтисодий фанлар билан боғлиқ?

Ўқув услубий материаллар

I. ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАР

1.1. Гуруҳларда мустақил ишлаш учун топшириқлар

Эксперт варағи №1

1. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг моҳияти ва аҳамияти
2. “Инвестицион лойиҳалаштириш” тушунчаси.
3. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети.

Эксперт варағи №2

Инвестицион лойиҳалаштириш хусусиятлари ва уни ўтказиш режасини изохланг.

1. Инвестицион лойиҳалаштириш режасини тузилиши ва унинг таркиби.
2. Инвестицион лойиҳалаштириш режасини тасдиқлаш жараёни.
3. Инвестицион лойиҳалаштириш режасининг бажарилишини таъминлаш умумий қоидалари.

Эксперт варағи №3

“Инвестицион лойиҳалаштириш” *фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги*

1. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси.
2. Инвестион лойиҳалаштириш босқичлари.
3. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанингиниг “Маркетинг” фани билан алоқаси.

II. Маълумотли-Ахборот материаллар

2.1.

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингни диққат билан тингланг.
Гуруҳ ишларида узаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.
Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда
хамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

1. Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
2. Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

III. Ўз-ўзини назорат қилиш учун материаллар:

3.1. Назорат учун саволлар ва топшириклар:

1. “Инвестицион лойиҳалаштириш” тушунчасига таъриф беринг?
2. “Инвестиция” атамаси қандай маънога эга?
3. Инвестиция киритишдан асосий мақсад нима?
4. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг?
5. Инвестицион лойиҳалаштириш моҳиятини ёритиб беринг?
6. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицион лойиҳалаштириш қандай аҳамият касб этади?

2 -мавзу	Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши

2.1. ***Мавзуий-кўргазмали маъруза машғулоти бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар***

1.		
1.		
		Ўқитувчи имзоси:_____

I. Ўқув материаллар 1.1. *Кластер*



1.2. Инвестиция лойиҳаларининг таснифланиши



II. ўқув топшириқлар

2.1.

Эксперт варағи №1

Инвестиция лойихаларининг мазмун моҳияти ва таснифланиши

1. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмун-моҳити.
2. Инвестиция лойиҳаларининг таснифланиши.
3. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг объектив зарурлиги.

Эксперт варағи №2

Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш объектларининг таснифланиши ва ўзига хос хусусиятлари

1. Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланши.
2. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари.
3. Инвестиция лойиҳасининг ўзига хос белгилари

Эксперт варағи №3

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва молиялаштириш

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида муқоб инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш.
2. Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларнинг аҳамиятии
3. Муқобил инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

2.2. Гуруҳларда мустақил ишлаш учун топшириқ:

III. Маълумотли-ахборот материаллар

3.1.* “Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши”** ***мавзуси буйича маъруза машғулотида талабалар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари.

Маъруза машғулоти рейтинги:

1,5 - 2 балл - “аъло”
1,0 – 1,4 балл - “яхши”
0,5 – 0,9 балл - “қониқарли”
0 – 0,4 балл - “қониқарсиз”

Эксперт гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонлари

К ў р с а т к и ч л а р	***Макс.балл***	***Гуруҳ иши натижаларининг баҳоси***			
		1	***2***	***3***	***4***
Маълумотнинг тўлалиги	1,0				
Тақдимот (маълумотнинг чизмали тарзда тақдим этилиши)	0,6				
Гуруҳнинг фаоллик даражаси (қўшимчалар киритиш, савол-жавоблар бериш)	0,4				
Балларнинг максимал ҳажми	2				

3.2. Инсерт техникаси

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:
- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлайди;
- ўқув маълумотини мустақил ўргангандан сўнг қўлланилади.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;
Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:
- ҳақидаги билимларимга жавоб беради;
«-» - ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;
+ - янги маълумотлар
? – тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қилади) маълумот.

Инсерт жадвали

	+	-	?

3.3. Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонлари

Гуруҳлар	*Жавоб-нинг тўлалиги (1,0)*	*Тақдимот-нинг кўргазмали-лиги (0,5)*	*Гуруҳ иштирокчи ларининг фаоллиги (0,5)*	*Баллар нинг умумий ҳажми*	*Баҳоси*
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					
3-гуруҳ					

Хар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг тақдимотини белгиланган кўрсаткич ва мезонлар асосида баҳолайди. Гуруҳга қўйилган баҳо – ҳар бир талабанинг баҳоси ҳисобланади.

1,5 – 2 балл - “аъло”
1,0 – 1,4 балл - “яхши”
0,5 – 0,9 балл - “қониқарли”
0 - 0,4 балл - “қониқарсиз”

III. Ўз-ўзини назорат қилиш учун материаллар:

3.1. Назорат учун саволлар ва топшириклар:

1. Инвестиция лойиҳаси тушунчасига таъриф беринг.
2. Инвестиция лойиҳаси классификацияси тўғрисида нималар биласиз?
3. Инвестицион лойиҳани баҳолашнинг қандай тамойиллари мавжуд?
4. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳларини молиялаштиришнинг қандай аҳамияти бор?
5. Республикамизда инвестицияларнинг таркибий тузилиши ҳақида нималар биласиз?
6. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг қандай турлари мавжуд?
7. Инвестиция лойиҳани молиялаштириш объекти ва субъектлари ҳақида нималар биласиз?

3- мавзу	Инвестицион лойиҳалаштириш асослари

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати:	*Талабалар сони:*
Ўқув машғулотининг шакли	**Кириш, мавзу бўйича маъруза**
Маъруза режаси	- Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти. - Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида. - Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари. - Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби. - Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ. - Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар). - Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми. - Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи. - Лойиҳалаштириш босқичлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Инвестицион лойихалаштиришнинг иқтисодий мзмун-моҳияти, зарурлиги ва функциялари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш ва билимини чуқурлаштириш ва.	
Педагогик вазифалари: - Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳиятини тушунтиради. - Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифаларини тушунтиради. - Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартибини тушунтиради. - Лойиҳалаштириш бўйича топшириқларни кўрсатиб беради. - Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш	*Ўқув* фаолияти натижаси: - Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти тушунтириш. - Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифаларини тушунтириш. - Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартибини тушунтириш. - Лойиҳалаштириш бўйича топшириқларни тушунтириш. - Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур

хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар) кўрсатиб беради. - Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисмини тушунтиради. - Лойиҳалаштириш босқичларини тушунтиради.	бўлган бошқа материаллар) тушунтириш. - Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисмини тушунтириш. - Лойиҳалаштириш босқичларини тушунтириш.
Ўқиш усуллари ва техника	Маъруза, аклий хужум, блиц-суров, диаграмма
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, компьютер технологияси, графиклардан фойдаланиш.
Ўқитиш шакллари	Жамоа бўлиб ишлаш, гурухларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, Ўқитиш усулларини қуллаш мумкин бўлган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назоарт, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Маърузани технологик картаси

Фаолият босқичлари	***Фаолиятнинг мазмуни***	
	Ўқитувчининг	***Талабаларнинг***
I. Мавзуга кириш босқичи (20 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади. 1.2.Ўқув машғулотининг шакли ва баҳолаш мезонларини тушунтиради (1-илова). 1.3.Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади (ҳар бир талабага). 1.4.Мавзунинг режаси ва асосий тушунчаларини эшиттиради ва қисқача изоҳ беради.	Тинглайдилар. Мавзу номини ва режасини ёзиб оладилар.
II. Асосий босқич (120 дақиқа)	2.1. Берилган саволларга ўйлаб жавоб беришларини таклиф қилади: - Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти тушунтиринг? - Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифаларини тушунтиринг? - Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартибини тушунитириб беринг? - Лойиҳалаштириш бўйича топшириқларага нималар киради? - Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқишнг (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар)? - Лойиҳа таркибини тушунитринг? - Лойиҳалаштириш босқичларини тушунтириб беринг? Тезкор сўров ўтказади. Сўров ўтказиш жараёнида талабаларни йўналтиради, жавобларни аниқлаштириб тўлдиради. 2.2. Талабаларни тўртта кичик гуруҳларга бўлади. Ҳар бир гуруҳ ўтилаётган мавзунинг бир режадаги саволи бўйича “эксперт” бўлиб, ўзгаларга ҳам ўргатишини тушунтиради. 2.3. Гуруҳларга эксперт	Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради. Гуруҳларни фаолиятни ташкил қиладилар. Матнларини ўқиб, саволларга жавоб топадилар. Маълумотни муҳокама қилиб, фикр алмашиб, системалаштирадилар. Тайёр маълумотни тақдим этиш учун чизмали органайзер-лар ишлаб чиқади. Гуруҳ сардорлари тайёр маълумотларни тақдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб

	варақларини тарқатади ва фаолиятларини ташкил қилади (2-илова). 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Тақдимот якунида талабалар диқатини мавзунинг асосий томонларига қаратиб, ҳар битта масала бўйича қисқача хулосалар беради.	беради.
III. Якуний босқич (20 дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. 3.2. Гуруҳларга ўзаро қўйган баҳоларини эълон қилишни таклиф қилади. Натижаларни шарқлайди. 3.3. Мустақил ишлашлар учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова); (2) қўшимча адабиётлардан мавзуга тегишли бўлган янги маълумотларни тўплаш.	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар

4-илова (1.1.)

“Ақлий хужум”нинг асосий қоидалари:
- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса
шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «Ҳужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга кискача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Иш жарёнлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	**Талаба**
1-босқич Кириш. (10 мин.)	1.1.Ўқув машғулоти мавзуси, максади ва Ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади. 1.2.Амалий машғулотни ўтказиш хусусиятлари билан талабаларни таништиради. 1.3.Саволлар бериб талабаларнинг билимларини фаоллиштиради. Блиц-суров утказади. - Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти тушунтиринг? - Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифаларини тушунтиринг? - Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартибини тушунитириб беринг? - Лойиҳалаштириш бўйича топшириқларага нималар киради? - Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқишнг (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар)? - Лойиҳа таркибини тушунитринг? - Лойиҳалаштириш босқичларини тушунтириб беринг? 1.4.Гурухда ишлаш қоидаси билан таништиради ва ҳар бир талаба оладиган иш натижасига кўра баҳолаш мезонини тушунтиради. (1-илова) Гурух фаолиятидаги бажарилган ишлар ёзма варакларда булиши таъкидланади.	1.1.Эшитишади ва езиб олишади 1.2. Топшириқ олади. 1.3. Саволларга жавоб берадилар. 1.4. Тушуниб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1.Машғулотнинг асосий вазифаларини ечиш учун талабалар гурухларга булинади. “Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти” бўйича гурухларнинг ёзма фикрларини куриб чикади. 2.2.Гурухда ишлаш коидаси билан таништирилади. (2-илова)	2.1. Топшириқни бажаради 2.2. Танишади ёзиб олишади 2.3. Топшириқни бажаришади 2.4. Эълонни эшитишади

	2.3.Гурухларга булинган талабаларга Ўқув топширигини беради. (3-илова) 2.4.Гурухда иш бошланганлигини эълон қилади. 2.5.Гурухни узаро хамжихат билан ишлаш ташкил килинади ва тақдимот уюштирилади. 2.6.Топширикни бажариш жараёнида бажарилган ишларни ва билимларини умумлаштиради, килинган хулосага эътибор каратилади.	2.5. Бажарган ишлар тақдимоти утказилади 2.6. Бажарилган ишлар тақдимоти умумлаштирилади.
3-боскич. Якунгий босқич (10 мин.)	3.1.Бажарилган ишлар якунланади, Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантирилади. 3.2.Мавзуни тўлиқ ўзлаштириш мақсадида ўтилган мавзуга тест назорати ўтказилади.(4-илова)	3.1.Баҳоланади. 3.2.Тест саволларига жавоб берадилар

1- илова (1.2.)

Гурухни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	**Жавобларнинг аниқ, равшанлиги (1,0)**	**Ахборотнинг ишончлилиги (0,5)**	**Гуруҳ аъзосининг фаоллиги (0,5)**	***Умумий баллар***	***Баҳо***
1					
2					
3					

Гуруҳ раҳбарларининг чиқиб тушунтириб бериши:

1,5-2 балл – “аъло”

1,0-1,4 балл – “яхши”

0,5-0,9 балл – “ўрта”

2-илова (1.2.)

Гурухда ишлаш қоидаси

Ҳар бир талаба ўртоғини ҳурмат ва эътибор билан эшита билиш керак;

Ҳар кайси талаба, актив ишлаб, берилган топшириқни биргаликда тўғри ёндошиб бажариш керак;

Кимга ёрдам керак бўлса, ёрдам сураш керак;

Ёрдам суралган вактда ёрдам бериш керак;

Ҳар бир қатнашчи иш натижаси баҳолаш жараёнида қатнишиши керак;

Ҳар бир қатнашчи билиши лозим: ёрдам бериб ўрганамиз, биз битта қайиқда, ёки чўкамиз, ёки сузиб ўтамиз!

3-илова (1.2.)

Ўқув топшириғи

*1. "***Инвестицион лойиҳалаштириш асослари"** *мавзусидаги таянч ибораларни изоҳланг?*

Инвестиция, инвестициялаш, инвестицион лойиҳалаштириш, қурилиш, техник, лойиҳалаштириш босқичлари, инвестиция лойиҳалари, инвестиция фаолияти.

2. Лойиҳани тайёрлаш - қурилишни амалга ошириш бўғинларининг асосий йуналишларини келтиринг?

3. Инвестициявий лойиҳалаштириш тафсилотининг зарурлиги нимада?

4. Инвестицияни моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?

5. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга бўлган объектив зарурат нималар билан белгиланади?

4-Мавзу	Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши

4.1. Маърузани ўқитиш технологияси (2маъруза)

Ўқув соати:	*Талабалар сони:*
Ўқув машғулотининг шакли	**Тематик инфармацион маъруза**
Маъруза режаси	1. “Инвестицион жараён” тушунчаси ва унинг мазмуни. 2. Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари. 3. Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.
“Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш” мавзуси бўйича семинар машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	***Фаолиятнинг мазмуни***	
	Ўқитувчининг	***Талабаларнинг***
I. Мавзуга кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 1.2.Қуйидаги саволлар ёрдамида талабаларни билимларини фаоллаштиради: 1. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлигини тушунтириб беринг. 2. Пудрат савдолари ва уларнинг таснифланишини ёритиб беринг. 3. Тендер савдолари қатнашчиларининг функцияларини тушунтиринг. 4. Пудрат савдоларини амалга ошириш тартибини тушунтиринг. Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Муаммоли саволларни ўқийди (1-илова). 2.2. Талабалар билан биргаликда муаммолар-ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Муаммони ишлаб чиқишда талабалар билан биргаликда таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилади. Таклиф қилинган вариантларни аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритада ва улардан биттасида тўхтайди. 2.3. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда муаммоли вазифани ҳал этишни таклиф қилади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади.Жавобларни	Берилган саволларга жавоб берадилар Учта гуруҳга бўлинади-лар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни тақдим этадилар.

	аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Муаммоли вазифани ҳал этишда юзага келган барча қийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6.Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлалигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7.Ҳар бир талабага муаммони ечишда қилган хулосаларини жадвалда қайд этишларини сўрайди (2-илова). 2.8. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	Бошқа гуруҳ аъзола-рининг берган саволларига жавоб беради. Эшитадилар, конспект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзаси-дан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (10дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова); (2) мавзунинг режадаги кейинги учта саволига тайёрланиб келишни, муаммони ажратиб олишга ҳаракат қилишни уқтиради.	Эшитадилар Вазифани ёзиб оладилар

1-илова (8.2)

Муаммоли сўров саволлари:

1. Тендер савдолари деганда нимани тушунасиз?
2. Тендер савдоларни ўтказиш тартибини тушунтиринг?
3. Тендер савдоларни ўтказишнинг қандай турлари мавжуд?
4. Тендер савдолари иштирокчилари кимлар?
5. Тендер савдоларини амалга оширишнинг қандай турларини биласиз?
6. Очиқ танлов савдолари деганда нимани тушунасиз?
7. Ёпиқ танлов савдолари деганда нимани тушунасиз?
8. Икки босқичли танлов савдолари қайси ҳолатларда ўтказилади?

2-илова (8.2)

1-жадвал

Муаммони /кичик муаммоларни ва хулосаларни ишлаб чиқиш, қарор қабул қилиш

Муаммони ишлаб чиқиш Якуний хулоса		*Якуний хулоса*
Кичик муаммони ишлаб чиқиш	*Ечимининг мазмуни*	*Хулосалар*

3-илова (8.2)

Назорат саволлар ва топшириқлар:

1. Тендер савдолари деганда нимани тушунасиз?
2. Қурилишда нархни шакллантириш қандай амалга оширилади?
3. Капитал қурилишда тендерларнинг ташкил этилиши тартиби қандай?
4. Тендер савдоларни ўтказиш тартибини тушунтиринг?
5. Тендер савдоларни ўтказишнинг қандай турлари мавжуд?
6. Тендер савдолари иштирокчилари кимлар?
7. Тендер савдоларини амалга оширишнинг қандай турларини биласиз?
8. Очиқ танлов савдолари деганда нимани тушунасиз?
9. Ёпиқ танлов савдолари деганда нимани тушунасиз?
10. Икки босқичли танлов савдолари қайси ҳолатларда ўтказилади?
11. Капитал қурилиш, асосан, қанақа услубларда олиб борилади ва уларнинг моҳиятини тушунтиринг?

9-мавзу	Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш

9.1. Маърузада таълим технологияси

Ўқув соати:	*Талабалар сони:*
Ўқув машғулоти шакли	Аниқ вазиятларни ҳал этиш маърузаси
Маъруза режаси	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти. 2. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар. 3. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти ҳақида тасаввурларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолиятининг натижалари:***
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш; - Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар ҳақида	- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш; - Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш; - Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби

маълумотлар бериш; - Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартибини тушунтириш. • Мустақил мулоҳаза қилишга ва фикр билдиришга ўргатиш.	ҳақида тасаввурга эга бўлиш; • Мустақил равишда мулоҳаза юритади ва фикр билдиради.
Таълим методлари	Маъруза, тезкор сўров, ақлий ҳужум, намойиш этиш, чизмали органайзерлар техникаси
Таълим воситалари	Маъруза матни, вазиятли топшириқлар, (тарқатма материал), компьютер технологиялари, чизмали органайзерлар.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга мўлжалланган аудитория
Назорат қилиш ва баҳолаш	Савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш, назорат саволлари ва вазифалар.

“Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш” маърузасининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	***Фаолиятнинг мазмуни***	
	Ўқитувчининг	***Талабаларнинг***
Тайёргарлик босқичи	1.Гуруҳлар ишига мўлжалланган вазиятли топшириқлар тайёрлайди. 2.Ўқиб ўрганишлари учун маъруза матнларини беради. Тайёргарлик кўриб келишларини айтади.	
I. Мавзуга кириш босқичи (20 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, ўқитиш натижаларини, мавзунинг режасини эълон қилади. 1.2.Маъруза машғулоти ноанъанавий тарзда ўтишини айтади ва фаолиятнинг асосий хусусиятларини тушунтиради яъни машғулот муаммоли вазиятларни ҳал этиш тамойили асосида ўтказилишини уқтиради. 1.3. Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонларини эълон қилади. Гуруҳ олган баҳони шу гуруҳ иштирокчиларининг барчасига қўйилишини айтади	Тинглайдилар. Ёзиб оладилар.

	(макс.балл 2) (1-илова).	
II. Асосий босқич (120 дақиқа)	2.1.Талабаларни фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров ўтказади (2-илова). 2.2.Экранда слайдларни намойиш этиб, мавзунинг режадаги саволи асосида тушунтиради: 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти. 2. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар. 3. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби. 2.3. Фаоллаштириш мақсадида савол билан мурожаат қилади: - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг асосий мазмунини тушунтиринг? - Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тушунтиринг. 2.6.Талабаларни 3 та гуруҳларга бўлади. Аниқ вазиятли топшириқларни беради. Уни бажариш йўл-йўриқларини тушунтиради (3- илова). Гуруҳлар ишини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради.	Саволларга жавоб беради. Эшитадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Қизиқтирган масалалар юзасидан саволлар берадилар Мулоҳаза қилади, фикр алмашади ва саволларга жавоб беради. Эшитадилар ва зурур маълумотни ёзиб оладилар. Эшитадилар, ёзиб борадилар. Гуруҳда фаолиятни ташкил қилади. Ўзаро фикр алмашади, вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини излайди. Жавобларини формат қоғозига ёзади (15 дақ.). Ҳар бир гуруҳдан биттадан иштирокчи чиқиб ишларини тақдим қиладилар. Берилган

	2.7.Тақдимот бошланишини эълон қилади. Тақдимот учун ҳар бир гуруҳга 5 дақиқа, муҳокамага 5 дақиқа ажратилишини айтади.	саволларга жавоб бериб, ўз ишларини асослайди
III. Якуний босқич (20 дақиқа)	3.1.Мавзунинг дастлабки учта саволини умумлаштиради ва якун ясайди. 3.2. Гуруҳлар ишини фаоллик даражасини қайд қилиб, иш натижаларини баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (4-илова).	Вазифани ёзиб оладилар

1-илова (9.1)

Талабаларни баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари

Гуруҳ	*Баҳо*	*Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари*			
		Маълумот-нинг тўлалиги	*Гуруҳ иштирокчи-ларининг фаоллиги*	*Мисоллар келтира олгани*	*Жами*
	Балл	*1,0*	*0,5*	*0,5*	*2*
1.					
2.					
3.					

Гуруҳларга қўйилган баллар кўрсаткичлари

Гуруҳ	*1*	*2*	*3*	*Умумий балл*	*Баҳо*
1.					
2.					
3.					

2-илова (9.1)

Тезкор-сўров саволлари:

1. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартибини тушунтиринг?
2. “Қишлоқ қурилиш иннвест” инжиниринг кампаниясининг асосий вазифасини тушунтиринг?
3. “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низом қачон ва ким томонидан тасдиқланган?
4. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши учун ипотека кредитини олишда биргаликда қарз олувчилар кимлар ҳисобланади?
5. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ипотека кредити қандай фоиз ставкасида берилади?
6. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун лойиҳа-смета хужжатлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилади?
7. “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институтининг асосий вазифаси?
8. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг қурилишини молиялаштириш манбаларини кўрсатинг?

3-илова (9.1)

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартибини тшунтиринг?
2. “Қишлоқ қурилиш иннвест” инжиниринг кампаниясининг асосий вазифасини тушунтиринг?
3. “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низом қачон ва ким томонидан тасдиқланган?
4. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши учун ипотека кредитини олишда биргаликда қарз олувчилар кимлар ҳисобланади?
5. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ипотека кредити қандай фоиз ставкасида берилади?
6. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун лойиҳа-смета хужжатлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилади?
7. “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институтининг асосий вазифаси?

8. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг қурилишини молиялаштириш манбаларини кўрсатинг?

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд техникаси
(инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – доска)
муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш
ва гуруҳлашни амалга оширишга, жамоа тарзда
ягона ёки аксинча қарама-қарши
позицияни шакллантиришга имкон беради

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради)

Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:
1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва рақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

1-слайд

Қурилаётган уй - жойлар тўғрисида маълумот

Қурилиш олиб бориладиган йиллар	Массивлар сони	Уйлар сони	Қурилиш хажми (минг м2)	Қурилиш киймати (млн сўм)	шу жумладан		
					аҳоли маблағи хисобидан (млн сўм)	аҳоли маблағини улуши (%)	ажратилган имтиёзли кредит хисобидан (млн сўм)
2009 йил	42	847	100,6	50 696,0	19 235,0	37,9	31 461,0
2010 йил	225	6 800	809,7	428 980,8	169 516,1	39,5	256 172,7
2011 йил	372	7 400	1 134,4	576 509,3	208 470,3	36,1	368 039,0
Жами	639	15 047	2 044,6	1 056 186,1	397 221,8		655 672,9

9.2. Семинарда таълим технологияси

Ўқув соати:	***Талабалар сони:***
Ўқув машғулоти шакли	Муаммоли семинар
Маъруза режаси	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти. 2. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар. 3. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар: - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш; - Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар ҳақида маълумотлар бериш; - Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий	***Ўқув фаолиятининг натижалари:*** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш; - Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш; - Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби ҳақида тасаввурга эга бўлиш. .

лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартибини тушунтириш.	
Таълим методлари	Муаммоли метод, тезкор-сўров
Таълим воситалари	Маъруза матни, вазиятли топшириқлар, (тарқатма материал), компьютер технологиялари, чизмали органайзерлар.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Назорат қилиш ва баҳолаш	Савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш, назорат саволлари ва вазифалар.

“Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш” мавзуси бўйича семинар машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	***Фаолиятнинг мазмуни***	
	Ўқитувчининг	***Талабаларнинг***
I. Мавзуга кириш босқичи (20 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 1.2.Қуйидаги саволлар ёрдамида талабаларни билимларини фаоллаштиради: 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг. 2. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартибини тушунтиринг. 3. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг асосий вазифаларини тушунтиринг? 4. намунавий лойиҳалар асосида	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.

	қурилаётган уй-жойларни молиялаштириш тартибини тушунтириг? Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди	
II. Асосий босқич (120 дақиқа)	2.1. Муаммоли саволларни ўқийди (1-илова). 2.2. Талабалар билан биргаликда муаммолар-ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Муаммони ишлаб чиқишда талабалар билан биргаликда таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилади. Таклиф қилинган вариантларни аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритада ва улардан биттасида тўхтайди. 2.3. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда муаммоли вазифани ҳал этишни таклиф қилади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади.Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Муаммоли вазифани ҳал этишда юзага келган барча қийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6.Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлалигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7.Ҳар бир талабага муаммони ечишда қилган хулосаларини жадвалда қайд этишларини сўрайди (2-илова). 2.8. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	Берилган саволларга жавоб берадилар Учта гуруҳга бўлинади-лар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни тақдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзола-рининг берган саволларига жавоб беради. Эшитадилар, конспект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзаси-дан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (20дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг	Эшитадилар

	келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова); (2) мавзунинг режадаги кейинги учта саволига тайёрланиб келишни, муаммони ажратиб олишга ҳаракат қилишни уқтиради.	Вазифани ёзиб оладилар

1-илова (9.2)

Муаммоли сўров саволлари:

1. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартибини тушунтиринг?
2. “Қишлоқ қурилиш иннвест” инжиниринг кампаниясининг асосий вазифасини тушунтиринг?
3. “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низом қачон ва ким томонидан тасдиқланган?
4. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун лойиҳа-смета хужжатлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилади?
5. “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институтининг асосий вазифаси?

2-илова (9.2)

1-жадвал

Муаммони /кичик муаммоларни ва хулосаларни ишлаб чиқиш, қарор қабул қилиш

Муаммони ишлаб чиқиш Якуний хулоса		*Якуний хулоса*
Кичик муаммони ишлаб чиқиш	*Ечимининг мазмуни*	*Хулосалар*

3-илова (9.2)

Назорат саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартибини тшунтиринг?

2. “Қишлоқ қурилиш иннвест” инжиниринг кампаниясининг асосий вазифасини тушунтиринг?

3. “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низом қачон ва ким томонидан тасдиқланган?

4. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши учун ипотека кредитини олишда биргаликда қарз олувчилар кимлар ҳисобланади?

5. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ипотека кредити қандай фоиз ставкасида берилади?

6. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун лойиҳа-смета хужжатлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилади?

7. “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институтининг асосий вазифаси?

8. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг қурилишини молиялаштириш манбаларини кўрсатинг?

10-мавзу	Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили

10.1. Маърузада таълим технологияси

Ўқув соати:	*Талабалар сони:*
Ўқув машғулоти шакли	Аниқ вазиятларни ҳал этиш маърузаси
Маъруза режаси	1. Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти. 2. Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси. 3. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари. 4. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар.
Ўқув машғулотининг мақсади: Лойиҳа бўйича харажатлар ва даромадлар хамда лойиҳа билан боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш юзасидан тасаврларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёритиб беради; - Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси ҳақида тушунчалар беради; - Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беради; - Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар тўғрисида маълумотлар беради.	***Ўқув фаолиятининг натижалари:*** - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳақида тасаввурга эга бўлади; - Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси ҳақида ҳақида тасаввурга эга бўлади; - Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлади; - Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Таълим методлари	Маъруза, тезкор сўров, ақлий ҳужум, намойиш этиш, чизмали органайзерлар техникаси
Таълим воситалари	Маъруза матни, вазиятли топшириқлар, (тарқатма материал), компьютер

	технологиялари, чизмали органайзерлар.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга мўлжалланган аудитория
Назорат қилиш ва баҳолаш	Савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш, назорат саволлари ва вазифалар.

“Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш” маърузасининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	***Фаолиятнинг мазмуни***	
	Ўқитувчининг	***Талабаларнинг***
Тайёргарлик босқичи	1.Гуруҳлар ишига мўлжалланган вазиятли топшириқлар тайёрлайди. 2.Ўқиб ўрганишлари учун маъруза матнларини беради. Тайёргарлик кўриб келишларини айтади.	
I. Мавзуга кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, ўқитиш натижаларини, мавзунинг режасини эълон қилади. 1.2.Маъруза машғулоти ноанъанавий тарзда ўтишини айтади ва фаолиятнинг асосий хусусиятларини тушунтиради яъни машғулот муаммоли вазиятларни ҳал этиш тамойили асосида ўтказилишини уқтиради. 1.3. Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонларини эълон қилади. Гуруҳ олган баҳони шу гуруҳ иштирокчиларининг барчасига қўйилишини айтади (макс.балл 2) (1-илова).	Тинглайдилар. Ёзиб оладилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1.Талабаларни фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров ўтказади (2-илова). 2.2.Экранда слайдларни намойиш этиб, мавзунинг режадаги саволи асосида тушунтиради: 1.Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти. 2.Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси. 3.Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.	Саволларга жавоб беради. Эшитадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Қизиқтирган масалалар юзасидан

	4.Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, ҳуқуқий ва бошқалар. 2.3. Фаоллаштириш мақсадида савол билан мурожаат қилади: - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлил ўтказишнинг заруруияти? - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилишини тушунтиринг? 2.6.Талабаларни 3 та гуруҳларга бўлади. Аниқ вазиятли топшириқларни беради. Уни бажариш йўл-йўриқларини тушунтиради (3- илова). Гуруҳлар ишини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.7.Тақдимот бошланишини эълон қилади. Тақдимот учун ҳар бир гуруҳга 5 дақиқа, муҳокамага 5 дақиқа ажратилишини айтади.	саволлар берадилар Мулоҳаза қилади, фикр алмашади ва саволларга жавоб беради. Эшитадилар ва зурур маълумотни ёзиб оладилар. Эшитадилар, ёзиб борадилар. Гуруҳда фаолиятни ташкил қилади. Ўзаро фикр алмашади, вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини излайди. Жавобларини формат қоғозига ёзади (15 дақ.). Ҳар бир гуруҳдан биттадан иштирокчи чиқиб ишларини тақдим қиладилар. Берилган саволларга жавоб бериб, ўз ишларини асослайди
III. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1.Мавзунинг дастлабки учта саволини умумлаштиради ва якун ясайди. 3.2. Гуруҳлар ишини фаоллик даражасини қайд қилиб, иш натижаларини баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (4-илова).	Вазифани ёзиб оладилар

1-илова (10.1)

Талабаларни баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			
		Маълумот-нинг тўлалиги	Гуруҳ иштирокчи-ларининг фаоллиги	Мисоллар келтира олгани	Жами
	Балл	1,0	0,5	0,5	2
1.					
2.					
3.					

Гуруҳларга қўйилган баллар кўрсаткичлари

Гуруҳ	1	2	3	Умумий балл	Баҳо
1.					
2.					
3.					

2-илова (10.1)

Тезкор-сўров саволлари:

1. Лойиха тахлилининг мохияти нима ва вазифаларига нималар киради?
2. Лойиха тахлили жихатлари ва тузилмасини тушунтиринг.
3. Лойихаларда давлат иштироки қайси шакл ва йўналишда бўлиши мақсадга мувофиқ?

3-илова (9.1)

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Лойиханинг асосий элиментлари нималардан иборат?
2. Лойихаларнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
3. Лойиха хаёт даври босқичларига изоҳ беринг.
4. Лойихавий тахлилининг мохияти нима ва вазифаларига нималар киради?
5. Лойиха тахлили жихатлари ва тузилмасини тушунтиринг.
6. Лойиха техник жихатдан асосланганми?
7. Лойиха тижорат талабларига жавоб берадими?

8. Лойиха ўз-ўзини молиявий жихатдан қоплайдими?

9. У иқтисодий жихатдан ўзини оқлайдими?

10. Лойиха атроф -мухитга қандай таъсир ўтказади?

11. Лойиха махаллий ижтимоий - маданий хусусиятларни хисобга олганми?

12. Лойихани амалга оширишнинг институционал (ташкилий) имкониятлари борми?

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ



1-слайд

Лойиха тахлили тузилмаси

Лойиха тахлилида даромадлар ва харажатлар қуйидаги 7 нуқтаи назардан туриб бахоланади ва улар лойиха тахлилининг 7 бўлимини ташкил этади.

1. Техник тахлил: лойиха техник жихатдан асосланганми?
2. Тижорат тахлили: лойиха махсулотига бозорда талаб борми?
3. Молия: молиявий жихатдан лойиха яроқлими?
4. Лойихага қилинган харажатлар ундан фойдаланувчи (истеъмолчи)лар хисобига қопланадими ?
5. Экология: лойиха атроф-мухитга кандай таъсир кўрсатади?
6. Институционал ривожланиш: лойиха учун масъул бўлган ташкилотлар уни амалга ошириш ва эксплуатация қилишга қодирмилар?
7. Лойиханинг ижтимоий ва маданий талабларга мослиги: Лойиха махаллий шароитларга мосланганми?
8. Лойиха ахолининг айрим гурухларига таъсир кўрсатадими?
9. Иқтисод: лойиханинг ижобий натижалари уни амалга ошириш ва эксплуатация қилиш харажатларидан ортиқми?
10. Лойихада таваккалчилик даражаси қандай?

10.2. Семинарда таълим технологияси

Ўқув соати:	***Талабалар сони:***
Ўқув машғулоти шакли	Муаммоли семинар
Маъруза режаси	1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг мазмуни ва моҳияти. 2. Йирик инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. 3. Лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчилари ва уларнинг функциялари. 4. Лойиҳавий молиялаштириш турлари. 5. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш.
Ўқув машғулотининг мақсади Лойиҳа бўйича харажатлар ва даромадлар хамда лойиҳа билан боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш юзасидан билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар: - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёритиб беради; - Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси ҳақида тушунчалар беради; - Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беради; - Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар тўғрисида маълумотлар беради.	***Ўқув фаолиятининг натижалари:*** - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳақида тасаввурга эга бўлади; - Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси ҳақида ҳақида тасаввурга эга бўлади; - Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлади; - Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Таълим методлари	Муаммоли метод, тезкор-сўров
Таълим воситалари	Маъруза матни, вазиятли топшириқлар, (тарқатма материал), компьютер технологиялари, чизмали органайзерлар.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Назорат қилиш ва баҳолаш	Савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш, назорат саволлари ва вазифалар.

“Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш” мавзуси бўйича семинар машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	***Фаолиятнинг мазмуни***	
	Ўқитувчининг	***Талабаларнинг***
I. Мавзуга кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 1.2. Қуйидаги саволлар ёрдамида талабаларни билимларини фаоллаштиради: - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлил ўтказишнинг заруруияти? - Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилишини тушунтиринг. - Лойихавий тахлилининг мохияти нима ва вазифаларига нималар киради? - Лойиха тахлили жихатлари ва тузилмасини тушунтиринг. Билимларни фаоллаштириш жараёнида, ўқув муаммосини ечиш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди	Тинглайдилар. Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Муаммоли саволларни ўқийди (1-илова). 2.2. Талабалар билан биргаликда муаммолар-ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Муаммони ишлаб чиқишда талабалар билан биргаликда таклиф қилинган вариантларни таҳлил қилади. Таклиф қилинган вариантларни аниқлаштиради, ўзгартиришлар киритада ва улардан биттасида тўхтайди. 2.3. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда муаммоли вазифани ҳал этишни таклиф қилади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради	Берилган саволларга жавоб берадилар Учта гуруҳга бўлинади-лар. Таклиф қилинган муаммоли вазифани ҳал этишга киришадилар. Натижаларни тақдим этадилар. Бошқа гуруҳ

	ва тузатишлар киритади. 2.5. Муаммоли вазифани ҳал этишда юзага келган барча қийинчилик ва тафовутларни қайд этиб, хулосалар қилади. 2.6.Талабалар билан биргаликда жавобларнинг тўлалигини баҳолайди, тўлиқ бўлмаган жавобларни ўзи тўлдиради. 2.7.Ҳар бир талабага муаммони ечишда қилган хулосаларини жадвалда қайд этишларини сўрайди (2-илова). 2.8. Семинар мавзуси бўйича якуний хулосалар қилади.	аъзола-ринининг берган саволларига жавоб беради. Эшитадилар, конспект дафтарларига қисқача қайд қилишади. Муаммони ҳал этиш вариантлари юзаси-дан ўз фикрларини билдирадилар.
III. Якуний босқич (10дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова); (2) мавзунинг режадаги кейинги учта саволига тайёрланиб келишни, муаммони ажратиб олишга ҳаракат қилишни уқтиради.	Эшитадилар Вазифани ёзиб оладилар

1-илова (10.2)

Муаммоли сўров саволлари:

1. Лойиханинг асосий элиментлари нималардан иборат?
2. Лойихаларнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
3. Лойиха хаёт даври босқичларига изох беринг.
4. Лойихавий тахлилининг мохияти нима ва вазифаларига нималар киради?

2-илова (10.2)

1-жадвал

Муаммони /кичик муаммоларни ва хулосаларни ишлаб чиқиш, қарор қабул қилиш

Муаммони ишлаб чиқиш Якуний хулоса		*Якуний хулоса*
Кичик муаммони ишлаб чиқиш	*Ечимининг мазмуни*	*Хулосалар*

3-илова (10.2)

Назорат саволлар ва топшириқлар:

1. Лойихавий тахлилининг мохияти нима ва вазифаларига нималар киради?
2. Лойихаларни техник тахлил қилишнинг вазифаларини тушунтириб беринг.
3. Экологик тахлилиниг мохияти ва вазифасини тушунтириб беринг.
4. Лойихаларнинг салбий экологик оқибатларини бартараф қилиш йўллари қандай?
5. Атроф-мухитга таъсири тўлиқ ва қисман тахлил қилиниши зарур бўлган лойихалар турларини санаб ўтинг.
6. Ижтимоий тахлилнинг вазифаси ва ахамиятини тушунтириб беринг.
7. Ижтимоий тахлилнинг тўрт асосий сохасига (вазифаларига) изох беринг.
8. Институционал тахлилнинг мохиятини тушунтириб беринг.
9. Институционал тахлил вазифалари нималардан иборат, яъни тузилмаси қандай?
10. Лойихалар учун зарур институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
11. Лойихаларнинг молиявий тахлили нима мақсадда ўтказилади?
12. Молиявий рентабеллик тахлилининг мохияти нимада?
13. Молиялаштиришга эхтиёж тахлили қандай амалга оширилади?
14. Харажатларнинг қопланиши тахлилига тавсиф беринг.
15. Иқтисодий тахлил вазифаларини тушунтириб беринг.
16. Иқтисодий тахлилнинг мақсади ва молиявий тахлилдан фарқи нимада?.
17. Инвестиция лойихалари билан боғлиқ қалтис хавфи деганда нимани тушунасиз?
18. қалтис хавфи турларини изохлаб беринг.

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН МАСАЛА ВА МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ

1-масала. Фараз инвестиция лойиҳаси учун 140 млн.сўм миқдорида инвестициялаш кўзда тутилмоқда ва лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинадиган пул тушумлари миқдори йўллар бўйича қуйидагини: биринчи йилда – 37750 минг сўм, иккинчи йилда – 42390 минг сўм, учинчи йилда-47430 минг сўм, тўртинчи йилда – 51140 минг сўм ва бешинчи йилда 60030 минг сўмни ташкил этади. Бунда қопланиш муддати неча йилга тенг эканлигини аниқлаш қандай амалга оширилади?

Ечими: Бунда уч йиллик пул тушумлари йиғиндиси бошланғич инвестициялар миқдоридан кичик, яъни йил 127570 минг сўмни ташкил этади. Тўрт йил бўйича катта (178710 минг сўм) эканлигини ҳисобга олсак, инвестицияларнинг аниқ қопланиш муддати инвестиция лойиҳасининг тўртинчи йилги фаолиятига боғлиқлигини кўрамиз. Уч йиллик олинган даромадларнинг (127570 минг сўм) бошланғич инвестициялардан (140 млн сўм) фарқи 12430 минг сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак (140000 - 127570), ушбу қолдиқ сумманинг тўртинчи йилда олинган даромадларга нисабти унинг қопланиш муддатини кўрсатади, яъни 12430/51140=0,24 коэффициентни, йил ҳисобида эса 2 ой-у 28 кунни (3 йил+2 ой-у 28 кун) ташкил этишини ҳосил қиламиз. Шундай қилиб, инвестиция лойиҳасининг қоплаш муддати, яъни лойиҳани амалга оширишдан олинадиган тушумлар қилинган харажатларни қоплаш вақти ҳисобланади.

2-масала. Фараз қилайлик, инвестиция лойиҳаси учун 140 млн сўм харажат қилинган, лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинадиган соф фойда миқдори йиллар бўйича қуйидагига: биринчи йил – 3350 минг сўм, иккинчи йил – 10990 минг сўм, учинчи йил – 15480 минг сўнг, тўртинчи йил – 21640 минг сўм ва бешинчи йил – 22790 минг сўмни ташкил қилса, у ҳолда фойданинг оддий меъёри (ROI) қандай ҳисобланади?

Ечими: Бу лойиҳа бўйича олинадиган соф фойда йиллар бўйича ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, аввалом бор ўртача йиллик фойдани ҳисоблаб топамиз.

Рч=(3350+10990+15480+21640+22790) минг сўм : 5=74250 минг сўм : 5=14850 минг сўм

Шундан сўнг фойданинг оддий меъёрини (ROI) ҳисоблаймиз:
ROI = 14850 минг сўм : 140.000 минг сўнг = 10,6%.

3-масала. Бирон – бир инвестиция лойиҳаси учун 140 миллион сўм инвестиция қилиш талаб этилади ва ундан кутиладиган натижа йиллар бўйича 18, 40, 75 ва 80 млн. сўмни ташкил этди.

Ўзгармас шароитда доимий дисконт ставкаси – 11%.

У ҳолда соф жорий қийматни топинг?

Ечими:

$$NPV = \left[\frac{18}{(1+0{,}11)} + \frac{40}{(1+0{,}11)^2} + \frac{75}{(1+0{,}11)^3} + \frac{90}{(1+0{,}11)^4} \right] - 140 =$$

$$= (16{,}2 + 32{,}5 + 54{,}8 + 52{,}7)млн.сум - 140млн.сум = (156{,}2 - 140)млнсум = 16{,}2млн.сум$$

4-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида инвестиция лойиҳаси бўйича фойданинг ички меъёрини ҳисобланг?

IRRни ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар

Кўрсаткичлар	Йиллар						NPV
	0-й	1-й	2-й	3-й	4-й	5-й	
Дисконт меъёри – 21,9%							
Соф пул оқими	0,00	814,80	-1679,60	-680,90	331,50	1861,29	
Дисконт кўпайтирувчи	1,00	0,8203	0,6730	0,5521	0,4529	0,3715	
Дисконт пул оқими	**0,00**	**668,42**	**-1130,31**	**-375,90**	**150,13**	**691,541**	**3,84**
Дисконт меъёри – 22%							
Соф пул оқими	0,00	800,80	-1693,60	-688,88	326,18	1858,63	
Дисконт кўпайтирувчи	1,00	0,8197	0,6719	0,5507	0,4514	0,3700	
Дисконт пул оқими	**0,00**	**656,39**	**-1137,87**	**-379,37**	**147,24**	**687,69**	**-25,92**

Ечими: Бу ерда, дисконт ставкаси d1=21,9% ва d2=22%ни бўлгани ҳолда, NPV1=3,84 минг.сўм ва NPV2=-25,92 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳолда IRR қуйидагича ҳисобланади:

$$IRR = 21{,}9\% + \frac{3{,}84}{3{,}84 - (-25{,}92)} \cdot (22\% - 21{,}9\%) = 21{,}9129\%.$$

Демак, инвестиция лойиҳасини баҳолашнинг кейинги усули бўлган IRR фойданинг ички меъёрини иккита формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин экан. Бу кўрсаткич инвестиция лойиҳалари ичидан пул қиймати барча келгуси даврларда бир бўлган шароитда энг афзалини танлаш учун хизмат кўрсатади.

5-масала. Фараз қилайлик, инвестиция лойиҳаси учун 140 млн.сўм харажат қилинган. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида биринчи йил – 37750 минг сўм, иккинчи йил 45390 минг сўм, учинчи йил – 47430 минг сўм, тўртинчи йил- 51140 минг сўм ва бешинчи йил- 60030 минг сўм пул тушумлари олиниши кўзда тутилмоқда. Бу ҳолда инвестиция лойиҳасининг дисконтлашган инвестиция рентабеллиги қандай ҳисобланади?

Ечими:

Рентабеллик индекси ҳисоб-китоби

Т/Р	Кўрсаткичлар	Сумма, минг сўм				
		1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил
1	Пул тушумлари (оқими)	37750	45390	47430	51140	60030
2	Дисконт кўпайтирувчи (d=7%) ёки дисконтлаш коэффициенти	0,9346	0,8734	0,8163	0,7629	0,7130
3	Соф дисконтли тушум (оқим) ёки жорий қийматга келтирилган пул оқими.	35281,1	39643,6	38717,1	39014,7	42801,4

Бунда рентабеллик индекси қуйидагига тенг бўлади:

$$PI = (35281{,}1 + 39643{,}6 + 38717{,}1 + 39014{,}7 + 42801{,}4)\,минг\,сум : 140.000\,минг\,сум =$$
$$= 195457{,}9\,минг\,сум : 140.000\,минг\,сум = 1{,}396\,ёки \approx 1{,}4$$

6-масала. Фараз қилайлик, корхона меҳмонхона қурилиши учун 40 млн. сўм инвестиция қилди (маблағ сарфлади). Меҳмонхонани фойдаланишдан келадиган йиллик пул тушумлари 35, 60, 80 ва 100 млн. сўмни ташкил этади. У ҳолда инвестициянинг дисконтланган қоплаш муддатини ҳисобланг?

Ечими: Бунинг учун, энг аввало, PP — инвестицияларни қоплаш муддати қуйидаги тенглик бажарилиши шарти асосида ҳисобланади:

$$\sum_{t=1}^{n} ACI(t) = I_0,$$

бу ерда, I0 – бошланғич инвестициялар; ACI(t) — t даврдаги пул тушумлари.

Энди инвестицияларнинг дисконтлаштирилган қоплаш муддатини (DPP) ҳисоблаймиз. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$DPP = \frac{I_0}{DCF^{(\Sigma)}},$$

бу ерда, I0 – бошланғич инвестициялар; DCF(Σ) – дисконтлаштирилган йиллик пул тушумлари.

Мазкур кўрсаткични ҳисоблашда юқорида берилган 2.5-мисолга асосланиб тузилган қуйидаги 2.3-жадвалга мурожаат қиламиз. Ушбу жадвалда инвестицияларнинг қоплаш муддати билан бирга

дисконтлаштирилган қоплаш муддати кўрсаткичининг ҳисобланиши келтирилган. Уларнинг бир-биридан фарқ қилишининг ўзига хос жиҳатлари ушбу кўрсаткичларни аниқлаш хусусиятларидан келиб чиқади.

Дисконтлаштирилган қоплаш муддатини ҳисоблаш.

Т/Р	Кўрсаткичлар	0	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил
1	Тушумлар, млн сўмда.		35	60	80	100
2	Дисконтлаштирилган тушумлар, млн. сўмда.		17,5	15	10	6,25
3	Тўловлар (бошланғич инвестициялар)	40				
4	Қоплаш муддати (PP)			1,08 й		
5	Дисконтлаштирилган қоплаш муддати (DPP)				2,75 й	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестицияларнинг қоплаш муддати 1,08 йилни, дисконтлаштирилган қоплаш муддати эса 2,73 йилни ташкил этади. Уларнинг ҳисобланиши қуйидаги кўринишга эга:

$$PP = 35.000.000 + \frac{5.000.000}{60.000.000} = 1йил + 0{,}08 = 1{,}08йил$$ ёки 1йилу 1ой.

$$DPP = \frac{I_0}{DCF^{(\Sigma)}} = 32.500.000 + \frac{7.500.000}{10.000.000} = 2йил + 0{,}75 = 2{,}75йил$$ ёки 2йилу 9ой 3кун

Кўриб ўтган юқоридаги мисолга асосан шундай хулоса қилиш мумкинки, инвестицияларнинг дисконтлаштирилган қоплаш муддати уларнинг дисконтлаштирилмаган қоплаш муддатига қараганда бироз узоқ вақтни, яъни 2 йилу 9 ой 3 кунни ташкил этди. Бу эса, инвестицияларнинг дисконтлаштирилган қоплаш муддатининг келгуси пул тушумлари ва инвестицияларнинг жорий қийматини ҳисобга олиши билан изоҳланади. Демак, инвестицияларнинг қоплаш муддати бўйича ҳисоблаш усули қилинган инвестицияларнинг жорий (реал) қиймати бўйича тўлиқ қопланиш муддатини тавсифлаб беради ва шу жиҳатдан у инвестицияларнинг қоплаш муддати усулидан фарқли равишда афзалроқ ҳисобланади.

7-масала. Фараз қилайлик, янги қурилган кўп қаватли аҳоли уйларини иситиш учун корхона иситиш ва энергия таъминотининг кўмир, газ, мазут турларидан бирини танлаши лозим. Юқори даражадаги энергия таъминотига эришиш учун барча усулларнинг таққослама таҳлили ўтказилади (бунда таҳлилнинг оддий ва тушунарли бўлиши учун биз инвестиция лойиҳаларининг барча вариантларининг ҳаётийлик даври бир хил — 4 йилга тенг деб фараз қиламиз) ва улар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган. Муқобил инвестиция лойиҳалари ичидан энг самаралисини танланг?

Муқобил лойиҳалар таҳлили

Инвести-циялар турлари	Йиллик пул тушумлари суммаси, йиллар бўйича млн.сўмда					Соф жорий қиймат, NPV, млн.сўм	Инвестиц иялар рентабел лиги PI	Фойдани нг ички меъёри, IRR,%
	0-й	1-й	2-й	3-й	4-й			
Кўмир	-1000	750	500	0	0	95,04	1,095	18
Газ	-1000	350	350	350	350	109,45	1,109	15
Мазут	-500	180	180	180	180	70,58	1,141	16

Ечими: Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кўмир сарфи схемасининг паст самарадорликка эга бўлишига сабаб (PI = 1,095) иситиш тизимининг ишга туширилишидан бошлаб учинчи йилга келиб ва ундан кейинги йилларда ҳеч қандай пул тушумларининг умуман келиб тушмаслигидир. Лекин аҳоли уйларига иссиқлик узатишни тўхтатиш имконининг йўқлигигина уни ишлатишни давом эттиришни оқлайди, холос. Шу билан бирга 10% лик дисконт ставкасида бу вариант ижобий NPV га ва у мазут схемасидагига нисбатан катта миқдорга эга. Агар муқобил вариантларни IRR миқдори бўйича таққосласак, кўмир схемаси бир мунча афзалроқ ҳисобланади. NPV миқдори бўйича муқобил лойиҳаларнинг таққосланиши натижасида газ схемаси энг катта миқдорга эгалиги маълум бўлади. Ўз навбатида, мазут схемаси инвестицияларнинг рентабеллиги кўрсаткичи бўйича энг юқори миқдорга эгалиги маълум.

8-масала. Фараз қилайлик, йирик компания молиялаштириш учун бир нечта лойиҳаларни қабул қилди. Бироқ у ўзининг 130000 минг долл. атрофидаги бюджетидан келиб чиқиб, энг самарали лойиҳаларни танлаши лозим. Тақдим этилган лойиҳалар қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар асосида энг самарали лойиҳани танланг?

Муқобил инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш таҳлили

Лойиҳа	Келтирилган инвестициялар, минг долл.	Келтирилган тушумлар, минг долл.	Фойда индекси, PI	Лойиҳа рейтинги
А	10 000	24 000	2,4	2
Б	30	80	2,67	1
В	300	360	1,2	7
Г	80	78	0,98	9
Д	120	170	1,48	5
Е	160	240	1,5	3
Ж	600	680	1,13	8
З	150 000	190 000	1,27	6
И	120 000	175 000	1,46	4

Ечими: Фойдалилик (PI) индекси бўйича юқорироқ рейтингга эга бўлган ва умумий қиймати компания бюджетига тўғри келадиган қуйидаги лойиҳаларни танлаб оламиз.

Танлаб олинган лойиҳалар гуруҳи бўйича даромаднинг соф жорий қийматини (соф келтирилган қийматини) ҳисоблаб топамиз:

NPV = 199320 - 130190 = 69130 минг долл.

PI= 1,53

Оптимал самарага эга лойиҳалар

Лойиҳа	Келтирилган инвестициялар, минг долл.	Келтирилган тушумлар, минг долл.
Б	30	80
А	10 000	24 000
Е	160	240
И	120 000	175 000
Жами	**130190**	**199320**

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, мазкур тўртта инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қабул қилиш компания учун фойдали бўлиб, унинг капиталининг соф жорий қиймати 69130 минг долл.га ўсиши таъминланиши ва инвестициялар рентабеллиги эса 53% ни ташкил этиши кўриниб турибди.

9-масала. Биламизки, энергия таъминотининг кўмир схемасини танлашда пул тушумлари 2 йилдан сўнг бутунлай тўхтаган эди. Шунга кўра, кўмир схемаси вариантининг ҳаётийлик даври 2 йилга тенг бўлиб, шу ҳаётийлик давр мобайнига ва хусусиятига ўхшаш бўлган яна бир янги қўйилмани амалга ошириш мумкин.

Бундай тахминнинг аҳамияти жуда катта, сабаби, у кўмир ва газ схемаларининг соф жорий қийматини максималлаштириш салоҳиятини таққослаш имконини беради (бу ерда мазут схемасини инобатга олмаганлигимизга сабаб, унинг NPV кўрсаткичининг энг кичик қийматга эгалигидир). Бунда ҳар бир схеманинг 4 йиллик ҳаётийлик даврига эгалигини (яъни, қатъий режага кўра, корхона фаолиятининг унинг марказлаштирилган иситиш ва энергия таъминоти тизими таркибига қўшиб олиниши билан тугалланилишини) назарда тутсак, у ҳолда қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ўзаро зиддиятли лойиҳалардан самарали лойиҳани танланг?

Ўзаро зиддиятли лойиҳаларни инвестициялаш натижалари

Инвестициялаш вариантлари ва кўрсаткичлари	Пул тушумлари, йилларда				
	0	**1**	**2**	**3**	**4**
Кўмир схемаси Кўмир учун инвестиция –1 Кўмир учун инвестиция –2	 -1000 -	 750 -	 500 -1000	 750	 500
Кўмир схемаси бўйича жами NPV			173,59		
Газ схемаси Газ учун инвестиция	 -1000	 350	 350	 350	 350
Газ схемаси бўйича жами NPV			109,45		

Ечими: Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестиция лойиҳаларининг таққослама хаётийлик даври шароитида кўмир схемаси икки марталик инвестицияланишига (маблағ сарфланишига) қарамасдан соф жорий қийматнинг катта тушумини таъминлаш имконига эга. Шунга кўра, инвестициялашнинг ушбу варианти иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

10-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида компания капиталининг баҳосини аниқланг:

Т/р	Компания маблағлари манбаларининг номи	Капитал қиймати, минг сўмда	Капиталдаги баъзи бир манбаларнинг салмоғи (%)да	Шу маблағ манбасининг баҳоси (%)да
I.	Ўз ва жалб қилинган маблағлар Шу жумладан:	114.000	76,5	18
1.1	Имтиёзли акциялар	31.000	20,8	20
1.2	Оддий акциялар ва тақсимланмаган фойда	83.000	55,7	16
II.	Қарз маблағлари Шу жумладан:	35.000	23,5	16
2.1	Узоқ муддатли кредитлар	8.000	5,4	8
2.2	Қисқа муддатли кредитлар	27.000	18,1	20
	ЖАМИ	149.000	100	17,1

Ечими: Юқоридаги формула асосида компания капиталининг ўртача тортилган баҳосини ҳисоблаймиз.

.

WASS=

$$\frac{20\cdot 20{,}8+16\cdot 55{,}7+8\cdot 5{,}4+20\cdot 18{,}1}{100}=\frac{416+891{,}2+43{,}2+362}{100}=\frac{1712{,}4}{100}=17{,}\%$$

11-масала. Фараз қилайлик, юқори инфляция шароитида корхона маҳсулоти баҳосининг ойма-ой ўсиши кузатилсин ва сентябр ойида унинг бир бирлиги 130 сўм, октябр ойида — 155 сўм, ноябр ойида — 210 сўм ва декабр ойида — 231 сўмга тенг бўлсин. Бу ҳолда базисли ва занжирли баҳо индексларини ҳисобланг?

Ечими:

Октябр ойида, $I_{баз.}=\frac{155}{130}x100=119\%;\quad I_{зан.}=\frac{155}{130}x100=119\%;$

Ноябр ойида: $I_{баз.}=\frac{210}{130}x100=162\%;\quad I_{зан.}=\frac{210}{155}x100=135\%;$

Декабр ойида: $I_{баз.}=\frac{231}{130}x100=178\%;\quad I_{зан.}=\frac{231}{210}x100=103\%.$

12-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида кредит баҳосининг оптимал вариантини топиш учун тижорат банки бўйича маржани ҳисобланг?

Масалан, ҳисобот ойида банкнинг жалб қилган ресурсларнинг ўрта суммаси 7381792 минг сўм дейлик, уларга тўланадиган харажатлар суммаси 23962 минг сўм бўлса, бунда

Ечими: а) жалб қилинган ресурслар ўртача қиймати (%да)

$$\frac{\text{23962 минг сўм x 365}}{\text{7381792 минг сўм x 30}}\text{x 100 \%}=3{,}89\%$$

Кредит қўйилмаларининг ҳисобот ойида ўртача суммаси 3316916 минг сўмни, буларди олинган даромад эса 43237 минг сўм бўлган

б) Кредит қўйилмаларининг ўртача Қиймати (%да)

43237 минг сўм 365 x 100% = 9,76%

3316916 минг сўм x 30

Банк бўйича маржа (9,76-3,89) % = 5,87 % ни ташкил этади

13-масала. Фараз қилайлик, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун бошланғич инвестиция суммаси 9600 *h* бўлсин, лойиҳани амалга оширишда валюталар курси нисбати (ER) 1 га тенг, яъни валюта курси бир-бирига тенг. Инвестиция лойиҳаси 3 йил муддатга амалга оширилади ва ҳар йили 5000 *f* миқдорда соф пул маблағлари (netcash flaw, NCF) олиши мумкин бўлсин. Инвестор томонидан талаб қилинадиган фойдалилик даражаси, лойиҳани баҳолашда дисконт деб қабул қилинади ва у 18 фоизга тенг

Бошланғич ҳолда бош корхона ва унинг шубъа корхонаси учун дисконт бир хил деб олайлик, лекин амалиётда ҳеч қачон дисконт бир хил бўлмайди.

Прогноз бўйича лойиҳани амалга оширишда валюта курси (ER), биринчи йил – 0,9 иккинчи -0,8 ва учинчи йил – 0,7 га тенг.

Фойдани кўчиришда иккита солиқ турини ҳисобга оламиз: кўчириладиган фойдага солиқ (унинг меъёри 10% бўлсин) ва Бош корхона (Н.Т) мамлакатида дивидендга солиқ (мисол учун 10% га тенг).

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб шуъба корхонаси ва бош корхона бўйича NPV ни ҳисобланг?

Ечими: $NPV_f = \sum_{t=1}^{3} \frac{NCF_t}{(1+d)^t} - 9600f = 5000f \cdot 2.1743 - 9600f = 1271f.$

Умумий ҳолатда лойиҳа самарали бўлиб кўринади, яъни соф жорий қиймат нолдан юқори.

Бош корхона бўйича соф жорий қийматни аниқлаш учун, у оладиган пул маблағларидан солиқлар суммасини айириш лозим, яъни кўчириладиган фойдага солиқ суммаси ва чет элдан олинган даромадга ўз мамлакатида солиқ суммаси.

Бунинг учун қуйидаги ёрдамчи ҳисоб-китобларни амалга оширамиз:

Бош корхона бўйича соф жорий қийматни (NPVh) ҳисоблаш

йил	NCF_f	$NCF_f - WT$	$(NCF_f - pardWT) \cdot ER$	$NCF_h - HT$
1	2	3	4	5
1	5000	4500	4050	3645
2	5000	4500	3600	3240
3	5000	4500	3150	2835

Бу ерда 3 устунда, кўчириладиган фойдага солиқдан сўнгги пул маблағлари, 4 устунда миллий валютани конвертация қилингандан сўнгги пул маблағлари ва охирги устунда ўз мамлакатида солиқни ҳисобга олган ҳолдаги охирги фойда суммаси.

Юқордаги формула асосида бош корхона бўйича соф жорий қийматни ҳисоблаймиз:

$$NPV_h = \sum_{t=1}^{3} \frac{NCF_n}{(1+d)^t} - 9600h = -2459h.$$

Бундан кўринадики, бош корхона нуқтаи назарига кўра инвестиция лойиҳаси самарасиз экан, яъни (NPVh) соф жорий қиймат нолдан кичик экан.

14-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида “АВС” акциядорлик жамиятиннг банк кредити учун унинг кредитга лаёқатлилик ва қўшимча молиявий кўрсаткичларини ҳисобланг?

“АВС” акциядорлик жамиятиннг
2010 ва 2011 йил 31 декабр ҳолатига
Баланси

(минг. сўмда)

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	2010 йил	2011 йил
1	2	3	4
	АКТИВ		
I.	Узоқ муддатли активлар:		
1.1	Асосий воситалар:		
	- бошланғич қиймат	837787	1739221
	- эскириш суммаси	472610	834826
	- қолдиқ қиймати	365177	904395
1.2	Қимматли қоғозлар	44018	44018
I.	Жами узоқ муддатли активлар	409195	948413
II.	Жорий активлар:		
2.1	Товар-моддий заҳиралари ва харажатлар	10650329	11776461
2.2	Дебиторлик қарзлар	437802	435925
2.3	Пул маблағлари	1816	1502
II	Жами жорий активлар	11088131	12213888
	(I+II) жами актив (баланс)	11497326	13162301
	ПАССИВ		
III	Ўз маблағлар манбалари:		
	- устав капитали	49298	49298
	-резерв капитали	333932	865623
	- тақсимланмаган фойда	56580	81034
III	III-бўлим жами	439810	995955
	IV Мажбуриятлар:		
	Узоқ муддати мажбуриятлар:	334405	344405
	Жорий мажбуриятлар:	10713111	11821941
	Шу жумладан,		
	-мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	1859007	1266591
	-Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз	6571569	6056929
	-бюджетга тўловлар бўйича қарз	1719994	3810660
	-суғурталар бўйича қарз	251016	160694
	-мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	229042	365371
	-меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	45801	91565
	-бошқа кредиторлик қарзлар	36682	70131
	Жами мажбуриятлар	11057516	12166346
	(III-IV) баланс пассиви бўйича жами	11497326	13162301

“АВС” ҳиссадорлик жамиятининг 2010 ва 2011 йилларга фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи (31 декабр ҳолатига)

(минг сўмда)

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил
1	2	3	4
1	Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушум	9299029	14434382
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар)нинг таннархи	8467058	13019064
3	Маҳсулот (товар, иш ва хизматларни) сотишнинг ялпи фойдаси	831971	1415318
4	Давр харажатлари – жами Шу жумладан а) сотиш харажатлари б) маъмурий харажатлар в) бошқа операцион харажатлар	330629 17809 35666 277154	964401 37390 162397 764614
5	Асосий фаолият даромади	501342	450917
6	Фоизлар шаклидаги харажатлар	390937	290437
7	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	110405	160480
8	Даромад (фойда) солиғини тўлагунча фойда	110405	160480
9	Даромад (фойда) солиғи	48905	72399
10	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	4920	7047
11	Соф фойда	56580	81034

Ечими: Ликвидлик ва кредитлашга лаёқатлилик коэффициентларини ҳисоблаш

I. Ликвидлилик коэффиценти: (2010 йиол учун)

Ликвидлилик коэффиценти= $\frac{Пул\ маблаглар + осон\ реализация\ буладиган\ талаблар}{киска\ муддатли\ мажбуриятлар(жорий\ мажбуриятлар)} = \frac{439618}{10713111} = 0{,}04$

1.2 Қоплаш коэффициенти:

Қоплаш коэффициенти= $\frac{Киска\ муддатли\ ликвид\ маблаглари}{жорий\ \ мажбуриятлар} = \frac{11088131}{10713111} = 1{,}035.$

1.3 Мухторлик (мустақиллик) коэффициенти:

Мухторлик коэффициенти= $\frac{уз\ маблаглари(хусусий\ капитал)}{баланс\ пассив\ жами} = \frac{439810}{11497326} = 3{,}8\%.$

II. (2011 йил учун)

2.1 Ликвидлик коэффициенти= $\frac{437427}{12166346} = 0.036.$

2.2 Қоплаш коэффициенти= $\frac{12213888}{12166346} = 1.004.$

2.3 Мухторлик коэффициенти= $\frac{995955}{13162301} = 0,076 = 7.6\%.$

III. Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти:
(2010 йил учун)

3.1 Айланувчанлик коэффициенти= $\frac{C}{У.К} = \frac{9299029}{11057516} = 0,84.$

3.2 Айланма маблағларнинг кунлардаги айланувчанлиги=

$\frac{У.К \cdot 360}{C} = \frac{11057516}{9299029} \cdot 360 = 428 кун$.

(2011 йил учун)

3.1 (а) Айланувчалик коэффициенти= $\frac{C}{У.К} = \frac{14434382}{12166346} = 1,19.$

3.2(б) Айланма маблағларнинг кундаги айланувчанлик (кунларда)=

$= \frac{УК \cdot 360}{C} = \frac{12166346}{14434382} \cdot 360 = 303 кун.$

Қўшимча коэффициентлар
IV. Қарз хизматини қоплаш коэффициенти:

(2010 йил учун)

4.1 $\frac{\text{С}оликлар \text{ ва фоизлар } тулангунча \text{фойда}}{фоизлар\ ва\ узок\ муддатли\ карзлар} = \frac{501342}{390937 + 334405} = \frac{501342}{725342} = 0,69\ марта$.

(2011 йил учун)

4.2 $\frac{\text{С}оликлар \text{ ва фоизлар } тулангунча \text{фойда}}{фоизлар\ ва\ узок\ муддатли\ карзлар} = \frac{450917}{290437 + 334405} = \frac{450917}{634842} = 0,71\ марта$

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ТЕСТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган?

a. 1996 йил 30 апрел
b. 1999 йил 24 декабр
c. 1998 йил 30 апрел
d. *1998 йил 24 декабр

2. Инвестиция субъектлари тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг?

a. * Мулкий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмоний, юридик шахслар ва давлатдир
b. Мулкий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмоний шахслар
c. Мулкий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган юридик шахслар
d. Мулкий ва интелектуал бойликларга эга бўлган чет эл фуқаролари

3. Лойиҳаларнинг асосий йўналиши бўйича турларни кўрсатиб беринг?

a. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалар
b. Экологик ва тижорат лойиҳалар
c. *Экологик, ижтимоий ва тижорат лойиҳалар
d. Ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш лойиҳалар

4. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида инвестиция лойиҳасига тўғри таъриф берилган?

a. Чегараланган вақт ва чегараланган ресурсларга асосан қуйилган мақсадга эришиш йўлидаги ўзаро боғлиқ фаолиятлар мажмуидир
b. Бажарилиши керак бўлган ишнинг режаси ёки дастлабки матни,чизмаси
c. Фойда ва ижтимоий самарага эришиш ва капитал қийматини сақлаш учун амалга ошириладиган чора тадбирлар йиғиндиси
d. *Маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник-иқтисодий, бизнес-бошқарув, маркетинг ва ишчлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс хужжатлар йиғиндиси

5. Бир босқичли лойиҳалаштириш асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларини кўрсатинг?

a. *Намунавий ёки такрорий индивидуал лойиҳалар бўйича қуриладиган корхона, бино ва иншоатлар
b. Стратегик аҳамиятга эга бўлган алоҳида бино ва иншоатлар
c. Алоҳида ишлаб чиқариш корхоналари
d. Че эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар

6. Лойиҳа таркибининг технологик қисми ўз ичига нималарни қамраб олади?

a. Қурилишнинг конструктив қарорларини ва ишлаб чиқари жараёнини автоматлаштириш билан боғлиқ қарорларни

b. *Ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси билан боғлиқ лойиҳа қарорлари, ускуналар турлари, ишлаб чиқаришни механизациялаш ҳамда автоматлаштириш даражасини

c. Лойиҳа жойлашадиган жойни танлаш, корхона таркиби ва қувватини аниқлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларини

d. Лойиҳанинг асосий ишлаб чиқариш техника-технологиясини

7. Қисқа ихтисослаштирилган йўналиш бўйича лойиҳалаштириш ишларини кимлар олиб боради?

a. Тармоқ лойиҳа ташкилотлари

b. *Тармоқлараро лойиҳа ташкилотлари

c. Бош лойиҳачи ташкилот

d. Инжиниринг, консалтинг компаниялари

8. Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, инвестиция жараёнининг қайси босқичида амалга оширилади?

a. Инвестиция

b. *Инвестиция олди

c. Инвестиция олди ва инвестиция

d. Эксплуатация

9. Лойиҳани ижтимоий-иқтисодий баҳолаш, инвестиция жараёнининг қайси босқичида амалга оширилади?

a. *Инвестиция олди

b. Инвестиция

c. Эксплуатация

d. Инвестиция олди ва инвестиция

10. Инвестиция лойиҳасининг эксплуатация босқичида амалга ошириладиган ишларни кўрсатиб беринг?

a. Лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги баҳоланади

b. Лойиҳа молиялаштирилади

c. *Лойиҳа ишга туширилиб маҳсулот ишлаб чиқарилади

d. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёни бўйича мониторинг ўтказилади

11. “Ўзинвестлойиҳа” Республика инжиниринг компаниясини қачон ташкил этилган?

a. 2006 йил 20 август

b. *2005 йил 11 июл

c. 2006 йил 30 июн

d. 2005 йил 25 сентябр

12. “Ўзинвестлойиҳа” Республика инжиниринг компаниясининг асосий вазифаларини тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатиб беринг?

a. *Инвестиция олди тадқиқотларини олиб бориш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини халқаро стандартларга мувофик тайёрлаш учун методик тавсияномалар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқиш

b. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва лойиҳанинг молиявий - иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

c. Ишалаб чиқилган инвестиция лойиҳасини комплекс экспертизадан ўтказиш ва ҳулосалар бериш

d. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда хорижий мутахассисларни жалб қилиш

13. Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашда амалга ошириладиган тадбирлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

a. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва маҳсулотлар бозорини баҳолаш

b. Лойиҳа бизнес-режасини ишлаб чиқиш ва комплекс экспертизадан ўтказиш

c. *Технологик қарорларни танлаш, лойиҳанинг самарадорлиги ва ҳаётийлигини баҳолаш

d. Инвестиция лойиҳасининг молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва лойиҳага молиявий риск таъсирини баҳолаш

14. Якуний техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш қандай ҳужжат ҳисобланади?

a. Мумкин бўлган схемаларни кўриб чиқиш асосида технологик асбоб-ускуналар қийматини асословчи ҳужжат

b. *Инвестициялаш лойиҳасини амалга оширишнинг танлов савдолари асосида аниқланган якуний, энг самарали техник, ташкилий ва молиявий-иқтисодий ечимларни белгиловчи ҳужжат

c. Лойиҳани чекланган қийматини, шу жумладан, уни амалга ошириш вариантларини тасдиқловчи ҳужжат

d. Бошланғич қийматга эга бўлган лойиҳавий ҳужжат

15. Рағбатлантирувчи маркетинг-нинг вазифаси нимадан иборат?

a. * Талабни яратиш

b. Тўлиқ талабни ўрганиш

c. Салбий талабни ўрганиш

d. Носоғлом (иррационал) талабни ўрганиш

16. Америкалик иқтисодчи Филипп Котлернинг “Маркетинг бўйича бошқарув” қўлланмасида маркетингнинг нечта тури классификациялаб берилган?

a. 6 та

b. * 7 та

c. 8 та

d. 9 та

17. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишларини кўрсатинг?

a. *Бозорни, сотишни, маҳсулот ва баҳони тадқиқ қилиш

b. Фирманинг рақобатдошлигини ва бошқарув ходимларининг малакасини ўрганиш

c. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини тадқиқ қилиш

d. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун олинадиган технологияни комплекс тадқиқ қилиш

18. Лойиҳа смета ҳужжатларининг зарурлиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

a. Лойиҳанинг умумий қийматини аниқлаш

b. Лойиҳани амлага ошириш жараёнида харажатлар миқдорини аниқлаш

c. Лойиҳани амлга ошириш босқичларида бажариладиган ишларнинг қийматини аниқлаш

d. *Лойиҳа бюджетини шакллантириш ва уни бажариш устидан назорат қилиш

19. Қурилишнинг йиғма смета ҳисоби нечта бобни ўз ичига олади?

a. 6 та

b. 8 та

c. 10 та

d. * 12 та

20. Қурилиш смета қийматининг тўғри харажатларига нималар киради?

a. *Бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ харажатлар

b. Билвосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ харажатлар

c. Қурилишни амалга ошириш жараёнидаги бошқарув ҳодимларини сақлаш харажатлари

d. Қурилишнинг йиғма смета ҳисобида акс эттирилган харажатлар

21. Қурилиш смета қийматини аниқлашнинг ресурсли усули – бу?

a. Смета хужжатлари мавжуд смета меъёрларига асосланиб объект қиймати ҳақиқатда қилинган харажатлардан шаклланади ва фақат қурилиш якунлангандан сўнг аниқланадиган усул

b. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар (ресурслар) елементларини жорий (кутилаётган) нархлар ва тарифларда калкуляциялаш асосида аниқланадиган усул

c. *Ресурс механизмини ресурслар (материал, техник, меҳнат, ускуна, хизмат) индекслари тизими билан уйғунлиги асосида аниқланадиган усул

d. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар ҳақиқатда қилинган харажатлардан шаклланади ва фақат қурилиш якунлангандан сўнг аниқланадиган усул

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинган?

a. * 2000 йил 21 ноябр

b. 2002 йил 18 октябр

c. 2005 йил 8 август

d. 2003 йил 9 июн

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомга асосан танлов савдолари тушунчасига тўғри тариф берилган жавобни кўрсатинг?

a. *Танлов савдолари - танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчини танлаш усули

b. Танлов савдолари - буюртмачи ёки танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган юридик шахс

c. Танлов савдолари - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш ишларини бажариш

d. Танлов савдолари - инвестор ёки товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш учун белгиланган юридик шахс

24. Танлов комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг қанча қисмидан ошмаслиги керак?

a. Комиссия аъзолари умумий сонининг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак

b. Комиссия аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги керак

c. *Комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ошмаслиги керак

d. Комиссия аъзолари умумий сонининг бешдан икки қисмидан ошмаслиги керак

25. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон қачон чоп этилиши мумкин?

a. *Танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирда

b. “Даварҳитектқурилиш” қўмитасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда

c. Танлов комиссиясиниг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда

d. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан

26. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомга кўра Танлов ҳужжатларининг қисмлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

a. Тижорат ва иқтисодий

b. Молиявий ва қурилиш

c. Техник ва молиявий

d. *Умумий, техник ва тижорат

27. Қурилиш ишларини олиб борадиган ташкилотни, капитал қурилишда иштирокчи сифатида қандай номлаш мумкин?

a. Инвестор

b. Буюртмачи

c. Кредитор

d. *Пудратчи

28. Қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги янги уй-жойларни “тайёр ҳолда топшириш” шартларида буюртмачи функциясини қайси ташкилот бажаради

a. “Ўзинвестлойиҳа” инжиниринг компанияси

b. *“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси

c. “Даварҳитектқурилиш” қўмитаси

d. ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”

29. Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига сармоя киритишда бошланғич бадал уй қийматининг неча фоизини ташкил этади?

a. *Қурилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи миқдорида

b. Қурилаётган уй-жой смета қийматининг камида 35 фоизи миқдорида

c. Қурилаётган уй-жой смета қийматининг камида 15 фоизи миқдорида

d. Қурилаётган уй-жой смета қийматининг камида 20 фоизи миқдорида

30. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ипотека кредити неча йил муддатга берилади?

a. 5 йилгача муддатга
b. 10 йилгача муддатга
c. *15 йилгача муддатга
d. 20 йилгача муддатга

31. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси қандай вазифани бажаради?

a. Пудратчи вазифасини
b. Субпудратчи вазифасини
c. *Буюртмачи вазифасини
d. Лойиҳалаштирувчи вазифасини

32. Қарз олувчининг эри (хотини) ёки яқин қариндошлари қарз олувчи сифатида кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашда қатнашиш истагини билдирган тақдирда улар қандай аталади?

a. Якка тартибда қарз олувчилар
b. * Биргаликда қарз олувчилар
c. Қарз олувчилар консорциуми
d. Қарз олувчилар синдикати

33. Ипотека кредити бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тўлашнинг таъминот турига нималар киради?

a. *Ипотека кредити ҳисобига қурилган ёки сотиб олинган уй-жой, учинчи шахслар кафиллиги
b. Учинчи шахслар кафиллиги, суғурта полислари
c. Банкнинг кредит комиссияси қарори асосида қарз олувчининг мулки бўлган бошқа кўчмас мулк
d. Банк кафиллиги

34. Лойиҳавий таҳлил тушунчасига берилган таърифлардан тўғрисини кўрсатиб беринг?

a. *Лойиҳавий таҳлил бу - ҳаражатлар ва даромадлар ҳамда лойиҳа рискларни тизимли баҳолаш йўли билан лойиҳаларни тайёрлаш ва танлаб олиш усулидир
b. Лойихавий таҳлил бу - лойиҳаларни молиявий иқтисодий самарадорлгини дисконт асосида баҳолаш усулидир
c. Лойихавий таҳлил бу - лойиҳани кредитлаш жараёнида кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва муқобил инвестиция лойиҳаларини танлаб олишдир.
d. Лойиҳавий таҳлил бу - лойиҳа билан боғлиқ бўлган молиявий ва техник рискларни тизимли баҳолаш усулидир

35. Лойиҳавий таҳлилнинг нечта бўлими мавжуд?

a. 5 та

b. 7 та

c. *8 та

d. 11 та

36. Лойиҳа риски бу?

a. Лойиҳани амалга оширишдаги ноаниқликлар

b. *Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга халақит берувчи ёки унинг самарадорлигини пасайтирувчи рисклар йиғиндисидир

c. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида маълумотларни аниқ эмаслиги

d. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқариш техника - технологияси билан боғлиқ рисклар

37. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган?

a. 1996 йил 30 апрел

b. 1999 йил 24 декабр

c. * 1998 йил 30 апрел

d. 1998 йил 24 декабр

38. Амалиётда инвестиция лойиҳаларининг классификациялари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

a. * Муддати, кўлами ва асосий йўналиши бўйича

b. Йўналиши, қиймати ва молиялаштириш манбалари бўйича

c. Муддати ва қиймати бўйича бўйича

d. Лойиҳа турлари ва аҳамияти бўйича

39. Лойиҳанинг бошқа турдаги фаолият ва тадбирлардан алоҳида ажратиб турувчи белгиларидан бирини кўрсатинг?

a. * Лойиҳа мақсадлари аниқ белгиланган ва уникал бўлиши лозим

b. Лойиҳанинг молиялаштириш манбалари аниқ бўлиши лозим

c. Лойиҳа иштирокчиларининг сони аниқ бўлиши лозим

d. Лойиҳадан келадиган даромад аниқ ва ўзгармас бўлиши керак

40. Инвестицион лойиҳалаштиришни амалга ошириш босқичларини кўрсатинг?

a. Техник иқтисодий асослаш ва смета қийматини аниқлаш

b. Бизнес режа ва техник лойиҳа асосида амалга ошириладиган ишчи чизмалар

c. * Техник иқтисодий асослаш, техник лойиҳа ва техник лойиҳа асосида амалга ошириладиган ишчи чизмалар

d. Бизнес режа тузиш, смета қиймати ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш

41. Икки босқичли лойиҳалаштириш асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларини кўрсатинг?

a. Намунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган корхона, бино ва иншоотлар

b. * Стратегик аҳамиятга эга бўлган бино ва иншоатлар

c. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар

d. Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхоналарнинг бино ва иншоотлари

42. Лойиҳа таркибининг иқтисодий қисми ўз ичига нималарни қамраб олади?

a. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва автоматлаштириш билан боғлиқ лойиҳа қарорларини

b. Қурилиш ҳажми, конструктив қарорлар ва қурилиш лойиҳасини

c. * Лойиҳа жойлашадиган жойни танлаш, корхона таркиби ва қувватини аниқлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни

d. Лойиҳанинг умумий қиймати, смета хужжатлари ва лойиҳани амалга ошириш жараёнларини

43. Лойиҳанинг ҳаётийлик даври нима?

a. Лойиҳанинг ишга тушган вақтидан то унинг молиялаштиришгача бўлган давр

b. Лойиҳанинг фойда беришдан бошлаб то зарар кўришга юз тутгангача бўлган давр

c. * Лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тугатилгунга қадар ўтган вақт оралиғи

d. Лойиҳанинг креидт бўйича қарздорликлари ёпилишигача бўлган вақт оралиғи

44. Жаҳон амалиётида инвестиция олди фазасининг нечта босқичлари бор?

a. 2 та

b. 3 та

c. * 4 та

d. 5 та

45. Пудрат асосида қурилиш учун шартномалар тузиш инвестиция жараёнининг қайси босқичида амалга оширилади?

a. Инвестиция олди

b. Ишлаб чиқариш

c. * Инвестиция

d. Инвестиция олди ва эксплуатация

46. Бизнес-режа нима мақсадда тузилади?

a. Қарз олиш учун

b. Ўз бизнесини молиялаштириш манбаларини аниқлаш учун
c. Рискларни аниқлаш ва фойдани ошириш учун
d. * Корхонанинг стратегик истиқболини белгилаш учун

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзинвестлойиҳа" Республика инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қачон қабул қилинган?

a. * 1995 йил 11 июл
b. 1998 йил 5 апрел
c. 1992 йил 10 ноябр
d. 1999 йил 28 май

48. "Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги низом қачон ва ким томонидан қабул қилинган?

a. * Вазирлар Маҳкамасининг 110 - сонли қарори билан 2007 йил 7 июнь
b. Вазирлар Маҳкамасининг 174 - сонли қарори билан 2007 йил 15 август
c. Вазирлар Маҳкамасининг 251 - сонли қарори билан 2005 йил 15 ноябрь
d. Вазирлар Маҳкамасининг 265 - сонли қарори билан 1995 йил 11 июнь

49. Дастлабки техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш қандай ҳужжат ҳисобланади?

a. * Лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимларини, технологик асбоб-ускуналар қийматини асословчи ҳужжат
b. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг танлов савдолари асосида аниқланган якуний ечимларини белгиловчи ҳужжат
c. Чекланган қиймат ва иш ҳужжатларига эга бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқланадиган қисмдан иборат ҳужжат
d. Иш ҳужжатларига эга бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқланадиган қисм

50. Маркетингнинг мақсади нима?

a. Рақобатчилар ҳақида доимий ахборот йиғиб бориш.
b. * Корхона муваффақият қозониши мумкин бўлган маълум бир бозор ҳақида доимий ахборот йиғиб бориш
c. Ишлаб чиқарилган товар учун потенциал харидорни аниқлаш
d. Ишлаб чиқарилган товар учун мавжуд харидорни аниқлашдир

51. Ремаркетинг қачон кулланилади?

a. * Талаб пасайганда
b. Таклиф пасайганда
c. Талаб кучайганда

d. Таклиф кучайганда

52. Конверсион маркетинг- бу?

a. * Истеъмолчиларни ишонтириш ва товар туғрисидаги ёлғон маълумотларни инкор этиш орқали талабни вужудга келтиришдир

b. Истеъмолчилар билан фойдали ўзаро алоқа ўрнатиш орқали талабни вужудга келтиришдир

c. Янги товарлар яратиш устида иш олиб бориш ва янги талаб даражасини вужудга келтиришдир

d. Нархни кўтариш, сервисни қисқартириш йўли билан талабни вақтинчалик пасайтириш

53. Маркетингда бозорни ўрганиш тушунчаси ўзига нималарни қамраб олади?

a. * Харидорларнинг товарларга бўлган талаблари, "бозор сиғими" ва рақобатчи фирмалар товарларининг таҳлили.

b. Бозордаги миллий валюта ва халкаро валютани сотиб олиш имкониятлари.

c. Рақобатчилар ва ишлаб чиқариш имкониятлари таҳлили.

d. Нарх-наво, талаб-таклиф.

54. Қурилишнинг йиғма смета ҳисоб қийматида кўзда тутиладиган объектларни кўрсатинг?

a. Фақат корхоналар

b. * Корхона, бино, иншоотлар

c. Бино ва иншоотлар

d. Бинолар ва турли қурилмалар

55. Локал смета ҳисоби – бу?

a. Лойиҳанинг қурилиш, технологик ва ташкилий қисмлари харажатлари учун тузиладиган ҳужжат

b. * Ҳар бир иш тури бўйича ишчи чизмаларга асосан тузиладиган ҳужжат

c. Қурилишда ҳар бир иш тури қийматини аниқлаб берувчи ҳужжат

d. Корхона, бино ва иншоотларнинг қийматини аниқлаб берувчи асосий ҳужжат

56. Қурилиш смета қийматини аниқлашнинг нечта усули мавжуд?

a. 5 та

b. 4 та

c. * 3 та

d. 2 та

57. Ўзбекистон Республикасида смета харажатлари қанча муддатга тузилади?

a. * Бир молия йилига
b. Икки молия йилига
c. Уч молия йилига
d. Тўрт молия йилига

58. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низом қачон қабул қилинган?

a. 2001 йил 13 августда
b. 2002 йил 7 майда
c. * 2003 йил 3 июлда
d. 2004 йил 6 сентябрда

59. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомга кўра танлов савдоларининг шакллари тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг?

a. Бир ва икки босқичли танлов савдолари
b. Очиқ ва икки босқичли танлов савдолари
c. Ёпиқ ва икки босқичли танлов савдолари
d. * Очиқ, ёпиқ ва икки босқичли танлов савдолари

60. Ёпиқ танлов савдолари қайси ҳолларда ташкил этилади?

a. * Ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги билан фарқланадиган ва фақат пудратчиларнинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда
b. Техник ва тижорат жиҳатидан аниқланиши ҳамда тузатилиши керак бўлган ҳолларда
c. Ишлар ва хизматлар давлат буюртмасига асосан бажарилиши зарур бўлган ҳолларда
d. Буюртмачининг хоҳишига кўра очиқ ёки ёпиқ тендерлар ташкил этилади

61. Очиқ тендерлар бўйича оферталарни тақдим этиш муддати оммавий ахборот воситаларида берилган кундан бошлаб неча кун бўлиши керак?

a. Камида 30-35 кундан иборат бўлиши керак
b. Камида 35 кундан иборат бўлиши керак
c. Камида 15 кундан иборат бўлиши керак
d. * Камида 30 кундан иборат бўлиши керак

62. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомга асосан танлов савдолари қаерда ўтказилади?

a. * Буюртмачи жойлашган жойда
b. “Давархитектқурилиш” қўмитасининг биносида
c. Махсус танлов савдолари ўтказиш учун ташкил қилинган биноларда

d. Молия вазирлигининг махсус танлов савдолари ўтказиладиган биноларда

63. Пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин неча кун муддатда тузилади?

a. * 10 кун муддатда
b. 15 кун муддатда
c. 30 кун муддатда
d. 3 кун муддатда

64. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг қурилишини молиялаштириш манбаларини кўрсатинг?

a. Чет эл инвестициялари
b. Республика бюджети маблағлари
c. * Инвесторларнинг маблағлари, тижорат банклари кредитлари
d. Маҳаллий бюджет маблағлари

65. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун лойиҳа-смета хужжатлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилади?

a. “Ўзинвестлойиҳа” инжиниринг компанияси
b. * “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институти
c. “Даварҳитектқурилиш” қўмитаси
d. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси

66. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ипотека кредити қандай фоиз ставкасида берилади?

a. Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 30 фоизи миқдорида
b. Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 40 фоизи миқдорида
c. * Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида
d. Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 60 фоизи миқдорида

67. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши учун ипотека кредитини олишда биргаликда қарз олувчилар кимлар ҳисобланади?

a. Ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган ери (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (қайнотаси-қайнонаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари)

b. * Ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган ери (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари)

c. Ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган ери (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (фарзандлари ва бошқа яқин ва узоқ қариндошлари)

d. Ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган ери (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ака-укалари, опа-сингиллари ва дўстлари)

68. "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида"ги Низом қачон ва ким томонидан тасдиқланган?

a. Ўзбекистон Республикаси Презедентининг 2007 йил 12 июндаги 1442-сон қарори

b. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 сентябрдаги 112-сон фармойиши

c. * Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори

d. Адлия Вазирлигининг 2007 йил 27 августдаги 119-сон қарори

69. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши учун ипотека кредитлари ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан қандай валютада берилади?

a. Хорижий валютада

b. * Миллий валютада

c. Миллий ва хорижий валюталарда

d. Эркин алмаштириладиган хорижий валютада

70. Инвестиция лойиҳасининг комплекс таҳлил қилиш босқичлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

a. Ликвидлик, рентабеллик, мухторийлик

b. Ишлаб чиқариш, ликвидлик, тижорат ва молиявий

c. Қоплаш муддати, рентабнллик, фойданинг ички меъёри, молиявий-иқтисодий

d. * Техник, тижорат, молиявий-иқтисодий, экологик, ижтимоий, институционал

71. Лойиҳанинг техник таҳлили қачон амалга оширилади?

a. * Маркетинг нуқтаи назардан ижобий ҳулоса олингач

b. Техника – технолияларни сотиб олишда

c. Маркетинг тадқиқотларни ўтказиш жараёнида

d. Лойиҳнинг ишлаб чиқариш фазасида

72. Рискларни кандай жиҳатдан тақсимлаш мумкин?

a. * Сифат ва миқдор

b. Рискларни қайта тақсимлаш

c. Рискларни сифатли баҳолаш

d. Рискларни миқдорий баҳолаш

73. Инвестицион лойиҳалаштириш тушунчасига тўғри тариф берилган жавобни кўрсатинг?

a. * Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишини ўз ичига олувчи техник хужжатлар комплексидир

b. Ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник-иқтисодий, бизнес-бошқарув, ишлаб чиқариш режаларига асосланган комплекс хужжатлар йиғиндисидир.

c. Лойиҳа – бу ўзига хос фаолият туридир

d. Лойиҳа техник материаллар (чизмалар, биноларнинг, иншоатларнинг, машиналар ва ускуналарнинг макети ва ҳ.к.)дир.

74. Амалиётда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддати бўйича турларини кўрсатинг?

a. Кичик ва ўрта лойиҳалар

b. Кичик ва йирик лойиҳалар

c. Ўрта, йирик ва стратегик лойиҳалар

d. * Кичик, ўрта, йирик, мега лойиҳалар*

75. Лойиҳа фаолияти қандай чегараланишга эга?

a. Ички ресурслар бўйича чегараланиш

b. Ташқи ресурслар бўйича чегараланиш

c. * Вақт, техник вазифалар ва пул ресурслари бўйича чегараланиш

d. Табий бойликлар ва хом-ашё ресурслари бўйича чегараланиш

76. Бино ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш босқичлари тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг?

a. 1 ва 3 босқич

b. 2 босқич

c. 1 босқич

d. * 1 ва 2 босқич

77. Бино ва иншоатларни қурилиш лойиҳасининг қисмлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

a. * Технологик, қурилиш ва иқтисодий қисми

b. Ижтимоий ва иқтисодий қисми

c. Қурилиш ва ишлаб чиқариш қисми

d. Қурилиш, смета ва ишлаб чиқариш қисми

78. Лойиҳа таркибининг қурилиш қисми ўз ичига нималарни қамраб олади?

a. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технология билан боғлиқ қарорларни

b. * Қурилиш ҳажмини, конструктив қарорларни ва қурилишни ташкил этиш лойиҳасини

c. Лойиҳа амлга оширилдиган жой, корхона таркиби ва қувватини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни

d. Лойиҳа чизмалари ва макетлари, смета ҳужжатларини

79. Инвестицион жараён босқичлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

a. Бизнес-режа, инвестиция ва ишлаб чиқариш

b. * Инвестиция олди, инвестиция ва эксплуатация

c. Бизнес режа, инвестиция олди ва инвестиция

d. Музокара, инвестиция ва эксплуатация

80. Инвестиция жараёнининг қайси босқичида лойиҳа ҳужжатлари шаклланади, таҳлил қилинади ва маркетинг тадқиқотлари ўтказилади?

a. * Инвестиция олди

b. Инвестициялаш

c. Эксплуатация

d. Инновация

81. Жаҳон амалиётида инвестиция олди фазаси харажатари умумий капитал харажатларининг қанча фоизини ташкил этади?

a. 10% гача

b. * 0,7-5% гача

c. 2% гача

d. 7%гача

82. Бизнес-режанинг асосий функциялар қайси жавобда тўғри берилган?

a. Тақсимлаш ва назорат

b. * Инвестицияларни жалб қилиш, стратегия ва режани ишлаб чиқиш, назорат

c. Рағбатлантириш ва назорат

d. Инвестицияларни жалб қилиш ва тақсимлаш

83. “Ўзинвестлойиҳа” Республика инжиниринг компанияси ташкил этилганда унинг устав фонди қанча миқдорда шакллантирилган?

a. 30 млн. сўм

b. 25 млн. сўм

c. * 20 млн. сўм

d. 22 млн. сўм

84. Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослашнинг моҳияти нима?

a. Лойиҳани турли жиҳатлари бўйича баҳолаш ва амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш.

b. * Лойиҳани амалга оширишга таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш асосида лойиҳанинг мақсадига эришишнинг самарали йўлларини аниқловчи молиявий, иқтисодий, техник ва унга оид ҳужжатлар тўплами.

c. Инвестиция лойиҳасининг инвесторлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда техник ва иқтисодий баҳолаш.

d. Инвестиция лойиҳасини қонун ҳужжатлари талабларига мос равишда баҳолаш.

85. Дастлабки техник-иқтисодий асослаш нималарни ўз ичига олади?

a. * Лойиҳанинг оқилона жойлаштиришни энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни

b. Лойиҳанинг ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни

c. Лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичларини

d. Лойиҳанинг молиявий-иқтисодий ечимини

86. Маркетинг стратегияси нима?

a. Корхонанинг бозордаги фаолиятини режалаштнриш усули

b. * Корхонанинг истиқболи учун бозордаги ҳаракатларини аниқ мақсадлар бўйича режалаштириш усули

c. Корхонанинг бозордаги ҳаракатларини ўрта муддатлар бўйича режалаштириш усули

d. Корхонанинг бозордаги ҳаракатларини бир йилга бўлган режалари

87. Лойиҳада маркетинг тадқиқотининг асосий вазифаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

a. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун олинадиган технологияни комплекс ўрганиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш

b. Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режа ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш

c. Бозордаги рақобатчиларни ўрганиш ва лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

d. * Бозордаги ижтимоий талаб ҳолати ва ўзгаришни ўрганиш натижасида корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот зарурлиги ва истиқболи ўрганиш

88. Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун АҚШда йиллик сотиш ҳажми 25 млн. доллар бўлган компаниялар ўратача қанча маблағ сарфлайди?

a. Ўз маркетинг бюджетининг 1,5 фоизни

b. Ўз маркетинг бюджетининг 2,5 фоизни
c. * Ўз маркетинг бюджетининг 3,5 фоизни
d. Ўз маркетинг бюджетининг 4,5 фоизни

89. Инвестиция бозорида маркетинг тадқиқотлари қандай мақсадларда олиб борилади?

a. Инвестиция муҳитини ўрганиш
b. * Энг юқори самара келтирувчи инвестициялаш соҳлари ва объектларини тадқиқ этиш ва аниқлаш
c. Инвестиция бозорида потенциал инвесторларни аниқлаш
d. Инвестициялар маҳсулотларини жойлаштириш объектларини тадқиқ этиш

90. Қурилишнинг йиғма смета ҳисоб қийматида кўзда тутиладиган объектларни кўрсатинг?

a. * Корхона, бино ва иншоотлар
b. Корхонананинг асосий воситалари
c. Бинолар
d. Бинолар ва турли қурилмалар

91. Қурилишнинг локал смета қийматини аниқлаш нималарга асосланади?

a. * Конструктив элементлар ва иш турларига
b. Лойиҳанинг қурилиш, технологик қисмлари ва харажатларга
c. Лойиҳа бўйича бажариладиган ҳар бир иш турига
d. Қурилишнинг йиғма сметасига

92. Қурилиш смета қийматини аниқлашнинг базис - компенсацион усули ?

a. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган харажат элементларини жорий нархлар ва тарифларда калкуляциялаш асосида аниқланадиган усул
b. Ресурс механизмини ресурслар (материал, техник, меҳнат, ускуна, хизмат) индекслари тизими билан уйғунлиги асосида аниқланадиган усул
c. * Смета хужжатлари мавжуд смета меъёрларига асосланиб объект қиймати ҳақиқатда қилинган харажатлардан шаклланади ва фақат қурилиш якунлангандан сўнг аниқланадиган усул
d. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар режадаги харажатлардан шаклланади

93. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинган?

a. 2005 йил 13 август
b. * 2003 йил 3 июль
c. 2004 йил 20 май

d. 2003 йил 17 август

94. “Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида”ги НИЗОМ қачон қабул қилинган?

a. 2001 йил 22 декабрь
b. 1999 йил 30 август
c. * 2000 йил 21 ноябрь
d. 2002 йил 20 октябрь

95. Танлов савдолари қатнашчилар тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

a. * Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси танлов комиссияси ва оферентлар
b. Бюртмачи, чет эл корхоналари, жисмоний ва юридик шахслари
c. Пудрат ва қурилиш ташкилотлари
d. Буртмачи, холдинг ва шўъба корхоналар, “Давархитектқурилиш” қўмитаси

96. Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарорни ким қабул қилади?

a. Танлов комиссияси
b. “Давархитектқурилиш” қўмитаси
c. Иқтисодиёт вазирлиги
d. * Вазирлар Маҳкамаси

97. Ёпиқ тендерлар бўйича оферталарни тақдим етиш муддати оммавий ахборот воситаларида берилган кундан бошлаб неча кун бўлиши керак?

a. Камида 30 кундан иборат бўлиши керак
b. * Камида 35 кундан иборат бўлиши керак
c. Камида 30-35 кундан иборат бўлиши керак
d. Камида 15 кундан иборат бўлиши керак

98. Танлов савдолари натижалари бўйича белгиланадиган танлов савдолари предмети нархи қандай нарх хисобланади?

a. Бошланғич нарх
b. Қатъий нарх
c. Жорий нарх
d. * Шартномавий жорий нарх

99. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қачон қабул қилинган

a. 2010 йил 10 август

b. 2009 йил 25 июл
c. * 2009 йил 3 август
d. 2011 йил 15 ноябр

100.“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача қайси солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод этилган?

a. * Барча турдаги солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан
b. Пенсия жамғармаси
c. Қўштлган қиймат солиғидан, бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлардан, бож тўловларидан
d. Хосилдор ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармаси

101.Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ипотека кредити миқдори қанчани ташкил этади?

a. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан ошмайдиган миқдорда
b. * Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда
c. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 бараваридан ошмайдиган миқдорда
d. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваридан ошмайдиган миқдорда

102.Намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун қандай ер массиви танлаб олинади?

a. Қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирадиган ерлар
b. * Қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ерлар
c. Суғориладиган ерлар
d. Суғорилмайдиган ерлар

103.Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни кимлар амалга ошириши мумкин?

a. * Пудратчилар билан уйга эгалик қилувчиларнинг ўз кучлари билан
b. Лойиҳалаштирувчилар томонидан
c. Субпудрат ташкилотлари ва уйга эгалик қилувчиларнинг ўз кучлари билан
d. Лойиҳалаштирувчилар ва уйга егалик қилувчиларнинг ўз кучлари билан

104.Бир йилдан ортиқ муддат билан уй-жой қурилишига ўтказилган қурилиш-уй-жой омонат қўйилмасига қанча миқдорда фоизлар ҳисоблаб ёзилади?

a. Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 25 фоизи миқдорида

b. Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида

c. Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 75 фоизи миқдорида

d. * Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда

105.Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши учун ипотека кредити олиш юзасидан буюртманомани кўриб чиқиш муддати неча кунни ташкил этади?

a. Кредит олишга буюртманома ва кредит олиш билан боғлиқ барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 7 банк кунидан ошмаслиги керак

b. Кредит олишга буюртманома ва кредит олиш билан боғлиқ барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 10 кундан ошмаслиги керак

c. Кредит олишга буюртманома ва кредит олиш билан боғлиқ барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 12 кундан ошмаслиги керак

d. * Кредит олишга буюртманома ва кредит олиш билан боғлиқ барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 15 банк кунидан ошмаслиги керак

106.Лойиҳавий таҳлилнинг энг охирги босқичини кўрсатинг?

a. Молиявий-иқтисодий таҳлил

b. Институционал таҳлил

c. * Рисклар таҳлили

d. Техник таҳлил

107.Лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири бўйича масъул ташкилотни аниқланг?

a. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

b. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

c. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

d. * Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

108.Қандай лойиҳаларда риск ҳисобга олинмайди?

a. Лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитларида ноаниқлик бўлган лойиҳаларда

b. Лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари тўғрисида тўлиқ маълумот бўлмаган лойиҳаларда

c. Тахминий режа кўрсаткичлари бўлган лойиҳаларда

d. * Детерминлашган режа кўрсаткичлари бўлган лойиҳаларда

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР (ЖН, ОН, ЯН)

Вариант № 1

1. “Инвестицион лойиҳалаштириш” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Инвестиция лойиҳалари таснифланиши ва уларнинг хусусиятлари.
3. Инвестициявий цикл, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 2

1. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва таснифланиши.
2. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.
3. Смета ҳужжатларини тузиш услубиёти, таркиби ва кўринишлари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 3

1. Инвестиция лойиҳалари бўйича бизнес-режа тузиш зарурлиги ва аҳамияти.
2. Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.
3. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва таснифланиши

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 4

1. Лойиҳаларни амалга оширишда замонавий маркетинг концепцияси.
2. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти.
3. “Инвестицион лойиҳалаштириш” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 5

1. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш зарурлиги ва босқичлари.
2. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.
3. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқичлари ва уни тасдиқлаш тартиби.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 6

1. Маркетинг стратегияси босқичлари.

2. Инвестиция лойиҳасини техник – иқтисодий асослаш (Т.И.А.) иқтисодий мазмун моҳияти ва таркиби.

3. Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 7

1. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари.

2. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва таснифланиши

3. Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 8

1. Лойиҳавий таҳлилнинг иқтисодий мазмун моҳияти ва таркибий тузилиши.

2. Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари (Буюртмачи ва Танлов комиссияси функциялари).

3. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 9

1. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари.

2. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги.

3. Лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш тартиби.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 10

1. Маркетинг тушунчаси, турлари ва стратегияси

2. Тендер савдолари ва уларнинг таснифланиши

3. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг вазифалари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 11

1. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг вазифалари.

2. Лойихаларни техник тахлил қилишнинг вазифалари ва таркиби

3. Маркетинг стратегиясининг иқтисодий мазмун моҳияти ва боскичлари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 12

1. Инвестиция лойиҳаларида экологик тахлилнинг мохияти
2. Маркетинг тушунчаси, турлари ва стратегияси
3. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва таснифланиши.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 13

1. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги.
2. Инвестиция лойиҳаларида ижтимоий тахлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари
3. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 14

1. Лойиха тахлилининг мохияти нима ва вазифаларига нималар киради.
2. Тендер савдоларини амалга ошириш тартиби.
3. Инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш тартиби.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 15

1. Инвестиция жараёнининг иқтисодий мазмун моҳияти.
2. Инвестиция лойиҳаларида институционал тахлилнинг мохияти ва мақсадлари
3. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг вазифалари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 16

1. Бизнес-режанинг таркибий тузилиши ва унинг бўлимларининг ўзаро боғлиқлиги.
2. Маркетинг тадқиқотларининг мақсад ва вазифалари
3. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 17

1. Молиявий тахлилнинг мохияти ва турлари

2. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг вазифалари.

3. Инвестиция лойиҳалари таснифланиши ва уларнинг хусусиятлари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 18

1. Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичларининг мазмун моҳияти.

2. Тендер савдоларининг иқтисодий мазмун моҳияти ва амалга ошириш тартиби.

3. “Инвестицион лойиҳалаштириш” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 19

1. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари.
2. Инвестиция лойиҳалари таснифланиши ва уларнинг хусусиятлари.
3. Инвестиция лойихаларида риск тахлили.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 20

1. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.
2. Бизнес-режа нима ва унинг вазифалари нимадан иборат.
3. Маркетинг тушунчаси, турлари ва стратегияси

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 21

1. Инвестиция олди босқичининг асосий вазифалари нималардан иборат.
2. Смета ҳужжатларини тузиш услубиёти, таркиби ва кўринишлари..
3. Тендер савдоларининг иқтисодий мазмун моҳияти ва таснифланиши.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 22

1. Инвестиция лойиҳалари таснифланиши ва уларнинг хусусиятлари.
2. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти.
3. Лойихаларни техник тахлил қилишнинг вазифаларини тушунтириб беринг.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 23

1. Экологик таҳлилининг моҳияти ва вазифасини тушунтириб беринг.
2. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги.

3. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва таснифланиши

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 24

1. Маркетинг тушунчаси, турлари ва стратегияси
2. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг вазифалари.
3. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва таснифланиши

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 25

1. Инвестицион лойиҳа, унинг мақсади ва моҳияти.
2. Смета ҳужжатларини тузиш услубиёти, таркиби ва кўринишлари.
3. Ижтимоий таҳлилнинг вазифаси ва аҳамиятини тушунтириб беринг

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 26

1. Инвестиция жараёнининг мазмун – моҳияти ва босқичлари.
2. Инвестиция лойиҳалари бизнес-режасини ишлаб чиқишда "Ўзинвестлойиҳа" Республика инжиниринг компаниясининг вазифалари..
3. Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари (Буюртмачи ва Танлов комиссияси функциялари).

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 27

1. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва таснифланиши
2. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг вазифалари.
3. Инвестиция лойиҳалари бизнес-режасини ишлаб чиқишда "Ўзинвестлойиҳа" Республика инжиниринг компаниясининг вазифалари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 28

1. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти.
2. Смета ҳужжатларини тузиш услубиёти, таркиби ва кўринишлари..
3. Бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатлари.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 29

1. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари
2. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг зарурлиги.

3. Инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш тартиби.

Кафедра мудири: Э.Носиров

Вариант № 30

1. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти
2. Қурилиш смета қийматининг таркибий тузилиши.
3. Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти.

Кафедра мудири: Э.Носиров

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН УМУМИЙ САВОЛЛАР

1. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мақсади.
3. Инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланиши.
4. Инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнлари.
5. Инвестиция олди тадқиқотлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.
6. Инвестициялар тушунчаси, объектлари ва шакллари .
7. Инвестициялаш объектлари: қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий фондлар (масалан, янги маҳсулот ёки хизматлар турини ишлаб чиқишга ва ш.к.).
8. Номоддий активлар. Гудвил ва франшиза - номоддий активлар объектлари сифатида.
9. Узоқ муддатли инвестициялар ва уларнинг гуруҳланиши.
10. Давлат инвестициялари, хусусий инвестициялар.
11. Инвестициявий лойиҳалаштириш тафсилоти.
12. Техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш, техник-иқтисодий асослашнинг мазмуни.
13. Лойиҳани тайёрлаш - қурилишни амалга ошириш бўғинлари.
14. Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.
15. Лойиҳа цикли босқичларининг мазмуни ва тавсифи.
16. Лойиҳалаштирилгунга қадар лойиҳанинг ишлаб чиқилиши.
17. Лойиҳалаштириш вазифалари ва унинг мазмуни (лойиҳалаштиришнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда).
18. Бир босқичли ва икки босқичли лойиҳалаштириш.
19. Инвестициявий цикл, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари
20. Инвестициявий цикл - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги давр.
21. Инвестициявий циклининг босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари.
22. Инвестициявий цикл ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.
23. Лойиҳа босқичининг инвестиция олди схемаси.
24. Лойиҳанинг инвестиция босқичи схемаси.
25. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг таркиби.
26. Лойиҳани дастлабки баҳолаш қийматини аниқлаш.
27. Лойиҳа техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқишда лойиҳани бошланғич ёки омилли баҳолаш.
28. Молиялаштириш режасини тайёрлаш учун эҳтимолий баҳолаш.
29. Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш
30. Техник-иқтисодий асосноманинг мазмуни.
31. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш.

32. Инвестицияларни молиявий таҳлил этиш ва баҳолаш.
33. Молиявий таҳлилнинг мақсади ва вазифалари.
34. Харажатлар баҳосини таҳлил қилиш.
35. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари.
36. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш.
37. Инвестиция лойҳасининг бизнес-режаси.
38. Бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатлари.
39. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси ва бизнес-режа мақсадларининг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлиги.
40. Бизнес-режа таркибининг боғлиқлиги.
41. Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотлар.
42. Хомашё - материаллар ва уларнинг етказиб берилиши
43. Хомашё ва материаллар тавсифи.
44. Мол етказиб берувчилар маҳсулотларининг мақбуллигини қиёсий баҳолаш.
45. Хомашё ва материалларнинг ички ёки ташқи бозордан сотиб олиниши.
46. Хомашё ва материаллар харажатлари.
47. Хомашё ва материаллар учун харажатларни режалаштириш.
48. Хомашё ва материаллар етказиб берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
49. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уни шакллантириш.
50. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш.
51. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш кетма-кетлигини ҳамда босқичларини ишлаб чиқиш ва режалаштириш.
52. Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг таркибий бўлимларини ҳисоб-китоб қилиш.
53. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари.
54. Маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари таркиби.
55. Маҳсулот таннархини белгилаш.
56. Асосий фондларнинг амортизация ажратмалари.
57. Асосий ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ишчи-ходимларнинг меҳнат харажатларини режалаштириш ва уларнинг маҳсулот таннархидаги улушини мувофиқлаштириш.
58. Моддий ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва шу асосда амалга оширилишини режалаштириш.
59. Маҳсулот ишлаб чиқаришни тўла қувватга олиб чиқиш босқичларини режалаштириш.
60. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг маромийлигини таъминлаш.

61. Маҳсулотни сотиш харажатларини тахминлаштириш, режалаштириш ва оптималлаштириш.

62. Корхонада хўжалик фаолиятидан олинадиган якуний фойдани аниқлаш ва уни шакллантириш.

63. Смета - қурилишда кўзда тутилган харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш ҳужжати сифатида.

64. Инвестициявий лойиҳалаштиришда смета - харажатларининг қиймат кўрсаткичини белгиловчи режали ҳужжат.

65. Смета тузиш учун бошланғич маълумотлар.

66. Қурилиш смета қийматини аниқлаш асосидаги смета-молиявий ҳисоб-китоблар.

67. Бевосита харажатлар ва уларнинг таркиби.

68. Устама харажатлар ва уларнинг таркиби.

69. Қурилишнинг смета қийматида режали жамғариш (смета фойдаси).

70. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

71. Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблари, унинг мазмуни ва таркиби.

72. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги.

73. Лойиҳаларни амалга оширишда ресурсларни сотиб олиш.

74. Пудрат савдолари ва уларнинг таснифланиши.

75. Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари.

76. Пудрат савдоларини амалга ошириш тартиби.

77. Лойиҳаларни амлга оширишда шартнома муносабатлари

78. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар.

79. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби

80. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.

81. Лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

82. Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси.

83. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.

84. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институтционал ва бошқалар.

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Инвестиция олди фазаси

Инвестиция олди фазаси		
1	**2**	**3**
Лойиҳани амалга ошириш имкониятларининг таҳлили	Лойиҳани асослашнинг тайёргарлик босқичи	Лойиҳани баҳолаш ва инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш
Инвестициялаш учун керак бўладиган маблағлар ҳажми ва салоҳиятли (потенциал) инвесторлар	Лойиҳани мавжуд муқобиллар билан солиштиргандаги дастлабки асослаш.	Якуний қарор сифатида лойиҳани ижтимоий-иқтисодий баҳолаш.
Лойиҳани амалга оширишнинг ички ва ташқи шарт-шароитлари баҳолаш	Қўшимча (функционал) изланишлар.	Инвестициялашнинг салоҳиятли манбаларини аниқлаш.
Лойиҳани амалга ошириш имкониятларини макро ва микроиқтисодий даражада таҳлил қилиш	Лойиҳани техник иқтисодий асослаш (ТИА).	Инвестициялашнинг тадбирларининг ишлаб чиқиш.
	Лойиҳани амалга оширишга келишиш ва тасдиқлаш (ишчи ҳужжатлар)	





Инвестицион лойиҳа уч фазани ичига олган лойиҳа ҳаётий цикли.

Режалаштирилган қўшимча ишлаб чиқариш

	Ўлчов бирлиги	Инвестицияларни амалга ошириш йили	Эксплуатацияга киритиш йили	Хўжалик йили	Хўжалик йили	Хўжалик йили	Хўжалик йили
		0-йил	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	N-йил
Мавжуд ишлаб чиқариш қуввати (лойиҳасиз)	Миқдори						
Маҳсулот 1							
Маҳсулот 2							
....							
Мавжуд хақиқатдаги ишлаб чиқариш (лойиҳасиз)	Миқдори						
Маҳсулот 1							
Маҳсулот 2							
....							
Мавжуд ишлаб чиқариш линияларидан сотилган миқдор	Миқдори						
Маҳсулот 1							
Маҳсулот 2							
....							

Ўртача сотиш нархи							
Маҳсулот 1							
Маҳсулот 2							
....							
Мавжуд ишлаб чиқариш линияларидан тушум - оборот (лойиҳасиз)							
Лойиҳани амалга ошириш сабабли қўшимча ишлаб чиқариш							
Қўшимча қувват	Миқдори						
Маҳсулот 1							
Маҳсулот 2							
....							
Хақиқатда ишлаб чиқариш қуввати	%						
Лойиҳани амалга ошириш сабабли кутилаётган қўшимча тушум							

Маркетинг турлари

Талаб ҳолати	Маркетинг вазифаси	Маркетинг тури
Салбий талаб	Талаб яратиш	Конверсион маркетинг
Талаб йук	Талабни рагбатлантириш	Рагбатлантирувчи маркетинг
Мумкин бўлган маркетинг	Талабни ошириш	Ремаркетинг
Узгарувчан талаб	Талабни мувозанатлаш	Синхромаркетинг
Тулик талаб	Талабни куллаш	Кулловчи маркетинг
Ортикча талаб	Талабни камайтириш	Демаркетинг
Макбул булмаган талаб	Талабни тугатиш	Каршилик килувчи маркетинг



Маркетинг боскичлари

Маркетинг тадқиқотларининг йўналишларини туркумлаш белгилари

Тадқиқотларни туркумлаш белгилари	Тадқиқотларнинг йўналишлари ва уларни амалга ошириш хусусиятлари
Тадқиқот мақсадларига кўра	Ахтариш, тавсифлаш, эксперимент ўтказиш юзасидан тадқиқотлар
Маркетинг элементлари бўйича	Товар, нарх, дистрибьюция, коммуникация йўналишидаги тадқиқотлар
Бозордаги тадқиқотларни амалга ошириш кўламига кўра	Маҳаллий, миллий, халқаро миқёсида
Тадқиқотларни амалга оширувчи субъектлар иштирокига кўра	Бевосита фирма иштирокида, маркетинг воситачиси иштирокида, танланган махсус иштирокчилар воситасида
Тадқиқотларни ўтказиш даврийлигига кўра	Бир маротабали, мавсумий, фавқулодда ва бошқа жиҳатдаги тадқиқотлар

Маркетингнинг икки қиёфаси



Инвестицион лойиҳани техник-иқтисодий асослаш босқичларининг ўзаро боғлиқлиги

Лойиҳа стратегиси эламентлари.

Лойиҳа стратегиясини аниқлашдаги асосий элементлар.

Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишнинг ЮНИДО услубиёти қуйидаги бўлимлардан иборат:
1. Лойиҳанинг қисқача изоҳи;
2. Лойиҳанинг асосий ғояси;
3. Бозор таҳлили ва маркетинг концепцияси;
4.Хом ашё ва уни етказиб берувчилари;
5. Лойиҳанинг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атроф-муҳитга таъсири;
6. Лойиҳалаштириш ва технологиялар;
7. Лойиҳанинг ташкилий масалалари ва харажатлар;
8. Меҳнат ресурслари;
9. Режалаштириш ва лойиҳани амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш;
10. Молиявий таҳлил ва инвестицияларни баҳолаш.


Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лойиҳани амалга ошириш босқичлари учта босқичдан фойдаланилади:
Инвестиция олди босқичи (бошланғич босқич)
Инвестиция босқичи (ўрта босқич ёки инвестицияларни амалга оширилиш босқичи)
эксплуатация босқичи (тугаллаш босқичи)
Инвестиция лойиҳаси-нинг биринчи босқичи-да унинг техник-иқти-содий асоси ишлаб чи-қилади, уни молиявий-иқтисодий баҳолаш ишлари амалга ошири-лади, инвестицияни амалга ошириш учун имкониятлар таҳлил қилинади ҳамда лойи-ҳани амалга оширувчи корхонанинг молиявий ҳолати баҳоланади.
Иккинчи босқичда капитал қўйилмалар амалга оширилади, яъни лойиҳа бўйича қурилиш ишлари олиб борилади, ускуналар сотиб олинади ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ишлари ўтказилади.
Учинчи босқичда лойиҳа қуввати ишга туширилади ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарила бошлайди.

Лойиҳани инвестициялаш босқичи

Инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини баҳолаш усули
Молиявий баҳолаш
Иқтисодий баҳолаш
Даромад тўғри-сидаги ҳисобот (2-шакл)
Пул маб-лағлари ҳаракатини нг ҳисоб-оти (4-шакл)
Баланс (1-шакл)
Оддий (статистик) усуллар
Дисконт усуллари
Молиявий баҳоланишнинг коэффициентлари
Соф дисконт-ланган даромад
Даромадли-ликнинг ички меъёри
Фойданинг оддий нормаси
Қайтиб келиш муддати

ТИАлар қуйидаги мураккаб тартиб ва мазмунда, лекин тушунларли, ўзаро боғлиқда бўлиши лозим:

1. Кириш.
2. Лойиҳадаги операциялар.
3. Лойиҳанинг афзалликлари ва фойдалилиги.
4. Лойиҳа таъсисчилар ва хомийлари.
5. Лойиҳа бўйича битимлар қиймати.
6. Лойиҳанинг молиялаштириш режаси.
7. Лойиҳа бўйича товар ва хизматлар. Сотиш бозорлари.
8. Лойиҳанинг ташқилий масалалари.
9. Лойиҳа бўйича мулк ва ускуналарни суғурталаш.
10. Лойиҳани атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир маълумотлар.
11. Лойиҳа бўйича қонун ва қоидалар.
12. Лойиҳа бўйича технология ва ускуна.
13. Лойиҳани кредитлашда банкларнинг ўрни.
14. Лойиҳа бўйича кафолатлар.
15. Лойиҳа қуввати ва уни йиллар бўйича узайтирилиши.
16. Лойиҳадаги тайёр маҳсулотнинг йиллар бўйича сотилиши.
17. Лойиҳа бўйича харажатлар.
18. Лойиҳа бўйича кредит тўловлари ва фоизларнинг йиллар бўйича ҳисоб-китоби.
19. Лойиҳа бўйича даромадлар жадвали.
20. Лойиҳа бўйича жорий активлар ва пассивларнинг, айланма капитал (ишчи капитали)нинг ҳисоб-китоби.
21. Лойиҳа бўйича пул оқими ҳисоб-китоби.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг молиявий ва иқтисодий экспертизаси қуйидаги келтирилган омилларни ҳисобга олади

Молиявий экспертиза	Иқтисодий экспертиза
- лойиҳанинг рентабеллиги - лойиҳадан фойда қилувчи фукоролар учун молиявий окибатлар ва улар учун молиявий таваккалчиликнинг баҳоланиши; - лойиҳани миллий бюджетга уни амалга оширилиши учун керакли фондларнинг мавжудлигини текшириш учун таъсири; - лойҳани амалга оширувчи фирманинг бошқариш имкониятлари; - молиявий фалиятни, лойиҳани амалга ошириш ва ишлатилишига қўлланиладиган андозалар.	- лойиҳани фойдаланишдан миллий ресурсларни, бу ресурслар учун рақобатни мавжудллиги ҳисобга олинганда, ишлатилиши асослатиш ёки йўқлиги; - лойиҳани самарасини унинг режасини яхшилаш йўли билан ошириш мумкинлигини; - лойиҳа катнашчилари учун давлат рағбатлантиришини ўз ичига олишни.

Техник таҳлилга қуйидагиларни кўриб чиқиш ва белгилаш киради:
1. Техник ва технологик жиҳатдан муқобил вариантларни;
2. Лойиҳани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантларни;
3. Лойиҳа ҳажмини;
4. Лойиҳани амалга ошириш муддатларини;
5. Хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилигини;
6. Лойиҳа маҳсулоти учун бозор сиғимини (ҳажмини);
7. Кўзда тутилмаган омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа харажатларини.


Технологик рискни пасайтириш бўйича тадбирлар:
1. Янги лойиҳаларни молиялаштиришдан воз кечиш.
2. Янги технология ва ускуналарни ишлатишни минималлаштириш.
3. Шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга оширишда юқори билим ва малакага эга бўлган лойиҳалаштирувчи ва пудратчини жалб қилиш.
4. Аниқ шартлар ва жарима чоралари билан узоқ муддатли шартномалар тузиш.

Рискни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар



Рискка боғлиқ ҳолда корхоналар битимлари таснифи

Битим тавсифи	Ишончлилик мезонлари
1. Ишончли	Аслига тўғри ҳужжатларнинг тақдим этилганлиги, сотиб олиш баҳоси билан бозор баҳосининг таққосланганлиги, сотиб олинадиган товар (хизматлар)га қондирилмаган талабнинг ва реал сотиш бозорининг мавжулиги.
2. Реал	Аслига тўғри ҳужжатлар, битим шартлари бозор шартлари билан таққосланган, товар (хизматлар) сотиб олишга талаб чекланган.
3. Шубҳали	Аслига тўғри ҳужжатлар, битим шартлари ва уни амалга ошириш имкониятлари қўшимча экспертизани талаб қилади.
4. Нореал	Ҳужжатлар нусхаси тақдим этилган, уларнинг аслига тўғрилигини ва битимни амалга ошириш шартлари экспертиза қилишга муҳтож.

Рискларнинг бошқаришнинг умумий кўриниши



“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ГЛОССАРИЙ

Амортизация – аста-секин эскираётган асосий фондлар қийматини ишлаб чиқарилаётган махсулот қийматига ўтказиш. Пул маблағларининг мақсадли жамғарилиши ва уларнинг кейинчалик эскирган асосий фондлар ўрнини тўлдириш учун қўлланилиши.

Амортизация ажратмалари – бу қийматли ифодадаги асосий фондларнинг эскириш ўрнини секин-аста тўлдиришдир. Амортизация ажратмалари тўлиқ ва қисман тикланишларга, яъни асосий фондларни капитал таъминлашга ишлатилади.

Амортизация фонди – асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда ишга туширишга мўлжалланган пул маблағларидир.

Аниқ фоизлар - қисқа муддатли фоизлар, 365 (366) кунга тенг бўлган вақт базасига асосан ҳисобланади.

Баланс - корхонанинг пул ифодасидаги маблағларини таркиби ва жойлашиши (актив), шунингдек, уларнинг ташкил топиш негизи, белгиланган йўналиши ва қайтиш муддатларини (пассив) бу кунги ҳолатини ўзида акс эттирувчи йиғма хужжат.

Банк - пул маблағларининг (миллий ва чет эл воситаларининг) жамғарилишини амалга оширувчи, кредит берувчи, пул ҳисоб-китобларини ўтказувчи ва қимматли қоғозларнинг муомаласини ташкил қилувчи, йирик инвестициялар қилувчи, мамлакатнинг пул-кредит сиёсатини ҳаётга татбиқ қилувчи корхона.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта бойликлари кўринишида бўлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

Банкнинг ўз капитали - банк вақтинга жалб қилган қарз маблағларидан фарқли ўлароқ, бевосита банкнинг ўзига тегишли бўлган маблағлардир.

Банкрот – қарздорлик, ночорлик, тадбиркорнинг ўз қарз мажбуриятлари бўйича маблағи бўлмаганлиги учун тўлашдан бош тортиши.

Банкротлик риски – тадбиркор томонидан хусусий капиталини буткул йўқотиш хавфи билан боғлиқ рисклар.

Барқарорлик – нарса ва ҳодисаларга хос муайянликни ифодалайди.

Бизнес – ингилизча сўз бўлиб, фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади.

Бизнес-режа – инвестиция лойиҳасига оид хужжат ҳисобланиб, лойиҳанинг имкониятларини, харажат ва даромадларини асослаш ва баҳолашга, лойиҳанинг молиялаштириш манбалари ва реал пул оқимини ҳисоб-китоб килишга хамда лойиҳанинг зарарсизлигини, ўзини-ўзи қоплашини ва бошқа кўрсаткичларни аниқлашга имкон беради. Бизнес-режа инвесторни ўзи йўналтираётган инвестицияларни самарали бўлишига ишонч ҳосил қилишига мўлжалланган.

Бош лойиҳалаштирувчи - бу лойиҳанинг смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот бўлиб, халқаро тажрибаларда булар архитектор ва инженерлар ҳам бўлиши мумкин.

Бошқарув риски – бу ишлаб чиқариш рискининг бир тури бўлиб, бошқарувчи шахснинг тажриба ва малакасини етарли даражада эмаслиги натижасида рўй беради. Айрим ҳолларда, бошқарув риски деганда, лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларидаги менежмент даражасининг пастлиги ва хатолари билан боғлиқ рисклар тушунилади.

Бошланғич нарх - буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб этилган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

Буюртмачи - қурилиш ишларига буюртма берувчи ва тендерни чакирувчи, буюртмаловчи юридик шахс;

Валюта риски - бир валютанинг бошқасига нисбати бўйича курснинг ўзгариши билан боғлиқ валюта йўқотилиши хавфи сифатида намоён бўлади.

Гаров таъминоти - кредит суммасининг 120 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, ҳукумат ва учинчи шахслар кафолатлари, суғурта полислари, асосий воситалар, бино ва иншоотлар (баҳоланган қийматининг 70 фоизигача миқдорида), асбоб-ускуналар (баҳоланган қийматининг 60-70 фоизи миқдорида) бўлиши лозим.

Даромад солиғи – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

Даромадлилик индекси (profitobility index, PI**) –**инвестиция лойиҳасининг дисконтланган даромадларининг дисконтланган инвестиция ҳаражатларига нисбати тушунилади, бу кўрсаткич инвесторнинг 1 сўм сарф қилган инвестицияларига неча сўм даромад келишини аниқлаб беради.

Даромадлиликнинг пасайиши риски – қўйилмалар, кредитлар, портфелли инвестициялар бўйича фоизлар ва дивидендлар миқдорининг камайиши натижасида юзага келади, даромадлиликнинг пасайиши рисклари ўз ичига фоиз ва кредит рискларини қамраб олади.

Дефляцион риск - дефляциянинг ўсиши ҳолатида баҳо даражасининг тушиши, даромадларнинг пасайиши, тадбиркорликнинг ривожланиши учун шарт-шароитнинг ёмонлашуви содир бўлади.

Диверсификация – (лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) **–** ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва

корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Дивиденд – акционер жамияти соф фойдасининг бир қисми, акционерларга даромадлар нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

Жаҳон бозори конъюнктураси – жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Зарарсизлик нуқтаси – маҳсулотни сотишдан тушган тушумнинг сотилган маҳсулот таннарҳига тенг бўлгандаги график нуқтани англатади. Бунда энг асосий мақсад ҳаражатларни қоплаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашдан иборат. Ҳаражатларни қоплаш учун зарур бўлган сотиш ҳажми махсус нуқтани тавсифлайди, яъни у ишлаб чиқариш ҳажмининг критик нуқтасини ифодалайди. Бунда корхона фойда ҳам олмайди, зарар ҳам кўрмайди, яъни маҳсулот сотишдан тушган тушум маҳсулотнинг тўлиқ таннарҳига (ҳаражатларга) баробардир. «Зарарсизлик нуқтаси»даги сотишдан тушган тушум ўзини зарарсиз сотиш қиймати сифатида намоён этади, маҳсулот бирлиги эса бу ҳолатда зарарсиз сотиш баҳоси ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

Иқтисодий инқироз – иқтисодиётнинг даврий тебранишларидаги ўзгариш бўлиб, улар товар ва хизматларга бўлган ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги номутаносиблик, макроиқтисодий мувозанатнинг бузилиши оқибатида вужудга келади.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури - Ўзбекистон республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатини мақсадга мувофиқлигини асословчи ва шунингдек инвестицияларни (бизнес режа) амалга ошириш буйича амалий фаолиятнинг дастурдир

Инвестицион сиёсат – савдо мененжменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхона ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутади.

Инвестицион солиқ кредити – инвесторга солиқ мажбурияти бўйича солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти.

Инвестиция - бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага еришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган

ехтиёжни кондириш учун иҳтисодиётнинг турли сохаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар.

Инвестиция – бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига сарфланадиган барча турдаги бойликлардир.

Инвестиция банки - асосий фаолияти қимматли қоғозларни жойлаштириш билан банд бўлган муассаса (корхона).

Инвестиция воситачиси - бу қимматли қоғозлар бозорида брокерлик ва дилерлик фаолиятини амалга оширувчи инвестиция муассасасидир. Инвестиция воситачилари исталган ташкиий-ҳуқуқий шаклда барпо этилиши қамда ўз фаолиятини қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари бозорларида амалга ошириши мумкин.

Инвестиция жараёни - пул таклиф қилувчилар (вақтинча бўш маблағларга эга бўлганлар) ни пул талаб қилаётганлар (уларга эҳтиёж сезаётганлар) билан учраштириш механизмидир;

Инвестиция жараёни иштирокчилари. Инвестиция жараёнининг бош иштирокчилари – давлат, компаниялар ва хусусий шахслар бўлиб, уларни ҳар бири инвестиция жараёнида талаб томонида, ёки ҳамда таклиф томонида туриб иштирок этиши мумкин;

Инвестиция институтлари – бу қимматли қоғозлар билан ўз фаолиятини асосий фаолият сифатида амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларидир;

Инвестиция компанияси - қимматли қоғозларни, шу жумладан шахсий қоғозларни босиб чиқишни ташкил этувчи, уларни жойлаштириш, олди-сотдисини ўз номидан ва ҳисобига амалга оширувчи юридик шахс.

Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари – бу узоқ муддатли капитал қўйилмаларни келажакда қопланишини ва фойдалилигини баҳолаш мақсадида турли объектларга уларни киритишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш йўлларидир.

Инвестиция лойиҳаси (лойиҳа) - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси;

Инвестиция субъектлари - инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмоний, ҳуқуқий шахслар ва давлатдир;

Инвестиция фаолияти - бу иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига ресурсларнинг капиталлашувини таъминлаш ва фойда (даромад) олиш мақсадида инвесторларнинг ресурсларни жамғариш ва уларни турли шаклларда қўйиш билан боғлиқ бўлган барча амалий ҳаракатлари йиғиндисидир.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта компаниялари, лойиҳаловчилар,

воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвестициялаш. Махсус танланган молиявий қуролларга пулни қийматини кўпайтириш ёки ижобий даромад олиш мақсадида жойлаштириш жараёнини инвестициялаш деб аталади;

Инвестор - лойиҳани молиялаштирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Буюртмачи ва инвестор бир шахс бўлиши ҳам мумкин, лекин баъзи ҳолларда ҳар хил шахслар бўлади. Агар ҳар хил шахслар бўлса улар ўртасида шартнома тузилади.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар обектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва ҳаридорлар ролини бажаришлари, шунингдек инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инвесторлар типи. Икки типдаги инвесторлар бор: улар институционал ва якка инвесторлар;

Инновацион технологиялар – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Институционал инвесторлар - мутахассислар бўлиб, уларга бегоналарнинг пулини бошқаргани учун ҳақ тўлайдилар;

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичида (ой, йил) баҳолар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

Ишлаб чиқариш риски – бу ишлаб чиқариш жараёнида камчиликларни юзага келиш риски. Бу риск ишлаб чиқариш давомийлигининг бузилишида, объектнинг лойиҳавий қувватга эришмаслигида, қўшимча ишлаб чиқариш ҳаражатларида намоён бўлади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йуналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ишчи лойиҳа - чекланган қиймат ва иш ҳужжатларига эга бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқланадиган қисмдан иборат ҳужжат.

Йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳасидир.

Капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

Капитал қурилиш – янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш.

Капитал қўйилмалар – қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин.

Капитал харажатлар - асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва заҳираларни ўсиши.

Капиталнинг замонавий (келтирилган) миқдори - фоизлар ҳисобланган белгиланган ўсган қийматни берувчи дастлабки капитал.

Қатъий ва якуний шартномавий нарх. Бунда қурилишнинг бутун муддатига қабул қилинган шартномавий баҳо ўзгармайди. Бундай баҳолар асосан муддати бир йилдан ошмайдиган қурилиш объектлари учун тавсия этилади. Ушбу нархлар таркибида прогноз ўзгартиришлар киритишни инобатга олувчи пудратчи ташкилотларнинг риски ҳам ҳисобга олинади;

Кафолат таъминоти - кредит суммасининг 120 фоизидан кам бўлмаган миқдорда (ҳукумат ва учинчи шахслар кафолатлари, суғурта полислари,

асосий воситалар, бинолар, иншоотлар (баҳоланган қийматининг 70 фоизигача миқдорида), асбоб-ускуналар (баҳоланган қийматининг 60-70 фоизи миқдорида).

Конструкцион риск – бу инвестиция фазасидаёқ лойиҳанинг техник амалга ошмаслик рискидир. Бу лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг хатолари, хужжатларни ишлаб чиқишда зарур бўлган маълумотларни етарли ёки аниқ эмаслиги натижасида рўй бериши мумкин.

Конъюнктура – бу бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатдир (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш - инвестицион лойиҳасининг молия манбаси компаниянинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Корхоналарга преференция бериш – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кирадиган хом-ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

Корхонанинг инновацион салоҳияти – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳияти ташкилотнинг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини бир жойга жамлаб, уларни маълум бир тамойиллар асосида бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кредит риски – бу лойиҳани амалга ошираётган ташкилотнинг кредитор банкка кредит шартномаси бўйича тўлов мажбуриятларини тўлиқ ёки умуман тўлай олмаслик риски. Бу риск асосан лойиҳани молиялаштиришда лойиҳани кредитловчи банкнинг рискидир.

Қўшимча қиймат солиғи – қўшилган қийматдан олинадиган солиқларнинг бир тури ҳисобланади. Товарларнинг реализацияси, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни бажаришдан олинади. Сотиш оборотига нисбатан маҳсулотларнинг турларига кўра фоизларда белгиланади.

Либор - фоиз ўртача ставкаси; либор бўйича Лондон банклари ўз депозитларини бошқа биринчи даражали банкларга жойлаштирадилар, ҳар куни соат 11 да бу жараён қайд этилади ва бошқа банклар учун, айниқса халқаро битимлар тузишда кредитлар бўйича фоизлар белгилашда мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Ликвидли маблағлар - фирмаларнинг тезда сотиш мумкин бўлган активлари: пул воситалари, банк депозитлари, қимматли қоғозлар, шунингдек ушбу бозор конъюнктурасида осон сотиш мумкин бўлган моддий айланма маблағлар.

Ликвидлик - активлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ёки уларни тўлов воситасига айлантириш имконияти.

Ликвидлилик риски – қимматли қоғозлар ёки бошқа товарлар сифатини ва истеъмол қийматини баҳолашнинг ўзгариши оқибатида уларни сотишда мумкин бўлган йўқотишлар билан боғлиқ бўлади.

Лицензиарлар - лойиҳа ишлатилаётган ноу-хауга ёки техника ютуқларига эгалик қилувчи лицензияга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Тижорат шартлари бўйича шартнома тузилган илмий ютуқларни қўллаш ҳуқуқига эга, лицензиар ҳам лойиҳанинг муҳим иштирокчиларидан бўлиб ҳисобланади.

Лойиҳа администратори - бу шахс менежернинг администраторлик вазифасини ўзи бажариб, менежернинг 50 фоизгача иш вақтини тежайди.

Лойиҳа инженери - инжиниринг фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома олган ва лойиҳанинг бажарилиши, ишга тушиши билан боғлиқ бўлган барча хизматларни амалга оширувчи шахс ҳисобланади.

Лойиҳа иштирокчилари риски – бу иштирокчиларнинг лойиҳа фаолияти доирасида ўз мажбуриятларини англаган ҳолда ёки мажбурий тарзда бажармаслик риски.

Лойиҳа иштирокчилари риски - бу иштирокчиларнинг лойиҳа фаолияти доирасида ўз мажбуриятларини англаган ҳолда ёки мажбурий тарзда бажармаслик риски.

Лойиҳа менежери - лойиҳа бошқарувчиси, яъни лойиҳа иштирокчиларининг фаолиятини бевосита бошқарувчиси, улар тузилган шартнома бўйича лойиҳанинг бажарилиши ва ишга туширилиши бўйича назорат олиб борадилар.

Лойиҳа олди ҳужжатлари - қабул қилинган параметрларга кўра лойиҳани амалга оширишнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини, шунингдек унинг ҳаётийлигини асослаб берувчи ҳужжатлар йиғиндиси. Лойиҳаолди ҳужжатларига лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоблаши), материаллар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш, қурилиш-монтаж ишларини ва ишларнинг бошқа турларини бажариш юзасидан тендер ўтказиш учун танлов ҳужжатлари; лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асослаши ёки техник-иқтисодий ҳисоблаши, шунингдек молиявий таклифлар ва/ёки кредит ва инвестиция шартномалари (пул маблағлари жалб этилган тақдирда) киради;

Лойиҳа риски - бу инвестицион лойиҳани амалга оширишга ҳалақит берадиган ёки лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йиғиндисидир.

Лойиҳа рисклари – лойиҳани амалга ошириш натижасида кўзланган даромадларнинг пасайишига сабаб бўладиган вазиятлар мажмуасидир, шу билан бирга лойиҳа риски инвестицион лойиҳани амалга оширишга ҳалақит берадиган ёки лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йиғиндисини ҳам англатади.

Лойиҳа сезгирлигини таҳлили – инвестиция лойиҳаси параметрларидан бири ўзгарганда лойиҳа самарадорлигининг қанчалик

ўзгаришига миқдорий баҳо беришда қўлланилади. Бу боғлиқлик қанчалик юқори бўлса, лойиҳа риски шунчалик катта бўлади.

Лойиха смета қийматининг ошиш риски – лойиҳалаш жараёнидаги хатолар, пудратчиларнинг ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай олмаслиги, лойиҳани амалга ошириш шартларини ўзгариши ва бошқалар сабабли келиб чиқадиган рисклар.

Лойиҳа ҳужжатлари - ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган архитектура-шаҳарсозлик ечимлари ва техник ечимларни, қурилишнинг смета қийматини ўз ичига олувчи ҳужжатлар. Лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланган техник-иқтисодий асослаш асосида ишлаб чиқилади;

Мамлакат риски – бу ташқи лойиҳа рискларига тегишли бўлиб, унинг мазмуни шундаки, лойиҳа амалга оширилаётган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари ва давлатнинг сиёсати лойиҳа фаолияти учун жиддий қийинчиликлар яратиши ва хатто лойиҳани барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Давлатнинг сиёсати билан боғлиқ мамлакат рискларини шартли равишда иккита гуруҳга бўлиш мумкин: сиёсий ва иқтисодий мамлакат рисклари.

Маъмурий рисклар – лойиҳа компаниялари ва лойиҳа фаолиятининг бошқа иштирокчиларини давлат назорат ва тартибга солиш бошқармаларидан турли лицензиялар, рухсатларни олиши билан боғлиқ рисклардир.

Модернизация (грекчадан moderne - янгича) – объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молиявий активлар - бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чэт эл капиталини жалб этиш, чэт эл кредитларини олиш ва чэт эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун емиссия қилинади.

Ноаниқлик – инвестицион лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ ёки аниқ эмаслигидир.

Оферент - малака танловидан ўтган ва офертаси танлов савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган талабгор;

Оферта - танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов савдолари предметига нисбатан талабгорнинг таклифи;

Очиқ турдаги инвестиция фондлари - акцияларни уларни сотиб олиш мажбурияти билан муомалага чиқаради, яъни фонд қимматли қоғозларининг егаларига уларнинг ўрнига пул суммаси ёки мол-мулкни олиш ҳуқуқини беради, бу уставда олдиндан кўзда тутилиши лозим.

Очиқ шартномавий нархлар. Бундай нархлар қурилиш шартномаси шартлари асосида қурилиш материаллари, иш ҳақи туловлари шартлари ва Бошқа харажатларнинг вужудга келиши ҳисобига аниқлаштириладиган нархларга айтилади.

Претендент – тендерда голиб чиқиш мақсадида қатнашувчи қурилиш

ташкилоти – даъвогар;

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман таъқиқланади.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган махсус товар.

Пул-кредит сиёсати – бу давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Реинвестициялар - инвесторлар томонидан корхоналар фаолиятидан олинган фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уни шу корхонага қайта киритишдир.

Реконструкция (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Рентабеллик – корхона фаолиятининг фойдалик даражаси. Унинг уч хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни балансдаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади.

Риск – бу башорат қилинаётган лойиҳани амалга оширишда ҳақиқий шароитлардан озгина чекинилганда даромадларни ололмаслик ёки зарарларнинг пайдо бўлиб қолиш эҳтимолидир. Риск кутилиши мумкин булган хатар бўлиб, инвестициядан мўлжалланган фойдани олиш жараёнига хос бўлган умидсизликдир.

Рискдан қочиш – риск билан боғлиқ тадбирлардан воз кечишни (демак, бунда фойдадан ҳам воз кечишни) билдиради.

Рискни пасайтириш – кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун заҳира маблағларини ташкил этиш йўли билан йўқотишлар ҳажмини қисқартириш ҳисобланади. Бунда асосий муаммо рискларнинг жиддий оқибатларини баҳолаш ҳисобланади. Лойиҳа қийматининг бошланғич баҳосини ҳисобга олган ҳолда заҳира суммаси аниқланади.

Рискни узатиш (суғурталаш) – инвестор риск ҳавфини кимнингдир зиммасига юклайди. Рискни суғурталаш, мантиқан олганда, муайян рискларни суғурта компанияларига беришни англатади. Унинг моҳияти инвесторнинг рискдан қутилиш мақсадида даромаднинг бир қисмидан воз

кечиш орқали акс эттирилади. Бунда инвесторнинг риск даражасини “ноль” га тушириш учун тўловни амалга оширишга тайёр эканлигини тушуниш мумкин. Кўп ҳолларда, суғурта компаниялари молиявий рискларни суғурталаш билан риск даражасини пасайтиришга тўлиқ эришишига хизмат қиладилар.

Рискни ушлаб қолиш – инвестор зиммасига рискни қолдириш, бунда инвестор ўз капиталини рискли тадбирларга йўналтираётганда, рисклардан кўриладиган зарарларни қоплаш учун маблаги бўлиши керак.

Селектив рисклар – капитал қўйилмаси, қимматли қоғозлар ва шу кабилар турини тўғри танламаганлиги билан боғлиқ рисклар.

Синдициялаштирилган кредит - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Солиқ юки – солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисини ифодалайди.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Солиқлар – бу мажбурий, қайтарилмайдиган тўловлар. Улар давлат органлари томонидан ишлаб чиқариш бирликларидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари учун ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдалганлари учун олинади.

Сотиш риски – бу лойиҳа маҳсулоти сотиш хажмининг ва шу маҳсулот баҳосининг камайиш рискидир. Сотиш риски бозор конъюнктурасининг ўзгариши, маркетинг ёки баҳо риски деб ҳам аталади.

Соф рисклар – салбий натижани олиш имконини англатади ва улар таъсирида нолга тенг бўлган зарар(фойда) кўриш мумкин. Унга экологик, сиёсий, табиий, транспорт ва тижорат рисклари (мулкий, ишлаб чиқариш, савдо рисклари) тегишлидир.

Спекулятив рисклар – ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларни олиш имкониятида намоён бўлади, ,уларга молиявий рисклар киради.

Танлов савдолари - танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчини танлаш усули;

Танлов савдолари ташкилотчиси - буюртмачи ёки танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган юридик шахс;

Танлов ҳужжатлари - танлов савдоларининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий тавсифлари ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, тартиб-қоидалари тўғрисидаги дастлабки ахборот мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

Тендер ва танлов савдоларининг предмети - тендер ва танлов

савдолари натижалари бўйича сотиб олиниши мўлжалланаётган товар, иш ва хизмат.

Тендер комиссияси – тендердаги таклифларни баҳоловчи ва голибни аниқловчи доимий ёки вақтинчалик таркибга эга орган.

Тендерни уюштирувчи - буюртмачи томонидан тендерни ташкил этиш, уюштиришга буюртма олган шахс;

Техник-иқтисодий асос - бу лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўришга имкон берувчи бошланғич маълумотлар, шунингдек асосий техник ва ташкилий қарорлар, ҳисоб-смета, баҳолаш ва бошқа кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирувчи ҳисоб-аналитик ҳужжатлар тўпламидир.

Технологик риск – бу ишлаб чиқариш технологияларининг саноат даражасида қўлланилмаслиги натижасида маълум техник-иқтисодий параметрлардан объект эксплуатациясидаги чекланишлар риски. Бунга эксплуатация ҳаражатларининг ошиши, экологик меъёрларга мос келмаслик кабилар таъсир этади.

Тижорат банклари – саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган банклар.

Тизимли рисклар (инвестиция портфели рисклари) – бу ҳатар таъсирига баъзи бир қимматли қоғозлар эмас, балки бутун бозор, уни катта бир қисми рискларга учрайди. Бу ҳолда иқтисодий нобарқарорлик туфайли ёки бошқа сабабларга кўра кўпчилик эмитент ва қимматли қоғозлар эгалари зарар кўришлари мумкин. Тизимли рискларга қуйидагилар киради: фоиз риски; валюта риски; инфляция риски; сиёсий рисклар.

Тизимсиз рисклар – ҳатарга баъзи бир қимматли қоғозлар ёки уларнинг мажмуаси учрайди, яъни маълум бир корхонанинг қимматли қоғозлари ёки тармоқнинг қимматли қоғозлари киради. Тизимсиз рискларга қуйидагилар киради: тадбиркорлик риски; молиявий рисклар; ноликвидлилик риски.

Тўғридан - тўғри инвестициялар – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Ўртача квадратик четланиш – инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг барча мумкин бўлган вариантлари ўртача қийматдан қанчага четлашганини кўрсатиб беради. Бу кўрсаткич рискнинг абсолют катталигини ифодалаб баради, қанчалик ўртача квадратик четланиш юқори бўлса, риск шунчалик катта бўлади.

Фойданинг бой берилиши риски - бу риск амалга оширилмаган тадбирлар натижасида келиб чиқадиган қўшимча (билвосита) зарарлар ҳисобланиб, бу риск таркибига қуйидагилар киради: биржавий рисклар; селектив рисклар; банкротлик рисклари.

Фонд бозори – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи махсус ташкиллаштирилган бозор.

Форс-мажор риски – лойиха фаолиятига тегишли бўлмаган ташқи рисклардан бири бўлиб, унга ер силкиниши, ёнғинлар, сув тошқини, бўронлар ва бошқа табиий ҳодисалар киради. Форс-мажорга айрим ижтимоий ва сиёсий табиий ҳодисалар ҳам киради: иш ташлашлар, инқилоблар, қўзғолонлар ва бошқалар.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда кўпроқ инвестициялар деган синоним термин қўлланилади, тўғридан - тўғри инвестициялар, реал инвестициялар ва асосий капитал каби синоним терминлар ҳам қўлланилади.

Шартномавий жорий нарх - танлов савдолари натижалари бўйича белгиланадиган танлов савдолари предмети нархи;

Эмиссия – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

Энг юқори нарх - тендер савдолари тўғрисидаги ахборотда кўрсатилган сотиб олинадиган товарнинг энг юқори нархи;

Ягона солиқ тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солик ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тури.

Якка инвесторлар - ўз молиявий манфаатлари учун шахсий маблағларини тасарруф этадилар;

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мақсади.
3. Инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланиши.
4. Инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнлари.
5. Инвестиция олди тадқиқотлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.
6. Инвестициялар тушунчаси, объектлари ва шакллари .
7. Инвестициялаш объектлари: қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий фондлар (масалан, янги маҳсулот ёки хизматлар турини ишлаб чиқишга ва ш.к.).
8. Давлат инвестициялари, хусусий инвестициялар.
9. Инвестициявий лойиҳалаштириш тафсилоти.
10. Техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш, техник-иқтисодий асослашнинг мазмуни.
11. Лойиҳани тайёрлаш - қурилишни амалга ошириш бўғинлари.
12. Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.
13. Лойиҳа цикли босқичларининг мазмуни ва тавсифи.
14. Лойиҳалаштирилгунга қадар лойиҳанинг ишлаб чиқилиши.
15. Лойиҳалаштириш вазифалари ва унинг мазмуни (лойиҳалаштиришнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда).
16. Бир босқичли ва икки босқичли лойиҳалаштириш.
17. Инвестициявий цикл, унинг таркиби ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари
18. Инвестициявий цикл - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги давр.
19. Инвестициявий циклининг босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари.
20. Инвестициявий цикл ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.
21. Лойиҳа босқичининг инвестиция олди схемаси.
22. Лойиҳанинг инвестиция босқичи схемаси.
23. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг таркиби.
24. Лойиҳани дастлабки баҳолаш қийматини аниқлаш.
25. Лойиҳа техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқишда лойиҳани бошланғич ёки омилли баҳолаш.
26. Молиялаштириш режасини тайёрлаш учун эҳтимолий баҳолаш.
27. Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш
28. Техник-иқтисодий асосноманинг мазмуни.
29. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш.
30. Инвестицияларни молиявий таҳлил этиш ва баҳолаш.
31. Молиявий таҳлилнинг мақсади ва вазифалари.

32. Харажатлар баҳосини таҳлил қилиш.

33. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари.

34. Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш.

35. Инвестиция лойҳасининг бизнес-режаси.

36. Бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатлари.

37. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси ва бизнес-режа мақсадларининг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлиги.

38. Бизнес-режа таркибининг боғлиқлиги.

39. Инвестиция лойиҳаси бўйича бизнес-режани ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотлар.

40. Смета - қурилишда кўзда тутилган харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш ҳужжати сифатида.

41. Инвестициявий лойиҳалаштиришда смета - харажатларининг қиймат кўрсаткичини белгиловчи режали ҳужжат.

42. Смета тузиш учун бошланғич маълумотлар.

43. Қурилиш смета қийматини аниқлаш асосидаги смета-молиявий ҳисоб-китоблар.

44. Бевосита харажатлар ва уларнинг таркиби.

45. Устама харажатлар ва уларнинг таркиби.

46. Қурилишнинг смета қийматида режали жамғариш (смета фойдаси).

47. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

48. Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблари, унинг мазмуни ва таркиби.

49. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.

50. Лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

51. Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси.

52. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.

53. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институтционал ва бошқалар.

54. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда комплекс экспертизанинг ўрни ва аҳамияти.

55. Инвестиция лойиҳаларида молиявий таҳлилнинг аҳамияти.

56. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда экалогик тахлилининг ўрни ва роли.

57. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда маркетинг тадқиқотларининг ўрни ва аҳамияти.

58. Инвестиция лойиҳалаларини бизнес-режасини ишлаб чиқиш жараёнидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

59. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнес режалаштириш.

60. Бизнес режа ишлаб чиқишнинг жаҳон тажрибаси.

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.:Ўзбекистон, 2005 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1998 й. 24 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 й. 30 апрель
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 й. 30 апрель
5. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни. 1999 й. 14 апрель.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуни, 2003 й. 11 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. 2000 й. 25 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари:

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2000 й. 21 март.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони. 2003 й. 6 май. 3240-сон.
10. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2003 й. 20 июнь. 3267-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2003й. 23 декабрь. 1207-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2005й. 21 июль. ПФ-3631-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2007 й. 14 март. 3860-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони,2008 й. 18 ноябрь. 4053-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони, 2008 й. 28 ноябрь. 4058-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2012 й. 10 апрель. 4434-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2007 й. 12 июль. 670-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2007 й. 4 январь. 554-сон.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори, 28.07.2009 й. 1166-сон.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори. 28.10.2009. 1213 сон. 1-2-иловалар.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 20.01.2009 й. 1041-сон

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 3 август. 1167-сон.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2010 йил 17 июн.1354-сон

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010-2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1245, 1449, 1675-сонли Қарорлари.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.10.2009 йилдаги 1213-сон, 29.12.2010 йилдаги 1455-сон ва 27.12.2011 йилдаги 1668 - сонли “Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарорларига 1 – иловалар.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги 1217- сон Қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори, 15.12.2010 й. 1442-сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари:

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Германия ривожланиш банки кредит линиясини ўзлаштириш тўғрисида”ги қарори. 1999. 28 январ. 38-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ЕТТБнинг иккинчи кредит линиясини ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 1997. 20 январ. 31-сон.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ОТБ кредит линиясини ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 1997. 14 март. 146-сон.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бераётган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, 2007 йил 15август, 174-сон.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб- қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2008 йил 31декабрь,288-сон.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январ 21-сонли “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 феврал 48-сонли “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси Давлат унитар корхонасининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрел 104-сонли “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрел 105-сонли “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрел 120-сонли “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2003. 12 сентябр. 395-сон.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 7-илова. «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 февралдаги 73-сонли қарорининг 2-иловасини бандига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилган.

40. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачи, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятини амалга оширишга оид талаблари тўғрисида Низом, 2008 йил 2 апрель, 1782- рақам

41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 7-илова. “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

42. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.- Т.: Ўзбекистон, 2000. - 393 б.

43. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз – бош йўлимиз // Халқ сўзи. – Тошкент, 2002 йил 15 феврал.- Б. 3.

44. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.

45. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.

46. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

47. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

48. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юкслтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.

49. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тарақиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -36 б.

Махсус адабиётлар:

50. Голов Р.С. и др. Инвестиционное проектирование: Учебник. -М.: Дашков и К^{o}, 2010.-368 с.

51. Анискин Ю.П. Управление инвестициями: Учеб. пособие. - М.: Омега-Л, 2006. - 192 с.

52. Мазура И.И., Шапиро В.Д. Инвестиционно-строительный инжиниринг: Учебное пособие. - М.: Экономика, 2009. - 763 с

53. Станиславчик Е.Н. Бизнес-план. Управление инвестиционными проектами. 2-е изд. М.: Ось-89, 2009. – 128 с.

54. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учебное пособие. - М.: ИП Экопреспектива, 1998.- 463 с.

55. Ивасенко А.Г., Никонова Я.И. “Инвестиции: источники и методы финансирования” - М.: Омега-Л 2009 г. 261 с.

56. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учебное пособие. – 5-е изд., перераб. и дополн. / Под ред. В.М.Попова. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 432 с.: ил.

57. Бизнес-план. Методические материалы. 3-е изд., доп. / Под ред. Н.А. Колесниковой, А.Д.Миронова. – М.: Финансы и статистика, 2002. - 256 с.: ил.

58. Ромаш М.В. Финансирование и кредитование инвестиций/ М.В. Ромаш. - Минск: Книжный дом Мисанта, 2007. - 160 с

59. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учебное пособие. - Мн.:Экопреспектива, г. 468 с.

60. Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учебное пособие для вузов /Под общ. ред. И.И. Мазура. - М.: ЗАО Экономика, 2001. - 574 с. - (Современное бизнес-образование).

61. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 160 с.

62. Воронцовский А.В. Инвестиции и финансирование: Методў, оценки и обоснования. А.В. Воронцовский . - Б.м.: Питер, 1998. - 528 с.

63. Узоқов А. ва бошқ. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-молия”, 2006 й.380 бет.

64. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма -Т.: Шарқ, 2003й. - 225 б.

65. Морозов Д.С. Проектное финансирование: управленение рисками. Учебное пособие – М: Анкил, 1999й.-120с.

66. Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. Учебное пособие. – М.: «Финансў и статистика», 2001й. – 267 с.

67. Инвестиции: учебник/ кол. авторов; под ред. Г.П. Подшиваленко.- М.: КНОРУС, 2008 г.-496 с.

68. Инвестиции: учебник/ кол. авторов; под ред. Г.П. Подшиваленко.- М.: КНОРУС, 2008 г.-496 с.

69. Эргашева Ш.. Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008 – 208 б.

Қўшимча адабиётлар:

70. Кожухар В.М. Практикум по экономической оценке инвестиций: учебное пособие.-М.: «Дашков К^{o}», 2007 г.

71. Практикум по финансово-инвестиционному анализу/ Под.ред. Д.А.Ендовицкого.-М.: КНОРУС, 2006 Г.

72. Ример М.И., Касатов А.Д. Экономическая оценка инвестиций. 2-е изд.-СПб.: Питер, 2007 г.

73. Голов Р.С. и др. Инвестиционное проектирование: Учебник. -М.: Дашков и К°, 2010.-368 с.
74. Анискин Ю.П. Управление инвестициями: Учеб. пособие. - М.: Омега-Л, 2006. - 192 с.
75. Мазура И.И., Шапиро В.Д. Инвестиционно-строительный инжиниринг: Учебное пособие. - М.: Экономика, 2009. - 763 с.
76. Станиславчик Е.Н. Бизнес-план. Управление инвестиционными проектами. 2-е изд. М.: Ось-89, 2009. – 128 с.
77. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учебное пособие. - М.: ИП Экопреспектива, 1998.- 463 с.
78. МаматовБ., Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарифхўжаева К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. Ўқув қўлланма.ТМИ.-Т.: 2007 й.

Газета ва журналлар

79. “Халқ сўзи” газетаси. 2008-2012 йил сонлари.
80. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали 2008-2012 йил сонлари.
81. “Бозор, пул ва кредит” журнали 2008-2012 йил сонлари.
82. “Солиқ тўловчи”нинг журнали 2008-2012 йил сонлари.
83. “Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси. 2008-2012 йил сонлари.
84. “Экономическое обозрение” газетаси. 2008-2012 йил сонлари.
85. “Мулкдор” газетаси. 2010-2012йил сонлари.

86. Интернет сайтлари:

- www. tfi.uz
- www.ziyonet.uz
- www.stat.uz
- www. cbu.uz
- www. gsk.ru
- www. tfi.uz
- www.ziyonet.uz
- www.stat.uz
- www. cbu.uz
- www.mfer.uz
- www.uzinfoinvest.uz
- www.uza.uz
- www.lex.uz
- www.business-standard.com

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ТАЯНЧ КОНСПЕКТ

1-мавзу. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Ҳар қандай жамиятда иқтисодий тизим қатнашчилари, улар фирмами, компаниями, тармоқ ёки миллий хўжалик бўлишидан қатъий назар асосий капитални яратиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ёки техник қайта қуроллантириш учун доимо маблағларга эҳтиёж сезишади. Айниқса, ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи катта бўлиб, лекин уларнинг имкониятлари чегараланган. Устувор тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш борасида пухта инвестицион сиёсат олиб бориш ва унинг самарадорлигини таъминлаш жуда муҳим ва шу билан биргаликда қийин вазифалардан бири саналади.

Самарали иқтисодиёт ўз-ўзидан юзага келмайди. У давлатнинг нафақат зарур қонунларни изчил ишлаб чиқиш ва иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича дастурлар қабул қилиш сиёсатининг натижаси эмас, балки иқтисодиётда рўй бераётган қийин жараёнларни профессионал тарзда бошқариш, хусусан мақсадли вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилаётган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши натижасининг ҳам самарасидир.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўқитишда инвестиция лойиҳасининг ғояси, унинг асосланиши, инвестиция олди тадқиқотлари, лойиҳанинг техник иқтисодий асосномаси, лойиҳавий таҳлил, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режаси, лойиҳа бўйича хом ашё ва материаллар ҳамда уларни етказиб берилиши, қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий таркиби, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишда ва инвестицион лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги жуда муҳим фанлардан бири саналади.

Фанни ўқитишнинг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи, банк ходимлари бўлиб етишадиган талабалар учун бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш манбалари, инвестицион жараён, лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш, бизнес-режа тузиш, қурилиш смата қиймати таркиби, инвестицион лойиҳалаш тартиблари тўғрисида кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўрганиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- инвестициявий лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мақсадини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланишини ўрганиш;
- инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнларини ўрганиш;
- инвестиция олди тадқиқотларини ўрганиш;
- инвестиция олди тадқиқотларини амалга ошириш босқичларини ўрганиш;
- инвестициявий жараён - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги даврни ўрганиш;
- бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатларини ўрганиш;
- лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси ва бизнес-режа мақсадларининг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлигини ўрганиш;
- лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқишни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг умумий муддатини ишлаб чиқишни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усуллари ва манбаларини ўрганиш;

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани “Халқаро валюта кредит муносабатлари”, “Молия статистикаси”, “Пул кредит ва банклар” каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади. Шу билан бирга, “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани қатор махсус фанлар, жумладан, “Суғурта иши”, “Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш”, “Инвестиция рискларини бошқариш” каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг мақсади талабага инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан инвестиция олди тадқиқотларини олиб боришнинг назарий асосларини ўргатиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан керакли қарор қабул қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани ўзининг эволюцион ривожланиши жараёнида кўпгина фанлар билан алоқадорликда ўз предметини ўрганиб келган. Мазкур фан Статистика, Математик программалаштириш, Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш, Инвестициларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, Лойиҳавий таҳлил ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш республикамизда турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш, жумладан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда бошқарув фаолиятининг ривожланишини тақозо этди. Шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштириш янги инвестиция

лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш ва уларни молиялаштиришнинг оптимал вариантларини қидириб топиш талабларини келтириб чиқарди.

Амалиётда инвестиция лойиҳаси тушунчасининг тобора кенг қўлланиши, аввалом бор, ушбу атаманинг иқтисодий моҳиятини англаб олиш заруриятини келтириб чиқаради.

Инвестиция лойиҳаси тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қараш мумкин. Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндисидир.

2-мавзу. Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши

1.“Лойиҳа” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон давлат мустақилилига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди.

Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона инвестиция сиёсатининг натижаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтганидек, “Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурилиш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади”.3

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 9 апрелдаги 165-сонли “Чет эл инвестицияси иштирокидаги устувор инвестиция лойихаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ инвестиция лойихаси - бу маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник-иқтисодий, бизнес-бошқарув, маркетинг ва ищлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс хужжатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Лойиҳа – бу ўзига хос фаолият тури дейиш мумкин. Лойиҳанинг бир қанча ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, лекин унинг асосий 4 та белгиси лойиҳани бошқа турдаги фаолиятлар ва тадбирлардан алоҳида ажратиб туради:

1. Лойиҳа мақсадлари аниқ белгиланган бўлиши керак. Лойиҳа мақсадининг аниқ белгиланиши ана шу лойиҳани самарали амалга ошишига ёрдам беради. Агар лойиҳанинг дастлабки мақсадларидан воз кечилса, бу лойиҳанинг умуман амалга ошмай қолишига, лойиҳа “якуни”га, “тугалланмай қолиши”га, “сўниши”га сабаб бўлади. Охирги йиллар давомида лойиҳа мақсадларини шакллантириш ва унга эришишнинг бир қатор услублари ишлаб чиқилган, ҳамда бу услублар лойиҳавий молиялаштиришни режалаштиришда жуда қўл келади.

2. Лойиҳа аниқ (одатда олдиндан белгиланган) муддат давомида амалга ошиши лозим. Лойиҳанинг бошланиши ва оҳири мавжуд. Қачонки лойиҳада кўзда тутилган асосий мақсадларга эришилса, шундагина лойиҳани тугалланган деб ҳисоблаш мумкин. Лойиҳани бунда самарали амалга ошиш кафолати бўлиб белгиланган вақт, муддат давомида керакли ресурсларни ва ҳаракатларни оптимал тақсимлаш ҳисобланади.

3. Лойиҳада ўзаро боғлиқ ҳаракатларни бажарилишини мувофиқлаштириш лозим. Лойиҳа ўз моҳиятига кўра мураккаб ҳисобланади: лойиҳани амалга ошириш деганда бир қанча тадбирларни (операцияларни, амалларни, ишларни) амалга ошириш тушунилади. Ана шу ишлар, тадбирлар

[3] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 16 -17б.

ва фаолиятлар ўзаро бир - бирлари билан боғлиқ ҳисобланади. Баъзи фаолиятлар параллел равишда бажарилса, баъзилари қатъий равишда кетма-кет бажарилиши лозим. Бундай ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетлик бузилса, лойиҳани амалга ошмай қолиш ҳавфи туғилади.

4. Лойиҳа уникал бўлиши лозим. Ҳар бир лойиҳа бетакрор ҳусусиятларга ва белгиларга эга. Мутлақ бир-бирига ўхшаш лойиҳалар бор, деб айта олмаймиз. Гарчи уларни амалга ошириш учун бир хил фаолиятлар бажарилсада, бир хил лойиҳалар мавжуд бўлмайди.

Хар бир лойиҳавий фаолият қуйидаги 3 та чегараланишга эга:

1. Вақт бўйича чегараланиши;

2. Пул ресурслари билан чегараланиши;

3. Техник вазифалар билан чегараланиши (ишлар ва операцияларнинг турлари ва сифатига бўлган талаб, инвестиция фаолияти объектининг техник иқтисодий кўрсаткичлари).

Лойиҳа бошқа чегараланишларга ҳам эга бўлиб, улар орасида лойиҳани амалга оширишнинг ташқи шарт-шароитлари алоҳида аҳамият касб этади (институционал, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқалар).

2. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги. Лойиҳаларнинг таснифланиши.

Инвестиция лойиҳаси инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндисидир.

Инвестиция лойихалари турли мақсадларда тузилади ва амалга оширилади, уларни тўрт тургa ажратиш мумкин:

-янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

-ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишини кенгайтириш;

-ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

-давлат ташкилотлари талабини қондириш, уларни махсулот ва хизматлар билан таъминлаш.

Амалиётда инвестиция лойиҳаларининг турлича классификациялари мавжуд бўлиб, белгиларига қараб инвестицион лойиҳаларнинг қуйидаги кўринишларини ажратиш мумкин.

Амалга ошириш муддати бўйича:

қисқа муддатли – 3 йилгача

ўрта муддатли – 3-5 йил

узоқ муддатли – 5 йилдан ортиқ.

Кўлами бўйича (кўп ҳолларда лойиҳа масштаби инвестиция ҳажми билан аниқланади):

- кичик лойиҳалар;
- ўртача лойиҳалар;
- йирик лойиҳалар;
- мегалойиҳалар.

Асосий йўналиши бўйича:

- тижорат лойиҳалар;
- ижтимоий лойиҳалар;
- экологик лойиҳалар;
- бошқалар.

Хар бир лойиха асосан икки турдаги капитал ҳисобига молиялашгтирилади:

1) инициатор ўз капитали ҳисобига;

2) жалб этилган қарз капитал ҳисобига.

Қарз капитали ўзига хос хусусиятларга эга, бу унинг принциплари билан ифодаланади: қайтаришнинг зарурлиги, муддатлилиги берилгани, тўловлилик, мақсадлилик ва таъминланганлик. Бундан ташқари унинг маълум фоизга берилиши ва лойиха муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга оширилишидан қатъий назар, уларни қайтариш зарурлиги билан хам ифодаланади. Бу турдаги капиталдан фойдаланиш учун инициатор учун пухта, мукаммал тузилган бизнес режа ёки техник иқтисодий асослаш зарур бўлади, бизнес режанинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, рисклардан химояланганлигидан келиб чиқиб, бу икки турдаги маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Инвестицион лойиҳа инвестор нуқтаи назаридан самарали деб баҳоланиши учун, биринчидан, уни амалга ошириш ижобий бўлиши, иккинчидан, альтернатив лойиҳаларни солиштириш чоғида юқорироқ самарага эга бўлган лойиҳани маъқул қўриш лозим.

- вақт омили ҳисоби;
- лойиҳани амалга оширишдаги кутилаётган харажатлар ва тушумлар ҳисоби;
- баҳолашнинг кўп босқичлиги;
- инфляция таъсири ва лойиҳани амалга оширишдаги бир нечта валюталарни қўллаш эҳтимолини ҳисобга олиш;
- ноаниқлик ва рисклар таъсирининг ҳисоби;
- лойиҳанинг турли иштирокчилари борлигини инобатга олиш.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш техник, технологик, молиявий, тармоқ ёки ҳудудийлик хусусиятларига боғлиқ бўлган ҳолда ягона тамойиллар асосида амалга оширилади. Улар қуйидагидан иборат:

- лойиҳани унинг бутун ҳаёт цикли давомида кўриб чиқиш;
- пул оқимларини моделлаштириш, бунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча пул тушумлари ва ҳисобот давридаги турли валюталарни ишлатиш эҳтимоллигини ҳисобга олган ҳолдаги харажатлар киритилади;
- ишончлилик ва максимум самара.

Инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама (хусусан молиявий, технологик, ташкилий, муддати ва бошқалар) характерлаш мумкин. Буларнинг ҳар бири инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муҳимдир, лекин кўп ҳолларда инвестиция фаолиятида молиявий ва иқтисодий мезонлар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Саноат инвестициялари бўйича қабул қилинадиган ҳар қандай қарорлар

инвестиция лойиҳаларининг умумий амалга ошиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги мезонларга асосланади:

Ижтимоий-иқтисодий муҳитга тааллуқли лойиҳанинг асосий (корпоратив) мақсади билан ривожлантириш мақсадлари ўртасида ҳозирги ва кейинги давр мобайнида қандайдир бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилик мавжудми?

Лойиҳанинг мақсадига эришиш учун таклиф қилинган лойиҳа ва маркетинг стратегиялари қанчалик муҳимлиги, нима учун таклиф қилинган стратегия танланди, муқобил стратегиялар ҳам эътиборга олинганми?

Лойиҳанинг таркиби, яъни лойиҳа андозаси маркетинг концепцияси, шунингдек корхона танлаган жойлашиш жойи қанчалик лойиҳа стратегиясига ва талаб қилинган ресурсларнинг мавжудлигига мос келади?

Лойиҳа иқтисодий ресурсларни самарали ишлата оладими, лойиҳа учун талаб қилинадиган асосий ресурсларни ишлатишнинг энг яхши вариантлари борми?

Лойиҳалаштирилаётган барча инвестицион ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари ишончлилик даражасидами ва мувофиқ келадиган чегарага эгами?

Лойиҳа ҳаётийлигининг ҳар қандай даврида тўланадиган молиявий мажбуриятларни бажариш учун миллий ва хорижий валюта билан етарлича таъминланганми - барча инвестиция харажатлари капиталнинг мавжудлиги билан аниқланувчи молиявий чегараларда ётадими?

Жамғарилган ҳар йиллик ва дисконтлаштирилган фойда горизонт режалаштиришга лойиҳа таркиби ва маълумотларни баҳолашдаги хатоларга, инфляцияга, нархларнинг нисбий ўзгаришига, шунингдек ишга алоқадор муҳитнинг ўзгаришига (рақобатчилар, истеъмолчилар, бозор, мол етказиб берувчилар ва жамоат сиёсатига) қанчалик сезгир, реал пул кирим-чиқимлари ва тегишли соф фойда таркиби инвесторлар ва молиячиларнинг кўзлаган мақсадлари минимал талабларига мос келадими?

Рисклар мавжуд шароитда уларни назорат қилиш ёки бошқариш учун қандай стратегия амал қилади?

Рискларнинг молиявий натижалари қандай, яъни улар ўзи билан бирга инвестицион, маркетинг, ишлаб чиқариш ва молиявий харажатларга қўшимча харажатлар олиб келадими ёки йўқми, ё бўлмаса, кутилаётган ишлаб чиқариш, сотиш ҳажмини, сотиш нархларини пасайтирадими?

Шундай қилиб, инвестицион қарорлар қабул қилишнинг асосий мезонлари нималардан иборат эканлигини кўриб чиқдик.

Инвестиция фаолияти субъектлари инвестициялаш ҳақида қарорлар қабул қилаётганда лойиҳаларнинг рисклилигини, манбаларнинг жорий қийматини, муқобил имкониятларга кўра лойиҳанинг жозибадорлигини эътиборга олиши лозим. У бундай қарорга рискнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг таҳлили асосида келади. Шу нарса муҳимки, инвестициялаш ҳақида қарор қабул қилинар экан, асосий эътибор рискларни ва келгуси инвестиция даромадлилигини ҳисобга ола билишга қаратилиши зарур.

Молиявий таҳлил харажатлар ва даромадлар, активлар ва пассивлар

бўйича тегишли тижорат маълумотларни (шунингдек тегишли молиявий ресурслар, хизматлар ва товарлар оқими ҳақидаги маълумотларни) тизимли тасаввур этиш ва қайта ишлашга асосланади. Хўжалик фаолияти таҳлили тизими ҳар доим корхонанинг молиявий ҳолатини, яъни баланс ҳисоботларидаги актив ва пассивлари, харажатлар, мажбуриятлар (ҳисобот давридаги) ва соф даромад бўйича ҳисоботда кўрсатилган даромадларни акс эттиради. Бундан ташқари, бу ҳисоб тизими ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатларини аниқлаш учун ҳам муҳимдир, яъни соф даромад бўйича ҳисобот тузишда, шунингдек самарали молиявий режалаштириш, маҳсулотга бўлган нарх калькуляцияси ва харажатларни назорат қилиш учун зарур.

3.Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланиши: янги қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар.

Бино ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш бир ёки икки босқичда амалга оширилиши мумкин. Бир босқичли лойиҳалаштириш типовой ёки такрорий индивидуал лойиҳалар бўйича қуриладиган корхона, бино ва иншоотлар, шунингдек техник жиҳатдан қийин бқлмаган қурилишлар учун мқлжалланган; икки босқичли лойиҳалаштириш эса – алоҳида бино ва иншоатлар учун мқлжалланган. Бунда босқичлилик қатъий белгиланмаган.

Бино ва иншоотлар қурилиши лойиҳаси технологик, қурилиш ва иқтисодий қисмдан иборат бўлади.

Технологик қисм товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси билан боғлиқ лойиҳа қарорларини, ускуналарнинг турлари ва характерини, ишлаб чиқаришнинг механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини қз ичига қамраб олади.

Қурилиш қисми қурилиш ҳажми (бино ва иншоотларнинг қлчами, йқллар ва уларнинг қлчами, этажлар тузилиши ва ҳ.к.)ни, конструктив қарорлар (материалларни танлаш, йиғма конструкцияларни ққллаш)ни ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва бошқа керакли ҳужжатлардан таркиб топади. Бу қисмда қурилиш материаллари, конструкциялари, деталлари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, қурилиш учун ишчи кадрларга бқлган талаб ҳисоб-китоб қилинади ва қурилиши мқлжалланган ҳар бир объект учун қурилиш-монтаж ишлари ҳажми, қурилиш-монтаж ишларининг кетма-кетлиги ва уларни бажариш муддатлари ҳисоб-китоб қилинади.

Лойиҳанинг иқтисодий қисми лойиҳа жойлашадиган жойни танлаш, корхона таркиби ва қувватини аниқлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни қз ичига олади. Унда корхонанинг керакли ресурслар билан таъминланиши, маҳсулотни сотиш каналлари, маҳсулот таннархи асосланади.

Ҳар қандай объектни қуриш, ҳоҳ у ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлишидан қаътий назар тегишли лойиҳа асосида амалга оширилиши керак. Қурилишни лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга, чунки сифатли лойиҳа асосида қурилган корхона келгусида самарали ишлаши мумкин.

Қурилиш бўйича лойиҳалаштириш ишларини шу йўналишда иш олиб бориш учун тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотлари олиб боради. Баъзи бир муҳим тармоқларда (металургия, машинасозлик, энергетика ва ҳ.к.) ихтисослаштирилган тармоқ лойиҳа ташкилотлари ташкил этилган. Улар ичидан энг каттаси ва юқори малакали кадрларга эга бўлган ташкилот бош лойиҳалаштирувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. У ёки бу тармоққа хизмат кўрсатувчи бош лойиҳачи ташкилотларга (институтларга) қолган барча лойиҳачи ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириш вазифаси топширилади. Бош лойиҳачи ташкилот раҳбарлигида ва унинг бевосита қатнашуви асосида лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосланиши амалга оширилади. Шу мақсадда бош лойиҳачи ташкилотлар корхоналарни лойиҳалаштириш, уларни қуриш ва эксплуатацияга топшириш ишлари бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалга татбиқ этиш бўйича изланишлар олиб боради. Бундан ташқари лойиҳалаштириш бош институтлари шу тармоқ йўналишидаги институтларга лойиҳалаштириш ишлари бўймча ёрдам беради ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани экспертиза қилади.

Тармоқ лойиҳа ташкилотларидан ташқари ихтисослаштирилган тармоқлараро лойиҳа ташкилотлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қисқа ихтисослаштирилган йўналиш бўйича лойиҳалаш ишларини олиб боради. Масалан: фундамент, канализация, электр тармоқлари ва ҳ.к.

Йирик ва мураккаб саноат ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш бир қанча турли ихтисосликдаги лойиҳачи ташкилотлар томонидан амалга оширилади (сублойиҳалаштирувчилар). Лойиҳалаштириш ишлари бошланмасдан олдин бош лойиҳалаштирувчи ташкилот буюртмачидан (қурувчидан) лойиҳалаштириш бўйича топшириқ олади ва корхонани лойиҳалаштиришнинг бутун муддатига бош шартнома тузади.

Бош лойиҳалаштирувчи ташкилот билан комплекс лойиҳалаштиришда иштирок этаётган лойиҳачи ташкилотлар ўртасида лойиҳалаштириш ишининг ҳажми ва унинг муддати келишилган ҳолда шартнома тузилади. Лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш буюртмачининг маблағлари ҳисобига амалга ошрилади. Буюртмачи бўлиб, давлат, маҳаллий давлат органлари ва тижорат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Бош лойиҳачи ташкилот буюртмачи (қурувчи)га лойиҳа ишлари сифати ва уни ўз вақтида бажарилиши бўйича жавобгардир. Сублойиҳачи ташкилотлар эса бош лойиҳачи ташкилот олдида ўзларига юклатилган лойиҳалаш ишлари бўйича жавобгардир. Лойиҳалаштириш ишлари якунланадиган кейин бош лойиҳачи ташкилот лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун буюртмачига (қурувчига) беради. Буюртмачилар (қурувчилар) лойиҳа хужжатларини ўзлари, давлатдан ташқари ва давлат экологик экспертизасидан ўтказади.

Қурилиш лойиҳаси керакли техник ва иқтисодий хужжатлар тўпламидан иборат булади. Саноат корхонаси қурилиши лойиҳасида ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот номенклатураси, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қурилиш жойи, хом-ашё, ёқилғи, энергетик база, хўжалик алоқалари ўрганилади. Бундан ташқари лойиҳалаштирилаётган ташкилотнинг ишлаб

чиқариш технологияси техник таъминланиши аниқланади ва объектни қуриш ва эксплуатацияга топшириш бўйича иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинади. Лойиҳанинг техник ва иқтисодий қисми бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва битта техник-иқтисодий хужжатни ташкил этади.

4.Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чикаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнини самарали олиб бориш, келгусида юқори даромад келтириб, иқтисодиётдаги ишсизлик масаласини ҳал этишда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

3-мавзу. Инвестицион лойиҳалаштириш асослари

1.Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти.

Инвестицион лойиҳалаштириш – бу лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишини ўз ичига олувчи техник хужжатлар комплекси (инвестиция лойиҳаси бизнес режаси, чизмалар, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар)дир. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг ажралмас бўғини бўлиб, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қийматини белгиловчи смета ҳисобланади.

2. Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида. Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари.

Ҳар қандай объектни қуриш, ҳоҳ у ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлишидан қаътий назар тегишли лойиҳа асосида амалга оширилиши керак. Қурилишни лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга, чунки сифатли лойиҳа асосида қурилган корхона келгусида самарали ишлаши мумкин.

Қурилиш бўйича лойиҳалаштириш ишларини шу йўналишда иш олиб бориш учун тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотлари олиб боради. Баъзи бир муҳим тармоқларда (металургия, машинасозлик, энергетика ва ҳ.к.) ихтисослаштирилган тармоқ лойиҳа ташкилотлари ташкил этилган. Улар ичидан энг каттаси ва юқори малакали кадрларга эга бўлган ташкилот бош лойиҳалаштирувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. У ёки бу тармоққа хизмат кўрсатувчи бош лойиҳачи ташкилотларга (институтларга) қолган барча лойиҳачи ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириш вазифаси топширилади. Бош лойиҳачи ташкилот раҳбарлигида ва унинг бевосита қатнашуви асосида лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосланиши амалга оширилади. Шу мақсадда бош лойиҳачи ташкилотлар корхоналарни лойиҳалаштириш, уларни қуриш ва эксплуатацияга топшириш ишлари бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалга татбиқ этиш бўйича изланишлар олиб боради. Бундан ташқари лойиҳалаштириш бош институтлари шу тармоқ йўналишидаги институтларга лойиҳалаштириш ишлари бўймча ёрдам беради ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани экспертиза қилади.

Тармоқ лойиҳа ташкилотларидан ташқари ихтисослаштирилган тармоқлараро лойиҳа ташкилотлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қисқа ихтисослаштирилган йўналиш бўйича лойиҳалаш ишларини олиб боради. Масалан: фундамент, канализация, электр тармоқлари ва ҳ.к.

Йирик ва мураккаб саноат ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш бир қанча турли ихтисосликдаги лойиҳачи ташкилотлар томонидан амалга оширилади (сублойиҳалаштирувчилар). Лойиҳалаштириш ишлари бошланмасдан олдин бош лойиҳалаштирувчи ташкилот буюртмачидан (қурувчидан) лойиҳалаштириш бўйича топшириқ олади ва корхонани лойиҳалаштиришнинг бутун муддатига бош шартнома тузади.

Бош лойиҳалаштирувчи ташкилот билан комплекс лойиҳалаштиришда иштирок этаётган лойиҳачи ташкилотлар ўртасида лойиҳалаштириш ишининг ҳажми ва унинг муддати келишилган ҳолда шартнома тузилади. Лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш буюртмачининг маблағлари ҳисобига амалга ошрилади. Буюртмачи бўлиб, давлат, маҳаллий давлат

органлари ва тижорат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Бош лойиҳачи ташкилот буюртмачи (қурувчи)га лойиҳа ишлари сифати ва уни ўз вақтида бажарилиши бўйича жавобгардир. Сублойиҳачи ташкилотлар эса бош лойиҳачи ташкилот олдида ўзларига юклатилган лойиҳалаш ишлари бўйича жавобгардир. Лойиҳалаштириш ишлари якунланадиган кейин бош лойиҳачи ташкилот лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун буюртмачига (қурувчига) беради. Буюртмачилар (қурувчилар) лойиҳа хужжатларини ўзлари, давлатдан ташқари ва давлат экологик экспертизасидан ўтказади.

Қурилиш лойиҳаси керакли техник ва иқтисодий хужжатлар тўпламидан иборат булади. Саноат корхонаси қурилиши лойиҳасида ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот номенклатураси, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қурилиш жойи, хом-ашё, ёқилғи, энергетик база, хўжалик алоқалари ўрганилади. Бундан ташқари лойиҳалаштирилаётган ташкилотнинг ишлаб чиқариш технологияси техник таъминланиши аниқланади ва объектни қуриш ва эксплуатацияга топшириш бўйича иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинади. Лойиҳанинг техник ва иқтисодий қисми бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва битта техник-иқтисодий хужжатни ташкил этади.

3. Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби. Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ.

1. Ишлаб чиқариш ҳажми, яъни лойиҳа масштаби, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини аниқлаш;

2. Йўналтирилганлиги, яъни ишлаб чиқариш, ижтимоий; экологик талабларга жавоб бериши;

3. Мулкчилик шаклларига кўра таснифланиши, яъни давлат ва хусусий;

4. Давлатнинг иштирок этиш хусусияти ва даражасига кўра, яъни кредит, акциялар пакети, солиқ имтиёзлари, кафолатлар ва бошқалар мавжудлиги;

5. Маблағларнинг қопланувчанлиги (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли);

6. Якуний натижаларнинг самарадорлиги (юқори даромадли, қртача даромадли ва паст даромадли).

4. Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар).

5. Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.

Бино ва иншоотлар қурилиши лойиҳаси технологик, қурилиш ва иқтисодий қисмдан иборат бўлади.

Технологик қисм товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси билан боғлиқ лойиҳа қарорларини, ускуналарнинг турлари ва характерини, ишлаб чиқаришнинг механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини қз ичига қамраб олади.

Қурилиш қисми қурилиш ҳажми (бино ва иншоотларнинг қлчами, йқллар ва уларнинг қлчами, этажлар тузилиши ва ҳ.к.)ни, конструктив қарорлар (материалларни танлаш, йиғма конструкцияларни ққллаш)ни ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва бошқа керакли ҳужжатлардан таркиб топади. Бу қисмда қурилиш материаллари, конструкциялари, деталлари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, қурилиш учун ишчи кадрларга

бқлган талаб ҳисоб-китоб қилинади ва қурилиши мқлжалланган ҳар бир объект учун қурилиш-монтаж ишлари ҳажми, қурилиш-монтаж ишларининг кетма-кетлиги ва уларни бажариш муддатлари ҳисоб-китоб қилинади.

Лойиҳанинг иқтисодий қисми лойиҳа жойлашадиган жойни танлаш, корхона таркиби ва қувватини аниқлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни қз ичига олади. Унда корхонанинг керакли ресурслар билан таъминланиши, маҳсулотни сотиш каналлари, маҳсулот таннархи асосланади.

6. Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи. Лойиҳалаштириш босқичлари.

Лойиҳалаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1) Техник иқтисодий асослаш (ТЭО);

2) Техник лойиҳа (асосий лойиҳавий қарорлар, қурилишшнинг умумий смета қиймати, бўлғуси корхонанинг техник иқтисодий кўрсаткичлари).

3) Техник лойиҳа асосида амалга ошириладиган ишчи чизмалар.

Бино ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш бир ёки икки босқичда амалга оширилиши мумкин. Бир босқичли лойиҳалаштириш типовой ёки такрорий индивидуал лойиҳалар бқйича қуриладиган корхона, бино ва иншоотлар, шунингдек техник жиҳатдан қийин бқлмаган қурилишлар учун мқлжалланган; икки босқичли лойиҳалаштириш эса – алоҳида бино ва иншоатлар учун мқлжалланган. Бунда босқичлилик қатъий белгиланмаган.

Инвестиция лойиҳаси тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қараш мумкин. Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади.

4-Мавзу: Инвестиция жараёни ва унинг таркибий тузилиши

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда лойиҳа циклининг босқичлари муҳим ахамиятга эга. “Лойиҳа цикли” тушунчасига лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг турли босқичлари кирди. Лойиҳа циклининг бошланғич ва тугалланиш даврлари, ғоядан то унинг моддий қийматга эга бўлганга қадар даврларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишда, яъни инвестиция ғояларининг пайдо бўлишидан, то уни амалга ошириш уч хил фазани ўз ичига олади: Инвестиция олди, инвестиция ва эксплуатация (ёки ишлаб чиқариш).

Юқоридаги 3 та фаза инвестицион лойиҳа – ҳаётий циклини ташкил этади. (project lifetime).



4.1 – расм. Инвестицион лойиҳа уч фазани ичига олган лойиҳа ҳаётий цикли.

Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишнинг асосий босқичи бўлиб, инвестиция олди фазаси ҳисобланади.

Ушбу фазада лойиҳа ишлаб чиқилади, унинг имкониятлари ўрганилади, дастлабки техник – иқтисодий тадқиқот – кузатишлар ўтказилади, потенцион инвестор ва лойиҳанинг бошқа иштирокчилари билан музокаролар олиб борилади, хомашё ва ускуналарни етказиб берувчилар танланади. Агар инвестицион лойиҳага кредит жалб қилиш кўзда тутилган бўлса, унда бу фазада кредитни олиш бўйича битимлар тузилади; инвестицион лойиҳани юридик жихатдан расмийлаштирилади; ҳужжатларни тайёрлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва корхонани рўйхатга олиш амалга оширилади.

4.1- жадвал.

Инвестиция олди фазаси.

Инвестиция олди фазаси		
1	**2**	**3**
Лойиҳани амалга ошириш имкониятларининг таҳлили	Лойиҳани асослашнинг тайёргарлик босқичи	Лойиҳани баҳолаш ва инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш
Инвестициялаш учун керак бўладиган маблағлар ҳажми ва салоҳиятли (потенциал) инвесторлар	Лойиҳани мавжуд муқобиллар билан солиштиргандаги дастлабки асослаш.	Якуний қарор сифатида лойиҳани ижтимоий-иқтисодий баҳолаш.
Лойиҳани амалга оширишнинг ички ва ташқи шарт-шароитлари баҳолаш	Қўшимча (функционал) изланишлар.	Инвестициялашнинг салоҳиятли манбаларини аниқлаш.
Лойиҳани амалга ошириш имкониятларини макро ва микроиқтисодий даражада таҳлил қилиш	Лойиҳани техник иқтисодий асослаш (ТИА).	Инвестициялашнинг тадбирларининг ишлаб чиқиш.
	Лойиҳани амалга оширишга келишиш ва тасдиқлаш (ишчи ҳужжатлар)	

Лойиҳанинг инвестиция олди фазасида бўлғуси лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади. Лойиҳанинг бу ҳаётий босқич циклида, унинг ҳаётга мос қобиллиги ва жалб этувчанлигига асос яратилади. Инвестиция олди фазаси лойиҳанинг тўлиқ характеристикасини бериши шарт.

Баъзи холларда инвестиция лойиҳасининг бу ҳаётий цикл босқичининг давомийлигини аниқлаш жуда қийин кечади.

Жахон амалиётида инвестиция олди фазаси қуйидаги босқичлари мавжуд:

1)Инвестиция ғояларининг шаклланиши, яъни ғояни танлаш ва дастлабки асослаш ёки дастлабки инвестицион конценцияни шакллантириш (opportunity studies);

2)Инвестиция имкониятларини излаш, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талабни ўрганиш, лойиҳанинг қиймати ва унинг самарасини аниқлаш (pre – feasibility studies);

3)Лойиҳанинг техник – иқтисодий асосланиши ёки унинг техник - иқтисодий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш (feasibility studies);

4)Баҳоловчи хулосани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул қилиш (final evaluation).

Инвестиция ғояларининг шаклланиши босқичида, бу ғояни танлаш, уни дастлабки асослаш, лойиҳада кўрсатилаётган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник, инновацион ва экологик нуқтаи назардан бир қарорга келиш,

лойиҳани амалга ошириш давомида қўйиладиган бошқа талабларга жавоб бериш, инвестиция ғоясининг устунлигини тармоқ, худудий ва давлат идоралари билан дастлабки келишув, лойиҳани амалга ошира оладиган корхонани дастлабки танлаш ва маълумотлар меморандумини тайёрлаш ишлари кўриб чиқилади.

Лойиҳа ғоясини ривожлантириш учун аниқ таклифлар киритишда талаб этиладиган маълумотларни миқдорий баҳолаш учун инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш асосий восита ҳисобланади. Бунда қуйидаги жиҳатлар таҳлил этилади:

- қайта ишловчи саноат учун керакли бўлган табиий ресурслар;
- қишлоқ хўжалигига асосланган саноат тармоғи учун асос бўлган амалдаги қишлоқ хўжалиги таркиби;
- муайян истеъмол талабларига келгуси талаб, аҳоли ўсиши ҳисобига ортиб борувчи талаб;
- атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш;
- қайта ишловчи саноат сектори;
- маҳаллий ёки трансмиллий ва бошқа тармоқлар билан мумкин бўлган алоқалар;
- умумий инвестиция муҳити;
- ишлаб чиқариш сиёсати;
- ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги ва қиймати;
- экспорт салоҳияти ва бошқалар.

Умумий имкониятларни тадқиқ этишни қуйидаги учта категорияга ажратиш мумкин:

1. Ҳудуддаги имкониятларни аниқлаш учун белгиланган изланишлар.
2. Саноат соҳасидаги, масалан, қурилиш материаллари ёки озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги имкониятларни - аниқлаш учун белгиланган изланишлар.
3. Табиий ресурслар, қишлоқ ва саноат маҳсулотларидан фойдаланишга (нефт, химия, металлургия, ёғочни қайта ишлаш) асосланган имкониятларни аниқлаш учун белгиланган изланишлар.

Инвестиция олди фазаси харажатлари умумий капитал харажатларнинг 0,7% дан – 5% гача улушини ташкил этади.

Баҳоловчи хулоса ишлаб чиқариш олди харажатларининг қанчалик ўринли ёки тўғри эканлигини кўрсатиб беради.

Инвестиция олди фазаси натижаси бўлиб, инвестиция лойиҳасининг кенгайтирилган бизнес - режаси ҳисобланади.

Режалаштириш ҳар қандай тадбиркорлик тизимида ҳажмидан қатъий назар унинг ажралмас қисмидир. Илғор технология ва бозор тадқиқотларининг натижалари, янги иш ташкили ва тадбиркорлик режаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий – бошқарув ва молия муаммоларини ҳал қилиш бизнес режада акс этиши керак.

Бизнес – режа – бу ҳужжат, унда аниқ вазиятда бизнеснинг моҳияти, бошланиш имконияти, давоми ва унинг кенгайтирилиши акс этади.

Бизнес – режа тадбиркор томонидан ишлаб чиқилади, агарда бошқа

Бизнес – режа бир неча муҳим вазифаларни бажаради. Бизнес – режани тайёрлаш жараёни фикрлашни жонлантиради, тадбиркорни пухталик билан уйлашга ва ўз ишини турли нуқтаи назардан таҳлил қилишга, ҳақиқий имконият ва қийинчиликларни баҳолашга мажбур қилади.

Иккинчи вазифа – *назорат.* Қоғозда баён қилинган режа келгуси назоратларда ва эришилган натижаларни баҳолашда ҳар доим ишлатилиши мумкин. У корхона фаолиятини келгуси яхшилашга асос бўлиб ҳизмат қилади.

Учинчи асосий вазифа – *жамғариш.* У бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларни жалб қилишга имконият яратади. Бизнес – режа потенциал қарз берувчини, акционер, сармоядорни ҳамда истеъмолчини, таъминловчиларни ушбу корхона билан (ишбилармон билан) тижорат алоқаларида фойда олишга ишонтириши керак.

Инвестицион лойиҳа ҳаётий циклининг кейинги босқичи, *инвестицион фаза* ҳисобланади.

Унда инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ёки лойиҳани амалга ошириш рўёбга чиқади.

Бу фазада аниқ харакатлар белгилаб олинади:

- инвестиция лойиҳасини смета ҳужжатлари тайёрланади;
- ускуналарга буюртмалар берилади;
- ишлаб чиқариш майдонлари тайёрланади;
- ускуналар ўрнатилиб, уларнинг монтаж ишлари тайёрланади.

Ходимларни ўқитиш ишлари ўтказилади ва реклама тадбирлари олиб борилади. Унда корхонанинг доимий активлари шаклланади. Баъзи – бир харажатлар масалан ходимларни ўқитиш, реклама тадбирлар, ускуналарни ўрнатиш ва ишга тушириш, қисман маҳсулотнинг таннархига (бўлғуси харажатлари каби) киритилади, қисман ишлаб чиқариш олди харажатларига киритилади.

Лойиҳа ҳаётий циклининг охирги босқичи, *эксплуатацион ёки ишлаб чиқариш фазаси* хисобланади.

Бу асосий ускуна ва воситаларни харакатга келтиришдан бошланади. Ушбу фазада корхонанинг ҳаракатига старт берилади,махсулот ва хизматлар ишлаб чиқарила бошланади ва олинган қарз маблағлари (банк кредитлари) қайтарила бошланади.

Бу фаза мос тушумлар ва жорий харажатларни характерлайди. Ишлаб чиқариш фазаси давомийлиги инвестион лойихани умумий ҳарактерига сезиларли таъсир ўтказади. У қанча узоқ бўлса шунча жами даромад хажми юқори бўлади.

Инвестициявий цикл, унинг босқичлари ҳамда мақсад ва вазифалари.

Инвестициявий цикл - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги давр. Инвестициявий циклининг босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари.

Инвестициявий цикл ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари. Лойиҳа босқичининг инвестиция олди схемаси. Лойиҳанинг инвестиция босқичи схемаси. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг таркиби. Лойиҳани дастлабки баҳолаш қийматини аниқлаш. Лойиҳа техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқишда лойиҳани бошланғич ёки омилли баҳолаш. *Молиялаштириш режасини тайёрлаш учун эҳтимолий баҳолаш, танлов савдоларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш учун якуний баҳолаш (шартномаларни имзолаш босқичида).*

Ишлаб чиқариш йўналишидаги инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш узоқ вақт давомида амалга оширилади. Бунда инвестиция лойиҳаси ғоядан, то моддий юзага чиқишгача бўлган жараённи босиб ўтиши керак. Ҳар қандай лойиҳа агар у амалга оширилмаса, унчалик аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Режали иқтисодиёт даврида капитал қўйилмалар объекти қурилиб, ишга туширилса, у тугалланган ҳисобланар эди. Лекин бозор муносабатлари шароитида лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган умумий харажатлар ва лойиҳа амалга оширилишидан келадиган даромадга катта эътибор берилади.

Лойиҳани амалга ошириш бир қанча тадбирларни амалга оширишни тақазо этади. Масалан: лойиҳани техник иқтисодий асослаш ва ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш, шартномалар тузиш, лойиҳани молиялаштиришни ташкил этиш, ресурслар таъминоти, объектни қуриш ва уни эксплуатацияга топшириш ва бошқалар.

Умуман олганда, лойиҳани амалга ошириш ва уни тугатиш оралиғидаги давр инвестиция жараёни деб аталади. Инвестиция жараёнини 3 та босқичга (фазага) бўлиш мумкин ва уларнинг ҳар бирининг ўз мақсад ва вазифалари бор:

1. Инвестициялашдан олдинги фаза. Инвестиция лойиҳаси бўйича дастлабки изланишлардан, то уни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилунгунча бўлган давр.

2. Инвестициялаш фазаси. Лойиҳалаштириш пудрат асосида қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун шартномалар имзолаш ва қурилиш монтаж ишлларини олиб бориш.

3. Ишлаб чиқариш фазаси. Корхона хўжалик фаолиятининг юритилиши.

Инвестициялашдан олдинги ва инвестиция босқичи инвестицион лойиҳалаштиришга, ишлаб чиқариш босқичи эса махсус ташкилий тартиб қоидаларига (ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, режалаштириш, молиялаштириш, таҳлил, менеджмент ва бошқалар) таъллуқлидир.

Саноатга таълуқли бўлган инвестиция лойиҳаларини ишлаб иқиш ва амалга ошириш юқорида таъкидлаб ўтилган учта босқичдан иборат жараён тариқасида тақдим этилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири маслаҳат бериш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш каби фаолиятларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

1. Инвестициялашнинг олди босқичи.

Лойиҳани инвестициялашдан олдинги босқичда бўлғуси

лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади, корхона (инвестор, лойиҳа ташкилотчиси) лойиҳага инвестиция қилиш тўғрисида дастлабки қарорни қабул қилади ва қурилиши керак бўлган объектга раҳбарни (бошқарувчи, директорни) танлайди. Лойиҳани амалга оширишнинг турли хил вариантларини ўрганиш, лойиҳани техник иқтисодий асослаш ва унинг самарадорлигини баҳолашни корхона ўз кучи билан ёки махсус ташкилотлар, масалан: лойиҳачи, архитектор, қурилиш маслаҳат фирмаларининг кўмагида амалга оширишлари мумкин.

Мазкур келтириб ўтилган 1-чизмани ўрганиб чиқиб, шу нарсани қайд этиб ўтиш жоизки, лойиҳани инвестициялашнинг олди босқичи қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлилни ўз ичига олар экан:

1. лойиҳани амалга ошириш имкониятлари таҳлили;
2. умумий имкониятлар (макродаражада) таҳлили;
3. аниқ лойиҳа бўйича имкониятлар (микродаражада) таҳлили.

Саноати ривожланган давлатларда лойиҳа бўйича инвестициялаш олди харажатлари нормал шарт-шароитларда лойиҳа қийматининг 1,5-5,5% гача бўлиши мумкин. Шу жумладан:

- инвестиция имкониятларини ўрганиш ва таҳлилига – 0,2-1% гача;
- инвестицияни асослаш ишларига – 0,25-1,5% гача;
- кичик лойиҳалар бўйича ТИА ишларига - 1-3% гача;
- катта лойиҳалар бўйича ТИА ишларига – 0,2-1,2% гача.

5-мавзу. Инвестиция лойҳаси бўйича бизнес-режа тузиш

Инвестиция лойиҳалари бўйича бизнес-режа тузиш зарурлиги ва аҳамияти.

Бизнес-режа (БР) – бу жаҳон хўжалик амалиётида умумий қабул қилинган, тадбиркорлик таклиф ва лойиҳаларини тақдим этиш шаклидир. Бизнес-режа ташкилотнинг ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий фаолияти тўғрисида батафсил ахборотдан иборат бўлган ҳолда, инвестициявий лойиҳа барча иштирокчиларининг истиқболлари, шароитлари ва ҳамкорлик шаклларини ҳам атрофлича баҳолайди.

Бизнес – режа – бу ҳужжат, унда аниқ вазиятда бизнеснинг моҳияти, бошланиш имконияти, давоми ва унинг кенгайтирилиши акс этади.

Бизнес – режа тадбиркор томонидан ишлаб чиқилади, агарда бошқа муаммолар бўйича маслаҳатлар керак бўлса, бу ишга бошқа соҳа мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Одатда бундай режалар 1-3-5 йил муддатга тузилади. Тадбиркор томонидан биринчи йилдаги олинадиган самара ойлар бўйича батафсил, кейинги йили – чораклар бўйича, кейинчалик йил бўйича ҳисобланади.

Бизнес – режа акциядорлар тасдиғидан ўтган тақдирда (ҳиссадорлик жамияти бўлса), биринчи йилга алоҳида иш вазифаларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Ғарбдаги кўпчилик фирмалар ўз фаолиятини жуда аниқ режалаштиради ва бизнес – режани ишлаб чиқишда маҳсус талабларга асосланади. Одатда унинг хажми 40 бетдан ошмайди. Юқори даражадаги рақобатли соҳаларда, кўзда тутилмаган холатлар бўлиши мумкин бўлганда тўлиқ режанинг муқобили сифатида қисқа варианти қабул қилинади. Айрим холларда бизнес – режа ўзлари фойдаланиш учун кичикроқ ва каттароқ ҳажмда «ташқи» варианти (банк, сармоядорлар, таъминловчилар ва истеъмолчилар учун) тузилади. Бундай ҳажмдаги режаларга аниқ мисоллар, ҳисоблар, кўргазмалар илова қилинади.

Режалаштириш зарур эканлигининг учта асосий сабабини ажратиб ўтиш мумкин:

1. Бизнес-режа тузиш жараёни, ғояни асослашни ўз ичига олган ҳолда, лойиҳага объектив ва эхтиросларсиз назар ташлаш имконини беради. Режа мумкин бўлган ҳатоларни олдини олиш, ва лойиҳанинг мақсадини тўлиқ англашга ёрдамлашади яъни бизнес – режани тайёрлаш жараёни фикрлашни жонлантиради, тадбиркорни пухталик билан уйлашга ва ўз ишини турли нуқтаи назардан таҳлил қилишга, ҳақиқий имконият ва қийинчиликларни баҳолашга мажбур қилади.

2. Қоғозда баён қилинган режа келгуси назоратларда ва эришилган натижаларни баҳолашда ҳар доим ишлатилиши мумкин. Америкалик бошқарув бўйича таниқли маслаҳатчи Питер Дрюккернинг сўзларига қараганда «Нимаки режалаштирилса, шу бажарилади». У корхона фаолиятини келгуси яхшилашга асос бўлиб ҳизмат қилади.

3. Тугалланган бизнес-режа сизнинг ғояларингизни инвесторларга етказишнинг энг кўргазмавий воситасидир. Сифатли ишлаб чиқилган бизнес-

режа инвесторларда яхши таассурот қолдириши билан бир қаторда, сизнинг қобилиятингиз ва касбий маҳоратингизни ҳам акс эттиради. У жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларни жалб қилишга имконият яратади.

Корхонани раҳбари ёки менеджери бизнес – режани ишлаб чиқаришнинг аниқ схемаси, унинг тартиби ва баёни, хажми, ахборот устунлигини танлашда қуйидаги омилларга алоҳида этибор бериши керак бўлади:

- корхона статуси ва катта - кичиклиги (кичик бизнес);
- режалаштириш фаолиятининг босқичлари (бизнес бошланиши, яъни, янги ишлаб турган корхона фаолиятининг давоми);
- режанинг мақсадли йўналиши (асосан ички ишларга ёки қарз ва сармоя олишга);
- бизнес хусусияти ва қийинчилиги, худди шундай у ёки бу масалаларни ишлаб чиқишдаги ибораси;
- керакли маълумот ва ахборотни борлиги;
- бошқа мутахассисларнинг ёрдамига муҳтожлиги ва бошқалар;

Ҳозирги кунда бизнес-режанинг кўпгина шакллари мавжуд. Қуйида жаҳон хўжалик амалиётида энг кўп фойдаланадиган бизнес-режалар тузилмаси келтирилган.

Бизнес-режанинг ҳалқаро шакли (ЮНИДО (United Industrial Development Organization), БМТнинг саноатни ривожлантириш бўлими томонидан ишлаб чиқилган).

1.Резюме

2.Таклиф этилаётган лойиҳа ғояси (моҳияти)

3.Маҳсулот сотиладиган бозорларни баҳолаш (Янги товар истеъмолчилари; Рақобатдошлар; Рақобатдошларга нисбатан ўз кучли ва ожиз томонларини баҳолаш).

4. Маркетинг режаси (Маркетинг мақсадлари;Маркетинг стратегияси)

5. Ишлаб чиқариш режаси (Янги товар ишлаб чиқарувчи;Талаб қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг мавжудлиги).

6. Ташкилий режа (Корхона ташкилий-ҳуқуқий шакли; Корхона ташкилий тузилмаси; Бошқарув таркиби аъзолари тўғрисида маълумотлар)

7. Молиявий режа (Даромад ва харажатлар режаси; Зарарсизликка эришиш графиги; Молиялаштириш стратегияси (маблағлар манбалари ва уларни сарфлаш).

8. Иловалар.

Бизнес режа тузишда инжиниринг ва консалтинг хизматларининг ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 июлдаги N 265 Қарори билан "Ўзинвестлойиҳа" республика инжиниринг компаниясини ташкил этилган.

"Ўзинвестлойиҳа" компанияси: юридик шахс ҳисобланади ва очиқ турдаги акционерлик жамияти шаклида ташкил этилади.

ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия фаолияти масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, марказлаштирилган захира, суғурта ва бошқа

фондларни ташкил этади. Компания маблағлари ихтиёрий пай ва бошқа бадаллар ҳисобидан, шунингдек, уставда назарда тутилган ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадлардан шаклланади;

"Ўзинвестлойиҳа" республика инжиниринг компаниясини ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

“Ўзинвестлойиҳа" Республика инжиниринг компаниясининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициядан олдинги тадқиқотлар (бизнес-режалар, техник-иқтисодий асослашлар, маблағ билан таъминлаш режалари ва бошқа ишлар)ни бажариш ва инвестиция лойиҳаларига эксперт-маслаҳатларни илова қилиш;
- инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- инвестиция лойиҳаларини халқаро стандартларга мувофик тайёрлаш учун методик тавсияномалар, шакллар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқиш.

Компания таркибига кирувчи институтлар:

“Ўзоғирсаноат" акционерлик жамияти - республика иқтисодиёти базавий тармоқларида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга;

"Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа" лойиҳалаш институти - қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати соҳасида ҳамда бош институт ва республика вилоятларидаги филиаллар базасида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш соҳасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга;

"Ўзенгсанлойиҳа" жамоа корхонаси - енгил саноат ва пахтани қайта ишлаш саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга.

Йирик инвестиция лойиҳаларини дастлабки техник-иқтисодий асослаш. Лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш.

Дастлабки техник-иқтисодий асослаш - вариантларни кўриб чиқиш асосида лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни, умуман лойиҳанинг чекланган қийматини, шу жумладан, технологик асбоб-ускуналар қийматини асословчи, уни молиялаштиришнинг мумкин бўлган манбалари бўйича вариантларни ҳисобга олган ҳолда молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгиловчи ҳужжат.

Техник-иқтисодий асослаш – бу лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўришга имкон берувчи бошланғич маълумотлар, шунингдек асосий техник ва ташкилий қарорлар, ҳисоб-смета, баҳолаш ва бошқа кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирувчи ҳисоб-аналитик ҳужжатлар тўплами.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-Иловасида келтирилган

6-мавзу. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш

Маркетинг - инсоннинг айирбошлаш воситасида талаб ва эхтиёжни кондиришга каратилган фаолиятидир. Маркетинг таркибига бозорни урганиш. Истеъмолчи буюртмасига кура махсулотлар ассортиментини режалаштириш, бозорни эгаллаш, реклама, товарлар ва хизматларни ишлаб чикарувчидан истеъмолчига етказиб бериш билан боглик тадбиркорлик фаолияти киради. Маркетинг конструктор, мухандис, иктисодчи ва бошка мутахассисларга бозор эхтиёжлари билан танишиш, истеъмолчи ушбу махсулотнинг кандай булишини исташи, унга канча хак тулаши, у ким учун зарурлиги хакида мулохаза юритиш имконини беради.

Бозор шароитида корхонани бошкариш маркетингни ишлаб чикариш циклининг бошига куяди, чунки хужалик карорларини кабул килиш асосида ишлаб чикариш имкониятлари эмас, балки бозор талаблари, харидор эхтиёжлари ётади. Охир натижада корхона кулами, корхонани бошкариш ташкилий таркибини, бошкарув тамойил ва усулларини, хизмат курсатиш йуналишларини бозор белгилайди.

Бозор муносабатлари шароитида корхона бозор коньюктураси, булажак шериклар имкониятлари, нархлар узгариши хакида ахборот олиш асосида уз ишлаб чикаришини моддий-техникавий таъминлаш ва капитал курилишни товарлар ва хизматлар бозоридан (бевосита ишлаб чикарувчидан, улгуржи савдода, шу жумладан, ярмарка, кимошди савдоси, хамда моддий-теъминот ва бошка воситачи ташкилотлардан) ресурслар сотиб олиш йули билан амалга оширади. Натижада корхонанинг режа-иктисод, техника, технология, таъминот ва сотув булимлари вазифалари узгаради. чунки корхона мухандис-техниклари ресурслардан кай даражада фойдалана олиш имкониятига эга эканликларини билишлари, бозор таъсиридан эркин булишлари учун корхонада бозор иктисодиёти, корхона ишлаб чикариш ва молия сиёсати масалалари буйича ахборот манбааси, булган махсус маркетинг хизматини ташкил этиш эхтиёжи вужудга келади.

Маркетинг булими бозорни, ижтимоий талаб холати ва узгариши, коньюктурани урганиш натижасида корхонада ишлаб чикариладиган махсулот зарурлиги, истикболи масаласини хал этади.

Корхонани маркетинг воситасида бошкариш анча мушкул булиб, катта хажмда режа-хисоб китобларини, кадрларни кайта тайёрлашни, бошкарув вазифа ва усулларини тубдан узгартиришни талаб килади. Факат корхона, бутун иктисодиёт хужалик механизмини тубдан кайта куриши асосидагина маркетинг тенденциясини куллаш мумкин. Акс холда корхона тез узгарувчан талабга мослаша олмай ракобат курашига бардош бера олмайди. Бу корхона фойда курмаслиги ва ундан келиб чикувчи бошка окибатларга олиб келади. Чунки факат истеъмолчилар эхтиёжини хисобга олиб, фан-техника тараккиёти ютукларидан фойдалана олган корхонагина уз махсулотини сотишдан фойда олиши мумкин.

6.1-жадвал

Маркетинг турлари.

Талаб холати	**Маркетинг вазифаси**	**Маркетинг тури**
Салбий талаб	Талаб яратиш	Конверсион маркетинг
Талаб йук	Талабни рагбатлантириш	Рагбатлантирувчи маркетинг
Мумкин бўлган маркетинг	Талабни ошириш	Ремаркетинг
Узгарувчан талаб	Талабни мувозанатлаш	Синхромаркетинг
Тулик талаб	Талабни куллаш	Кулловчи маркетинг
Ортикча талаб	Талабни камайтириш	Демаркетинг
Макбул булмаган талаб	Талабни тугатиш	Каршилик килувчи маркетинг

1. Салбий талаб. Агар харидорларнинг купчилик кисми товарни кабул килмаса ва ундан кочса, бозор салбий талаб вазиятида булади. Маркетинг хизматларининг вазифаси - нима учун бозор товарни кабул килмаяпти, маркетинг дастури товарларни мукаммаллаштириш оркали, нархларни пасайтириш оркали товарга булган карашларни узгартириш мумкинлигини тахлил килиш ва талабни янада фаол куллаб-кувватлашдир.

2. Мавжуд булмаган талаб. Истеъмолчилар товар билан кизикмасликлари ва эътибор бермасликлари мумкин. Бу холда маркетингнинг вазифаси - харидорларда ушбу товарга нисбатан кизикиш уйготишдир.

3. Яширин талаб. Купгина истеъмолчилар бозорда мавжуд булган товарлар ва хизматлар билан кондирилиши мумкин булмаган талабга эга буладилар. Бу холда маркетингнинг вазифаси - потециал бозор хажмини аниклаш ва талабни кондиришга кодир булган самарали товарлар яратишдан иборат.

4. Пасаяётган талаб. Эртами-кечми, хар кандай корхонанинг бир ёки бир неча товарига булган талабнинг пасайишига дуч келади. Бу шароитда коньюнктуранинг пасайиш сабабларин тахлил килиш лозим ва янги янги максадли бозорлар топиш йули билан, товар хусусиятларини узгартириш ёки янада самарали алокалар (коммуникация) урнатиш билан товар етказиб беришни рагбатлантириш мумкинлиги аникланади. Бу ерда маркетингнинг вазифаси - пасайиб бораётган талабнинг олдини олиш учун, товарни ткалиф килишга ижодий ёндашиш лозимлигини унутмасликдир.

5. Доимий булган талаб. Купчилик корхоналарда товар етказб бериш мавсумий, кундалик ва хаттоки соатбй тебранишга эга. Бу корхоналарнинг асосий фондларини кам ёки куп юклаш муаммоасини тугдиради. Масалан, жамоа транспортининг асосий кисмида “тигиз вактда” йуловчилар хаддан зиёд куп булади. Бу вазиятда маркетингнинг вазифси - узгарувчан (эгилувчан) бахолар ёрдамида, рагбатлантириш ва бошка таъсир килиш усуллари оркали талабнинг вакт буйича тебранишини текислаш йулларини излаши лозим.

6. Тулаконли талаб. Бу талаб тугрисида тадбиркорлар уз савдо тушумларидан, фойдаларидан тулик коникиш олган холдагина гапирадилар. Маркетинг вазифаси истеъмолчиларнинг товарни афзал узгаришига ва ракобатнинг кучайишига карамасдан талабнинг мавжуд даражасини ушлаб колишга харакат килиш лозим. Бу шаротида товар сифатини янада ошириш, унга хизмат курсатишни яхшилаш, товарнинг истеъмолни кондириш даражасини доимий назорат килиш биринчи уринга чикади.

7. Хаддан ташкари юкори булган талаб. Бозордаги талабни кондириш мумкин булган даражадан талаб даражаси юкори булади. Бу холда маркетингнинг вазифаси - талабнинг вактинчалик ёки доимий равишда пасайтириш йулини излаб топишдир. Бу вазиятда нархларни кутариш оркали, талабни кискартиришга каратилган рагбатлантиришлар, сервисни пасайтириш ва бошка чоралар ёрдамида хаддан ташкари юкори булган талабни камайтиришга харакат килинади. Бу вазиятда маркетингнинг максади - талабни бутунлай йук килиш эмас, балки факатгина унинг даражасини пасайтиришдан иборат.

8. Норационал талаб. Товарга булган талабга карши харакат килиш, согликка зарарли товарларга талабни камайтириш аник максадли харакатларни талаб килади, сигаретлар, спиртли ичимликларнинг таркалишига карши турли тадбирлар утказилади. Маркетинг вазифаси махсулот зарари тугрисида маълумотлар таркатиш, нархларни кутариш ва товарларга эгалик килишни чеклашлар оркали, истеъмолчиларни уз одатларидан воз кечишга ишонтириш.

Шундай килиб, талабнинг 8 холатига тухталиб утдик. Мана шу холатларнинг хар бирига тугри келадиган маркетинг турлари мавжуддир.

Конверсион маркетинг - салбий талабни босиб утишга ёрдам беради, яъни йук жойда талабни вужудга келтиради, бунга ишонтириш ва товар тугрисидаги ёлгон маълумотларни инкор этиш оркали эришилади. Масалан, урушдан кейинги йилларда сотувда, саноатда ишлаб чикилган майонез пайдо булди. Харидорлар буни тезда кабул килмадилар. Факатгина реклама воситаси билангина махсулотга талаб вужудга келтирилди ва таклиф мувозанатлаштирилди.

Рагбатлантирувчи маркетинг - талабни уйготади, товарлар харидорни кизиктирмаса ва бугунги кунда уз кийматини йукотган булса, товарлар нотугри жойлаштирилган булса ва бошка бир неча холларда талаб мавжуд булмаслиги мумкин. Бундай шароитда рагбатлантирувчи маркетингнинг максади истеъмолчи билан товар уртасида фойдали узаро алока урнатишдан , имкониятларни яратишдан ва шундай килиб, талабни яратишдан иборатдир.

Потенциал талаб мавжуд, уни реал талабга айлантириш керак. Бу шароитда ***Ривожланувчи маркетинг*** туридан фойдаланилади. Потенциал талабни реал талабга айлантириш учун биринчи навбатда янги товарлар яратиш устида ишлаш керак, яъни талабни янги сифат даражасида кондиришга эришиш керак. Ривожланувчи маркетинг - яширин талабни камраб олувчи ва уни реал талабга айлантирувчидир.

Талабнинг пасайиши турли даврларда хар кандай товар бўйича дуч келадиган ходиса. Бу холатда ***Ремаркетинг***дан фойдаланилади.

Ремаркетингнинг максади талабни тиклаш зарурлигини билдиради, яъни тушиб бораётган талабни жонлантиришдир.

Талаб узгариб туради, талабни стабиллаш керак. Бу холатда ***Синхромаркетинг*** туридан фойдаланилади. Синхромаркетинг - тебраниб турувчи талабни нисбатан баркарорлаштиришга ва уни тартибга солишга ёрдам беради. Бундай талаб мавсумий ва бошка тебранишлар билан характерланади. Бунинг натижасида товар таклифи талабга тугри келмайди. Шунинг учун синхромаркетингнинг стратегияси талаб ва таклиф меъёрини текислашдан иборат.

Талаб фирманинг имкониятларига аник жавоб беради, талабнинг бир текисда булишига эришиш керак. Бу шароитда ***Куллаб-кувватловчи*** маркетинг туридан фойдаланилади. Куллаб-кувватловчи маркетинг - товарлар ва хизматлар ассортиментини тулдириш, янгилаш ва нархларни пасайтириш оркали мавжуд булган талаб ва эхтиёж даражасини саклаб колишга имкон беради.

Талаб хаддан ташкари юкори бўлганда, талабни пасайтиришга эришиш лозим. Бу холатда ***Демаркетинг*** туридан фойдаланилади. Демаркетингнинг максади нархни кўтариш, сервисни қисқартириш йўли билан талабни вақтинчалик ёки сурункасига пасайтиришдан иборат.

Носоглом талаб соглик учун зарарли булган товарларга нисбатан пайдо булади. Бунда ***Карама-карши харакатланувчи маркетинг*** норационал эхтиёжларни кондирувчи талаб ва хизматларга булган талабни камайтириш ёки бутунлай йук килишга хизмат килади. Бунга антиреклама воситасида эришилади.

Маркетинг стратегияси боскичларини схема тарзида ифодалаш мумкин.



6.1-расм. Маркетинг боскичлари.

1-боскич - талаб коньюктурасини урганиш. Корхона бозордаги иктисодий вазиятни хар томонлама урганади, талаб коньюктурасини, шунингдек. Харидор имкониятларини урганади.

2-боскич - бозор сигимини урганади. Корхона кузда тутилган савдо сигимини аниклайди. Бу ушбу сохага капитал сарфлаш учун туртки булиб хизмат килади.

3-боскич - мавжуд бозор шароитида корхона максад ва имкониятларини аниклаш. Бозор эхтиёжларини билиш уларни корхона имкониятлари билан таккослашга имкон беради.

4-боскич - маркетинг режа ва стратегиясини ишлаш. Хам максадга эришишнинг умумий стратегияси, хам корхона йуналиши ва булинмалари учун батафсил режа сифатида ишланади.

5-боскич - лимий-техник ва тажриба конструкторлик ишлари. 4 та боскичда ривожланиш йуллари белгилангандан сунг бевосита сотиш учун махсулот ишлаб чикаришга илмий-тадкикот , тажриба ва конструкторлик ишлари, технология, ишлаб чикариш режаси, тажриба ишлаб чикариш ва х.к.га утилади. Нихоят, махсулот яратилди.

6-боскич - махсулотни бозорга киритиш. Бунинг энг мухим шарти бозорга чикишнинг энг макбул йулини танлаш билан бирга, нарх сиёсатини хам белгилашдир.

7-боскич - рекламаю бозорда уйлаб самарали иш юритмай муваффакиятга эришиб булмайди. Товар хакида харидорларга ахборот бериш ва уни сотиб олишга ундаш - мураккаб ва маъсулиятли вазифа булиб, у билан бир вактда савдони рагбатлантириш хакида хам гамхурлик килиш керак.

8-боскич - махсулот ассортиментини бошкариш. Талаб харидорнинг ассортимент узгаришига талаби узгаришини урганиш. Ассортиментни узгартириш, бозорга таклиф этилган дастлабки вариантга тузатиш киритиш.

9-боскич - савдо фаолиятини бошкариш. Савдо, икни ташиш, юкларни кадоклашга алохида эътибор берилади.

10-боскич - савдодан кейинги хизмат курсатиш, истеъмолчига сервис хизмати курсатиш, товардан фойдаланишда кумаклашиш.

11-боскич - маркетинг фаолиятини назорат килиш. Бутун фаолият дастурини назорат килиш. Охирги боскичнинг тугаши, биринчи боскичнинг бошланишини билдиради.

Маркетинг стратегиясини билиш «маркетингни бошкариш» тушунчасига таъриф беришга имкон яратади. Маркетингни бошкариш - бу ишлаб чикариш ва бозорни фойда олиш, савдо хажмини ошириш, бозордаги хиссасини ошириш максадида харидорлар билан фойдали айирбошлашни таъминлаш, мустахкамлаш максадида урганиш ва тахлил этишдир.

Бизнес режаларда маркетинг стратегиясини шакллантириш максадида куйидаги саволларни ёритилиши шартдир:

-Танланган бозор хакида маълумотлар;

-Танланган бозор сегментлари;

-Танланган бозор хажми ва усиши суръатлари;

-Танланган бозор ривожланиш тенденцияси.

-Ракиблар: номи; хажми; бозордаги хиссаси; афзаллиги ва камчиликлари; бизнес тенденцияси ,тугри ва ёндашма ракобатни бахолаш; Булар корхонанинг кай даражада ракобатбардошлигани билдиради.

-Харидорлар, уларнинг махсулот тугрисидаги фикрлари, сотиб олишнинг асосий сабаблари;

-Харидорлар, бозор сегменти буйича махсулот реализация хажми ва фойда тахлили;

-Корхонанинг хозирги кундаги ва келгусида кузланган бозордаги хиссаси;

-Кафолат ва сотишдан кейинги хизматлар сохасидаги сиёсати;

-Бахо ва кредит сиёсати;

-Реклама стратегияси ва уни, бозорда харакат килиш усули;

-Махсулот (курсатилган хизмат)лар учун маркетинг сарфлари;

-Жойларни танлаш тахлили;

-Маркетиннинг тадкикотлар утказишнинг аник усуллари;

-Бахони шаклланиши, бозор тахлилидан келиб чикиб уни белгилаш, ишлаб чикарилаётган махсулот ва курсатилаетган хизмат харажатларига асослаш;

-Товарлар ташки куриниши, махсулотлар сифатга тавсифномаси;

-Махсулотни таксимлаш усули ва йуллари.

-Сотиш стратегияси;

-Имкониятли харидорлар сони ва уларни каерда жойланиши;

-кайси бозорларни тугридан-тугри сотиш буйича камраб олиш мумкин, кайсиларини товар хом ашё биржалари, брокерлар ва дистрибьюторлар оркали;

-кай тартибда реклама танланган ва бозорга мослаштирилганми.

Юкоридаги маълумотлар илмий жихатдан асосланган булиши фойдадан холи эмас.

Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

1. Бозорни ва сотишни тадқиқ қилиш:

а) бозор сиғимини баҳолаш;

б) бозор ва унинг сегментлари характеристикасини аниқлаш;

в) бозордаги ўзгаришлар тенденциясини таҳлил қилиш;

г) сотиш хажмини истиқболлаш;

д) мавжуд ва мумкин бўлган истеъмолчилар тўғрисида ахборот олиш;

е) истеъмолчилар талабини ўрганиш;

ж) рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш.

2. Маҳсулотни тадқиқ қилиш:

а) янги маҳсулот тўғрисидаги гояларни туплаш;

б) маҳсулот ҳақида тест утказиш;

в) хар хил кадоклаш турларини синаб кўриш ва тадқиқ қилиш.

3.Баҳони тадқиқ қилиш:

а) маҳсулот баҳоси билан унга бўлган талаб ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиш;

б) маҳсулот ҳаётийлик даврининг турли босқичлари учун баҳо сиёсатини истиқболлаш.

4. Маҳсулот ҳаракатини тадқиқ қилиш:

а) реклама фаолияти самарадорлигини тадқиқ қилиш;

б) турли оммавий ахборот воситалари самарадорлигини тадқиқ қилиш;

в) рекламанинг турли вариантларини синаб куриш;

г) маҳсулот ҳаракати турли усуллари ва воситаларини комплекс солиштирма таҳлил қилиш.

5. Маҳсулотни харидорларга етказиш:

а) омборлар жойлашишини тадқиқ қилиш;

б) чакана савдо нуқталари жойлашишини тадқиқ қилиш;

в) сервис хизмати жойлашишини тадқиқ қилиш.

7-мавзу. Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш

Лойиҳа олди изланишларининг муҳим босқичларидан бири - бўлғуси инвестицион лойиҳани амалга ошириш қийматини баҳолаш ҳисобланади. Лойиҳа қийматини аниқлаш учун асос бўлиб лойиҳани алоҳида қисмлари (қурилиш, технологик ва ташкилий) бўйича ва уларни амалга ошириш бўйича ишланмалар хизмат қилади. Бундай тарзда олинган ишлар ва технологик ускуна ҳарид қилиш қиймати лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишга, уларни бошқа шундай турдаги лойиҳалар билан таққослашга, лойиҳалаштиришдаги афзалликлар ва камчиликларни аниқлашга, капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифаларни шакллантиришга имкон беради. Лойиҳа смета ҳужжатлари лойиҳа бюджетини шакллантириш ва уни бажарилиши устидан назорат қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Смета асосида қурилиш ишлари харажатлари: технологик, энергетик, кўтарма-транспорт ва бошқа ускуналар, корхона фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган бошқа асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентарлари ҳариди харажатлари; ушбу ускуналарни ўрнатиш ишлари харажатлари; қурилиш майдонини ўзлаштириш харажатлари; техник ва муаллифлик назоратини амалга ошириш харажатлари; лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатларини ўз ичига олувчи капитал қўйилмалар ҳажми аниқланади.

Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати буюртмачилар ва пудратчилар, ускуналар етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ва шартнома баҳосини аниқлаш ҳамда улар ўртасида ҳисоблашишни амалга ошириш учун ишлатилади.

Смета қиймати кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳавий ечимлар вариантларини баҳолаш ва улардан иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиғини танлаш учун зарур бўлади. Бундан ташқари, смета қиймати қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш вариантларини таққослаш, конструктив ва бажариладиган ишлар ҳажмини аниқлаш ҳамда қурилиш материаллар ва ускуналарни танлаш учун ишлатилади.

Қурилишнинг смета қийматини ҳаққоний белгилаш лойиҳани ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилади. Қурилиш қийматини дастлабки ҳисоб-китоби йириклаштирилган меъёрлар бўйича лойиҳа олди босқичида техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш объектлари учун иқтисодиёт тармоқлари ва тармоқнинг ички соҳалари корхоналари технологик моделлари асосида ишлаб чиқилган қурилиш базис қийматининг йириклаштирилган меъёрлари (ҚБҚЙМ) қўлланилиши мумкин. Ижтимоий-маданий соҳа объектлари бўйича уларнинг қийматини жорий ва келгуси нархларда аниқлаш учун лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида объект-намоёндалар асосида ишлаб чиқиладиган ҚБҚЙМ дан фойдаланиш тавсия этилади.

Лойиҳалаштирилаётган корхоналар, бино ва иншоотлар, объектлар, уларнинг қисмлари ва иш шакларининг смета қиймати лойиҳалар (эскиз

лойиҳалар) ва ишчи ҳужжатлар таркибида уларни лойиҳалаштириш жараёнида аниқланади. Бунинг учун лойиҳалаш ва изланиш ишлари сметаларини ўз ичига олувчи қурилишнинг йиғма сметаси, объект ва локал сметалар тузилади.

Йиғма смета ҳисоб - корхона, бино ва иншоотлар қийматини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. У объект бўйича ва локал сметалар ҳамда объект бўйича ва локал сметаларда аниқлаштирилмаган қўшимча харажатлар бўйича смета ҳисоби асосида тузилади.

Қурилишнинг йиғма смета ҳисоби 12 та бобни ўз ичига олади:

- қурилиш майдонини тайёрлаш;
- асосий қурилиш объектлари;
- хўжалик ичидаги ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш аҳамиятидаги объектлар;
- энергетика хўжалиги объектлари;
- транспорт хўжалиги ва алоқа объектлари;
- сув таъминоти, оқава сувлар ва газ таъминоти тармоқлари ва иншоотлари;
- ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;
- вақтинчалик бино ва иншоотлар;
- бошқа иш ва харажатлар;
- кадрларни тайёрлаш;
- лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари.

Қурилишнинг йиғма смета ҳисобида алоҳида моддада кўзда тўтилмаган ишлар ва харажатлар учун маблағлар заҳираси ташкил қилинади.

Объект бўйича смета (объект смета ҳисоби) алоҳида ҳар бир бино ва иншоатлар қурилиши учун алоҳида конструктив элементлар ва ишлар тури бўйича локал сметалар асосида ишлаб чиқилади. Объект бўйича сметага қурилиш, санитар-техник, монтаж ва бошқа турдаги ишлар учун харажатлар киритилади. Унда вақтинчалик бино ва иншоатлар ҳамда ушбу объектга тегишли бошқа харажатларнинг бир қисми, шунингдек кутилмаган ишлар ва харажатлар учун маблағлар заҳирасининг бир қисми каби харажатлар акс этади.

Локал сметалар (локал смета ҳисоби) ҳар бир иш тури бўйича ишчи чизмаларга кўра тузилади. Уларда конструктив элементлар ва ишлар тури смета қиймати аниқланади. Қурилиш ва монтаж ишлари ҳажми ишлар ҳажми далолатномаларидан олинади ёки ишчи чизмалар бўйича аниқланади. Ишлар ҳажми ҳисоблаш жараёнини осон кузатишга имкон берувчи схемалар бўйича ҳисобланади.

Объект бўйича ва локал сметаларда меъёрий меҳнат сиғими ва смета бўйича иш ҳақи фарқ қилади. Меъёрий меҳнат сиғими смета меъёрлари бўйича қурилиш ва монтаж ишларига сарфланадиган ишчиларни иш ҳажмини киши-соатда ифода этади. У тўғри харажатларда, эгри харажатларда кўзда тутилган меҳнатлар сиғимини, шунингдек қишги даврда вақтинчалик бино ва иншоатларни қуриш ишларининг сиғимини ўз ичига олади.

Смета бўйича иш ҳақи қуйидагилардан иборат: бевосита қурилиш ва монтаж ишларида банд ишчиларнинг асосий иш ҳақини; қурилиш машиналарини бошқариш ва уларни таъмирлаш ишларида банд ишчиларнинг иш ҳақини; ишчиларнинг устама харажатларда, вақтинчалик бино ва иншоатлар қийматида, қишки қимматлашиш ва бошқа харажатларда акс этувчи иш ҳақи.

Ресурс методи бўйича смета қийматини аниқлашда локал ресурс смета ҳисоб-китоби (локал смета) асосида амалга оширилади.

Бундай ҳисоб-китобда қуйидаги ресурс кўрсаткичлари ажралиб туради:

- меҳнат сиғими (киши-соатда) – қурилиш ишлари ва қурилиш машиналарига хизмат кўрсатиш ишларида банд ишчиларнинг иш ҳақини аниқлаш учун;
- қурилиш машиналарининг ишлаш вақти (машина-соатда);
- материаллар, буюм ва конструкциялар сарфи (қабул қилинган натурал бирликларда: метр куб, метр квадрат, тонна, погон метр ва бошқаларда), материаллар, буюм ва конструкциялар транспортировкаси учун ресурслар сарфи.

Бунда ресурслар қиймати жорий ва кутилаётган баҳоларда олинади.

Қурилишнинг смета қиймати бир вақтдаги қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

$$С = Скур + Смонт + Суск + Сбош + Сзах ,$$

Бунда С – қурилишнинг смета қиймати; Скур – қурилиш ишлари харажатлари; Смонт – ускуналарни монтаж қилиш харажатлари; Суск – ускуна, асбоб ва инвентарларни ҳарид қилиш харажатлари; Сбош – бошқа капитал харажатлар; Сзах – кутилмаган ишлар ва харажатлар учун заҳира.

Қурилиш смета қийматининг таркиби.

Қурилиш ва монтаж ишларининг смета қиймати тўғри харажатлар, эгри харажатлар ва режалаштирилган фойда суммасини ифода этади.

Тўғри харажатлар бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ ва қуйидагиларни ўз ичига олади: ишчиларнинг асосий иш ҳақи; материал, конструкция, детал ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати; машина ва механизмларни ишлатиш/эксплуатация қилиш харажатлари.

Асосий иш ҳақига қурилиш ва монтаж ишлари, шунингдек омбордан қурилиш жойигача материаллари етказиб беришда банд бўлган ишчиларнинг ишбай ва вақтбай иш ҳақи киради. Иш ҳақининг бир қисми қурилиш-монтаж ишлари смета қийматининг бошқа моддаларига киритилади. Масалан: қурилиш материалларини юклаш, транспортировка қилиш ва ортиб туширишда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи материаллар нархига киритилади; машиналарда ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақи машиналарни эксплуатация қилиш харажатларига киритилади; инженер-техник ишчилар ва хизматчилар иш ҳақи устама харажатларга киритилади.

Материаллар, конструкциялар, деталлар ва ярим тайёр маҳсулотлар смета қиймати таркибига: материалларни шартномада келишилган нархларда

ҳарид қилиш харажатлари, ўраш, реквизитлаш, объект олдидаги қурилиш омборигача етказиб бериш харажатлари, шунингдек ўраш-сақлаш харажатлари киради.

Машина ва механизмларни эксплуатация қилиш харажатлари таркибига: машина ва механизмларни қурилиш майдонига етказиб бериш, объектдан объектга кўчириш, монтаж ва демонтаж қилиш харажатлари; амортизация ажратмалари, машиналарни капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган харажатлар; машинистлар, мотористлар ва бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар иш ҳақи; ёқилғи-мойлаш ва тозалаш материаллари қиймати, алмаштириладиган мосламалар ва бошқалар киради.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш, бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган устама сарф-харажатлардан фарқли ўлароқ, бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ эмас ва қурилиш ишлаб чиқаришни нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга кетган харажатларни ифода этади.

Устама сарфларга қуйидаги харажат моддалари киради:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (маъмурий-хўжалик ходимлари иш ҳақи; ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар; компьютерлар, бино ва иншоатлар, хизмат енгил машинасини тутиб туриш ва эксплуатация қилиш; маъмурий-хўжалик ходимлари фойдаланадиган асосий фондларни таъмирлаш; маъмурий ходимларга хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган асосий фондлар бўйича амортизация ажратмалари (ижара ҳақи); маслаҳатлар, ахборотлар ва аудиторлик хизматлари учун ҳақ тўлаш; почта-телеграф, канцелярия, босмахона ва бошқа маъмурий-хўжалик харажатлари;

- қурилиш ишчиларига хизмат кўрсатиш харажатлари (тайёрлов, қайта тайёрлов, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, санитар-гигиеник ва хўжалик шароитлари билан таъминлаш, меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги);

- қурилиш майдонларида ишларни ташкил этиш харажатлари (арзон ва тез эскирувчи асбоб-ускуна ва инвентарларни эскириши ва уларни таъмирлаш; кашфиёт ва рационализаторлик; геодезия ва қурилиш ишларини лойиҳалаштириш харажатлари; ишлаб чиқариш лабораторияларини тутиб туриш; қурилиш майдонларини ободонлаштириш ва тутиб туриш; қурилиш миқёсига кўра қурилиш бўлинмаларини тайёрлаш);

- бошқа харажатлар (мажбурий суғурта, банк кредитлари бўйича тўловлар; реклама, кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш; солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва бошқа мажбурий ажратмалар, ишчиларни йиғиш ва уларни хизмат сафарига юбориш, тақдимотлар ўтказиш ва буюртмачилар томонидан қопланадиган бошқа харажатлар).

Смета фойдаси - қурилиш ташкилотининг алоҳида (умумий) харажатларини қоплаш учун зарур бўлган ва ишлар таннархига қўшиладиган маблағлар суммаси. Смета фойдасига даромад солиғини тўлаш харажатлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш харажатлари киради.

Ускуна, мослама, инструмент ва ишлаб чиқариш инвентарларини ҳарид қилиш харажатларига: лойиҳада кўзда тутилган монтаж қилинадиган ва монтаж қилинмайдиган (транспорт воситалари, автомашиналар, тракторлар, электровозлар, вагонлар ва бошқалар) технологик, кўтарма-транспорт, энергетик ва бошқа ускуналарни ҳарид қилиш, идишга солиш, ўраш, қадоқлаш ва қурилиш майдонига етказиб бериш харажатлари; қурилаётган объектларни эксплуатация қилиш уларсиз мумкин бўлмаган мослама ва инвентарларни ҳарид қилиш ёки уларни тайёрлаш харажатлари киради.

Қурилиш смета қийматига кирувчи бошқа капитал сарфлар таркибига: лойиҳа қидирув ишларини амалга ошириш харажатлари; майдоннни ўзлаштириш харажатлари (қурилиш майдонини тартибга келтириш, қурилиш муносабати билан кўчириш ва бошқалар); корхона учун кадрларни тайёрлаш харажатлари; ишчиларга турли компенсация ва қўшимча тўловлар.

Смета қийматида назарда тутилган, умумий қурилиш қийматининг маълум бир фоизи ҳисобида кутилмаган ишлар ва харажатлар бўйича заҳира лойиҳалаштириш жараёнида ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайдиган, аммо лойиҳавий қарорларни батафсил кўриб чиқишда, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган ишлар қийматини ва харажатларни компенсациялаш учун мўлжалланган.

Таъкидланган харажатларнинг корхона, бино ва иншоатлар қурилишини умумий қийматидаги улуши қурилаётган объектларнинг мақсади ва ишлар хусусияти (янги қурилиш, реконструкция, мавжуд ёки вақтинчалик тўхтатилган корхоналарни техник қайта қуроллантириш) дан келиб чиқади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қимматбаҳо машина ва агрегатлар ўрнатиладиган саноат корхоналари қурилишида ускуналар ҳарид қилиш ва монтаж қилиш смета харажатларининг асосий қисмни ташкил этади. Техник қайта қуроллантиришда асосий харажатлар ускуна ва уни монтаж қилишга, ижтимоий-маданий соҳа объектларини қуришда – қурилиш монтаж ишларини амалга оширишга тўғри келади.

Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш учун учта усулдан фойдаланилади: **базис-компенсацион, ресурсли ва ресурс-индексли усуллар.**

Базис-компенсацион усулда смета ҳужжатлари мавжуд смета меъёрларига асосан тузилади. Бу ерда объект қиймати ҳақиқатда қилинган харажатлардан шаклланади ва фақат қурилиш якунлангандан кейин тўлиқ аниқланиши мумкин.

Ушбу усул ёрдамида қиймат икки босқичда аниқланади:

- биринчи (лойиҳалаштириш) босқичда – базис даражада базис қийматнинг инфляция муносабати билан кутиладиган ўсиши эҳтимоли билан;

- иккинчи (қурилиш жараёни) босқичда – ишлар, хизматлар, ускуналар ва бошқаларга ҳақ тўлашда биринчи босқичда белгиланган нарх ва тарифларнинг реал ўзгариши натижасида қўшимча харажатлар ҳисобга олинади.

Қурилишнинг жами қиймати унинг базис даражаси ва ишлатиладиган ресурслар учун нарх ва тарифларни ўсиши натижасидаги барча бошқа қўшимча харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Ресурсли усул лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар (ресурслар) элементларини жорий (кутилаётган) нархлар ва тарифларда калькуляциялашдан иборат. Таннарх (ишлаб чиқаришни келгуси харажатлари) калькулаяцияси материаллар, буюм ва конструкцияларга бўлган эҳтиёжнинг натурал бирликлардаги ифодаси, қурилиш майдонига етказиб бериш ва масофа, қурилиш машиналарини эксплуатация қилиш вақти, ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун:

- объектларни лойиҳалаштиришда тузиладиган материалларга бўлган талаб қайдномаси;
- лойиҳалаштириш ҳужжатларининг “Қурилишни ташкил этиш” бўлимида келтириладиган ишчиларнинг меҳнат сарфи ва қурилиш машиналарининг ишлатиш вақти ҳақидаги маълумотлар;
- материаллар сарфининг ишлаб чиқариш меъёрлари;
- ресурс бўйича смета меъёрлари йиғиндисидан фойдаланилади.

Тегишли ишлар қийматини аниқлашда ишлатиладиган ресурслар одатда, бино (иншоот)нинг бутун ёки бир қисми бўйича, йиғинди кўринишида ҳисобланади. Жами ресурс кўрсаткичлари баҳоланиши лозим. Ресурслар сарфи бўйича йиғма кўрсаткичларни ҳисоблаш учун дастлаб, объектда бажариладиган ҳар бир иш бўйича ресурслар ҳажми ажратиб кўрсатилган локал ресурс қайдномасини тузиб олиш зарур бўлади.

Инвестор учун **ресурслар қийматини** аниқлашда нархларнинг ҳам базис, ҳам жорий (кутилаётган) даражасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Фақат жорий нархлар даражасини қўллашга йўл қўйилади.

Меҳнат ресурслари бўйича жами маълумотлар қуйидагича баҳоланади:

- базис даражада - меъёрларда кўзда тутилган ўртача смета иш ҳақи асосида;
- жорий (кутилаётган) даражада - қурилиш-монтаж ишларида ва ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган ишчиларнинг ҳақиқатдаги ўртача меҳнат ҳақи асосида, аммо меъёрда белгиланган маҳсулот таннархига киритиладиган ўртача иш ҳақи миқдоридан ошмаган ҳолда.

Қурилиш машиналари бўйича жами маълумотлар қуйидагича баҳоланади:

- базис даражада - қурилиш машиналари эксплуатацияси смета меъёрлари ва нархлари бўйича;
- жорий (кутилаётган) даражада - қурилиш машиналарини эксплуатация қилиш бўйича жорий нархлар ҳақидаги маълумотлар асосида.

Материал ресурслар қуйидагича баҳоланади:

- базис даражада - материаллар, буюмлар ва конструкцияларни смета нархлари бўйича;

- жорий даражада - материаллар, буюмлар ва конструкцияларнинг транспорт ва тайёрлов-сақлаш харажатларини ҳақиқатдаги нархлари бўйича.

Устама харажатлар қуйидагича аниқланади:

- харажат моддалари бўйича калькуляциялаш орқали маълум бир қурилиш ташкилоти учун индивидуал устама харажатлар меъёрлари асосида;

- қурилиш ва монтаж иши турлари бўйича устама харажатлар кўрсаткичлари тизими асосида;

- устама харажатларга оид амалдаги меъёрлар асосида.

Устама харажатларни ҳисоблаш вариантини буюртмачи (инвестор) ва пудратчи ташкилот қабул қилади. Устама харажатларни аниқлаш асоси бўлиб тўғри харажатларнинг смета қиймати ёки ҳақиқатдаги қурувчи-ишчилар ва механизаторларнинг меҳнат ҳақига ажратилган маблағ миқдори хизмат қилади.

Иш ҳақининг ҳақиқий миқдорини қуйидаги усуллар орқали аниқлаш мумкин:

- ишчиларнинг сметадаги иш ҳақини, қўшимча иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, унинг статистик ўзгариш индексига кўпайтириш орқали;

- статистик ҳисоботлар ёки бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқий иш ҳақи ҳақидаги маълумотлари асосида.

Локал ресурс сметаси ҳисобидаги смета фойдаси қуйидагича аниқланади:

- маълум ташкилот учун смета фойдасида кўзда тўтиладиган харажатлар моддаларини калькуляциялаш орқали олинган индивидуал меъёр бўйича;

- умумтармоқ меъёр бўйича.

Смета фойдаси миқдорини ҳисоблаш вариантини танлаш тўғрисида якуний қарор буюртмачи ва пудратчи ташкилот томонидан қабул қилинади. Смета фойдасини аниқлаш асоси бўлиб қурувчи ишчилар ва ташкилотчилар иш ҳақининг ҳақиқий миқдори ёки пудрат ишларининг таннархи хизмат қилади.

Ресурс-индексли усул - бу ресурс механизмини ресурслар (материал, техник, меҳнат, ускуна, хизмат) индекслари тизими билан уйғунлигидир.

Индекслар маҳсулотлар қиймати, нархи ёки ресурсларнинг жорий (кутиладиган) даражадаги қийматини нархларнинг базис даражасига нисбатидир. Улар миқдорий кўрсаткичларда бўлмайди ва одатда, ўнли касрда икки хонадан кўп бўлмаган хонада ифодаланади.

Инвестицион жараённинг турли босқичларида қурилиш қийматини аниқлаш учун жорий ва кутилаётган индекслар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Жорий индксларни аниқлаш учун информацион асос бўлиб статистик ҳисоботлар, бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳамда нарх шаклланиши ҳудудий марказлари томонидан ташкил этилган махсус статистик кузатувлар натижалари хизмат қилади.

Кутиладиган индекслар қуйидагилар орқали топилади:

- ўтган квартал ёки ойларда нархлар динамикаси кўрсаткичларини статистик қайта ишлаш орқали;

- инфляция ва энергия ташувчиларга бўлган нархларнинг ўсиш омиллари ва уларнинг таҳлили;

- инвесторлар ва пудрат ташкилотлари томонидан олиб бориладиган инфляцияга қарши тадбирлар ва нархни мувофиқлаштириш бўйича тадбирларнинг нархлар даражасига таъсирининг миқдорий таҳлили.

Базис даврда аниқланган смета қийматини ҳар бир қатори (бўлими) ни тегишли жорий (кутиладиган) индексга кўпайтириш, кейинчалик смета бўйича жами натижани қўшиш орқали жорий (кутиладиган) нархлар даражасига келтирилади.

Ресурсли ва ресурс-индексли усуллардан, уларнинг мулкий ва ташкилий шаклидан қатъи назар, инвестицион жараённинг барча иштирокчилари – буюртмачи (инвестор), лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фойдаланиши мумкин. Ушбу усулларнинг қўлланилиши техник-иқтисодий асослашни ҳисобга олган ҳолда, техник ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг барча босқичларида амал қилади.

8-мавзу. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш

Қурилиш ишларида олиб бориладиган тендерлар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилади. Тендерларнинг тартиби қарорнинг 2-иловасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомда акс эттирилган. Шунингдек Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилади. Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендерларнинг тартиби қарорнинг иловасида “Хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида”ги Низомда келтирилган.

Қурилиш ишларида тендер ўтказишдан мақсад белгиланган муддат ва қиймат доирасида қурилиш, монтаж, ремонт ишларини сифатли амалга оширувчи қурилиш ташкилотини конкурс асосида танлаб олишдан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомда мувофиқ тендер савдоларини ўтказиш тартибини кўриб чиқамиз:

Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишди;
- расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилайди;
- мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаши мумкин.

Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

1. Очиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланмайди;

2. Ёпиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланади.

3. Икки босқичли танлов савдолари:

Очиқ тендер ўтказилганда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча субъектлар қатнашиши мумкин, очиқ тендерлар ўтказилишидан 1 ой олдин эълон қилинади, эълонлар чоп этиладиган даврий нашрлар рўйхати Даварҳкурилиш қўмитаси билан келишиб олинади. Одатда эълонлар “Халқ сўзи”, “Народное слово”, газеталарида чоп этилади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади ва ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар

юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Ёпиқ танлов савдоларида эса танлов савдолари ташкилотчиси камида иккита чет қатнашчини таклиф қилиши шарт.

Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаганда ва буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиб (одатда камида тўққиз, ўн бир киши), шу жумладан унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади: инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади. **Комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.**

Танлов комиссияси мажлисларида "Давархитектқурилиш" қўмитасининг ваколатли вакили иштирок этади.

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

-танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;

-танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш манбалари;

-танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;

-танлов савдолари предметини сотиш муддати;

-талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;

-танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;

-оферталарни тақдим этиш жойи, охирги куни ва вақти;

-оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари энг оммавий даврий нашрларда, газеталарда, web-сайтда ёки БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Оферталарни тақдим этиш муддати оммавий ахборот воситаларида берилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак. Мелиорация объектларида таъмирлаш-тиклаш ишлари объектлари учун оферталарни тақдим этишнинг энг қисқа муддати оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 15 кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб 20 кунни ташкил этади.

Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Умумий қисмга қуйидагилар киради:

-танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;

-товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

-талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртманомалари шакли;

-талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари ғолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига тааллуқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

Техник қисм Қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини

экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми товар (ишлар, хизматлар) нархидан ишлар (хизматлар)ни бажариш ёки товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади.

Тўлов миқдори буюртмачи ва танлов савдолари ташкилотчиси томонидан, танлов ҳужжатларини кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-устав сармоясининг миқдори;

-танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади.

Оферта уни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунгача қайтариб олиниши мумкин.

Тақдим этиш муддати тугагандан кейин олинган оферта кўриб чиқилмайди.

Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади.

Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Тендер комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда тендер шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича, шунингдек тендер савдоларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига нарх преференциялари бериш

тартибини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ аниқлайди. Танлов савдолари ғолиби танлов қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар белгиланган тартибда хабардор қилинади.

Оферталарни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Танлов савдолари агар қуйидаги ҳолларда ўтказилмайди;

-оферталарни тақдим этиш муддатида учтадан кам оферта тушса;

-оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

-оферталарда танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш кафолати мавжуд бўлмаса;

-оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдолари предмети бошланғич қийматидан анча ортиқ бўлса;

"Давархитектқурилиш" қўмитаси билан келишув бўйича танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса ўтказилмаган ҳисобланади.

Танлов савдолари ташкилотчиси улар тугаллангандан кейин танлов савдолари ғолибига беш кундан кечикмай ёзма билдиришнома жўнатади.

Шартнома танлов савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади.

Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки шартнома ижросини таъминлашни белгиланган муддатда тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

Танлов савдоларида белгиланган нарх қатъий нарх ҳисобланади.

Биринчи молиявий йил мобайнида нархларга ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш юзасидан шартномани бажариш муддатига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Иккинчи йил ва ундан кейинги йиллар учун шартнома нархларига тузатишлар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Танлов савдолари ғолиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда объект қурилишининг суғурта қилинишини таъминлайди.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг методлари ва усулларининг асосланганлигини аниқлаш, танлов савдоларини ташкил этиш, танлов савдоларини ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш мониторинги "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси шартнома асосида ўтказилади.

9-мавзу. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167 - сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сон “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишидан бош мақсад қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167 - сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қаррорига мувофиқ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуришнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинди.

2009-2010 йилларда 260,5 млрд.сўм, шу жумладан, 2009 йилда - 65,5 млрд. сўм миқдорида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида якка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясини ташкил этилди.

“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясинининг вазифалари:

1. Уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

2. Қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини шартнома асосида бажариш, жумладан, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатиш;

3. Аҳоли буюртманомаларига мувофиқ уй-жойлар, шунингдек, намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш буюртмаларини объектларни сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида жойлаштириш;

4. Кейинчалик «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уйларни аҳолига бериш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни эксплуатация ташкилотларига топшириш.

“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябргача минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида 1 ноябргача Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Даварҳитектқурилиш” қўмитаси билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинади ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой объектлари қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига топширилади.

Аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳани танлаган якка тартибда иморат қурувчи “тайёр ҳолда топшириш” шарти билан турар-жой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан шартнома тузади.

Якка тартибда иморат қурувчи билан тузилган шартнома асосида “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида “тайёр ҳолда топшириш” шарти билан намунавий лойиҳа бўйича якка тартибдаги турар-жой биноси қурилиши юзасидан барча ишлар комплексини ташкил этади.

Қурилиш якунлангандан кейин ва якка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича турар-жой биноси қабул қилингандан сўнг якка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Даварҳитектқурилиш” қўмитаси ва “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, тасдиқланган

намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуришга тасдиқланган бош режа асосида ҳар йили қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер участкалари ажратилишини таъминлайди.

“Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ кредитлари ҳисобидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси танланадиган ер массивларининг муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, ишга тушириладиган уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларга бўлган амалдаги талабнинг мавжудлиги комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлайди шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилишида қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

Ихтисослаштирилган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига ажратилаётган маблағлардан, шу жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБнинг имтиёзли кредитларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли равишда текширувлар олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сон “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори намунавий лойиҳалар бўйича хусусий уй-жой қурилиши кўламини янада кенгайтиришга қаратилгин бўлиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ жойларда хусусий уй-жой қурилиши учун ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ерлардан ҳар бир иморат қурувчига 0,06 га ҳажмида ер участкаларини ажратиши ҳамда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилиши дастурини 2011-2012 йилларда амалга ошириш мақсадида, йилдан-йилга унинг ўсишини таъминлашни кўзда тутган ҳолда, республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган қўшимча ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ лойиҳалаштириш институтига бир ой муддатда намунавий лойиҳалар асосида қурилган хусусий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларини танқидий баҳолаб иморат қурувчилар учун қўшимча қулайликлар, зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш ҳамда гаражлар ва ҳовли қурилмалари учун жойлар ажратилишини назарда тутган ҳолда тегишли тузатишлар киритиш вазифаси топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси инвентаризация натижалари бўйича бир ой муддатда шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш жадвалини, шунингдек, архитектура-режалаштириш ташкилотларининг ҳудудларнинг 2011 - 2014 йилларга мўлжалланган лойиҳаларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 1- иловасида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМ қабул қилинган.

"Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда банк деб юритилади) "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида унга ажратилган ер массивларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича комплекс якка тартибдаги уй-жой қурилишини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

ШАРТНОМА ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этиш учун якка тартибдаги қурувчи яшаш жойи бўйича инжиниринг компаниясининг тегишли минтақавий филиалига буюртманома билан мурожаат қилади.

Якка тартибдаги қурувчи ўз буюртманомасида ўзи танлаган аниқ ер участкасини ва намунавий лойиҳани, шунингдек қуриладиган уй-жой қийматини (ипотека кредитлари, ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига) тўлаш усулини кўрсатади.

Якка тартибдаги қурувчи хоҳишига кўра инжиниринг компаниясининг филиали томонидан танланган намунавий лойиҳанинг нусхаси билан таъминланади.

Инжиниринг компаниясининг филиали бир иш куни мобайнида якка тартибдаги қурувчининг буюртманомасини кўриб чиқади ва у маъқулланган тақдирда, уч кун муддатда якка тартибдаги қурувчини ёзма равишда хабардор қилади ҳамда уни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой қуришга инжиниринг компанияси томонидан буюртмачи функцияси амалга оширилиши учун шартнома тузишга таклиф қилади.

Инжиниринг компаниясининг филиали билан қурилаётган уй-жой қийматини ипотека кредити ҳисобига тўлаш шарти билан дастлабки шартномани тузган якка тартибдаги қурувчи банкнинг филиалига ариза билан мурожаат қилади.

Ипотека кредити берилиши юзасидан қарор қабул қилингандан кейин банкнинг филиали ўша куннинг ўзида инжиниринг компаниясининг филиалига тегишли бадални киритган якка тартибдаги қурувчилар рўйхатини илова қилган ҳолда бошланғич бадал тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Ушбу маълумотлар инжиниринг компанияси филиали учун якка тартибдаги қурувчи билан асосий шартномани тузиш учун асос ҳисобланади.

Қурилаётган уй-жой қийматини ўз маблағлари ҳисобидан ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига тўлайдиган якка тартибдаги қурувчи бошланғич бадални тўлаш учун банкда омонат қўйилма ҳисоб рақами очади.

Қурилаётган уй-жой қийматининг қолган қисми якка тартибдаги қурувчи билан инжиниринг компанияси ўртасида шартнома тузилгандан кейин, ушбу шартномада назарда тутилган тартибда тўланади.

Инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун АТ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда, амалга оширилади.

Уй-жой қуришни молиялаштириш инжиниринг компаниясининг аванси ҳисобига (объект қийматининг камида 15 фоизи), бажарилган ишлар ҳажмининг 90 фоизгачаси ҳар ойда жорий молиялаштирилган ҳолда, берилган аванс пропорционал ушлаб қолинган ва объект қийматининг 5 фоиз миқдоридаги қолган қисми инжиниринг компанияси филиали томонидан тасдиқлангач кафолат муддати тамом бўлгандан кейин тўланган ҳолда инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

10-мавзу. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили

Лойиҳавий таҳлил – харажатлар ва даромадлар хамда лойиҳа билан боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш усулидир. Лойиҳавий таҳлилнинг катта қисми лойиҳа даврининг дастлабки босқичида, яъни уни қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилингунгача амалга оширилади.

Лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш лойиҳавий таҳлилнинг вазифаси хисобланади. Даромадлилик эса лойиҳадан олинадиган даромад билан унга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Яъни лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш учун унинг барча натижаларини аниқлаш хамда лойиҳадан олинган даромадлар унга қилинган харажатлардан ортиш ёки ортмаслигини хисоблаб кўриш керак. Чунки лойиҳани амалга ошириш учун бугун қилинаётган харажатлар билан ундан қандайдир вақт ўтгандан кейин олинадиган даромадларни бевосита солиштириб бўлмайди. Лойиҳанинг кўпгина активлари ва иншоотлари узоқ муддат хизмат қилиши бунинг сабаби хисобланади. Лойиҳанинг айрим харажатлари ва натижаларини, масалан, қурилиш ишлари харажатларини ўлчаш ва баҳолаш осон. Бошқаларини эса ўлчаш осон, лекин баҳолаш анча қийин. Масалан: ходимларни ўқитиш харажатлари ва натижаларини миқдорий ва сифат жихатдан ўлчаш осон лекин реал натижаларини баҳолаш анча мураккаб.

Нихоят, айрим лойиҳалар натижаларини, масалан лойиҳаларнинг анъанавий фаолият турларига таъсирини ўлчаш хам, баҳолаш хам қийин.

Лойиҳавий харажатлари турли хилда бўлиши туфайли лойиҳа хар хил нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

1. Лойиҳа техник жихатдан асосланганми?
2. Лойиҳа тижорат талабларига жавоб берадими?
3. Лойиҳа ўз-ўзини молиявий жихатдан қоплайдими?
4. У иқтисодий жихатдан ўзини оқлайдими?
5. Лойиҳа атроф -мухитга қандай таъсир ўтказади?
6. Лойиҳа махаллий ижтимоий - маданий хусусиятларни хисобга олганми?
7. Лойиҳани амалга оширишнинг институционал (ташкилий) имкониятлари борми?

Ижобий натижалар ялпи харажатлардан ортиш-ортмаслигини аниқлаш зарур. Харажатларни таҳлил қилиш учун қуйидаги саволларга жавоб олишимиз керак:

- Лойиҳанинг биз истаган натижаси қандай?
- Лойиҳа харажатларини ким кўтаради ва унинг ижобий натижаларидан ким фойдаланади?
- Лойиҳанинг ижобий натижалари қачон ва қаерда пайдо бўлади?

Лойиҳанинг якуний қиймати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун лойиҳага алоқадор бўлган кишиларнинг турли гурухлари олган фойда ва қилган йуқотишларни қандай таққослаш ва жамлаш керак?

Бу лойиҳанинг якуний ижобий натижаси бошқа мумкин бўлган лойиҳалар натижасидан нимаси билан фарқ қилади?

Лойиҳа таҳлили лойиҳани шакллантириш жараёнининг ўзидаёқ унинг турли жихатлари таъсирини ва ролини ўзгартириш имконини беради. Хар қандай янги ахборот, агар фойдали бўлса, илгари қабул қилинган қарорларни ўзгартириш учун сабаб бўлиши мумкин.

Демак, лойиҳа-смета хужжатлари лойиҳа таҳлили жараёнида, яъни лойиҳанинг турли жихатларини кўриб чиқиш натижалари ва янги олинган ахборотлардан келиб чиқиб, илгари берилган баҳоларни тузатиш билан бирга ишлаб чиқилади.

Лойиҳавий таҳлил тузилмаси

Лойиҳа таҳлилида даромадлар ва харажатлар қуйидаги 7 нуқтаи назардан туриб баҳоланади ва улар лойиҳавий таҳлилнинг 7 бўлимини ташкил этади.

1. Техник таҳлил: лойиҳа техник жихатдан асосланганми?
2. Тижорат таҳлили: лойиҳа махсулотига бозорда талаб борми?
3. Молия: молиявий жихатдан лойиҳа яроқлими?
4. Лойиҳага қилинган харажатлар ундан фойдаланувчи (истеъмолчи)лар хисобига қопланадими ?
5. Экология: лойиҳа атроф-мухитга кандай таъсир кўрсатади?
6. Институционал ривожланиш: лойиҳа учун масъул бўлган ташкилотлар уни амалга ошириш ва эксплуатация қилишга қодирмилар?
7. Лойиҳанинг ижтимоий ва маданий талабларга мослиги: Лойиҳа махаллий шароитларга мосланганми? Лойиҳа ахолининг айрим гурухларига таъсир кўрсатадими ?
8. Иқтисод: лойиҳанинг ижобий натижалари уни амалга ошириш ва эксплуатация қилиш харажатларидан ортиқми ? Лойиҳада таваккалчилик даражаси қандай ?

Лойиҳа таҳлилининг хар бир бўлими ўз услубига эга хамда кўрилаётган харажат, даромад ёки бошқа омиллар характерига кўра миқдор ёки сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги фойдаланиладиган ахборот хажми ўзгариб туради. Хатто таҳлилнинг миқдорий жихатларига тегишли бўлган молиявий лойиҳалар хам прогнозлашга хос бўлган ноаниқлик омилларидан келиб чиқувчи сифат элементларига эга. Яъни лойиҳа таҳлили лойиҳанинг келажак холатлар тўғрисидаги фикрларнинг ўзгаришига таъсирчанлигини хисобга ола билиши керак.

Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркиби

Лойиҳанинг маркетинг нуқтаи назардан ижобий хулосаси олингач, унинг техник таҳлили амалга оширилади. Техник таҳлилда лойиҳа технологиясини ишлаб чиқарувчилардан шу лойиҳани амалга ошриш учун зарур бўлган тижорат таклифи олинади. Тижорат таклифи лойиҳа технологиясининг хар бир машина ва асбоб-ускунаси, уларнинг баҳоси, техник спецфикацияси, техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Лойиҳани амалга оширишда энг самарали бўлган технология танланади. Агар лойиҳа чет эл валютаси хисобига технология билан таъминланадиган бўлса, унда халқаро кўламда шу технологияни ишлаб чиқарувчилар ўртасида танлов эълон қилинади. Мутахассислар тилида бундай танлов тендер деб аталади.

Инвестиция лойиҳаларини техник таҳлил қилишнинг вазифаси лойиҳа мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган ахоли контингенти, махаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг баҳоси, бозор хажми, шунингдек, лойиҳани режалаштириш хамда амалга оширишнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини аниқлаш хисобланади.

Техник таҳлилга қуйидагиларни кўриб чиқиш ва белгилаш киради:

1) Техник ва технологик жихатдан муқобил вариантлар.
2) Лойиҳани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантлар.
3) Лойиҳа хажми.
4) Лойиҳани амалга ошириш муддатлари.
5) Хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилигини.
6) Лойиҳа махсулоти учун бозор сиғими (хажми).
7) Кўзда тутилмаган омилларни хисобга олган холда лойиҳа харажатлари.

Экологик таҳлилнинг мохияти

Хозирги давр илмий техника тараққиётининг жадаллашиши ва инсоннинг табиатга таъсири кучайганлиги билан ажралиб туради. Бу холатни хисобга олган холда микро ва макро кўламда тузилаётган лойиҳалардан хар бирининг экологик мувозанатга таъсири мустақил экологик экспертлар томонидан баҳоланиши шарт. Агар тижорат лойиҳалари экологик мувозанатга салбий таъсир этса бундай лойиҳалар молиялаштирилмайди. Шу билан бирга давлат томонидан экологияни яхшилашга қаратилган нотижорат лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва ахолининг саломатлигини мустахкамлашдан иборат.

Халқаро нодавлат ташкилотлари, мисол учун, ЭКОСАН каби ташкилотлар маълум грант лойиҳаларини амалга оширади. Умуман олганда, экологик лойиҳалар грантлар, давлат бюджети ва хомийларнинг маблағлари хисобига амалга ошрилади. Инвестиция лойиҳалар хам экологик таҳлилдан ўтказилиши талаб этилади. Агар лойиҳада экологик вазиятга (сувга, хавога, ўисмлик дунёсига ва бошқаларга)таъсир этувчи цех ёки асбоб-ускуналар

бўлса, уларнинг экологияга таъсирини йўқотиш учун қўшимча лойиҳа-смета хужжатлари тузилади. Масалан, оддий транспорт воситаларидан фойдаланишни кўпайтириш янги трассалар қуришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ландшафтнинг ўзгариши, ахоли оқимининг ошишига олиб келади. Айрим холларда шу жойнинг анъаналарига салбий таъсир кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-мухит хавоси зарарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай холларда бу салбий натижаларни самара натижалари билан таққослаш ва бу нисбатни чуқур таҳлил қилиш зарур.

Экологик таҳлилнинг асосий вазифаси лойиҳа натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал зарарни олдиндан белгилаш ва унинг таъсирини юмшатиш ёки батамом тугатиш йўлларини топишдир. Бу жараён лойиҳада кўзда тутилган натижаларга салбий таъсир кўрсатиши керак эмас. Ташқи мухит «табиий капитал бўлиб», у иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради. Нотўғри режалаштирилган лойиҳалар эса унинг бузилишига, миллий капиталнинг емирилишига олиб келиши мумкин.

Ижтимоий таҳлилнинг мохияти ва таркибий қисмлари

Хар қандай лойиҳа самарали амалга оширилиши учун ижтимоий таҳлилнинг ахамияти катта. Лойиҳанинг таклиф этилаётган у ёки бу варианти ахолининг мақсадли гурухи манфаати талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини аниқлаш ижтимоий таҳлилнинг вазифаси хисобланади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа ва у йўналтирилган ижтимоий гурухнинг ўзаро мувофиқ келишини яхшилаш бўйича тадбирларни таклиф этади. Шунингдек, ижтимоий таҳлил ахоли томонидан қўллаб-қувватланадиган хамда жамоатчилик фикри ва қарашларидаги ўзгаришларни рағбатлантириш йўли билан лойиҳа мақсадларига эришишни таъминлайдиган лойиҳа стратегиясини белгилайди.

Ижтимоий таҳлил қилинмаган лойиҳа мазмунига уни ишлаб чиқарувчиларнинг маданий қарашлари лойиҳа мўлжалланган кишиларнинг маданий қарашларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари билан бирга ўтказилиши керак. Лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари сингари ижтимоий таҳлил хам индентификация босқичида бошланиб, лойиҳа даврининг кейинги хар бир босқичида давом этиши керак.

Ижтимоий таҳлил тўрт асосий сохага эътиборни жамлайди. Булар:

1. Лойиҳага таъсир кўрсатадиган ахолининг ижтимоий-маданий тавсифи миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича таҳлил.

2. Лойиҳа амал қиладиган худуддаги ахоли томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, шу жумладан оилалар, уй хўжаликлари тузилмаси, ишчи кучининг мавжудлилиги, ерга эгалик қилиш шакллари, ресурслардан фойдаланиш имконияти ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари таҳлили.

3. Лойиҳанинг махаллий маданият нуқтаи назаридан талабга жавоб бериши, хусусий лойиҳанинг мавжуд ижтимоий меъёрларга

мослашувчанлиги, кишиларнинг қарашларида, ўз эхтиёжларини англашларида зарур ўзгаришлар ясашга қобиллиги.

4. Лойиҳадан уни амалга оширувчи ташкилот хамда махаллий ахоли манфаатдорлигини таъминлаш стратегияси. Бундан мақсад ахоли ва ташкилотларнинг лойиҳанинг барча босқичларида узлуксиз иштирокини таъминлашдир.

Институционал таҳлилнинг мохияти ва мақсадлари

Институционал таҳлил лойиҳа устида бажариладиган ишларнинг энг мухимларидан бирига айланди. Инвестиция лойиҳалари натижалари кўп жихатдан ташкилий тузилма сифатига хам боғлиқ. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотларни ўрганиш, уларнинг бошқарув имкониятлари, шунингдек, марказий хокимиятнинг лойиҳа учун мутасадди бўлган ташкилотларга ёрдам беришга қанчалик тайёр эканликларини баҳолашга имкон беради. Яхши шаклланмаган, такомиллашмаган бошқарув тузилмасига, малакали мутахассислар, ахборот тизимлари ва хоказоларга эга бўлмаган ташкилотлар зиммасига лойиҳаларни амалга оширишни топшириш ёки улар таклиф этган лойиҳаларни молиялаштириш муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин (ёки хеч бўлмаганда қўшимча харажатларни келтириб чиқаради).

Институционал таҳлил лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва эксплутация қилишга, шунингдек, мавжуд ташкилотларни мустахкамлаш, малакали мутахассислар билан тўлдиришга кўмак бериши лозим. Кучли институтларни ташкил этиш лойиҳага кўра фойдаланиладиган миллий хамда халқаро ресурсларни мухофаза қилган холда лойиҳаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Инвестиция лойиҳалари институционал таҳлили (ИТ)дан мақсад лойиҳа амалга оширилаётган макондаги ташкилий, хуқуқий, сиёсий ва маъмурий вазият (мухит) га баҳо бериш хамда лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустахкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тавсиялар қуйидаги масалаларни қамраб олади:

а)менежмент услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш;

б)ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар;

в)режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни режалаштириш;

г)ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш;

д)молиявий фаолият, шу жумладан молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тузиш, бухгалтерия хисоби ва тафтиш;

е)лойиҳаларнинг моддий-техник таъминоти;

ж)эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари;

з)ташкилотлараро мувофиқлаштириш;

и)алохида секторларга нисбатан сиёсат масалалари.

Бу вазифалар нафақат лойиҳаларни амалга ошираётган ва эксплуатация қилаётган ташкилотлар, шунингдек, лойиҳа муваффақиятига таъсир

кўрсатувчи хукумат ва тармоқ тузилмаларига, яъни вазирликлар, идоралар, банклар, тадқиқот муассасаларига хам тегишли.

Институционал таҳлил тузилмаси

Инвестиция лойиҳаларини институционал таҳлил учун конкрет шароитларга тезда мослаштирса бўладиган стандарт ечимлар ёки моделлар деярли йўқ. Институтларни ривожлантириш узоқ давом этувчи экспериментлар ва адаптация (мослашув) жараёнларидан иборат. Бу жараёнлар эса кўпинча сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг салбий ўзгаришлари туфайли муваффақиятсизликка учрайди. Умуман олганда институционал таҳлилга қуйидаги вазифаларни бажариш киради:

- лойиҳа амалга ошириладиган институционал шарт-шароитларни (ташкилотлар, меъёрий хужжатлар ва сиёсий омилларни) аниқлаш ва тасвирлаб бериш;
- лойиҳада иштирок этувчи ташкилотларнинг моддий ва мехнат ресурслари, техник малакаси, ташкилий тузилмаси, бошқарув ва маъмурий имкониятлари, молиявий ахволи нуқтаи назаридан кучли ва заиф томонларини баҳолаш;
- қонунлар, сиёсат ва йўриқномалар ўзгаришининг лойиҳани амалга ошириш ва эксплуатация қилишга (айниқса, атроф-мухитни мухофаза қилиш, иш хақи, баҳолар, субсидиялар, ташқи савдо, валюта курси ва хоказоларга) эхтимол бўлган таъсирини баҳолаш;
- лойиҳада қатнашувчи ташкилотларнинг заиф жихатларини бартараф қилишнинг муқобил йўлларини хамда қонунлар, сиёсат ва йўриқномаларнинг лойиҳага кўрсатиши мумкин бўлган потенциал салбий таъсирига қарши чора-тадбирларни илгари суриш (тегишли такомиллаштириш ишлари лойиҳа амалга оширилаётган ва эксплуатация қилинаётган вақтда хамда бундан олдин лойиҳа бўйича иш графигига кўра амалга оширилади);
- тавсия қилинаётган ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш учун керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдам бўйича таклифларни илгари суриш хамда зарур ишларни ўтказиш графигини ишлаб чиқиш.

Молиявий таҳлилнинг мохияти ва турлари

Лойиҳани молиявий таҳлил қилиш бир неча кўринишга эга бўлиб, лойиҳа турига қараб, икки ёки ундан кўпроқ турдаги молиявий таҳлил амалга оширилиши мумкин. Молиявий таҳлил қуйидаги турларни ўз ичига олади:

1. Молиявий рентабеллилик таҳлили.
2. Молиялаштиришга эхтиёж таҳлили.
3. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили.
4. Харажатларнинг қопланиши таҳлили.

Молиявий таҳлилнинг санаб ўтилган турлари қайси вазифаларга эга бўлиши, лойиҳанинг молиявий жихатдан мақсадга мувофиқлиги у қайси нуқтаи назардан туриб кўриб чиқилаётганлигига боғлиқ.

Молиявий таҳлилнинг хар хил турлари лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, лойиҳа

иштирокчилари учун рағбатларни, молиявий режаларнинг асосланганлигини, молиявий бошқарувнинг лаёқатлилиги даражасини хамда лойиҳани амалга ошириш натижасида кутилаётган фойда даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

У ёки бу турдаги таҳлилни ўтказиш зарурати лойиҳанинг мураккаблиги даражасига, унинг хусусий сектордаги ёки давлат лойиҳаси эканлилигига хамда иқтисодиётнинг қайси тармоғига тааллуқлигига боғлиқ.

Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларни хисоблашда:

- фақат алохида бозор баҳолари қўлланилади;
- капитал харажатлар лойиҳанинг бутун хизмат даврига тақсимлаб чиқилади (амортизация);
- солиқлар ва турли гурухлар ўртасидаги бир томонлама тўловлар хисобга олинади;
- хусусий дисконт ставкаси қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилнинг мохияти ва мақсади

Лойиҳа Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг устувор йўналишларига ва иқтисодий хавфсизлигига жавоб бериши керак. Шунинг учун иқтисодий таҳлил инвестиция лойиҳасини умумжамият манфаати нуқтаи назаридан ўрганади. Иқтисодий таҳлил лойиҳаларга кенгроқ ёндашиб, даромад ва харажатларни баҳолашда молиявий таҳлилдан фарқ қилади. Умуман, бу таҳлилда даромадлар-харажатлар оқимини баҳолашда молиявий таҳлилга қараганда икки катта ўзгаришга йўл қўйилади.

Молиявий таҳлил ва иқтисодий таҳлил ўртасидаги фарқларни қуйидагича келтириш мумкин:

1. Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларга нисбатан алохида бозор баҳолари қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда муқобил ижтимоий қийматлар (даромадлар ва харажатларга нисбатан яширин баҳолар, экологик даромад ва харажатлар, фойдалинилмаётган ёки тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш омиллари) қўлланилади.

2. Молиявий таҳлилда капитал харажатлар лойиҳа хизмат муддатига тақсимлаб чиқилади (амортизация).

Иқтисодий таҳлилда эса капитал харажатлар фойдаланиш (ишлатилиш) йилидаги бир маротабалик харажат суммаси сифатида хисобга олинади.

3. Молиявий таҳлилда солиқлар ва турли гурухлар ўртасидаги бошқа бир томонлама тўловлар хисобга олинади. Иқтисодий таҳлилда эса бу тўловлар ва солиқлар жамият ичидаги трансферт тўловлари бўлгани учун хисобга олинмайдилар.

4. Молиявий таҳлилда дисконтнинг хусусий ставкаси қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда лойиҳалар бўйича даромадлар ва харажатлар оқимларини даромад даражаларига кўра гурухлар бўйича ўрганилади.

Умуман олганда, иқтисодий таҳлил лойиҳанинг хомийларига хам, бошқаларга хам таъсирини ўрганган холда у жамият учун қанчалик фойдали

эканлигини, уни амалга ошириш учун жамият нуқтаи назаридан ресурс ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини текширади.

Даромадлар ва харажатларни иқтисодий таҳлил қилиш ресурслардан самаралироқ фойдаланиш мақсадида иқтисодий танлаш муаммосини қулай ва тушунарли изохлаш усулидир. Хар бир мамлакат у ёки бу махсулотни кўп ишлаб чиқара олади. Лекин бир йўла хамма махсулотни кўп ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу сабабли ресурслардан фойдаланишнинг турли вариантларидан бирини танлашга тўғри келади. Минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришишни таъминлайдиган қилиб инвестициялашга эришган мамлакатгина ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлай олади.

Иқтисодий таҳлил мақсади лойиҳа билан боғлиқ барча самараларни кўриб чиқиш учун умумий асос яратишдир. Бунга:

1. Бозор битимларидан ўз аксини топадиган иқтисодий ўзгарувчиларни аниқлаш (масалан, уй баҳоси у жойлашган худуд сифатини-транспорт, мактаб кабиларнинг яқинлигини, уй-жой архитектурасининг урф бўлган турини, хоналар сонини акс эттиради);

2. Лойиҳанинг турли белгиларини баҳолашга ахоли муносабатини аниқлаш учун лойиҳанинг фойдали томонларини характерловчи кўрсаткичларга пулда ифодаланмайдиган қийматларни киритиш;

3. Лойиҳаларни бевосита ўлчанадиган бошқа харажатлари хамда натижаларини таққослаш имконини берувчи чизмаларни ишлаб чиқиш йўли билан эришилади.

Булар асосида лойиҳадан олинадиган манфаат унга сарфланган харажатдан ошиш-ошмаслиги тўғрисида мураккаб қарорга келинади. Бунда манфаат (даромад) ва харажатлар ягона ўлчов бирлигида ифодаланади.

Лойиҳани қабул қилиш, лойиҳа бўйича истеъмол қилинадиган ресурслардан фойдаланиш борасидаги муқобил вариантлардан хеч бири мамлакат олдида турган вазифалар нуқтаи назаридан бундан юқорироқ натижа бермаслигини англатади.

Иқтисодий таҳлил яъни даромадлар ва харажатларни таҳлил қилишда NPV, PI, IRR, CC, PP, ROI каби кўрсаткичлари хисобланади.

Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари. Лойиҳанинг мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш

Даромадлар ва харажатларнинг таҳлили қуйидаги тадбирларни ўтказишдан иборат:

1. Лойиҳа мақсадларини аниқлаш ва бош мақсаднинг иқтисодий мазмуни, оқибатларини англаш;

2. Лойиҳани баҳолаш чизмасини ва босқичларини аниқлаш;

3. Лойиҳа натижалари бўйича талабни прогноз қилиш;

4. Даромад ва харажатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини хисоблаш;

5. Рентабеллилик кўрсаткичларини баҳолаш;

6. Таъсирчанлик ва таваккал хавфи (қалтислик) даражасини таҳлил қилиш.

Лойиҳа мақсадлари уни молиялаштирувчи ташкилотнинг оператив вазифаларини акс эттиради. Масалан, транспорт сохаси бўйича лойиҳа

мақсади транспорт қатнови самарадорлигини таъминлаш, саноат лойиҳасининг мақсади эса маълум турдаги махсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириш бўлиши мумкин.

Муқобил вариантларни кўриб чиқиш лойиҳани тайёрлаш ва уни ишлаб чиқишнинг мухим қисми хисобланади. Техник, муқобил вариантлар (яъни ёқилғи учун ё кўмир ёки газни қўллаш, темир йўлни узайтириш ёки янги автомобил шоссесини қуриш)ни бир-бири билан таққослаш ва энг мақбулини танлаб олиш керак. Агар хамма вариантлар миқдор ва сифат жихатдан бир хил натижа берса, хам инвестиция, хам эксплуатация харажатларини хисобга олганда энг кам харажат талаб этиладиган лойиҳа танланади.

Иқтисодий таҳлил чизмаси турлича бўлиши мумкин. Бунда лойиҳа мақсадларига салбий таъсир этувчи хамма нарса харажатларга, ижобий таъсир этувчи хамма нарса даромадларга киритилади.

Лойиҳа таҳлили даромад ва харажатларни ресурслардан фойдаланишнинг бошқа вариантлари бўйича эришилиши мумкин бўлган даромад ва харажатлар билан қиёслайди. Кўпинча лойиҳасиз ва лойиҳа билан деган чизма қўлланилади.

Масалан, цемент заводи қурилиши бўйича лойиҳа бор бўлса, инвесторлар бошқа лойиҳаларга сармоя қўйиш имкониятидан махрум бўлади. Аммо цемент ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида унинг нархи тушиб кетиши, харидорлар учун цементга камроқ пул тўлаш , айрим харидорлар учун эса бошқа қурилиш материаллари ўрнига цемент ишлатиш имкониятини пайдо қилиши мумкин.

Лойиҳа билан ва лойиҳасиз вазиятларни солиштириш лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча ва ўсган даромадларни хисоблашнинг асосий услубидир. Лойиҳасиз вазиятларни истиқболга баҳолашда харажатларнинг тахмин қилинаётган ўсуви ёки даромадларнинг пасайишига нисбатан реакцияни хисобга олиш керак. Бу лойиҳани амалга ошириш юзага келтирадиган ўзгаришларни тўлиқ акс эттириш имконини беради.

Лойиҳа натижаларига талабни таҳлил ва прогноз қилиш киритиладилган ресурслар ва ишлаб чиқариладиган махсулот бозорларини таҳлил қилишни ўз ичига олади хамда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни билишни, лойиҳага тааллуқли ресурслар ва махсулотлар маркетинги хақида маълумотга эга бўлишни талаб этади.

Ноаниқлик ва қалтислик хақида умумий тушунча.

Биз хохламаган нарсанинг, воқеанинг содир бўлиш эхтимолини қалтислик деб атаймиз. Инвестиция лойиҳалари учун қалтислик – бу лойиҳаларда кўзда тутилган мақсадларга эришмаслик эхтимолидир.

Айнан XIX аср охирида инсоният қалтислик ларни бошқариш муаммолари Билан тўқнашди. Шу даврда фирмалар ривожланди ва кўпайди, табиий зарар кўриш қалтисликни хам ошиб борди.

Энг биринчи қалтислик бошқариш режаси 1890 йилда АқШдаги темир йўл қурилиш билан шуғлланувчи фирма томонидан ишлаб чиқилди.

1920-1930 йил Буюк депрессиядан сўнг қалтислик бошқарувига катта

эътибор қаратилди. II жахон урушидан сўнг дунёда илм-фан, техника-технология жадал ривожланди ва инсоният учун XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб қалтислик бошқаруви мухим муаммога, масалага айланди. 70-йилларга келиб қалтислик бошқарув жараёнлари ва профессионал қалтислик менежерларига талаб пайдо бўла бошлади.

Хозирда эса қалтисликни хисобга олиш лойиҳаларни баҳолашнинг ажралмас қисми хисобланади

Иқтисодий қалтислик деганда пул кўринишида ифодаланиши мумкин бўлган турли зарарларнинг юзага келиш эхтимоллиги тушунилади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин.

- Зарар кўриш хавфи, эхтимоллиги - қайсидир махсулотни ишлаб чиқариш зарар келтириши мумкин;
- Ноаниқлик, олдиндан кўра билиш имконияти йўқлиги. Яъни бозорнинг ўрганилмаганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли маълум бир лойиҳа учун якуний молиявий натижа қандай бўлишини олдиндан айтиш қийин бўлади.

Иқтисодий қалтислик билан хохлаган субъект тўқнашиши мумкин – алохида шахс, гурух, фирма, банк, суғурта компаниялари ва хоказо. Иқтисодий қалтислик кимда бўлишидан қатъий назар, хамма қалтислик билан боғлиқ хатарни, зарарларни камайтиришга харакат қилади. Шунинг учун қалти’’ деб аталади.

Иқтисодий қалтислик билан боғлиқ эхтимолий йўқотишнинг камайишини хохлайдиган хар бир фирма ўзи учун қуйидаги бир қанча муаммоли масалаларни хал қилиши керак:

- иқтисодий қалтислик билан боғлиқ эхтимолий зарарларни баҳолаш;
- қалтисликни тўлиқ ўзида қолдириш ёки бошқа субъектга бериш, маълум қалтисликни ўзида қолдириш ёки бошқа субъектга бериш каби масалаларни хал қилиш;
- ўзида қолдирилган қалтислик сабабли юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш. Бундан мақсад қалтислик мавжуд бўлган шароитда фирманинг самарали ишлашини таъминлашдир.

Фирмада рўй бериши мумкин бўлган қалтисликлар турли хил, лекин асосан уларнинг икки тури кўрилади:

1. Молиявий қалтисликлар. Уларга қуйидагилар кириши мумкин:

- Фоиз ставкаси ўзгариши;
- Кредит қайтарилмаслиги;
- Валюта курсининг номаъқул тебраниши;
- Харидорларнинг тўловга қобилиятсизлиги;
- Хом-ашё ва материаллар нархининг ошиши;
- Харидорлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ва хоказолар.

2. Фирма хўжалик фаолияти билан боғлиқ қалтисликлар. Уларнинг пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- жихозларнинг эскирганлиги;
- хом-ашё ва материаллар сифатининг ўзгариб туриши;
- технология етишмаслиги;
- ишлаб чиқариш кучлари захирасининг йўқлиги;
- туриб қолишлар;
- фавқулотда холатлар ва хоказо.

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. “Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Режа:

1. Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.
3. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

Ҳар қандай жамиятда иқтисодий тизим қатнашчилари, улар фирмами, компаниями, тармоқ ёки миллий хўжалик бўлишидан қатъий назар асосий капитални яратиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ёки техник қайта қуроллантириш учун доимо маблағларга эҳтиёж сезишади. Айниқса, ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи катта бўлиб, лекин уларнинг имкониятлари чегараланган. Устувор тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш борасида пухта инвестицион сиёсат олиб бориш ва унинг самарадорлигини таъминлаш жуда муҳим ва шу билан биргаликда қийин вазифалардан бири саналади.

Самарали иқтисодиёт ўз-ўзидан юзага келмайди. У давлатнинг нафақат зарур қонунларни изчил ишлаб чиқиш ва иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича дастурлар қабул қилиш сиёсатининг натижаси эмас, балки иқтисодиётда рўй бераётган қийин жараёнларни профессионал тарзда бошқариш, хусусан мақсадли вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилаётган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши натижасининг ҳам самарасидир.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўқитишда инвестиция лойиҳасининг ғояси, унинг асосланиши, инвестиция олди тадқиқотлари, лойиҳанинг техник иқтисодий асосномаси, лойиҳавий таҳлил, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режаси, лойиҳа бўйича хом ашё ва материаллар ҳамда уларни етказиб берилиши, қурилишнинг смета қиймати ва инвестиция лойиҳаси харажатларининг умумий таркиби, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишда ва инвестицион лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги жуда муҳим фанлардан бири саналади.

Фанни ўқитишнинг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи, банк ходимлари бўлиб етишадиган талабалар учун бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция лойиҳаларини

ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш манбалари, инвестицион жараён, лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш, бизнес-режа тузиш, қурилиш смата қиймати таркиби, инвестицион лойиҳалаш тартиблари тўғрисида кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўрганиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- инвестициявий лойиҳалаштиришнинг моҳияти ва мақсадини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасининг ғояси ва унинг асосланишини ўрганиш;
- инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнларини ўрганиш;
- инвестиция олди тадқиқотларини ўрганиш;
- инвестиция олди тадқиқотларини амалга ошириш босқичларини ўрганиш;
- инвестициявий жараён - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги даврни ўрганиш;
- бизнес-режанинг техник-иқтисодий асоснома (ТИА)дан асосий фарқли жиҳатларини ўрганиш;
- лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси ва бизнес-режа мақсадларининг инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат органлари учун зарурлигини ўрганиш;
- лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштириш режасини ишлаб чиқишни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг умумий муддатини ишлаб чиқишни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усуллари ва манбаларини ўрганиш;

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани “Халқаро валюта кредит муносабатлари”, “Молия статистикаси”, “Пул кредит ва банклар” каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади. Шу билан бирга, “Инвестицион лойиҳалаштириш” фани қатор махсус фанлар, жумладан, “Суғурта иши”, “Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш”, “Инвестиция рискларини бошқариш” каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фанининг мақсади талабага инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан инвестиция олди тадқиқотларини олиб боришнинг назарий асосларини ўргатиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан керакли қарор қабул қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

“Инвестицион лойиҳалаштириш” фани ўзининг эволюцион ривожланиши жараёнида кўпгина фанлар билан алоқадорликда ўз предметини ўрганиб келган. Мазкур фан Статистика, Математик программалаштириш, Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш, Инвестициларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, Лойиҳавий таҳлил ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш республикамизда турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларни

кўпайтириш, жумладан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда бошқарув фаолиятининг ривожланишини тақозо этди. Шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштириш янги инвестиция лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш ва уларни молиялаштиришнинг оптимал вариантларини қидириб топиш талабларини келтириб чиқарди.

Амалиётда инвестиция лойиҳаси тушунчасининг тобора кенг қўлланиши, аввалом бор, ушбу атаманинг иқтисодий моҳиятини англаб олиш заруриятини келтириб чиқаради.

Инвестиция лойиҳаси тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қараш мумкин. Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндисидир.

2-мавзу. Лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ва таснифланиши
Режа:

1. “Лойиҳа” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.
2. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги. Лойиҳаларнинг таснифланиши.
3. Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланиши: янги қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар.
4. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

1.“Лойиҳа” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон давлат мустақилилига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди.

Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона инвестиция сиёсатининг натижаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтганидек, “Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурилиш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади”.4

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 9 апрелдаги 165-сонли “Чет эл инвестицияси иштирокидаги устувор инвестиция лойихаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ инвестиция лойихаси - бу маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник-иқтисодий, бизнес-бошқарув, маркетинг ва ищлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс хужжатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Лойиҳа – бу ўзига хос фаолият тури дейиш мумкин. Лойиҳанинг бир қанча ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, лекин унинг асосий 4 та белгиси лойиҳани бошқа турдаги фаолиятлар ва тадбирлардан алоҳида ажратиб туради:

1. Лойиҳа мақсадлари аниқ белгиланган бўлиши керак. Лойиҳа мақсадининг аниқ белгиланиши ана шу лойиҳани самарали амалга ошишига ёрдам беради. Агар лойиҳанинг дастлабки мақсадларидан воз кечилса, бу лойиҳанинг умуман амалга ошмай қолишига, лойиҳа “якуни”га, “тугалланмай қолиши”га, “сўниши”га сабаб бўлади. Охирги йиллар давомида

[4] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 16 -17б.

лойиҳа мақсадларини шакллантириш ва унга эришишнинг бир қатор услублари ишлаб чиқилган, ҳамда бу услублар лойиҳавий молиялаштиришни режалаштиришда жуда қўл келади.

2. Лойиҳа аниқ (одатда олдиндан белгиланган) муддат давомида амалга ошиши лозим. Лойиҳанинг бошланиши ва оҳири мавжуд. Қачонки лойиҳада кўзда тутилган асосий мақсадларга эришилса, шундагина лойиҳани тугалланган деб ҳисоблаш мумкин. Лойиҳани бунда самарали амалга ошиш кафолати бўлиб белгиланган вақт, муддат давомида керакли ресурсларни ва ҳаракатларни оптимал тақсимлаш ҳисобланади.

3. Лойиҳада ўзаро боғлиқ ҳаракатларни бажарилишини мувофиқлаштириш лозим. Лойиҳа ўз моҳиятига кўра мураккаб ҳисобланади: лойиҳани амалга ошириш деганда бир қанча тадбирларни (операцияларни, амалларни, ишларни) амалга ошириш тушунилади. Ана шу ишлар, тадбирлар ва фаолиятлар ўзаро бир - бирлари билан боғлиқ ҳисобланади. Баъзи фаолиятлар параллел равишда бажарилса, баъзилари қатъий равишда кетма-кет бажарилиши лозим. Бундай ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетлик бузилса, лойиҳани амалга ошмай қолиш ҳавфи туғилади.

4. Лойиҳа уникал бўлиши лозим. Ҳар бир лойиҳа бетакрор ҳусусиятларга ва белгиларга эга. Мутлақ бир-бирига ўхшаш лойиҳалар бор, деб айта олмаймиз. Гарчи уларни амалга ошириш учун бир хил фаолиятлар бажарилсада, бир хил лойиҳалар мавжуд бўлмайди.

Хар бир лойиҳавий фаолият қуйидаги 3 та чегараланишга эга:

1. Вақт бўйича чегараланиши;

2. Пул ресурслари билан чегараланиши;

3. Техник вазифалар билан чегараланиши (ишлар ва операцияларнинг турлари ва сифатига бўлган талаб, инвестиция фаолияти объектининг техник иқтисодий кўрсаткичлари).

Лойиҳа бошқа чегараланишларга ҳам эга бўлиб, улар орасида лойиҳани амалга оширишнинг ташқи шарт-шароитлари алоҳида аҳамият касб этади (институционал, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқалар).

Юқорида айтиб ўтилган лойиҳа фаолиятининг асосий ҳусусиятлари ва чегараланишларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳага қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Лойиҳа – бу ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндиси бўлиб, бу тадбирларни амалга ошириш орқали маълум бир вақт давомида чегараланган пул ресурслари ва бошқа ресурслардан фойдаланиб белгиланган мақсадларга эришиш демакдир.

“Лойиҳа” тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилади. Лойиҳа деганда баъзида техник материаллар (чизмалар, биноларнинг, иншоотларнинг, машиналар ва ускуналарнинг макети ва ҳ.к.). Шунингдек, қандайдир ҳужжатнинг (шартноманинг) матни, амалга оширилмоқчи бўлган режа ёки ғоя тушунилади.

Лойихаларда юқоридаги хаётийлик даври муддатлари лойиха иштирокчиларининг оптимал фойда олиш бўйича мақсадлари ва режаларидан келиб чиқиб белгиланади.

3. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг объектив зарурлиги. Лойиҳаларнинг таснифланиши.

Инвестиция лойиҳаси инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндисидир.

Инвестиция лойихалари турли мақсадларда тузилади ва амалга оширилади, уларни тўрт тургa ажратиш мумкин:

-янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

-ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишини кенгайтириш;

-ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

-давлат ташкилотлари талабини қондириш, уларни махсулот ва хизматлар билан таъминлаш.

Амалиётда инвестиция лойиҳаларининг турлича классификациялари мавжуд бўлиб, белгиларига қараб инвестицион лойиҳаларнинг қуйидаги кўринишларини ажратиш мумкин.

Амалга ошириш муддати бўйича:

қисқа муддатли – 3 йилгача

ўрта муддатли – 3-5 йил

узоқ муддатли – 5 йилдан ортиқ.

Кўлами бўйича (кўп ҳолларда лойиҳа масштаби инвестиция ҳажми билан аниқланади):

- кичик лойиҳалар;
- ўртача лойиҳалар;
- йирик лойиҳалар;
- мегалойиҳалар.

Асосий йўналиши бўйича:

- тижорат лойиҳалар;
- ижтимоий лойиҳалар;
- экологик лойиҳалар;
- бошқалар.

Хар бир лойиха асосан икки турдаги капитал ҳисобига молиялашгтирилади:

1) инициатор ўз капитали ҳисобига;

2) жалб этилган қарз капитал ҳисобига.

Қарз капитали ўзига хос хусусиятларга эга, бу унинг принциплари билан ифодаланади: қайтаришнинг зарурлиги, муддатлилиги берилгани, тўловлилик, мақсадлилик ва таъминланганлик. Бундан ташқари унинг маълум фоизга берилиши ва лойиха муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга оширилишидан қатъий назар, уларни қайтариш зарурлиги билан хам ифодаланади. Бу турдаги капиталдан фойдаланиш учун инициатор учун пухта, мукаммал тузилган бизнес режа ёки техник иқтисодий асослаш зарур

бўлади, бизнес режанинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, рисклардан химояланганлигидан келиб чиқиб, бу икки турдаги маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Инвестицион лойиҳа инвестор нуқтаи назаридан самарали деб баҳоланиши учун, биринчидан, уни амалга ошириш ижобий бўлиши, иккинчидан, альтернатив лойиҳаларни солиштириш чоғида юқорироқ самарага эга бўлган лойиҳани маъқул қўриш лозим.

- вақт омили ҳисоби;
- лойиҳани амалга оширишдаги кутилаётган харажатлар ва тушумлар ҳисоби;
- баҳолашнинг кўп босқичлиги;
- инфляция таъсири ва лойиҳани амалга оширишдаги бир нечта валюталарни қўллаш эҳтимолини ҳисобга олиш;
- ноаниқлик ва рисклар таъсирининг ҳисоби;
- лойиҳанинг турли иштирокчилари борлигини инобатга олиш.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш техник, технологик, молиявий, тармоқ ёки ҳудудийлик хусусиятларига боғлиқ бўлган ҳолда ягона тамойиллар асосида амалга оширилади. Улар қуйидагидан иборат:

- лойиҳани унинг бутун ҳаёт цикли давомида кўриб чиқиш;
- пул оқимларини моделлаштириш, бунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча пул тушумлари ва ҳисобот давридаги турли валюталарни ишлатиш эҳтимоллигини ҳисобга олган ҳолдаги харажатлар киритилади;
- ишончлилик ва максимум самара.

Инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама (хусусан молиявий, технологик, ташкилий, муддати ва бошқалар) характерлаш мумкин. Буларнинг ҳар бири инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муҳимдир, лекин кўп ҳолларда инвестиция фаолиятида молиявий ва иқтисодий мезонлар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Саноат инвестициялари бўйича қабул қилинадиган ҳар қандай қарорлар инвестиция лойиҳаларининг умумий амалга ошиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги мезонларга асосланади:

Ижтимоий-иқтисодий муҳитга тааллуқли лойиҳанинг асосий (корпоратив) мақсади билан ривожлантириш мақсадлари ўртасида ҳозирги ва кейинги давр мобайнида қандайдир бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилик мавжудми?

Лойиҳанинг мақсадига эришиш учун таклиф қилинган лойиҳа ва маркетинг стратегиялари қанчалик муҳимлиги, нима учун таклиф қилинган стратегия танланди, муқобил стратегиялар ҳам эътиборга олинганми?

Лойиҳанинг таркиби, яъни лойиҳа андозаси маркетинг концепцияси, шунингдек корхона танлаган жойлашиш жойи қанчалик лойиҳа стратегиясига ва талаб қилинган ресурсларнинг мавжудлигига мос келади?

Лойиҳа иқтисодий ресурсларни самарали ишлата оладими, лойиҳа учун талаб қилинадиган асосий ресурсларни ишлатишнинг энг яхши вариантлари борми?

Лойиҳалаштирилаётган барча инвестицион ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари ишончлилик даражасидами ва мувофиқ келадиган чегарага эгами?

Лойиҳа ҳаётийлигининг ҳар қандай даврида тўланадиган молиявий мажбуриятларни бажариш учун миллий ва хорижий валюта билан етарлича таъминланганми - барча инвестиция харажатлари капиталнинг мавжудлиги билан аниқланувчи молиявий чегараларда ётадими?

Жамғарилган ҳар йиллик ва дисконтлаштирилган фойда горизонт режалаштиришга лойиҳа таркиби ва маълумотларни баҳолашдаги хатоларга, инфляцияга, нархларнинг нисбий ўзгаришига, шунингдек ишга алоқадор муҳитнинг ўзгаришига (рақобатчилар, истеъмолчилар, бозор, мол етказиб берувчилар ва жамоат сиёсатига) қанчалик сезгир, реал пул кирим-чиқимлари ва тегишли соф фойда таркиби инвесторлар ва молиячиларнинг кўзлаган мақсадлари минимал талабларига мос келадими?

Рисклар мавжуд шароитда уларни назорат қилиш ёки бошқариш учун қандай стратегия амал қилади?

Рискларнинг молиявий натижалари қандай, яъни улар ўзи билан бирга инвестицион, маркетинг, ишлаб чиқариш ва молиявий харажатларга қўшимча харажатлар олиб келадими ёки йўқми, ё бўлмаса, кутилаётган ишлаб чиқариш, сотиш ҳажмини, сотиш нархларини пасайтирадими?

Шундай қилиб, инвестицион қарорлар қабул қилишнинг асосий мезонлари нималардан иборат эканлигини кўриб чиқдик.

Инвестиция фаолияти субъектлари инвестициялаш ҳақида қарорлар қабул қилаётганда лойиҳаларнинг рисклилигини, манбаларнинг жорий қийматини, муқобил имкониятларга кўра лойиҳанинг жозибадорлигини эътиборга олиши лозим. У бундай қарорга рискнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг таҳлили асосида келади. Шу нарса муҳимки, инвестициялаш ҳақида қарор қабул қилинар экан, асосий эътибор рискларни ва келгуси инвестиция даромадлилигини ҳисобга ола билишга қаратилиши зарур.

Молиявий таҳлил харажатлар ва даромадлар, активлар ва пассивлар бўйича тегишли тижорат маълумотларни (шунингдек тегишли молиявий ресурслар, хизматлар ва товарлар оқими ҳақидаги маълумотларни) тизимли тасаввур этиш ва қайта ишлашга асосланади. Хўжалик фаолияти таҳлили тизими ҳар доим корхонанинг молиявий ҳолатини, яъни баланс ҳисоботларидаги актив ва пассивлари, харажатлар, мажбуриятлар (ҳисобот давридаги) ва соф даромад бўйича ҳисоботда кўрсатилган даромадларни акс эттиради. Бундан ташқари, бу ҳисоб тизими ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатларини аниқлаш учун ҳам муҳимдир, яъни соф даромад бўйича ҳисобот тузишда, шунингдек самарали молиявий режалаштириш, маҳсулотга бўлган нарх калькуляцияси ва харажатларни назорат қилиш учун зарур.

3. Қурилишда инвестициялаш объектларининг таснифланиши: янги қурилаётган, таъмирланаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, белгиланган вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар.

Бино ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш бир ёки икки босқичда амалга оширилиши мумкин. Бир босқичли лойиҳалаштириш типовой ёки такрорий индивидуал лойиҳалар бўйича қуриладиган корхона, бино ва иншоотлар, шунингдек техник жиҳатдан қийин бқлмаган қурилишлар учун мқлжалланган; икки босқичли лойиҳалаштириш эса – алоҳида бино ва иншоатлар учун мқлжалланган. Бунда босқичлилик қатъий белгиланмаган.

Бино ва иншоотлар қурилиши лойиҳаси технологик, қурилиш ва иқтисодий қисмдан иборат бўлади.

Технологик қисм товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси билан боғлиқ лойиҳа қарорларини, ускуналарнинг турлари ва характерини, ишлаб чиқаришнинг механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини қз ичига қамраб олади.

Қурилиш қисми қурилиш ҳажми (бино ва иншоотларнинг қлчами, йқллар ва уларнинг қлчами, этажлар тузилиши ва ҳ.к.)ни, конструктив қарорлар (материалларни танлаш, йиғма конструкцияларни ққллаш)ни ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва бошқа керакли ҳужжатлардан таркиб топади. Бу қисмда қурилиш материаллари, конструкциялари, деталлари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, қурилиш учун ишчи кадрларга бқлган талаб ҳисоб-китоб қилинади ва қурилиши мқлжалланган ҳар бир объект учун қурилиш-монтаж ишлари ҳажми, қурилиш-монтаж ишларининг кетма-кетлиги ва уларни бажариш муддатлари ҳисоб-китоб қилинади.

Лойиҳанинг иқтисодий қисми лойиҳа жойлашадиган жойни танлаш, корхона таркиби ва қувватини аниқлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни қз ичига олади. Унда корхонанинг керакли ресурслар билан таъминланиши, маҳсулотни сотиш каналлари, маҳсулот таннархи асосланади.

Ҳар қандай объектни қуриш, ҳоҳ у ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлишидан қаътий назар тегишли лойиҳа асосида амалга оширилиши керак. Қурилишни лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга, чунки сифатли лойиҳа асосида қурилган корхона келгусида самарали ишлаши мумкин.

Қурилиш бўйича лойиҳалаштириш ишларини шу йўналишда иш олиб бориш учун тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотлари олиб боради. Баъзи бир муҳим тармоқларда (металургия, машинасозлик, энергетика ва ҳ.к.) ихтисослаштирилган тармоқ лойиҳа ташкилотлари ташкил этилган. Улар ичидан энг каттаси ва юқори малакали кадрларга эга бўлган ташкилот бош лойиҳалаштирувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. У ёки бу тармоққа хизмат кўрсатувчи бош лойиҳачи ташкилотларга (институтларга) қолган барча лойиҳачи ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириш вазифаси топширилади. Бош лойиҳачи ташкилот раҳбарлигида ва унинг бевосита қатнашуви асосида лойиҳаларнинг техник

иқтисодий асосланиши амалга оширилади. Шу мақсадда бош лойиҳачи ташкилотлар корхоналарни лойиҳалаштириш, уларни қуриш ва эксплуатацияга топшириш ишлари бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалга татбиқ этиш бўйича изланишлар олиб боради. Бундан ташқари лойиҳалаштириш бош институтлари шу тармоқ йўналишидаги институтларга лойиҳалаштириш ишлари бўймча ёрдам беради ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани экспертиза қилади.

Тармоқ лойиҳа ташкилотларидан ташқари ихтисослаштирилган тармоқлараро лойиҳа ташкилотлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қисқа ихтисослаштирилган йўналиш бўйича лойиҳалаш ишларини олиб боради. Масалан: фундамент, канализация, электр тармоқлари ва ҳ.к.

Йирик ва мураккаб саноат ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш бир қанча турли ихтисосликдаги лойиҳачи ташкилотлар томонидан амалга оширилади (сублойиҳалаштирувчилар). Лойиҳалаштириш ишлари бошланмасдан олдин бош лойиҳалаштирувчи ташкилот буюртмачидан (қурувчидан) лойиҳалаштириш бўйича топшириқ олади ва корхонани лойиҳалаштиришнинг бутун муддатига бош шартнома тузади.

Бош лойиҳалаштирувчи ташкилот билан комплекс лойиҳалаштиришда иштирок этаётган лойиҳачи ташкилотлар ўртасида лойиҳалаштириш ишининг ҳажми ва унинг муддати келишилган ҳолда шартнома тузилади. Лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш буюртмачининг маблағлари ҳисобига амалга ошрилади. Буюртмачи бўлиб, давлат, маҳаллий давлат органлари ва тижорат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Бош лойиҳачи ташкилот буюртмачи (қурувчи)га лойиҳа ишлари сифати ва уни ўз вақтида бажарилиши бўйича жавобгардир. Сублойиҳачи ташкилотлар эса бош лойиҳачи ташкилот олдида ўзларига юклатилган лойиҳалаш ишлари бўйича жавобгардир. Лойиҳалаштириш ишлари якунланадиган кейин бош лойиҳачи ташкилот лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун буюртмачига (қурувчига) беради. Буюртмачилар (қурувчилар) лойиҳа хужжатларини ўзлари, давлатдан ташқари ва давлат экологик экспертизасидан ўтказади.

Қурилиш лойиҳаси керакли техник ва иқтисодий хужжатлар тўпламидан иборат булади. Саноат корхонаси қурилиши лойиҳасида ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот номенклатураси, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қурилиш жойи, хом-ашё, ёқилғи, энергетик база, хўжалик алоқалари ўрганилади. Бундан ташқари лойиҳалаштирилаётган ташкилотнинг ишлаб чиқариш технологияси техник таъминланиши аниқланади ва объектни қуриш ва эксплуатацияга топшириш бўйича иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинади. Лойиҳанинг техник ва иқтисодий қисми бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва битта техник-иқтисодий хужжатни ташкил этади.

4. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чикаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнини самарали олиб бориш, келгусида юқори даромад келтириб, иқтисодиётдаги ишсизлик масаласини ҳал этишда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

3-мавзу. Инвестицион лойиҳалаштириш асослари

Режа:

1. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти.
2. Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида. Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари.
3. Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби. Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ.
4. Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар).
5. Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.
6. Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи. Лойиҳалаштириш босқичлари.

1. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг мазмун-моҳияти.

Инвестицион лойиҳалаштириш – бу лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишини ўз ичига олувчи техник хужжатлар комплекси (инвестиция лойиҳаси бизнес режаси, чизмалар, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар)дир. Инвестицион лойиҳалаштиришнинг ажралмас бўғини бўлиб, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қийматини белгиловчи смета ҳисобланади.

2. Лойиҳани тайёрлаш қурилишни амалга ошириш бўғини сифатида. Тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш вазифалари.

Ҳар қандай объектни қуриш, ҳоҳ у ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлишидан қаътий назар тегишли лойиҳа асосида амалга оширилиши керак. Қурилишни лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга, чунки сифатли лойиҳа асосида қурилган корхона келгусида самарали ишлаши мумкин.

Қурилиш бўйича лойиҳалаштириш ишларини шу йўналишда иш олиб бориш учун тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотлари олиб боради. Баъзи бир муҳим тармоқларда (металургия, машинасозлик, энергетика ва ҳ.к.) ихтисослаштирилган тармоқ лойиҳа ташкилотлари ташкил этилган. Улар ичидан энг каттаси ва юқори малакали кадрларга эга бўлган ташкилот бош лойиҳалаштирувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. У ёки бу тармоққа хизмат кўрсатувчи бош лойиҳачи ташкилотларга (институтларга) қолган барча лойиҳачи ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириш вазифаси топширилади. Бош лойиҳачи ташкилот раҳбарлигида ва унинг бевосита қатнашуви асосида лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосланиши амалга оширилади. Шу мақсадда бош лойиҳачи ташкилотлар корхоналарни лойиҳалаштириш, уларни қуриш ва эксплуатацияга топшириш ишлари бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалга татбиқ этиш бўйича изланишлар

олиб боради. Бундан ташқари лойиҳалаштириш бош институтлари шу тармоқ йўналишидаги институтларга лойиҳалаштириш ишлари бўймча ёрдам беради ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани экспертиза қилади.

Тармоқ лойиҳа ташкилотларидан ташқари ихтисослаштирилган тармоқлараро лойиҳа ташкилотлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қисқа ихтисослаштирилган йўналиш бўйича лойиҳалаш ишларини олиб боради. Масалан: фундамент, канализация, электр тармоқлари ва ҳ.к.

Йирик ва мураккаб саноат ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш бир қанча турли ихтисосликдаги лойиҳачи ташкилотлар томонидан амалга оширилади (сублойиҳалаштирувчилар). Лойиҳалаштириш ишлари бошланмасдан олдин бош лойиҳалаштирувчи ташкилот буюртмачидан (қурувчидан) лойиҳалаштириш бўйича топшириқ олади ва корхонани лойиҳалаштиришнинг бутун муддатига бош шартнома тузади.

Бош лойиҳалаштирувчи ташкилот билан комплекс лойиҳалаштиришда иштирок этаётган лойиҳачи ташкилотлар ўртасида лойиҳалаштириш ишининг ҳажми ва унинг муддати келишилган ҳолда шартнома тузилади. Лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш буюртмачининг маблағлари ҳисобига амалга ошрилади. Буюртмачи бўлиб, давлат, маҳаллий давлат органлари ва тижорат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Бош лойиҳачи ташкилот буюртмачи (қурувчи)га лойиҳа ишлари сифати ва уни ўз вақтида бажарилиши бўйича жавобгардир. Сублойиҳачи ташкилотлар эса бош лойиҳачи ташкилот олдида ўзларига юклатилган лойиҳалаш ишлари бўйича жавобгардир. Лойиҳалаштириш ишлари якунланадиган кейин бош лойиҳачи ташкилот лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун буюртмачига (қурувчига) беради. Буюртмачилар (қурувчилар) лойиҳа хужжатларини ўзлари, давлатдан ташқари ва давлат экологик экспертизасидан ўтказади.

Қурилиш лойиҳаси керакли техник ва иқтисодий хужжатлар тўпламидан иборат булади. Саноат корхонаси қурилиши лойиҳасида ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот номенклатураси, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қурилиш жойи, хом-ашё, ёқилғи, энергетик база, хўжалик алоқалари ўрганилади. Бундан ташқари лойиҳалаштирилаётган ташкилотнинг ишлаб чиқариш технологияси техник таъминланиши аниқланади ва объектни қуриш ва эксплуатацияга топшириш бўйича иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинади. Лойиҳанинг техник ва иқтисодий қисми бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва битта техник-иқтисодий хужжатни ташкил этади.

3. Лойиҳа ҳужжатлари таркиби ва уни ишлаб чиқиш тартиби. Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ.

1. Ишлаб чиқариш ҳажми, яъни лойиҳа масштаби, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини аниқлаш;

2. Йўналтирилганлиги, яъни ишлаб чиқариш, ижтимоий; экологик талабларга жавоб бериши;

3. Мулкчилик шаклларига кўра таснифланиши, яъни давлат ва хусусий;

4. Давлатнинг иштирок этиш хусусияти ва даражасига кўра, яъни кредит, акциялар пакети, солиқ имтиёзлари, кафолатлар ва бошқалар

мавжудлиги;

5. Маблағларнинг қопланувчанлиги (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли);

6. Якуний натижаларнинг самарадорлиги (юқори даромадли, қртача даромадли ва паст даромадли).

4. Лойиҳа бўйича техник ҳужжатлар комплексини ишлаб чиқиш (чизмалар, тушунтириш хатлари, инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ва лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа материаллар).

5. Лойиҳа таркиби: техник, қурилиш ва иқтисодий қисми.

Бино ва иншоотлар қурилиши лойиҳаси технологик, қурилиш ва иқтисодий қисмдан иборат бўлади.

Технологик қисм товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси билан боғлиқ лойиҳа қарорларини, ускуналарнинг турлари ва характерини, ишлаб чиқаришнинг механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини қз ичига қамраб олади.

Қурилиш қисми қурилиш ҳажми (бино ва иншоотларнинг қлчами, йқллар ва уларнинг қлчами, этажлар тузилиши ва ҳ.к.)ни, конструктив қарорлар (материалларни танлаш, йиғма конструкцияларни ққллаш)ни ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва бошқа керакли ҳужжатлардан таркиб топади. Бу қисмда қурилиш материаллари, конструкциялари, деталлари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, қурилиш учун ишчи кадрларга бқлган талаб ҳисоб-китоб қилинади ва қурилиши мқлжалланган ҳар бир объект учун қурилиш-монтаж ишлари ҳажми, қурилиш-монтаж ишларининг кетма-кетлиги ва уларни бажариш муддатлари ҳисоб-китоб қилинади.

Лойиҳанинг иқтисодий қисми лойиҳа жойлашадиган жойни танлаш, корхона таркиби ва қувватини аниқлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни қз ичига олади. Унда корхонанинг керакли ресурслар билан таъминланиши, маҳсулотни сотиш каналлари, маҳсулот таннархи асосланади.

6. Лойиҳани тайёрлаш жараёни босқичларининг мазмуни ва тавсифи. Лойиҳалаштириш босқичлари.

Лойиҳалаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1) Техник иқтисодий асослаш (ТЭО);

2) Техник лойиҳа (асосий лойиҳавий қарорлар, қурилишшнинг умумий смета қиймати, бўлғуси корхонанинг техник иқтисодий кўрсаткичлари).

3) Техник лойиҳа асосида амалга ошириладиган ишчи чизмалар.

Бино ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш бир ёки икки босқичда амалга оширилиши мумкин. Бир босқичли лойиҳалаштириш типовой ёки такрорий индивидуал лойиҳалар бқйича қуриладиган корхона, бино ва иншоотлар, шунингдек техник жиҳатдан қийин бқлмаган қурилишлар учун мқлжалланган; икки босқичли лойиҳалаштириш эса – алоҳида бино ва иншоатлар учун мқлжалланган. Бунда босқичлилик қатъий белгиланмаган.

Инвестиция лойиҳаси тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қараш мумкин. Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади.

4-мавзу. Инвестицион жараён ва унинг таркибий тузилиши

Режа:

1. “Инвестицион жараён” тушунчаси ва унинг мазмуни.

2. Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари. Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

1. Инвестицион жараён босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари. Инвестицион жараён ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Инвестициявий цикл - лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва унинг тугатилиши оралиғидаги давр. Инвестициявий циклининг босқичлари: инвестиция олди, инвестиция ва ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичлари. Инвестициявий цикл ҳар бир босқичининг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари. Лойиҳа босқичининг инвестиция олди схемаси. Лойиҳанинг инвестиция босқичи схемаси. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг таркиби. Лойиҳани дастлабки баҳолаш қийматини аниқлаш. Лойиҳа техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқишда лойиҳани бошланғич ёки омилли баҳолаш. *Молиялаштириш режасини тайёрлаш учун эҳтимолий баҳолаш, танлов савдоларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш учун якуний баҳолаш (шартномаларни имзолаш босқичида).*

Лойиҳани амалга ошириш ва уни тугатиш оралиғидаги давр инвестиция жараёни деб аталади. Инвестиция жараёнини 3 та босқичга (фазага) бўлиш мумкин ва уларнинг ҳар бирининг ўз мақсад ва вазифалари бор:

1. Инвестициялашдан олдинги фаза. Инвестиция лойиҳаси бўйича дастлабки изланишлардан, то уни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилунгунча бўлган давр.

2. Инвестициялаш фазаси. Лойиҳалаштириш пудрат асосида қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун шартномалар имзолаш ва қурилиш монтаж ишлларини олиб бориш.

3. Ишлаб чиқариш фазаси. Корхона хўжалик фаолиятининг юритилиши.

Инвестициялашдан олдинги ва инвестиция босқичи инвестицион лойиҳалаштиришга, ишлаб чиқариш босқичи эса махсус ташкилий тартиб қоидаларига (ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, режалаштириш, молиялаштириш, таҳлил, менеджмент ва бошқалар) таъллуқлидир.

Саноатга таълуқли бўлган инвестиция лойиҳаларини ишлаб иқиш ва амалга ошириш юқорида таъкидлаб ўтилган учта босқичдан иборат жараён тариқасида тақдим этилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири маслаҳат бериш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш каби фаолиятларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда лойиҳа циклининг босқичлари муҳим ахамиятга эга. «Лойиҳа цикли» тушунчасига лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг турли босқичлари кирди. Лойиҳа циклининг бошланғич ва тугалланиш даврлари, ғоядан то унинг моддий қийматга эга бўлганга қадар даврларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишда, яъни инвестиция ғояларининг пайдо бўлишидан, то уни амалга ошириш уч хил фазани ўз ичига олади: Инвестиция олди, инвестиция ва эксплуатация (ёки ишлаб чиқариш).

Юқоридаги 3 та фаза инвестицион лойиҳа – ҳаётий циклини ташкил этади. (project lifetime).



4.1. – расм. Инвестицион лойиҳа уч фазани ичига олган лойиҳа ҳаётий цикли.

Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишнинг асосий босқичи бўлиб, инвестиция олди фазаси ҳисобланади.

Ушбу фазада лойиҳа ишлаб чиқилади, унинг имкониятлари ўрганилади, дастлабки техник – иқтисодий тадқиқот – кузатишлар ўтказилади, потенцион инвестор ва лойиҳанинг бошқа иштирокчилари билан музокаролар олиб борилади, хомашё ва ускуналарни етказиб берувчилар танланади. Агар инвестицион лойиҳага кредит жалб қилиш кўзда тутилган бўлса, унда бу фазада кредитни олиш бўйича битимлар тузилади; инвестицион лойиҳани юридик жихатдан расмийлаштирилади; ҳужжатларни тайёрлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва корхонани рўйхатга олиш амалга оширилади.

4.1.- жадвал.

Инвестиция олди фазаси.

Инвестиция олди фазаси		
1	**2**	**3**
Лойиҳани амалга ошириш имкониятларининг таҳлили	Лойиҳани асослашнинг тайёргарлик босқичи	Лойиҳани баҳолаш ва инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш
Инвестициялаш учун керак бўладиган маблағлар ҳажми ва салоҳиятли (потенциал) инвесторлар	Лойиҳани мавжуд муқобиллар билан солиштиргандаги дастлабки асослаш.	Якуний қарор сифатида лойиҳани ижтимоий-иқтисодий баҳолаш.
Лойиҳани амалга оширишнинг ички ва ташқи шарт-шароитлари баҳолаш	Қўшимча (функционал) изланишлар.	Инвестициялашнинг салоҳиятли манбаларини аниқлаш.
Лойиҳани амалга ошириш имкониятларини макро ва микроиқтисодий даражада таҳлил қилиш	Лойиҳани техник иқтисодий асослаш (ТИА).	Инвестициялашнинг тадбирларининг ишлаб чиқиш.
	Лойиҳани амалга оширишга келишиш ва тасдиқлаш (ишчи ҳужжатлар)	

Лойиҳанинг инвестиция олди фазасида бўлғуси лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади. Лойиҳанинг бу ҳаётий босқич циклида, унинг ҳаётга мос қобиллиги ва жалб этувчанлигига асос яратилади. Инвестиция олди фазаси лойиҳанинг тўлиқ характеристикасини бериши шарт.

Баъзи холларда инвестиция лойиҳасининг бу ҳаётий цикл босқичининг давомийлигини аниқлаш жуда қийин кечади.

Жахон амалиётида инвестиция олди фазаси қуйидаги босқичлари мавжуд:

1)Инвестиция ғояларининг шаклланиши, яъни ғояни танлаш ва дастлабки асослаш ёки дастлабки инвестицион конценцияни шакллантириш (opportunity studies);

2)Инвестиция имкониятларини излаш, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талабни ўрганиш, лойиҳанинг қиймати ва унинг самарасини аниқлаш (pre – feasibility studies);

3)Лойиҳанинг техник – иқтисодий асосланиши ёки унинг техник - иқтисодий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш (feasibility studies);

4)Баҳоловчи хулосани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул қилиш (final evaluation).

Инвестиция ғояларининг шаклланиши босқичида, бу ғояни танлаш, уни дастлабки асослаш, лойиҳада кўрсатилаётган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник, инновацион ва экологик нуқтаи назардан бир қарорга келиш, лойиҳани амалга ошириш давомида қўйиладиган бошқа талабларга жавоб

бериш, инвестиция ғоясининг устунлигини тармоқ, худудий ва давлат идоралари билан дастлабки келишув, лойиҳани амалга ошира оладиган корхонани дастлабки танлаш ва маълумотлар меморандумини тайёрлаш ишлари кўриб чиқилади.

Инвестиция имкониятларини излаш босқичи, экспорт ва импортни хисобга олган холда маҳсулот ва ҳизматларга бўлган талабни дастлабки ўрганиш, маҳсулот ва ҳизматлар базовий, жорий ва прогнозлаштирилаётган нарҳлари даражасини баҳолаш, лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳуқуқий – ташкилий таклифлар ва лойиҳа иштирокчилари таркиби, таҳмин қилинаётган инвестиция хажмларини баҳолаш, лойиҳанинг техник – иқтисодий асослари бўлимлари бўйича дастлабки баҳолашни тайёрлаш, шу жумладан лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш, потенциал инвесторлар учун инвестицион таклифлар тайёрлашни ўз ичига олади.

Маблағларни лойиҳага инвестициялашдан олдин бажариладиган муҳим ишлардан бири бу лойиҳа бўйича инвестиция имкониятларини аниқлашдир. Салоҳиятли инвесторлар, улар қандай бўлишидан қатъий назар ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда юзага келаётган инвестиция имкониятлари тўғрисида маълумот олишга қизиқишади. Бундай инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш икки хил йўналишда амалга оширилади:

1. Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича ёндашиш (макро).
2. Корхона даражаси бўйича ёндашиш (микро).

Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича изланишларни олиб бориш ўша давлатнинг бутун инвестиция салоҳиятини (потенциалини) ҳамда бу давлатга бошқа давлатлар томонидан инвестиция қилиниши мумкин бўлган маблағлар ҳажмини ўрганиш ва тахлил қилишни ўз ичига олади.

Корхона миқёсидаги таҳлил аниқ инвестиция лойиҳаси бўйича қўйилаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Лойиҳа бўйича инвестиция имкониятларини ўрганиш ва тахлил қилишда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор берилади:

- умумий инвестиция муҳити, шарт-шароитлар;
- қайта ишланиши мумкин бўлган табиий бойликлар ва хом ашё ресурслари;
- ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган товарга (хизматга) келгусидаги талаб (аҳолини ўсиши ҳисобига, аҳоли харид қобилиятининг ўсиши ҳисобига ва бошқа омиллар);
- лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири;
- бошқа тармоқлар билан келгусидаги ўзаро алоқаси ва имкониятлари;
- диверсификациялаш имконияти. Масалан, нефт-химия мажмуасидан формацевтик ишлаб чиқаришга ўтиш;
- ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг қиймати;
- экспорт имкониятлари;
- импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Инвестиция имкониятлари бўйича изланишлар юқорида келтирилган омиллар бўйича ҳар бирининг алохида таҳлилига эмас, балки умумий баҳолашга асосланади.

Лойиҳа ғоясини ривожлантириш учун аниқ таклифлар киритишда талаб этиладиган маълумотларни миқдорий баҳолаш учун инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш асосий восита ҳисобланади. Бунда қуйидаги жиҳатлар таҳлил этилади:

- қайта ишловчи саноат учун керакли бўлган табиий ресурслар;
- қишлоқ хўжалигига асосланган саноат тармоғи учун асос бўлган амалдаги қишлоқ хўжалиги таркиби;
- муайян истеъмол талабларига келгуси талаб, аҳоли ўсиши ҳисобига ортиб борувчи талаб;
- атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш;
- қайта ишловчи саноат сектори;
- маҳаллий ёки трансмиллий ва бошқа тармоқлар билан мумкин бўлган алоқалар;
- умумий инвестиция муҳити;
- ишлаб чиқариш сиёсати;
- ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги ва қиймати;
- экспорт салоҳияти ва бошқалар.

Умумий имкониятларни тадқиқ этишни қуйидаги учта категорияга ажратиш мумкин:

1. Ҳудуддаги имкониятларни аниқлаш учун белгиланган изланишлар.
2. Саноат соҳасидаги, масалан, қурилиш материаллари ёки озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги имкониятларни - аниқлаш учун белгиланган изланишлар.
3. Табиий ресурслар, қишлоқ ва саноат маҳсулотларидан фойдаланишга (нефт, химия, металлургия, ёғочни қайта ишлаш) асосланган имкониятларни аниқлаш учун белгиланган изланишлар.

Лойиҳанинг асосланиши ёки уни техник – иқтисодий ва молиявий мақбуллигини бахолаш босқичида кенг кўламга маркетинг изланишлари ўтказилади. Бозор сегменти қандайлиги ўрганилади, маҳсулотни ишлаб чиқариш дастури тайёрланади, техник қарорлар шу жумладан бош режа ишлаб чиқилади, инженерлик таъминоти, архитектур режалаштириш ва қурилиш қарорлари, фуқаролик мудофаси ва атроф муҳитни қўриқлаш бўйича чора тадбирлар ўтказиш, қурилишни ташкил этиш тавсифи, корхонани кимлар бошқариши ва ушбу сохада уларнинг бошқарув тажрибаси қай даражада эканлиги, корхона ишчилари сони ва таркиби, улар меҳнатини ташкил этиш.

Лойиҳа бўйича смета – молия ҳужжатларини тайёрлаш, лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ рискларни бахолаш, лойиҳани амалга ошириш муддатлари режаси, лойиҳанинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, кўзда тутилаётган инвестицияларнинг қандай кўринишда ва мақсадларда ишлатилиши масалалари кўриб чиқилади.

Баҳоловчи хулосани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул қилиш босқичида, техник – иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш тугаллангандан сўнг, инвестицион лойиҳа иштирокчилари тахмин қилинаётган инвестиция бўйича аниқ мақсадлар, эҳтимолли рисклар, харажатлар ва фойдаларни ҳисобга олган ҳолда ўз баҳоларини берадилар. Қанчалик лойиҳанинг техник – иқтисодий асосланиши сифатли бўлса, уни баҳолаш шунчалик осон бўлади.

Инвестиция олди фазаси харажатлари умумий капитал харажатларнинг 0,7% дан – 5% гача улушини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш узоқ вақт давомида амалга оширилади. Бунда инвестиция лойиҳаси ғоядан, то моддий юзага чиқишгача бўлган жараённи босиб ўтиши керак. Ҳар қандай лойиҳа агар у амалга оширилмаса, унчалик аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Саноати ривожланган давлатларда лойиҳа бўйича инвестициялаш олди харажатлари нормал шарт-шароитларда лойиҳа қийматининг 1,5-5,5% гача бўлиши мумкин. Шу жумладан:

- инвестиция имкониятларини ўрганиш ва таҳлилига – 0,2-1% гача;
- инвестицияни асослаш ишларига – 0,25-1,5% гача;
- кичик лойиҳалар бўйича ТИА ишларига - 1-3% гача;
- катта лойиҳалар бўйича ТИА ишларига – 0,2-1,2% гача.

Баҳоловчи хулоса ишлаб чиқариш олди харажатларининг қанчалик ўринли ёки тўғри эканлигини кўрсатиб беради.

Лойиҳа бўйича ҳулоса миллий ёки халқаро молия ташкилотлари томонидан бажарилади.

Инвестиция ва ишлаб чиқариш харажатларини баҳоловчи хулоса, лойиҳа ўлчами бўйича барча муҳим жихатларни, яъни молиявий ва иқтисодий фойдалилигини ҳисоблаш ва улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда тўғри аниқлангандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳоловчи хулоса фақатгина аниқ лойиҳа билан чекланиб қолмасдан, шунинг у билан боғлиқ тармоқ соҳаси ва тегишли иқтисодиёт билан ҳам қизиққан ҳолда олиб борилади.

Баҳоловчи ҳулоса тузишда кенг қамровли лойиҳалар учун тўпланган маълумотлар ва лойиҳанинг барча омиллари таҳлилини қайта – қайта жиддий текшириб чиқиш талаб этилади.

Инвестиция олди фазаси натижаси бўлиб, инвестиция лойиҳасининг кенгайтирилган бизнес - режаси ҳисобланади.

Режалаштириш ҳар қандай тадбиркорлик тизимида ҳажмидан қатъий назар унинг ажралмас қисмидир. Илғор технология ва бозор тадқиқотларининг натижалари, янги иш ташкили ва тадбиркорлик режаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий – бошқарув ва молия муаммоларини ҳал қилиш бизнес режада акс этиши керак.

Бизнес – режа – бу ҳужжат, унда аниқ вазиятда бизнеснинг моҳияти, бошланиш имконияти, давоми ва унинг кенгайтирилиши акс этади.

Бизнес – режа тадбиркор томонидан ишлаб чиқилади, агарда бошқа муаммолар бўйича маслаҳатлар керак бўлса, бу ишга бошқа соҳа мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Одатда бундай режалар 1-3-5 йил муддатга тузилади. Тадбиркор томонидан биринчи йилдаги олинадиган самара ойлар бўйича батафсил, кейинги йили – чораклар бўйича, кейинчалик йил бўйича ҳисобланади.

Бизнес – режа акциядорлар тасдиғидан ўтган тақдирда (ҳиссадорлик жамияти бўлса), биринчи йилга алоҳида иш вазифаларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Ғарбдаги кўпчилик фирмалар ўз фаолиятини жуда аниқ режалаштиради ва бизнес – режани ишлаб чиқишда маҳсус талабларга асосланади. Одатда унинг хажми 40 бетдан ошмайди. Юқори даражадаги рақобатли соҳаларда, кўзда тутилмаган холатлар бўлиши мумкин бўлганда тўлиқ режанинг муқобили сифатида қисқа варианти қабул қилинади. Айрим холларда бизнес – режа ўзлари фойдаланиш учун кичикроқ ва каттароқ ҳажмда «ташқи» варианти (банк, сармоядорлар, таъминловчилар ва истеъмолчилар учун) тузилади. Бундай ҳажмдаги режаларга аниқ мисоллар, ҳисоблар, кўргазмалар илова қилинади.

Бизнес – режа бир неча муҳим вазифаларни бажаради. Бизнес – режани тайёрлаш жараёни фикрлашни жонлантиради, тадбиркорни пухталик билан уйлашга ва ўз ишини турли нуқтаи назардан таҳлил қилишга, ҳақиқий имконият ва қийинчиликларни баҳолашга мажбур қилади.

Иккинчи вазифа – *назорат.* Қоғозда баён қилинган режа келгуси назоратларда ва эришилган натижаларни баҳолашда ҳар доим ишлатилиши мумкин. У корхона фаолиятини келгуси яхшилашга асос бўлиб ҳизмат қилади.

Учинчи асосий вазифа – *жамғариш.* У бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларни жалб қилишга имконият яратади. Бизнес – режа потенциал қарз берувчини, акционер, сармоядорни ҳамда истеъмолчини, таъминловчиларни ушбу корхона билан (ишбилармон билан) тижорат алоқаларида фойда олишга ишонтириши керак.

Жаҳон тажрибасида бизнес – режани тузиш босқичлари ва унинг ташкилий қисмлари аниқ белгиланади.

Асосий йўналишни сақлаган ҳолда,бошқа бўлимларга ахборотни кўчиришни ёки уларни бирлаштириш ҳисобига бўлимлар сони кам бўлиши мумкин.

ТИАнинг таркиби ва мазмуни буюртмачи билан лойиҳачи ташкилот ўртасида ўзаро келишилган ҳолда қабул қилинади ва шартномада ҳам ўз аксини топади. ТИАда катта ва мураккаб объектларнинг муқобил вариантларини ва инвестицияларни молиялаштириш манбаларини алоҳида назарда тутиш керак ҳамда солиқ амортизацияси ва кредит сиёсатини ҳисобга олиш, иқтисодий ҳисоб-китоблар (қурилиш даври, лойиҳа қуввати ва эксплуатация объектини ўзлаштириш) бажарилиши учун аниқ даврни белгилаш лозим.

ТИА инвестиция лойиҳаси тўғрисида етарли маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Чунки шу асосда инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин ёки, аксинча, мақсадга мувофиқ бўлмаса, ушбу масала олдиндан бартараф қилинади. Инвестициялаш ва ишлаб чиқариш харажатлари, молиявий ва иқтисодий даромадларнинг қатъий ҳисоби фақат дастлабки ТИАда лойиҳа андозаси аниқ бўлган ҳолдагина бажарилади. Лойиҳа андозаси барча мумкин бўлган жиҳатлар ва улар билан боғлиқ масалаларни ҳисобга олиши керак. Саноат корхоналарининг исталган тури, ҳажми ва категориясини қамраб олувчи ТИАнинг ягона бир ёндашуви ёки универсал модели амалиётда мавжуд эмас. Кўпинча инвестиция лойиҳаларига кенг кўламдаги тавсиялар қўл келади.

ТИА мазмунига кўра дастлабки ТИАга ўхшаш бўлса ҳам, оптимал тавсифларга тижорат, техник, тадбиркорлик рискларини қўшган ҳолда инвестиция лойиҳаси такрорланадиган жараён йўли билан пухта ишлаб чиқилиши керак. Агар лойиҳанинг пухталиги ёки унинг фойдалилигини асослаш ишончли бўлмаса, кўрсаткичлар чуқурроқ таҳлил қилиниши лозим, керак бўлса, лойиҳа мақсадга мувофиқ бўлиши учун ўзгартирилиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси ТИА босқичида мумкин бўлган тижорат, техник, тадбиркорлик ва бошқа рисклар нуқтаи назаридан батафсил ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилиши керак. Бундан ташқари,

келгусида корхонанинг зарарларини йўқотиш ёки ҳеч бўлмаганда қисқартириш (камайтириш) учун инвестиция лойиҳаси чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Чет эл мамлакатларининг тажрибасини, хусусан, ЮНИДО (United Industrial Development Organization) тажрибасини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳалари ТИАсининг тахминий таркибий тузилишини келтирамиз:

- лойиҳанинг асосий ғояси ва шарт-шароитлари;
- бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси;
- ресурслар билан таъминланганлик;
- инвестиция объектининг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атроф-муҳит;
- лойиҳалаштириш ва технология;
- корхонани ташкил қилиш ва устама харажатлар;
- меҳнат ресурслари;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнини режалаштириш;
- молиявий таҳлил ва инвестицияларни баҳолаш;
- резюме – ТИАнинг қисқача мазмуни.

Аммо ҳозирги замон амалиётида тижорат банклари (кредиторлар) тадбиркорлардан инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқишни бироз ўзгача тартибда, кенг мазмунда ва юқори сифат билан тайёрланган бўлиши лозимлиги талаб қилмоқдалар.

Мазкур талаблар асосида ишлаб чиқиладиган ТИАлар қуйидаги мураккаб тартиб ва мазмунда, лекин тушунарли, ўзаро боғлиқликда (бўлимлардан иборат) бўлиши лозим:

1. Кириш.

Ушбу бўлимда қарз олувчи корхона кимга тегишли ва у қандай фаолият тури билан шуғулланиши, унинг бошқариш ва молиявий аҳволи, бозор сегменти қандайлиги, кимлар хорижий ҳамкорлар ҳисобланиши (агар мавжуд бўлса), корхонани кимлар бошқариши ва ушбу соҳада уларнинг бошқариш тажрибаси қай даражадалиги, корхона ишчилари сони ва таркиби, корхонанинг бизнес-режаси мавжудлиги ва унинг келгусидаги стратегияси, кўзда тутилаётган инвестицияларнинг қандай кўринишда ва мақсадларда ишлатилиши, лойиҳада яна бошқа қандай иштирокчилар қатнашиши ва уларнинг молиявий қўйилмалари қандай кўриниш касб этиши кабилар батафсил ёритилиши лозим. Бундан ташқари, корхонанинг охирги икки йиллик ҳисобот маълумотлари, сотиш ҳажми, шунингдек экспорт миқдори ҳамда яқин икки-уч йиллик ривожланиш режаси ўз аксини топган бўлиши керак.

2. Лойиҳадаги операциялар.

Мазкур бўлимда лойиҳа муҳокамаси, унинг фаолият соҳаси ва мантиқий ифодаси (асосланиши), амалга ошириш чора-тадбирлари, лойиҳанинг янгилиги ёки ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мўлжалланганлиги, агар ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши назарда тутилган лойиҳа бўлса, унинг

чиқарадиган маҳсулотлари, қуввати, заиф томонлари, кенгайтиришдан кўзланган мақсад ва бошқалар тўлиқ келтирилган бўлиши лозим.

3. Лойиҳанинг афзалликлари ва фойдалилиги.

Бу бўлим қўшимча ишчи кучини ташкил этиш, экологик аҳволни яхшилаш, мамлакат экспорт салоҳиятини кўтариш, қимматли ёқилЁи импортига эҳтиёжмандлигини (боғлиқликни) камайтириш, импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини ошириш, янги технологияларни жорий этиш, замонавий бошқарув тизимини тадбиқ этиш, ресурслар ва энергиялар сарфини тежаш нуқтаи назаридан лойиҳанинг маҳаллий ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт учун муҳимлиги жиҳатидан самарадорлигини очиб бериш вазифасини ўтайди.

4. Лойиҳа таъсисчилари ва ҳомийлари.

Ушбу бўлим мазмуни қарз олувчи корхонанинг юридик номланиши ва манзили, банк реквизитлари, телефон, телекс ва факслари, ташкил этилиш вақти, мулкчилик шакли, раҳбарлари, хизматчилар рўйхати ва тажрибаси, таъсисчилар ва ҳомийлар иш фаолиятининг тажрибалари тўғрисидаги маълумотлар, йиллик товар обороти, акциядорлик капитали, молиявий имкониятлари, кўзда тутилган молиявий қўйилмалар ва рисклар, хорижий ҳамкорларнинг лойиҳада иштирок этишининг мантиқий асосланганлиги (агар мавжуд бўлса) ва таъсисчиларнинг сўнгги икки йиллик даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ҳамда аудиторлик фирмалари хулосалари билан ифодаланади.

5. Лойиҳа бўйича битимлар (шартномалар) қиймати.

Томонлар ўртасида тузилган битимда унинг қиймати, битим қийматининг асослилиги, яъни харажатларнинг ер, ускуна ходимларни ўқитиш, қурилиш-монтаж ишлари, талаб қилинган айланма капитал ва бошланғич харажатларга бўлиниши ҳамда уларнинг баҳоси, харажатларнинг миллий ва хорижий валютада қиймати ва тузилиши, инвестиция харажатлари кабилар мукаммал тарзда акс эттирилган бўлиши зарур.

6. Лойиҳанинг молиялаштириш режаси.

Молиялаштириш режасида молиялаштиришнинг таркибий тузилиши тўғрисидаги бошланғич тасаввурлар, кредитлар, маҳаллий ва хорижий қарзлар ҳамда хусусий маблағларни олиш манбалари, лойиҳанинг ликвидлилигини таъминлаш учун талаб этиладиган муддат ва шарт-шароитлар, яъни кредитларнинг қайтарилиши ва қўйилган маблағларнинг қопланиши учун талаб этиладиган вақт ва шартлар, молиявий режаларда аниқланган етишмовчиликлар аниқ мазмунда ва тартибда баён этилиши керак.

7. Лойиҳадаги хом ашё ва бошқа харажатлар.

Лойиҳа бўйича хом ашё ва материаллар харажатлари ва уларнинг бозори, ресурслар бозорининг жойлашуви ва ҳажми, хом ашё ва ресурсларни етказиб берувчилар, уларнинг ишончлилиги ва сифатли хизмати, хом ашёларнинг сифати ва миллий ва хорижий валютадаги баҳолари, хом ашё ва материаллар билан таъминлашдаги кўзда тутилган рисклар, уларни етказиб

бериш схемаси, шартлари ва харажатлари, хом ашёларнинг бевосита ёки воситачилар орқали сотиб олиниши ҳамда ресурслар бозори маркетинги тадқиқотлари, асосий ишлатилувчи хом ашёлар ва уларнинг заҳиралари кўрсатилиши зарур.

8. Лойиҳа бўйича товар ва хизматлар. Сотиш бозорлари.

ТИАнинг мазкур бўлими етказиб берилувчи товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги, асосий сифат кўрсаткичлари ва уларнинг халкаро стандартларга жавоб бериши, афзаллиги, қадоқлашнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги, товар хизматини ташкил этиш, маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорлардаги ҳаракати, корхона товарлари ва хизматлари бўйича сотиш бозорининг ҳолати, бозор жойлашуви, истеъмолчилар турлари, корхонанинг бозордаги улуши, маҳсулотга бўлган талабнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар, рақобатчилар, маркетинг режаси, товарларнинг бозорда жойлаштирилиш схемаси (хусусий дўконлари, улгуржи тижорат ташкилотлари ва махсус истеъмолчилар), нархни шакллантириш, рекламани ташкил этиш ва реклама харажатлари, мижозларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш шартлари ва имкониятлари ҳамда юз бериши мумкин бўлган рисклар тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилган бўлиши лозим.

9. Лойиҳанинг ташкилий масалалари.

Бунда корхонанинг ташкилий схемаси ва тузилиши, бошқарув тизими, тайёр малакали мутахассис ва ишчиларнинг мавжудлиги, агар йўқ бўлса, уларни ўқитишнинг ташкилий ижроси, хорижий ҳамкорлар ёки мутахассис ходимлар томонидан кўрсатилувчи керакли ёрдамлар ва уларнинг сифати, муддати ва харажатлари, ходимларнинг лойиҳани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўлида самарали ва ишончли иш юритишларини ташкил этиш учун керакли бўлган дастурларга боғлиқ маълумотлар тўплами таҳлилий асосда ташкил этилган бўлиши лозим.

10. Лойиҳа бўйича мулк ва ускуналарни суғурталаш.

ТИАнинг ушбу бўлимида лойиҳа бўйича барча мулк ва ускуналарни суғурталаш бўйича тузилган шартнома шартлари, муддати, шакли, суммаси, суғурталовчи ташкилот ва унинг фаолияти, имиджи (обрўси) тўғрисидаги маълумот, суғурталанаётган мулк ва ускуналарнинг тўлиқ таркибий элементлари ва шу кабилар ифодаланган бўлиши зарур.

11. Лойиҳа бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир маълумотлар.

Лойиҳага боғлиқ ҳолдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари объектнинг жорий ва тарихий ҳолати ва унинг атроф-муҳитга таъсири, атроф-муҳит тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги, лойиҳа бўйича атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишларни камайтириш учун қўлланилиши кўзда тутилган технологик усуллар, қарз олувчининг атроф-муҳит бўйича умумий сиёсати, бахтсиз ҳодисалар ва «форс-мажор» ҳолатларида атроф-муҳит учун салбий оқибатларнинг келиб чиқиш рисклари кабилар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг лойиҳа бўйича экспертиза хулосалари асосида ҳал этилган бўлиши лозим.

12. Лойиҳа бўйича қонун ва қоидалар.

Лойиҳани амалга ошириш ва у бўйича тегишли шартномаларни тузишда мавжуд қонун ва қоидаларга ҳамда тегишли юқори ташкилот органларининг рухсатномаларига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тартибларига қатъий амал қилинилиши, агар корхона ташқи иқтисодий фаолият билан шуЁулланадиган бўлса, у ҳолда Ташқи иқтисодий алоқалар агентликдан, агар қўшма корхона бўлса, Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтганлиги, агар корхона фаолият тури махсус лицензияларни талаб этса, унда тегишли лицензияларга эгалиги кабилар кўзда тутилган бўлиши лозим.

13. Лойиҳа бўйича технология ва ускуна.

Бу бўлимда кўзда тутилган ускуна ва технологияни олиш манбаси, етказиб берувчи фирма, ихтисослашган фирма ва улар тўғрисида қисқача маълумот (манзили, раҳбарлари, иш тажрибаси, телефон рақамлари ва факслари), етказиб бериш шартлари ва кафолатлари, ускуна ва технологиянинг ишончлилиги, ускуна ва технологияларни етказиб берувчи томонидан кўрсатиладиган хизматлар, уларнинг энергия ва бошқа ресурсларни истеъмол қилишлик даражаси, технологик коммуникациянинг савияси, ишлаб чиқариш сифати ва жараёни, технология ва ускунанинг рақобатбардошлиги ва уларнинг халқаро стандартларга сифат жиҳатдан мослиги, баҳоси, талаб этиладиган ишлаб чиқариш майдони ва биноси, уларнинг тайёрлилиги, технология ва ускуналарнинг маҳаллий хом ашёларга мос келиши, шартнома мавжудлиги ҳолатида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги экспертизаси хулосалари, ускуна ва технологиянинг муқобил вариантлари билан таққосланганлиги ва афзаллиги асосланганлиги, уларнинг техник ҳужжатлари, кадрларни ўқитиш ва “ноу-хау”, қурилиш-монтаж ишлари қиймати, эҳтиёт қисмлар ва ташиш харажатлари қиймати кабилар муфассал кўрсатилиши керак.

14. Лойиҳани кредитлашда банкларнинг ўрни.

Мазкур бўлимда лойиҳани амалга оширишда уни молиялаштирувчи банкнинг ўрни, унинг бир ўзи ёки бошқа кредиторлар билан биргаликда қарз олувчига кредитни тақдим этиши, банк томонидан ўрнатилган шарт-шароитлар, талаблар ва қарз олувчи билан тузган шартномаси, кредит учун тақдим этилган гаровлар ёки мулкнинг суғурталанганлиги, маслаҳат хизматлари, ускунанинг лизинг асосида тақдим этилиши, устав капиталига киритилаётган инвестициялар қисқа, лўнда ва мукаммал маълумотлар тўплами асосида тайёрланиши лозим.

15. Лойиҳа бўйича кафолатлар.

Унда кафолат турлари: мулк, ускуна, товарлар, кафолат хати, суғурталанган кредитлар ва шу кабилар кўрсатилиши зарур.

16. Лойиҳа қуввати ва унинг йиллар бўйича ўзлаштирилиши.

Бунда лойиҳа қувватининг нимага асосланиб баҳоланганлиги ва ишончлилиги, унинг йиллар бўйича ўзлаштирилиш босқичи ва муддати, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сотувчилар билан биргаликда режалаштирилганлиги кабилар таҳлилий асосда акс эттирилган бўлиши талаб тилади.

17. Лойиҳадаги тайёр маҳсулотнинг йиллар бўйича сотилиши.

ТИАнинг мазкур бўлимида маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорда сотилиш таркиби ва тузилиши, уларнинг баҳолари ва олинадиган тушумлар, корхонада ҳар йилнинг охирига қолдирилиши мўлжалланган тайёр маҳсулот заҳиралари (кунларда), сотиладиган маҳсулот турлари ва маҳсулотларнинг йиллар бўйича сотилиш ҳажми режаси ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

18. Лойиҳа бўйича харажатлар.

Харажатлар таркиби маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган маълумотлар таркибидан ташкил топган ҳолда уларнинг хом ашё ва материалларга, ишчилар ва ижтимоий суғурта ва бошқа ажратмаларга, элект энергияси, газ, сув ва шу кабиларга, амортизация ажратмалари, умумишлаб чиқариш харажатларига, заҳираларга, реклама ва транспорт харажатларига ҳамда сотиш харажатларига ажратилиши билан йиллар бўйича кетма-кетликда ва ўзаро алоқадорликда ифодаланиши жадвал маълумотлари асосида бажарилиши лозим.

19. Лойиҳа бўйича кредит тўловлари ва фоизларнинг йиллар бўйича ҳисоб-китоби.

Ҳисоб-китоб ишларидан аввал кредитлаш шартларини, яъни кредит тақдим этилиш муддатини, кредитнинг даврийлиги – қайтарилиш шартлари, фоизларнинг қайтарилиш шартлари ва фоиз ставкалари ўзгаришини билиб олиш зарур. Шу асосда лойиҳада асосий қарзлар ва улар бўйича фоизларнинг йиллар бўйича даврий ҳисобланиш ва тўланиш режалари жадвал кўринишида акс эттирилиши лозим.

20. Лойиҳа бўйича даромадлар жадвали.

Аввалги ҳисоб-китоб маълумотлари асосида даромадларнинг йиллар бўйича ташкил топиш режаси жадвал маълумотлари орқали акс эттирилади. Даромадлар умумий ҳолда ҳамда алоҳида маҳсулот турлари бўйича ички ва ташқи бозорда сотилиши ҳисобига ҳосил қилиниши нуқтаи назаридан ҳам миллий, ҳам хорижий валютада акс эттирилиши зарур. Бунда даромадлар сотишдан тушган тушумдан умумий харажатларни, фоизларни ва солиқларни тўлаш кетма-кетлиги ва уларнинг натижаси сифатида олинган соф фойда кўринишида ифодаланиши лозим.

21. Лойиҳа бўйича жорий активлар ва пассивларнинг, айланма капитал (ишчи капитали)нинг ҳисоб-китоби.

Ушбу маълумотларнинг барчаси жадвалли кўринишда, умумий ҳолда йиллар бўйича тузилиши лозим. Бунда уларнинг алоҳида бандлари бўйича тегишли маълумотлар тушунарли тарзда акс эттирилиши, яъни келиб тушиши кутилаётган тушумлар, дебиторлик қарзлари, тайёр маҳсулот заҳиралари, жорий активлар, кредиторлик қарзлари, жорий пассивлар, соф ишчи капитали ва уларнинг ўзгариши ўзаро боғлиқлик асосида берилган бўлиши шарт.

22. Лоийҳа бўйича пул оқими ҳисоб-китоби.

Мазкур ҳисоб-китоб юқорида олинган маълумотлар асосида амалга оширилади. Унда солиқ ва фоизларни тўлагунгача даромадлар ва амортизация ажратмалари, ишчи капиталидаги ўзгаришлар, фаолият бўйича

пул оқими, молиялаштириш манбалари (кредитлар, ўз капитали ва бошқалар), кредит учун аосий қарз ва у бўйича фоиз тўловлари, солиқ тўловлари, тақсимланмаган фойда, инвестицияга йўналтирилган маблаЁлар (фойдадан ажратилган), тақсимлаш фондлари, дивидендлар ва соф пул оқими маълумотлари кетма-кетлик ва тартиб асосида, жадвал кўринишида режалаштирилган йиллар бўйича ишлаб чиқилиши зарур.

Лойиҳанинг ТИАси юқорида кўрсатилган тартиб ва бўлимлар асосида амалга оширилиши лойиҳанинг юқори сифат даражасини таъминлашга хизмат қилади ва у қарз олувчиларга ҳам, қарз берувчиларга ҳам муайян иқтисодий самарага эришишга имкон беради.

Лекин шундай ҳоллар ҳам кузатилиши мумкинки, қарз олувчиларнинг лойиҳа ТИАсини тайёрлашдаги билим ва тажрибаларининг етишмаслиги, махсус инвестицион-консальтинг ва инжиниринг компаниялари хизмати доирасининг торлиги сабабли ТИАларнинг сифатсиз тайёрланиш ҳоллари кузатилиши мумкин. Ундан ташқари, айрим ҳолларда ТИА бўйича ҳисоб-китобларнинг бир томонлама ишлаб чиқилиши лойиҳанинг амалга оширилиш имкониятларини қисқартириши мумкин.

Шу сабабдан инвестиция лойиҳалари бўйича ТИАларни тайёрлашда кредит муассасалари, лойиҳа ташаббускорлари, консальтинг ва инжиниринг фирмаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тизимини такомилаштириш, ТИАда лойиҳа иштирокчиларининг ўзаро келишилган манфаатларини таъминлашга эришиш ва унинг ҳаётийлигини юзага чиқариш масалаларини ҳал этиш, нафақат, ТИАларнинг сифатида, шунингдек инвестиция лойиҳасининг юқори самарадорликка эришишида муҳим аҳамиятга эгадир.

6-мавзу. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш

Режа:

1. Лойиҳаларни амалга оширишда замонавий маркетинг концепцияси.
2. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш.
3. Лойиҳанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва маркетинг концепциясини шакллантириш.
4. Лойиҳанинг маркетинг дастури.
5. Лойиҳа бўйича маркетинг бюджети.
6. Лойиҳа маркетингини амалга ошириш. Лойиҳани бошқариш доирасида маркетингни бошқариш.

1. Маркетинг тушунчаси, турлари ва стратегияси

Маркетинг - инсоннинг айирбошлаш воситасида талаб ва эхтиёжни кондришга каратилган фаолиятидир. Маркетинг таркибига бозорни урганиш. Истеъмолчи буюртмасига кура махсулотлар ассортиментини режалаштириш, бозорни эгаллаш, реклама, товарлар ва хизматларни ишлаб чикарувчидан истеъмолчига етказиб бериш билан боглик тадбиркорлик фаолияти киради. Маркетинг конструктор, мухандис, иктисодчи ва бошка мутахассисларга бозор эхтиёжлари билан танишиш, истеъмолчи ушбу махсулотнинг кандай булишини исташи, унга канча хак тулаши, у ким учун зарурлиги хакида мулохаза юритиш имконини беради.

Бозор шароитида корхонани бошкариш маркетингни ишлаб чикариш циклининг бошига куяди, чунки хужалик карорларини кабул килиш асосида ишлаб чикариш имкониятлари эмас, балки бозор талаблари, харидор эхтиёжлари ётади. Охир натижада корхона кулами, корхонани бошкариш ташкилий таркибини, бошкарув тамойил ва усулларини, хизмат курсатиш йуналишларини бозор белгилайди.

Бозор муносабатлари шароитида корхона бозор коньюктураси, булажак шериклар имкониятлари, нархлар узгариши хакида ахборот олиш асосида уз ишлаб чикаришини моддий-техникавий таъминлаш ва капитал курилишни товарлар ва хизматлар бозоридан (бевосита ишлаб чикарувчидан, улгуржи савдода, шу жумладан, ярмарка, кимошди савдоси, хамда моддий-теъминот ва бошка воситачи ташкилотлардан) ресурслар сотиб олиш йули билан амалга оширади. Натижада корхонанинг режа-иктисод, техника, технология, таъминот ва сотув булимлари вазифалари узгаради. чунки корхона мухандис-техниклари ресурслардан кай даражада фойдалана олиш имкониятига эга эканликларини билишлари, бозор таъсиридан эркин булишлари учун корхонада бозор иктисодиёти, корхона ишлаб чикариш ва молия сиёсати масалалари буйича ахборот манбааси, булган махсус маркетинг хизматини ташкил этиш эхтиёжи вужудга келади.

Маркетинг булими бозорни, ижтимоий талаб холати ва узгариши, коньюктурани урганиш натижасида корхонада ишлаб чикариладиган махсулот зарурлиги, истикболи масаласини хал этади.

Корхонани маркетинг воситасида бошкариш анча мушкул булиб, катта хажмда режа-хисоб китобларини, кадрларни кайта тайёрлашни, бошкарув

вазифа ва усулларини тубдан узгартиришни талаб килади. Факат корхона, бутун иктисодиёт хужалик механизмини тубдан кайта куриши асосидагина маркетинг тенденциясини куллаш мумкин. Акс холда корхона тез узгарувчан талабга мослаша олмай ракобат курашига бардош бера олмайди. Бу корхона фойда курмаслиги ва ундан келиб чикувчи бошка окибатларга олиб келади. Чунки факат истеъмолчилар эхтиёжини хисобга олиб, фан-техника тараккиёти ютукларидан фойдалана олган корхонагина уз махсулотини сотишдан фойдаолиши мумкин.

Бу маънода америкалик автомобиль магнати Г.Форднинг фикрини таъкидлаб утиш зарур. Ундан кандай килиб миллионер булганлигини сураганларида куйидагича жавоб берган: «Жуда осон. Мен уз автомобилларимни бозорда бошкаларга нисбатан арзонрок сотиб, уз ишчиларимга бошкаларга нисбатан куп хак тулаганман». Бундай холда у синиши керак эди, лекин у ракобатчиларини бозордан сикиб чикариб бозорни эгаллагани учун миллионер булди.

Товар пул муносабатлари жамиятни уз-узини бошкариш механизми билан куроллантиргани учун бебахо хусусиятга эга. Тартибга солинувчи бозор хужалик фаолиятини истеъмолчига каратиш, ташкилий тизимлар, бошкарув тамойили ва усулларини кайта куриш, корхона максад ва вазифаларини узгартиришни талаб килади.

Маркетинг талабни кондиришга каратилган фаолият булибгина колмай, балки талабга таъсир хам килишдир. Хуш, бу таъсир кандай булиши керак, бошка махсулотлар ишлаб чикаришга утиш ва янги талабни вужудга келтириш керакми? Маркетинг фаолиятининг бу аник максадларини - бозорда мавжуд булган вазиятни хисобга олиш билан, харидорлар кизикиш баражаси билан, корхонанинг уз иктисодий ва ижтимоий вазифалари билан, у ёки бу бозорга кириши билан аникланади. Шундай килиб, талаб маркетинг максадини, шу билан бирга керакли маркетинг стратегиясини танлашга имкон беради. Бир неча талаб даражасини ва унга мос келувчи бир канча стратегиясини алохида ажратиб курсатиш мумкин.

Америкалик иктисодчи Филипп Котлер узининг машхур “Марктинг буйича бошкарув” кулланмасида маркетинг турларининг классификациясини берган. Куйидаги талаб даражаси ва унга мос келучи маркетинг стратегиясини куриб чикамиз.

6.1.-жадвал

Маркетинг турлари.

Талаб холати	Маркетинг вазифаси	Маркетинг тури
Салбий талаб	Талаб яратиш	Конверсион маркетинг
Талаб йук	Талабни рагбатлантириш	Рагбатлантирувчи маркетинг
Мумкин бўлган маркетинг	Талабни ошириш	Ремаркетинг
Узгарувчан талаб	Талабни мувозанатлаш	Синхромаркетинг
Тулик талаб	Талабни куллаш	Кулловчи маркетинг
Ортикча талаб	Талабни камайтириш	Демаркетинг
Макбул булмаган талаб	Талабни тугатиш	Каршилик килувчи маркетинг

1. Салбий талаб. Агар харидорларнинг купчилик кисми товарни кабул килмаса ва ундан кочса, бозор салбий талаб вазиятида булади. Маркетинг хизматларининг вазифаси - нима учун бозор товарни кабул килмаяпти, маркетинг дастури товарларни мукаммаллаштириш оркали, нархларни пасайтириш оркали товарга булган карашларни узгартириш мумкинлигини тахлил килиш ва талабни янада фаол куллаб-кувватлашдир.

2. Мавжуд булмаган талаб. Истеъмолчилар товар билан кизикмасликлари ва эътибор бермасликлари мумкин. Бу холда маркетингнинг вазифаси - харидорларда ушбу товарга нисбатан кизикиш уйготишдир.

3. Яширин талаб. Купгина истеъмолчилар бозорда мавжуд булган товарлар ва хизматлар билан кондирилиши мумкин булмаган талабга эга буладилар. Бу холда маркетингнинг вазифаси - потециал бозор хажмини аниклаш ва талабни кондиришга кодир булган самарали товарлар яратишдан иборат.

4. Пасаяётган талаб. Эртами-кечми, хар кандай корхонанинг бир ёки бир неча товарига булган талабнинг пасайишига дуч келади. Бу шароитда коньюнктуранинг пасайиш сабабларин тахлил килиш лозим ва янги янги максадли бозорлар топиш йули билан, товар хусусиятларини узгартириш ёки янада самарали алокалар (коммуникация) урнатиш билан товар етказиб беришни рагбатлантириш мумкинлиги аникланади. Бу ерда маркетингнинг вазифаси - пасайиб бораётган талабнинг олдини олиш учун, товарни ткалиф килишга ижодий ёндашиш лозимлигини унутмасликдир.

5. Доимий булган талаб. Купчилик корхоналарда товар етказб бериш мавсумий, кундалик ва хаттоки соатбй тебранишга эга. Бу корхоналарнинг асосий фондларини кам ёки куп юклаш муаммоасини тугдиради. Масалан, жамоа транспортининг асосий кисмида “тигиз вактда” йуловчилар хаддан зиёд куп булади. Бу вазиятда маркетингнинг вазифси - узгарувчан (эгилувчан) бахолар ёрдамида, рагбатлантириш ва бошка таъсир килиш усуллари оркали талабнинг вакт буйича тебранишини текислаш йулларини излаши лозим.

6. Тулаконли талаб. Бу талаб тугрисида тадбиркорлар уз савдо тушумларидан, фойдаларидан тулик коникиш олган холдагина гапирадилар. Маркетинг вазифаси истеъмолчиларнинг товарни афзал узгаришига ва ракобатнинг кучайишига карамасдан талабнинг мавжуд даражасини ушлаб колишга харакат килиш лозим. Бу шаротида товар сифатини янада ошириш, унга хизмат курсатишни яхшилаш, товарнинг истеъмолни кондириш даражасини доимий назорат килиш биринчи уринга чикади.

7. Хаддан ташкари юкори булган талаб. Бозордаги талабни кондириш мумкин булган даражадан талаб даражаси юкори булади. Бу холда маркетингнинг вазифаси - талабнинг вактинчалик ёки доимий равишда пасайтириш йулини излаб топишдир. Бу вазиятда нархларни кутариш оркали, талабни кискартиришга каратилган рагбатлантиришлар, сервисни пасайтириш ва бошка чоралар ёрдамида хаддан ташкари юкори булган талабни камайтиришга харакат килинади. Бу вазиятда маркетингнинг

максади - талабни бутунлай йук килиш эмас, балки факатгина унинг даражасини пасайтиришдан иборат.

8. Норационал талаб. Товарга булган талабга карши харакат килиш, согликка зарарли товарларга талабни камайтириш аник максадли харакатларни талаб килади, сигаретлар, спиртли ичимликларнинг таркалишига карши турли тадбирлар утказилади. Маркетинг вазифаси махсулот зарари тугрисида маълумотлар таркатиш, нархларни кутариш ва товарларга эгалик килишни чеклашлар оркали, истеъмолчиларни уз одатларидан воз кечишга ишонтириш.

Шундай килиб, талабнинг 8 холатига тухталиб утдик. Мана шу холатларнинг хар бирига тугри келадиган маркетинг турлари мавжуддир.

Конверсион маркетинг - салбий талабни босиб утишга ёрдам беради, яъни йук жойда талабни вужудга келтиради, бунга ишонтириш ва товар тугрисидаги ёлгон маълумотларни инкор этиш оркали эришилади. Масалан, урушдан кейинги йилларда сотувда, саноатда ишлаб чикилган майонез пайдо булди. Харидорлар буни тезда кабул килмадилар. Факатгина реклама воситаси билангина махсулотга талаб вужудга келтирилди ва таклиф мувозанатлаштирилди .

Рагбатлантирувчи маркетинг - талабни уйготади, товарлар харидорни кизиктирмаса ва бугунги кунда уз кийматини йукотган булса, товарлар нотугри жойлаштирилган булса ва бошка бир неча холларда талаб мавжуд булмаслиги мумкин. Бундай шароитда рагбатлантирувчи маркетингнинг максади истеъмолчи билан товар уртасида фойдали узаро алока урнатишдан , имкониятларни яратишдан ва шундай килиб, талабни яратишдан иборатдир.

Потенциал талаб мавжуд, уни реал талабга айлантириш керак. Бу шароитда ***Ривожланувчи маркетинг*** туридан фойдаланилади. Потенциал талабни реал талабга айлантириш учун биринчи навбатда янги товарлар яратиш устида ишлаш керак, яъни талабни янги сифат даражасида кондиришга эришиш керак. Ривожланувчи маркетинг - яширин талабни камраб олувчи ва уни реал талабга айлантирувчидир.

Талабнинг пасайиши турли даврларда хар кандай товар дуч келадиган ходиса. Бу холатда ***Ремаркетинг***дан фойдаланилади. Ремаркетингнинг максади талабни тиклаш зарурлигини билдиради, яъни тушиб бораётган талабни жонлантиришдир.

Талаб узгариб туради, талабни стабиллаш керак. Бу холатда ***Синхромаркетинг*** туридан фойдаланилади. Синхромаркетинг - тебраниб турувчи талабни нисбатан баркарорлаштиришга ва уни тартибга солишга ёрдам беради. Бундай талаб мавсумий ва бошка тебранишлар билан характерланади. Бунинг натижасида товар таклифи талабга тугри келмайди. Шунинг учун синхромаркетингнинг стратегияси талаб ва таклиф меъёрини текислашдан иборат.

Талаб фирманинг имкониятларига аник жавоб беради, талабнинг бир текисда булишига эришиш керак. Бу шароитда ***Куллаб-кувватловчи*** маркетинг туридан фойдаланилади. Куллаб-кувватловчи маркетинг - товарлар ва хизматлар ассортиментини тулдириш, янгилаш ва нархларни

пасайтириш оркали мавжуд булган талаб ва эхтиёж даражасини саклаб колишга имкон беради.

Талаб хаддан ташкари юкори, талабни пасайтиришга эришиш лозим. Бу холатда ***Демаркетинг*** туридан фойдаланилади. Демаркетинг максади нархни кутариш, сервисни кискартириш йули билан талабни вактинчалик ёки сурункасига пасайтиришдан иборат.

Носоглом талаб соглик учун зарарли булган товарларга нисбатан пайдо булади. Бунда ***Карама карши харакатланувчи маркетинг*** норационал эхтиёжларни кондирувчи талаб ва хизматларга булган талабни камайтириш ёки бутунлай йук килишга хизмат килади. Бунга антиреклама воситасида эришилади.

Маркетинг стратегияси жамият ва корхона жамоасининг узвий манфаатлари ишлаб чикариш самарадорлиги масалаларини хал килишга хизмат килиш керак.

Маркетинг стратегияси боскичларини схема тарзида ифодалаш мумкин.

6.1.-чизма

Маркетинг боскичлари.



1-боскич - талаб коньюктурасини урганиш. Корхона бозордаги иктисодий вазиятни хар томонлама урганади, талаб коньюктурасини, шунингдек. Харидор имкониятларини урганади.

2-боскич - бозор сигимини урганади. Корхона кузда тутилган савдо сигимини аниклайди. Бу ушбу сохага капитал сарфлаш учун туртки булиб хизмат килади.

3-боскич - мавжуд бозор шароитида корхона максад ва имкониятларини аниклаш. Бозор эхтиёжларини билиш уларни корхона имкониятлари билан таккослашга имкон беради.

4-боскич - маркетинг режа ва стратегиясини ишлаш. Хам максадга эришишнинг умумий стратегияси, хам корхона йуналиши ва булинмалари учун батафсил режа сифатида ишланади.

5-боскич - лимий-техник ва тажриба конструкторлик ишлари. 4 та боскичда ривожланиш йуллари белгилангандан сунг бевосита сотиш учун махсулот ишлаб чикаришга илмий-тадкикот , тажриба ва конструкторлик ишлари, технология, ишлаб чикариш режаси, тажриба ишлаб чикариш ва х.к.га утилади. Нихоят, махсулот яратилди.

6-боскич - махсулотни бозорга киритиш. Бунинг энг мухим шарти бозорга чикишнинг энг макбул йулини танлаш билан бирга, нарх сиёсатини хам белгилашдир.

7-боскич - рекламаю бозорда уйлаб самарали иш юритмай муваффакиятга эришиб булмайди. Товар хакида харидорларга ахборот бериш ва уни сотиб олишга ундаш - мураккаб ва маъсулиятли вазифа булиб, у билан бир вактда савдони рагбатлантириш хакида хам гамхурлик килиш керак.

8-боскич - махсулот ассортиментини бошкариш. Талаб харидорнинг ассортимент узгаришига талаби узгаришини урганиш. Ассортиментни узгартириш, бозорга таклиф этилган дастлабки вариантга тузатиш киритиш.

9-боскич - савдо фаолиятини бошкариш. Савдо, икни ташиш, юкларни кадоклашга алохида эътибор берилади.

10-боскич - савдодан кейинги хизмат курсатиш, истеъмолчига сервис хизмати курсатиш, товардан фойдаланишда кумаклашиш.

11-боскич - маркетинг фаолиятини назорат килиш. Бутун фаолият дастурини назорат килиш. Охирги боскичнинг тугаши, биринчи боскичнинг бошланишини билдиради.

Маркетинг стратегиясини билиш «маркетингни бошкариш» тушунчасига таъриф беришга имкон яратади. Маркетингни бошкариш - бу ишлаб чикариш ва бозорни фойда олиш, савдо хажмини ошириш, бозордаги хиссасини ошириш максадида харидорлар билан фойдали айирбошлашни таъминлаш, мустахкамлаш максадида урганиш ва тахлил этишдир.

Маркетингни бошкариш вазифалари жумласига талаб даражаси, вакти ва хусусиятига ташкилот олдида тутган максадга эришиш учун ёрдам бериш ниятида таъсир этиш хам киради. Бошкача килиб айтганда маркетингни бошкариш - бу талабни бошкаришдир. Хакикий талаб даражаси исталгандан паст ёки юкори булиши мумкин. Бундай холат билан маркетинг буйича бошкарувчи дуч келиши мумкин.

Маркетинг буйича бошкарувчи - ташкилотнинг маркетинг вазиятини тахлил килиш, белгиланган режаларни амалга оширувчи ва назорат вазифаларини амалга оширувчи ходимидир. Бунга савдо хизмати бошкарувчиси ва ходимлари, реклама хизмати ходимлари, савдони рагбатлантириш буйича мутахассислар, маркетинг буйича тадкикотчилар, маркетинг буйича тадкикотчилар, товарлар буйича бошкарувчилар ва нархни ташкил этиш буйича мутахассислар кирадилар.

Маркетинг – айирбошлаш йули билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг тури, бозордаги барча қатнашчиларнинг

ўзаро манфаатларига асосланган ҳаракатларини, талабни шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришдир. Маркетинг бу товар ҳаракатларининг барча босқичларини ўз ичига олувчи, талаб таклифни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини яратиш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган турли хилдаги хизматлар кўрсатиш ва истеъмолдан чиққандан кейин утилизациялашни ташкил қилиш каби бозор муаммоларини ечишда яхлит тизимли (комплекс – системали) ёндашишдир.

Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

1. Бозорни ва сотишни тадқиқ қилиш:

а) бозор сиғимини баҳолаш;

б) бозор ва унинг сегментлари характеристикасини аниқлаш;

в) бозордаги ўзгаришлар тенденциясини таҳлил қилиш;

г) сотиш хажмини истиқболлаш;

д) мавжуд ва мумкин бўлган истеъмолчилар тўғрисида ахборот олиш;

е) истеъмолчилар талабини ўрганиш;

ж) рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш.

2. Маҳсулотни тадқиқ қилиш:

а) янги маҳсулот тўғрисидаги гояларни туплаш;

б) маҳсулот ҳақида тест утказиш;

в) хар хил кадоклаш турларини синаб кўриш ва тадқиқ қилиш.

3.Баҳони тадқиқ қилиш:

а) маҳсулот баҳоси билан унга бўлган талаб ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиш;

б) маҳсулот ҳаётийлик даврининг турли босқичлари учун баҳо сиёсатини истиқболлаш.

4. Маҳсулот ҳаракатини тадқиқ қилиш:

а) реклама фаолияти самарадорлигини тадқиқ қилиш;

б) турли оммавий ахборот воситалари самарадорлигини тадқиқ қилиш;

в) рекламанинг турли вариантларини синаб куриш;

г) маҳсулот ҳаракати турли усуллари ва воситаларини комплекс солиштирма таҳлил қилиш.

5. Маҳсулотни харидорларга етказиш:

а) омборлар жойлашишини тадқиқ қилиш;

б) чакана савдо нуқталари жойлашишини тадқиқ қилиш;

в) сервис хизмати жойлашишини тадқиқ қилиш.

Маркетинг тадқиқотлари утказишда чет эл фирма ва компаниялари катта маблаглар сарфлайди. Масалан, АКШда йиллик сотиш хажми 25 млн. доллар бўлган компаниялар уз маркетинг бюджетларининг 3,5 фоизга якинини маркетинг тадқиқотларига сарфлайди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи корхоналарга нисбатан бу соҳага кўпроқ маблағ сарфлайдилар.

Бозорни тадқиқ қилиш - маркетинг тадқиқотларининг маълум бир қисмидир, холос. Фақатгина шартли равишдагина уларни маркетинг

тадқиқотларининг асоси деб кабул қилиш мумкин. Бозорни тадқиқ қилиш жараёнида қуйидагилар аниқланади:

- бозорга киритилаётган ёки унда мавжуд бўлган маҳсулотнинг мумкин бўлган сотиш миқдори;
- товарнинг истеъмол хусусиятидаги ва бошқа характеристикаларининг ўзгариши тенденцияси;
- ёши, жинси, худудий, ижтимоий, оиласидаги кишилар сони, узини тутиши, даромади даражаси бўйича истеъмолчилар гуруҳини аниқлаш;
- ассортиментни режалаштиришда, сотиш ва рекламани ташкил қилишда харидорларнинг истагини аниқлаш;
- маҳсулотнинг сотилиши миқдори, унинг умумбозор сигимидаги улуши (худудлар ва сегментлар бўйича хам);
- фирманинг рақобатдошлигини ва унинг бозордаги урни.

Кўриниб туриbдики, бозор тўғрисидаги маълумотлар миқдори катта ва турли характерга эга. Шунинг учун бозорни тадқиқ қилишда турли билим соҳаларининг мутахассислари қатнашадилар ва бу тадқиқотлар анча кимматга тушади, лекин фирмалар бозорни иложи борича тезрок узлаштириш мақсадида харажатлардан қочмайдилар, чунки рақобатчилар бозорда янги рақобатчи пайдо булишини олдини олиш учун карши чоралар курадилар. Шунинг тадқиқотлар жараёни, айникса, унинг натижалари олинганидан кейин ва фирма уларни маркетинг концепциясини асослаш учун кабул килингандан сунг товарни синовли сотишни ташкил қилиш бошланади. Бу жараённинг асосий вазифаси, фирманинг бозордаги самарали урнини аниқловчи узига хос омилларни ўрганишдир.

Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиш уз олдига компаниялар, фирма (корхона) товарларини самарали сотиш имконини, унинг кенгайиш учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, захиралар ва янги товарлар яратишни, истеъмолчилар талабини қондириш ва юқори фойда олишни мақсад қилиб куяди. Бу мақсадни амалга ошириш учун чукур маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси, ишлаб чиқариш ва унда чикадиган товарларнинг бозор ва истеъмолчининг юқори талабларига мослаштиришдан иборат. Бу нарса фирманинг юқори рентабелли, рақобатга бардошли фаолияти асосида амалга ошириш керак.

Маркетинг тадқиқотларининг мақсад ва вазифалари

Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишнинг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланди, хамда унинг мақсади нихоятда кенг ва мураккаб масалаларни хал қилишга каратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган холда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг куйидаги муҳим вазифаларни хал этмоги лозим:

- харидорлар (истеъмолчилар) эҳтиёжини ўрганиш;

•товарларга бўлган ички ва ташки талабларни ўрганиш;

•корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш;

•талаб ва таклиф тўғрисидаги олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;

•товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларни товарларни сотиб олишга қизиқишини ошириш;

•товар яратувчи ёки уни сотувчи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар туплаш ва таҳлил қилиш;

•товарни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар тўғрисида маълумотлар олиш;

•тулдирувчи товарлар ва урнини босувчи товарлар тўғрисида ахборотлар йиғиш;

•товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатдир.

Маркетинг ахборотларини тизимли таҳлил қилиш, талаб ва таклифнинг тахминий ҳисобини ишлаб чиқишга имкон беради. Бусиз эса сотишнинг макбул даражасини белгилаш мумкин эмас. Бундай даражада одатда, минимум, максимум оралиғида ҳисоблаб чиқилади. Маркетинг мақсадига эришишда реклама хам муҳимдир. Рекламанинг вазифаси – мавжуд бозор сегментини мустахкамлаш, янги харидорларни жалб қилиш, янги бозорлар ташкил қилишдир. Маркетинг тизимида рекламанинг асосий хусусияти – узлуксиз таъсир ва доимий янгиланишдир. Шу билан бирга харидор психологияси товар ва фирма маркасига богланиб колиш хусусияти (имидж) га хам эгадир.

Маркетингнинг куллашдан олдин авваломбор шароитни, энг асосий ижтимоий – иқтисодий тараккиёт даражасини ҳисобга олиш лозим. Чунки маркетинг – мураккаб, ҳаракат ва сабр токкат талаб килувчи, шу билан бирга тез самара берувчи ишдир. У бир томондан ахолининг етарли даражада юқори бўлган эҳтиёжи в талабига, унинг харид қобилиятига, иккинчи тарафдан товар ва хизматларни танлашдаги эркинликка жавоб бериш керак. Бозор ҳаракатининг катта радиусини таъминлаш учун товар ассортиментини тез ўзгартириш, уни оммавий равишда узлаштиришга жавоб берадиган бериши лозим. Буларнинг барчаси талаб ва таклифни мувозанатлаштиришга имкон беради. Бундан ташкари, маркетингли фаолият юритиш учун, корхонани бошқариш ва режалаштириш тизимидан, тақсимот, ички бозордаги ва ташки савдодаги алоқалар, юқори даражада жихозланган бозор каналлари оркали реализация қилишдан иборат ташкилий масалаларни хал қилиш зарур.

2.Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш.

Маркетинг тадқиқоти ишлари барча ташкилот ва корхоналар фаолиятида кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бозор хусусидаги ахборот ёки хабарларга суяниш, улардан керакли вазиятларда фойдаланиш, табийки, зарурий шартдир. Лекин, фирма ва ташкилотларнинг мақсадли бозор,

харидор сари интилишларини амалга оширишда муайян йўналишга ва мақсадга бўлган маркетинг тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди.

Бу ўринда машҳур «Маркс энд Сиенсер» компаниясининг бой тажрибаси диққатга сазовор. Англияда йирик ва нуфузли саналган ушбу ташкилот «юмшоқ товарлари» (кийим-кечак ва тўқимачилик маҳсулотлари) чакана товар оборотида 16 фоизни ташкил этади. Ҳар бир квадрат метрга тўғри келувчи товар оборотн ҳажми бўйича бу компания дунёда биринчи ўринда туради. 80-йилларда «Маркс энд Сиенсер» Парижда ўз шаҳобчасини очиш ва француз харидорлари дидига мос келувчи товарларни таклиф қилиш мақсадида 18 ой мобайнида муттасил маркетинг тадқиқотларини ўтказди. Ваҳоланки, британиялик ва француз оилаларининг турмуш тарзи, ҳаётий кўникмаси, қизиқувчанлиги, даромадлари бир-бирларига жуда ўхшаш бўлса ҳам, маҳаллий бозор табиати, ундаги рақобат, харидорлар талаби бирмунча фарқ қилар экан.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ташкилот, фирма ўз бозори ва харидори кўламини сақлаш, улар салмоғини ошириш, янги эҳтиёжни қондириш учун доимий тарзда маркетинг тадқиқотларини амалга оширмоғи лозим.

Албатта ҳар маркетинг тадқиқоти тегишли сарф ҳаражатларни талаб этади. Асосан йирик фирмалар ўз таркибий тузилмалари, шўъба ташкилотлари миқёсида маркетинг тадқиқотларини ўтказадилар. Лекин барча соҳалар бўйича тадқиқотларни ўтказишга имконият ва муайян заруратлар доимий бўлмаганлиги ҳамда ходимларни бутун йил давомида ишда банд қилиб туриш қимматга тушиш сабабли, айрим муаммоларни ихтисослашган маркетинг марказларига, институтларига топширадилар ва даврий тарзда ахборот олиб турадилар.

АҚШда энг йирик ва машҳур фирмалар ўз маркетинг тадқиқотларини асосан беш соҳада амалга оширадилар:

1. Рекламани ташкил этишга оид тадқиқотлар.
2. Стратегик режалаштириш ва ташкилот сиёсатига оид тадқиқотлар.
3. Ташкилотнинг ички ва ташқи маъсулиятини баҳолашга оид тадқиқотлар.
4. Бозордаги ҳолат таҳлили.
5. Сотиш ва бозор имкониятларига оид тадқиқотлар.

Мавзу жиҳатдан маркетинг тадқи-отлари бир-бирини тўлдирувчи бўлиши билан бирга, бир-биридан таҳлилнинг чуқурлиги тайинли муаммо ва вазифани ҳал этишга қаратилганлиги билан фарқланади. Масалан, сотув таҳлили, бозор таркиби таҳлили, бозор имкониятларини изланиши, қисқа ва узоқ муддатли бозор башорати, рақобатчилар маҳсулотлари таҳлили, янги маҳсулотнинг сотув ҳажмини аниқлаш, сотув шахобчаларини излаш, нарх сиёсати таҳлили, реклама воситалари таҳлили ва ҳк. Ушбу мавзудаги маркетинг тадқиқотлари йил сайин янги услубларнинг қулланиши, ахборот кўламининг қайта ишланиши, бошқа кўрсаткичларнинг инобатга олиниши, бир неча вариантли ечимлар таклиф этилиши билан бойиб бормоқда. Хусусан, ушбу мавзулар бўйича сунгги пайтларда ишлаб чиқарилга умумий

ва махсус компьютер дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин. Умуман олганда, маркетинг дастури ва тадқиқотларида ишлатилаётган корхона фаолиятига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий ахборотларга қуйидагилар киради:

♦ демографик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тенденциялар;

♦ аҳоли ва корхоналарнинг даромади, харажати, истеъмол жамғармаларининг таркиби;

♦ баҳоларнинг умумий динамикаси, ташқи савдо;

♦ солиқлар тизими;

♦ рақобатчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам ана шундай ахборотлар жумласига киради.

Маркетинг тадқиқотининг йўналишлари

Маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари, албатта бозорнинг ривожланган даражаси, ундаги рақобат интенсивлиги, тегишли товарлар ва хизматлар билан машғул бўлган фирмаларнинг катта-кичиклиги, маркетинг ахбороти ва хабарнома тизимларининг шаклланиш суръати ва бошқа омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Шу, жиҳатдан ривожланган хорижий давлатлардаги фирмаларнинг маркетинг тадқиқотлари йўналишлари, уюштириш тартиби ва шакллари бизнинг мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари учун ўзгаришсиз қабул қилиниши хусусида фикрлаш бирмунча ноўрин бўлади.

Замонавий маркетинг назариясининг ривож топиши ва амалий фаолиятда унинг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши, фирмаларнинг маркетинг тадқиқотларини уюштиришда ҳам сезиларли тарзда ўз аксини топмоқда. Ҳусусан, фирмаларнинг рақобатдорлик қуввати, бозордаги ўрни, лозим стратегик мақсадлари, диверсификация сари йўл тутиш тактикаси кўпгина ҳолларда тадқиқотларнинг йўналиши ва кўламини белгилайди. Ф.Котлер фирмаларнинг маркетинг стратегияларини 4 та асосий тури мавжудлиги ва тадбирлар бир-биридан фарқланишини таъкидлайди. Жумладан фирмаларнинг маркетинг стратегияларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

♦ пешқадамликка интилувчи (бозорда ўртача 30% улушга эга);

♦ ҳамқадам интилувчи (бозорда 20% улушга эга);

♦ бозордаги “ниша”ни –“бўшлиқ”ни эгалловчи (бозорда 10% атрофида улушга эга).

Ушбу стратегияни танлаган ва амалга ошираётган фирмаларнинг бозордаги улуши, келгуси интилишлари тегишли муаммолар бўйича маркетинг тадқиқотларининг йўналишларига, жаддалигига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, бозорда пешқадам бўлган фирма бозордаги конъюнктура, янги маҳсулотни ўзлаштириш, сотиш имкониятларини ошириш, коммуникация ва реклама йўналишлари тадқиқотларига кўпроқ эътибор қаратса, бозордаги “ниша”ни эгалловчи фирма харидорлар истагини ўрганиш, рақобатчилар товарларини ва нархларни таҳлил қилиш бозор чегараларини кенгайтириш борасидаги тадқиқотларни амалга ошири бўлади.

Жумладан, автомобиль бозорининг шаклланиши ва рифожланишига назар ташласак, ушбу фикримизнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX асрнинг 60-70 йилларида жаҳон автомобиль бозорида Япония ва Жанубий Корея автомобилларининг номи ҳали тилга олингани йўқ эди. Ҳозирги пайтда эса, ушбу давлатларда яратилган автомиллар АҚШ, Олмония, Франция, Италия каби давлатлардаги машҳур фирмаларнинг тажрибасини ўрганиш, автомобилларни тадқиқ қилиш асосида ривожланди.Ҳозирги кунда Япониянинг Тоёта, Ниссан, Митцибуши, Хонда, Жанубий Кореянинг Хундай, Дэу каби компаниялари айрим давлатлар бозорларида пешқадамликка эришиш стратегияларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

6.2.-жадвал

Маркетинг тадқиқотларининг йўналишларини туркумлаш белгилари

Тадқиқотларни туркумлаш белгилари	Тадқиқотларнинг йўналишлари ва уларни амалга ошириш хусусиятлари
Тадқиқот мақсадларига кўра	Ахтариш, тавсифлаш, эксперимент ўтказиш юзасидан тадқиқотлар
Маркетинг элементлари бўйича	Товар, нарх, дистрибьюция, коммуникация йўналишидаги тадқиқотлар
Бозордаги тадқиқотларни амалга ошириш кўламига кўра	Маҳаллий, миллий, халқаро миқёсида
Тадқиқотларни амалга оширувчи субъектлар иштирокига кўра	Бевосита фирма иштирокида, маркетинг воситачиси иштирокида, танланган махсус иштирокчилар воситасида
Тадқиқотларни ўтказиш даврийлигига кўра	Бир маротабали, мавсумий, фавқулодда ва бошқа жиҳатдаги тадқиқотлар

Шу сабабдан маркетинг тадқиқотларини уюштириш бозорнинг ривожланиш ҳолати, рақобат жаддаллиги, фирмаларнинг ушбу бозорларда фаолият юритиш мақсадлари ва вазифалар инобатга олиниши зарурий аҳамият касб этади.

Маркетинг тадқиқотлари йўналишларини белгилашда тегишли фирманинг бозорда фаолият юритиш ўрни, вазифаларини инобатга олиш лозим. Маркетинг тадқиқотини амалга оширишда изланиш муаммоси билан унинг мақсадлари ўртасида тафовут – фарқланиш мавжудлигига етарлича эътибор берилмайди. Бунинг оқибатида кейинги босқичларда сезиларли хатоларга йўл қуйилади. Шу сабабдан тўғри ва аниқ белгиланган муаммо, тайинли мақсадга эришиш учун пухта замин яратади. Масалан, юқори синфдаги автомобиллар ишлаб чиқарувчи “А” фирманинг Х – моделли автомобилларини ички борт компьютери ва радио телефони билан бир йўла жиҳозлаб чиқаришни мисол қилиб олайлик. Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, барча автомобил ишлаб чиқарувчи фирмалар ушбу “қўшимча жиҳозларни” қўшимча танлов ва унга хос бўлган ҳақ эвазига бажарадилар. “А” автомобиль фирмаси рақобатчилардан ажралиш, юқори истеъмол даражасидаги харидорлар учун уриниши қандай муаммони ҳал этиши ва мақсадларни кўзлашини кўриб ўтамиз. Борт компьютер ва радио телефонли

автомобилларга бўлган оммавий эҳтиёж ва буюртма асосида бажариш қандай манфаатларга эришиш имконини беради? Ушбу “қўшимча жиҳозлар” учун харажатлар ва даромадларга таъсири қай жиҳатда бўлади? “Қўшимча жиҳозлар” автомобиль ҳаракати хавфсизлигига ва бошқарувчига қандай афзалликлар ва хатарли холатлар яратади?

Ушбу саволлар тадқиқот мақсадига йўналтирилган саволлар кўлами бўлиб, улар кўламни кенгайтириш ва янада аниқлаштириш мумкин. Асосий мақсад эса “А” фирманинг янги моделига бўлган эҳтиёжини ошириш имкониятларини топиш ҳисобланади. Демак, “А” автомобиль фирмаси «қушимча жиҳозлар» ҳисобига истеъмол доирасини ошириш сиёсатини юритмоқда.

Маркетинг тадқиқотининг босқичлари

Маркетинг тадқиқотларининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб бу – тадқиқот режасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бунда тадқиқот учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тўплаш манбалари, услублари, қуроллари, танлов ўтказиш тартиботи ва режалари тузилади. Тадқиқот асосланадиган маълумотлар ва манбалардан бир неча маротаба тегишли соҳаларда фойдаланиш, уларни қайта ишлаш мумкин.

Маркетинг тадқиқотида кузатиш, эксперимент, сўров, гуруҳли бахс энг кўп қулланиладиган услублар ҳисобланади. Ҳар бир услуб тадқиқотнинг тегишли босқичларида самарали ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш, техник воситаларидан самарали фойдаланишни назарда тутади. Масалан, юқорида келтирилган радио телефонли ва борт-компьютерли автомобилга бўлган бошлағич талабни баҳолаш тадқиқотини олиб кўрайлик. Кузатиш услуби воситасида харидорларнинг жорий даврда ва автомобил бозоридаги муносабатлари, кўникмаларини баҳолаш мумкин. Сўров услубида эса аниқ бир харидорнинг “янги жиҳозларга” бўлган қизиқишлари, уларга қўядиган талаб ва истакларни баҳолаш мумкин. Эксперимент услубида эса синов тарзида автомобилларнинг кичик партиясини бозорда сотиб, харидорлар ҳолатларини кузатиш мумкин.

Тадқиқот режасини ишлаб чиқишда услубий жиҳатдан ўзаро боғлиқлик, аниқлик, такрорланмаслик, даврий узлуксизлик таъминланиши лозим. Тузилган режа малаий жиҳатдан қуйидаги саволларга жавоб беришлари лозим.

1. Қандай маълумотлар тўпланиши керак?
2. Маълумотларни ким тўплайди?
3. Ким ва нима хусусида изланиш олиб бориши лозим?
4. Маълумотларни тўплашда қандай услублар қўлланилади?
5. Маълумотлар қандай шаклда ва қандай муддатларда тақдим этилади?
6. Маълумотларни тўплаш қачон ва қаерда амалга оширилади.
7. Маълумотларни тўплаш учун қандай ҳаражатлар кўзда тутилади?

Ушбу саволларга жавоб топиш асосида тадқиқот режасининг изчиллиги, мазмунан ва мантиқан боғлиқлиги таъминланади. Бу ўз навбатида тадқиқотнинг кейинги босқичларида содир бўлиши мумкин бўлган камчиликлар ва хатоликларнинг вужудга келишига йўл қўймайди.

Маълумотларни тўплаш босқичи тасдиқланган режа асосида амалга оширилиши билан бир қаторда техник воситалар ёрдамида уларни қайта ишлаш, тайинли артибга солиш вазифасини ҳам бажаради. Чунки жамланадиган маълумотлар қаерда ва қачон амалга оширилишига, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор берилади.

Сўнгги вақтларда маълумотлар ва ахборотларни тўплаш компьютер дастурларидан фойдаланиш юқори самара бермоқда. Чунки тўпланган маълумотлар- бу ҳали натижа эмас, балки тайёрланган дастлабки бир хомашёдир. Шу туфайли маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва тақдим қилиш босқичларини анча осонлаштириш мақсадида махсус компьютер дастурларидан фойдаланилади. Бунда асосий эътибор фақат жадвал шаклидаги маълумотларга эмас, балки график, диограмма, чизма шаклидаги натижавий маълумотларга қаратилмоқда.

Маркетинг тадқиқоти маълумотларни имкони борича қисқа, айни мазмуни ва зудлик билан тақдим этилиши тайинли маҳсулот хусусида бозорда қарор қабул қилиш анча осонкўчади. Шу сабабдан тақдим этилган маркетинг тадқиқоти натижалари умумлаштирилган ва умумий хулосалар келтирилган қисмга эга бўлиши талаб этилади. Тадқиқот давомида олинган барча аҳамиятдаги маълумотлар, жадвал ва диограммалар кенгайтирилган шаклда ва барча тафсилоти билан махсус бўлинмаларда келтирилади.

Демак, маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари, унинг мақсадлари асосида муайян услублар танланади. Қулланиладиган услублар истакдаги натижага эришиш йўлида бир-бирини тўлдириш, аниқлаш, хатоликларни ўз вақтида бартараф этиш учун хизмат қилади. Тадқиқот қуроллари эса, хоҳ анкета, хоҳ техник воситалар тарзида бўлсин ахборотларни зудлик билан тўплаш, уларни қайта ишлаш, келгуси фаолиятда унумли фойдаланиш вазифасини бажаради.

3.Лойиҳанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва маркетинг концепциясини шакллантириш.

“Маркетинг” - сўзи кенг тарқалган бўлсада, асосан қуйидаги уч жиҳатда намоён бўлади: реклама, сотишни рағбатлантириш ва харидорга таъсир кўрсатишдир, яъни бошқача қилиб айтганда мавжуд бозорларни эгаллаб олиш учун фойдаланиладиган савдонинг ўта муҳим воситалари мажмуасидир. Шу билан бир қаторда, маркетинг биринчи навбатда ва энг меркантилистик маънода асосан оммавий истеъмолчилар бозорида кўпроқ, юқори технологиялар, молиявий, ижтимоий ва маданий хизматлар каби секторларда эса камроқ қўлланилади.

Маркетинг - фақатгина катта корхоналарнинг имкониятига тўғри келадиган бозорни таҳлил қилиш (сотишни башорат қилиш усуллари, бозорнинг имитацион моделлари ва тадқиқотлари каби) воситалари мажмуаси бўлиб, улар эҳтиёжларни ва талабни таҳлил қилишга истиқболли ва илмий ёндашувни ишлаб чиқиш учун фойдаланилади. Танқидчилар бундай қимматбаҳо усулларнинг ишончлилиги ва амалий аҳамиятини

унчалик очиқ-ойдин эмас, деб ҳисоблайдилар.

Маркетинг - бу истеъмол жамиятининг архитекторидир, яъни бу харидорлар истеъмолчиларни тижорий жиҳатдан эксплуатация қиладиган бозор тизимидир. Тобора кўпроқ ва янада кўпроқ товар сотиш учун янги эҳтиёжларни муттасил ташкил қилиб бориш лозим.

Бундай ўта соддалаштирилган қарашлар ортида маркетинг концепциясининг уч жиҳати ётади: фаол жиҳат (бозорга кириб бориш), таҳлилий жиҳат (бозорларни тушуниш) ва ғоявий жиҳат (фикрлаш шакли). Маркетингни унинг фаол жиҳатидан тушуниш, яъни маркетингга бир неча сотиш усуллари сифатида қараш (операцион маркетинг) тенденцияси кўп учрайди ва унинг таҳлилий жиҳатига (стратегик маркетинг) етарлича баҳо берилмайди.

Маркетингга бундай қараш маркетинг ва реклама ҳамма нарсага қодир, улар бозорни қудратли коммуникация усуллари ёрдамида исталган нарсани қабул қилишга мажбур қила олади, деган мавҳум фикрга асослангандир. Бундай сотиш усуллари кўпинча харидорларнинг реал эҳтиёжларини қондириш истагига мутлақо боғлиқ бўлмайди. Асосий эътибор сотувчининг эҳтиёжларига, яъни савдони амалга оширишга қаратилади. Шунинг учун маркетингни стратегик жиҳатдан ишлаб чиқиш ва маркетинг стратегиясини тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Маркетинг стратегияси фирма имкониятларининг бозордаги ҳолатга мувофиқлаштириш, қўйилган мақсадларга эришишнинг комплекс воситаларини белгилашдан иборат. Америкалик етук иқтисодчи олим И. Ансоффнинг фикрича, стратегия ўз моҳияти ва жиҳатидан ташкилотнинг ўз фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнида қўллаш учун мавжуд бўлган қоидалар мажмуига айтилади.

Стратегия бир мунча қийин ва мавҳумлаштирилган амалий фаолият фалсафаси сифатида намоён бўлади. У аниқ шароитда ва ўзгаришлар таъсирида ойдинлаштирилиб ориентирларга айланади. Тегишли давр мобайнида, қисқа муддатда, тегишли шароитни келиб чиққан ҳолда қабул қилинадиган қарорларда, таваккалчилик сиёсатида (уни хавф-хатар даражасига кўра) услублар йиғиндиси - тактикаси тарзида ушбу стратегияни амалга оширади. Умумлаштириб айтганда, маркетинг стратегияси ўзаро бир-бири билан асосланган беш асосий жиҳат билан тавсифланади: бозорни танлаш, мақсадни танлаш, маблағ ва муддатларни танлаш, самарадорликни назорат қилиш, муқобил стратегияни танлашдан иборатдир. Бу ҳолда **истеъмолчилар тамойилини** ҳам кўриб чиқсак бўлади. Аслида маркетинг асосини, унинг концепциясини ташкил қилувчи назария ёки ғоя мутлақо бошқачадир. У **истеъмолчининг устиворлик тамойилидан келиб чиқадиган шахсий танлаш назариясига** асосланади. Ушбу ёндашув нуқтаи назаридан қарасак, маркетинг - ўн саккизинчи арснинг охирида классик иқтисодиёт томонидан илгари сурилган тамойиллар менежментининг ижтимоий ифодаси ва операцион атамаларга қилинган таржимасининг айнан ўзидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўртта марказий ғояни кўришимиз

мумкин:

-инсонлар **ҳаётдан манфаат олишга** интиладилар. Айнан шахсий манфаатнинг кўзланиши кишиларни меҳнатга ундайди, ўсишнинг, шахсий камолотнинг ҳаракатлантирувчи кучи вазифасини ўтайди ва охир-оқибатда бутун жамиятнинг фаровонлигини белгилаб беради;

-манфаатларнинг характерини дид, маданият, қадриятлар ва ҳоказоларга боғлиқ бўлган **шахсий қарашлар** белгилайди. Бу танловнинг муҳимлиги ёки оддийлиги ҳақида ёки "ҳақиқий" ёки "ёлғон" эҳтиёжлар деб нимани тан олиш ҳақида фикр юритиш учун жамиятдаги миллий, аҳлоқий ва ижтимоий қоидаларни ҳурмат қилишдан бошқа ҳеч қандай асосларга йўл қўйилмайди.

-айнан **эркин ва рақобатли айирбошлаш** ёрдамида кишилар ва улар билан ҳамкорлик қиладиган ташкилотлар ўз мақсадларига эришадилар. Агар айирбошлаш эркин бўлса, у фақат иккала томон учун ҳам фойдали бўлган тақдирдагина амалга ошади, агар айирбошлаш рақобатли бўлса, у ҳолда ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги позициясини суиистъемол қилиш хавфи чеклангандир;

-бозор иқтисодиёти механизмлари шахсий эркинлик тамойилига ва айниқса истеъмолчининг устиворлик тамойилига асосланган дир. Тизимнинг аҳлоқий негизи кишиларнинг ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгар эканлигини ҳамда ўзлари учун ниманинг яхши ва ниманинг ёмон эканлигини ўзлари ҳал қилишларига асосланади.

Маркетинг соҳалари. Маркетинг замирида ётувчи тўрт тамойилдан харидорларнинг эҳтиёжларини қондириш билан шуғулланувчи ҳар қандай ташкилот учун муҳим бўлган ҳаракат фалсафаси келиб чиқади. Бу маркетинг ҳаракатлари соҳасини уч асосий бўлакка бўлиш мумкин:

-истеъмол маркетинги, бунда айирбошлаш фирмалар ва пировард истеъмолчилар, жисмоний шахслар ёки оилалар ўртасида амалга оширилади;

-фирмалараро маркетинг, бунда айирбошлаш жараёнида иккала томон сифатида ташкилотлар иштирок этади;

-ижтимоий маркетинг, у музейлар, университетлар ва шу каби даромадсиз ташкилотларнинг фаолият соҳаларини ўз ичига олади.

Маркетинг концепцияси ташкилотнинг бутун фаолияти фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни асосий мақсад қилиб олиши лозимлигини кўзда тутади, чунки бу ўз тараққиёт мақсадларига эришиш ва рентабелликни оширишни энг яхши йўлидир.

Маркетингнинг икки қиёфаси. Мазкур ҳаракат фалсафасининг қўлланилиши фирма фаолиятининг икки йўналишини кўзда тутади.

1. Биринчи йўналиш истеъмолчиларнинг ҳал қилувчи гуруҳлари эҳтиёжлари ва талабларини мунтазам ва доимий таҳлил қилиб бориш, шунингдек, компанияга танлаб олинган харидорлар гуруҳларига рақобатчиларга қараганда яхшироқ хизмат кўрсатишга имкон берувчи ва шу йўл билан ишлаб чиқарувчига рақобатчиликдаги барқарор устунликни таъминловчи самарали товар ва хизматлар концепциясини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу жараён стратегик маркетингнинг асосий вазифаларига киради.

2. Иккинчи йўналиш эса потенциал харидорларни хабардор қилиш ва

харидорларни излаш харажатлари камайганда товарнинг ўзига хос сифатларини намойиш қилиш мақсадида савдони ва коммуникациялар сиёсатини ташкил қилишдан иборат бўлиб, бу **операцион маркетинг** вазифасини ташкил қилади.

Бу икки ёндашув бир-бирини тўлдиради ва фирманинг маркетинг сиёсати доирасида ўзининг муайян ифодасини топади. Бу ўринда Ж.Ж.Ламбен маркетингга қуйидагича таъриф беради:

“Маркетинг - бу кишилар ва ташкилотларнинг эҳтиёжлари ва истак ҳоҳишларини харидор учун қийматли бўлган товарлар ва хизматларни эркин рақобатли айирбошлаш билан қондиришга қаратилган ижтимоий жараёндир”.

Бу таърифда уч асосий тушунча эҳтиёж, товар ва айрибошлашдир. Эҳтиёж тушунчаси харидорнинг ҳулқ-атвори ва уни бир товар ёки хизматни сотиб олишга ундаган сабабни ифодалайди; товар концепцияси ҳаракат усуллари, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчиларнинг ташкилоти билан боғлиқ; айирбошлаш эътиборни бозорга ҳамда талаб ва таклифнинг ўзаро таъсирлашувини таъминловчи механизмларга жалб қилади.

Маркетингнинг компаниядаги роли

“Маркетинг” атамаси том маънода бозор сари ҳаракатланиш жараёни маъносини беради, бу атама жараённинг ички иккиёқламалик хоссасини тўла очиб бера олмайди ва маркетингнинг “таҳлилий” жиҳатига нисбатан унинг “фаолроқ” томонига кўра кўпроқ урғу беради. Бу иккиёқламаликни характерлаш учун “стратегик” ва “операцион” маркетинг атамаларидан фойдаланилади.

6.1.-расм. Маркетингнинг икки қиёфаси[5]

[5] *Ж.Ж.Ламбен. Стратегический маркетинг. С-Пб.:Наука, 1996.*

Операцион маркетинг - бу қисқа муддатга мўлжалланган режалаштиришнинг мавжуд бозорларга қаратилган фаол жараёндир. Бу товар, сотиш, нарх ва коммуникацияларга оид тактик воситалардан фойдаланиш йўли билан керакли савдо ҳажмига эришишнинг классик тижорат жараёнидир.

Маркетингнинг фирманинг иқтисодий операцияларида ўйнайдиган роли 3.-расмда кўрсатилган. Бу ерда бошқарувнинг тўрт асосий функцияси (тадқиқот ва ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, маркетинг ва молия) ўртасидаги асосий молиявий алоқалар келтирилган.



6.2.-расм. Маркетингнинг фирма операцияларидаги роли[6]

Операцион маркетингнинг асосий мақсади - сотишдан даромадлар ҳосил қилиш, яъни мақсадли айланмалардир. Бу сотишнинг энг самарали усулларидан фойдаланган ҳолда харид учун буюртмаларни “сотиш” ҳамда қабул қилиш ва айни пайтда ҳаражатларни камайтиришни англатади. Маълум даражадаги савдо ҳажмига эришишдан иборат бўлган мақсад операциялар бўлими учун ишлаб чиқариш дастурига ва савдо бўлими учун товарларни сақлаш ва бевосита ўтказиш дастурига айланиб кетади. Бундан келиб чиқадики, операцион маркетинг фирманинг қисқа муддатли рентабеллигига бевосита таъсир кўрсатувчи ҳал қилувчи элементдир.

Операцион маркетингнинг фаоллиги - фирма фаолиятидаги, айниқса рақобат кучайган бозордаги ҳал қилувчи омилдир. Ҳар қандай товар, ҳатто унинг сифати энг юқори бўлса ҳам, бозор учун мақбул нархга эга бўлиши, сотиш тармоғи кўтарадиган, мўлжалдаги истеъмолчиларнинг одатларига мослашган бўлиши керак, ҳамда товарнинг бозордаги яхши кетишини таъминловчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини таъкидловчи коммуникация ёрдамига эга бўлиши лозим. Бозорда талаб таклифдан кўп бўлган, фирма харидорларга яхши таниш бўлган ва рақобат бўлмаган ҳоллар кам учрайди.

Операцион маркетинг маркетингнинг энг кўзга кўринарли жиҳатидир, бунга асосий сабаб шуки, реклама ва товарларни силжитиш фаолиятининг роли ғоятда муҳимдир. Баъзи фирмалар, масалан саноат товарлари ишлаб

[6] *Ж.Ж.Ламбен. Стратегический маркетинг. С-Пб.:Наука, 1996.*

чиқарувчиларнинг кўпчилиги эса аксинча, маркетингни реклама билан узвий боғлиқ деб тушуниб, узоқ вақтгача маркетинг бизнинг бизнесга тўғри келмайди, деб ҳисоблаб келдилар. Демак, маркетинг - бу фирманинг тижорат дастаги бўлиб, ҳатто энг яхши стратегик режа ҳам яхши натижаларга олиб кела олмайди. Аммо кўриниб турибдики, етарлича катта стратегик базасиз мутлақо рентабелли операцион маркетинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Фикрсиз динамизм - асоссиз таваккалдир, холос. Операцион маркетинг режаси ҳар қанча кучли бўлмасин, у эҳтиёж йўқ бўлган жойда талабни юзага келтира олмайди ва йўқолиб кетиши муқаррар бўлган фаолият йўналишини сақлаб қола олмайди. Бинобарин, рентабелликни таъминлаш учун операцион маркетинг стратегик фикрлашга асосланган бўлиши керак, у эса ўз навбатида бозордаги эҳтиёжга ва унинг кутилаётган эволюциясига таянади.

Стратегик маркетинг - бу аввало жисмоний шахслар ва ташкилотлар эҳтиёжларининг таҳлилидир. Маркетинг нуқтаи назаридан қараганда харидор товарнинг ўзига эмас, балки шу товар ёрдамида ечиладиган **муаммонинг ҳал қилинишига** муҳтождир. Ечимга турли технологиялар ёрдамида эришилади, технологияларнинг ўзи эса тинимсиз ўзгариб туради. Стратегик маркетингнинг роли - берилган бозорнинг эволюциясини кузатиб бориш ва қондиришга муҳтож эҳтиёжларни таҳлил қилиш асосида турли мавжуд ёки кутилаётган бозорларни ёки уларнинг сегментларини аниқлашдан иборатдир.

Аниқланган товар бозорлари иқтисодий имкониятларни ифодалайди, энди уларнинг жалб қилувчанлигини баҳолаш керак. Товар бозорининг жалб қилувчанлиги миқдорий жиҳатдан *бозор салоҳияти* тушунчаси билан ўлчанади, динамик жиҳатдан эса ўзининг мавжуд бўлиш муддати билан ёки *ҳаёт цикли* билан характерланади. Муайян фирма учун товар бозорининг жалб этувчанлиги унинг *рақобатбардошлигига*, бошқача қилиб айтганда, харидорларнинг эҳтиёжларини рақибларига қараганда яхшироқ қондира олиш қобилиятига боғлиқ. Фирманинг рақобатбардошлиги унинг рақобатли устунликка эга бўлиши ёки унинг рақибларидан ажралиб турувчи сифатлари тувайли ёҳуд ҳаражатлар бўйича афзаллик берувчи юқори ишлаб чиқариш самарадорлиги туфайли мавжуд бўлади.

6.2.-расмда стратегик маркетингнинг фирманинг бошқа асосий функцияларига нисбатан олинган турли босқичлари кўрсатилган. Товарни бозорнинг ўз-ўзига “тортаётганлиги” ёки товарнинг бозорга технологик жиҳатдан “кириталётганлигидан” қатъий назар, товар ўзининг иқтисодий ва тижорат аҳамиятини баҳолаш мақсадида стратегик маркетинг назоратидан ўтиши керак. Тадқиқотлар ва ишланмалар хизматлари (ИИТТИ), ишлаб чиқариш ва стратегик маркетинг ўртасидаги мувофиқлик бу ўринда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Товар учун бозор танлаш шу мувофиқликнинг натижаси бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларини белгилаш ва инвестицион қарорлар қилиш учун замин яратади ва , бинобарин, фирманинг бутун молиявий тузилмасининг мувозанатда бўлишини таъминлашда ғоятда муҳимдир.

Шундай қилиб, стратегик маркетингнинг роли фирмани манфаатли

иқтисодий имкониятларга йўналтириш, яъни унинг “ноу-хау” ва ресурсларига мос келадиган, унинг ўсиш ва рентабеллик салоҳиятини таъминловчи имкониятларга йўналтиришдан иборат. Стратегик маркетинг жараёни ўрта ва узоқ муддатли истиқболларга эгадир. Унинг вазифаси фирманинг миссиясини аниқлаш, мақсадларни белгилаш, ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва товар портфелининг мувозанатланган тузилмасини таъминлашдан иборатдир.

Товарни силжитишга сарфланган маркетинг харажатларини айириб ташлагандан кейин ҳосил бўлади. Ушбу даромад фирма учун товар бозорига киритган ҳисса бўлиб ҳисобланади.

Интеграцияланган маркетинг жараёни. Англаб олиш ва стратегик режалаштириш бўйича кўрсатиб ўтилган ишлар операцион режалаштиришдан анчагина фарқ қилади ва иштирокчилардан бошқача қобилиятларни талаб қилади. Шунга қарамай, бу икки функция маълум маънода бир-бирини тўлдиради, яъни стратегик режанинг тузилмаси операцион маркетинг билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Операцион маркетинг нарх, сотиш тизими, реклама ва товарни силжитиш каби воситаларига алоҳида эътибор беради, стратегик маркетинг эса фирма рақобатли устунликка эга бўлган товар бозорларини танлашга ва мақсадли бозорларнинг ҳар биридаги умумий эҳтиёж истиқболларига қаратилгандир. Операцион маркетинг бу мўлжаллардан келиб чиққан ҳолда бозор улушини эгаллаб олиш мақсадларини ҳамда бунга эришиш учун зарур бўлган маркетинг бюджетини белгилайди.

Бозор улушини эгаллаш мақсадини ҳар бир товар бозори бўйича умумий эҳтиёж истиқболлари билан таққослаш танланган нарх сиёсатига мос равишда сотиш ҳажми ва айланмаси бўйича топшириқларни ишлаб чиқишга имкон беради. **Кутилаётган даромад** бевосита ишлаб чиқариш ҳаражатлари, мумкин бўлган доимий таркибий ҳаражатлар, маркетинг бюджети имкон берган миқдордаги савдо ходимлари, реклама ва у қўшимча чиқимларни қоплаши ва соф фойда келишини таъминлаши керак.

7-мавзу. Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш

Режа:

1. Бозор муносабатлари шароитида қурилиш қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари. Қурилиш смета қийматининг таркибий тузилиши. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
3. Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва унинг таркиби.

1. Бозор муносабатлари шароитида қурилиш қийматини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Капитал қўйилмаларни қайтариш асосида бюджет ажратмалари ҳисобидан ажратишда қарз маблағларини қайтариш механизми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, маблағ билан таъминловчи банк муассасаси ва буюртмачи ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиб борилади. Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга тузилади. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тузилади.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот буюртмачи ҳисобланади. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартнома бўйича пудратчилар танлов савдолари шартларига ва тузилган шартномага мувофиқ ишлар бажарилишини таъминлашга қодир бўлган юридик шахслар бўлишлари мумкин. Зарурат бўлганда қўшма фаолият тўғрисидаги шартномага мувофиқ иш кўрувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахсларнинг бирлашмаси қуриш шартномаси бўйича пудратчилар бўлиши мумкин. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиҳа ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралиқ бўғинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади. Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини ўзаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситачининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш, деб ҳисобланмайди.

2. Қурилишда смета қийматини аниқлаш усуллари. Қурилиш смета қийматининг таркибий тузилиши. Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг барча босқичлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Лойиҳа олди изланишларининг муҳим босқичларидан бири - бўлғуси инвестицион лойиҳани амалга ошириш қийматини баҳолаш ҳисобланади. Лойиҳа қийматини аниқлаш учун асос бўлиб лойиҳани алоҳида қисмлари (қурилиш, технологик ва ташкилий) бўйича ва уларни амалга ошириш бўйича ишланмалар хизмат қилади. Бундай тарзда олинган ишлар ва технологик ускуна ҳарид қилиш қиймати лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишга, уларни бошқа шундай турдаги лойиҳалар билан таққослашга, лойиҳалаштиришдаги афзалликлар ва камчиликларни аниқлашга, капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифаларни шакллантиришга имкон беради. Лойиҳа смета ҳужжатлари лойиҳа бюджетини шакллантириш ва уни бажарилиши устидан назорат қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Смета асосида қурилиш ишлари харажатлари: технологик, энергетик, кўтарма-транспорт ва бошқа ускуналар, корхона фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган бошқа асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентарлари ҳариди харажатлари; ушбу ускуналарни ўрнатиш ишлари харажатлари; қурилиш майдонини ўзлаштириш харажатлари; техник ва муаллифлик назоратини амалга ошириш харажатлари; лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатларини ўз ичига олувчи капитал қўйилмалар ҳажми аниқланади.

Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати буюртмачилар ва пудратчилар, ускуналар етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ва шартнома баҳосини аниқлаш ҳамда улар ўртасида ҳисоблашишни амалга ошириш учун ишлатилади.

Смета қиймати кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳавий ечимлар вариантларини баҳолаш ва улардан иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиғини танлаш учун зарур бўлади. Бундан ташқари, смета қиймати қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш вариантларини таққослаш, конструктив ва бажариладиган ишлар ҳажмини аниқлаш ҳамда қурилиш материаллар ва ускуналарни танлаш учун ишлатилади.

Қурилишнинг смета қийматини ҳаққоний белгилаш лойиҳани ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилади. Қурилиш қийматини дастлабки ҳисоб-китоби йириклаштирилган меъёрлар бўйича лойиҳа олди босқичида техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш объектлари учун иқтисодиёт тармоқлари ва тармоқнинг ички соҳалари корхоналари технологик моделлари асосида ишлаб чиқилган қурилиш базис қийматининг йириклаштирилган меъёрлари (ҚБҚЙМ) қўлланилиши мумкин.

Лойиҳалаштирилаётган корхоналар, бино ва иншоотлар, объектлар, уларнинг қисмлари ва иш шакларининг смета қиймати лойиҳалар (эскиз лойиҳалар) ва ишчи ҳужжатлар таркибида уларни лойиҳалаштириш

жараёнида аниқланади. Бунинг учун лойиҳалаш ва изланиш ишлари сметаларини ўз ичига олувчи қурилишнинг йиғма сметаси, объект ва локал сметалар тузилади.

Йиғма смета ҳисоб - корхона, бино ва иншоотлар қийматини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. У объект бўйича ва локал сметалар ҳамда объект бўйича ва локал сметаларда аниқлаштирилмаган қўшимча харажатлар бўйича смета ҳисоби асосида тузилади.

Қурилишнинг йиғма смета ҳисоби 12 та бобни ўз ичига олади:

- қурилиш майдонини тайёрлаш;
- асосий қурилиш объектлари;
- хўжалик ичидаги ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш аҳамиятидаги объектлар;
- энергетика хўжалиги объектлари;
- транспорт хўжалиги ва алоқа объектлари;
- сув таъминоти, оқава сувлар ва газ таъминоти тармоқлари ва иншоотлари;
- ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;
- вақтинчалик бино ва иншоотлар;
- бошқа иш ва харажатлар;
- кадрларни тайёрлаш;
- лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари.

Қурилишнинг йиғма смета ҳисобида алоҳида моддада кўзда тўтилмаган ишлар ва харажатлар учун маблағлар заҳираси ташкил қилинади.

Объект бўйича смета (объект смета ҳисоби) алоҳида ҳар бир бино ва иншоатлар қурилиши учун алоҳида конструктив элементлар ва ишлар тури бўйича локал сметалар асосида ишлаб чиқилади. Объект бўйича сметага қурилиш, санитар-техник, монтаж ва бошқа турдаги ишлар учун харажатлар киритилади. Унда вақтинчалик бино ва иншоатлар ҳамда ушбу объектга тегишли бошқа харажатларнинг бир қисми, шунингдек кутилмаган ишлар ва харажатлар учун маблағлар заҳирасининг бир қисми каби харажатлар акс этади.

Локал сметалар (локал смета ҳисоби) ҳар бир иш тури бўйича ишчи чизмаларга кўра тузилади. Уларда конструктив элементлар ва ишлар тури смета қиймати аниқланади. Қурилиш ва монтаж ишлари ҳажми ишлар ҳажми далолатномаларидан олинади ёки ишчи чизмалар бўйича аниқланади. Ишлар ҳажми ҳисоблаш жараёнини осон кузатишга имкон берувчи схемалар бўйича ҳисобланади.

Объект бўйича ва локал сметаларда меъёрий меҳнат сиғими ва смета бўйича иш ҳақи фарқ қилади. Меъёрий меҳнат сиғими смета меъёрлари бўйича қурилиш ва монтаж ишларига сарфланадиган ишчиларни иш ҳажмини киши-соатда ифода этади. У тўғри харажатларда, эгри харажатларда кўзда тутилган меҳнатлар сиғимини, шунингдек қишги даврда вақтинчалик бино ва иншоатларни қуриш ишларининг сиғимини ўз ичига олади.

Смета бўйича иш ҳақи қуйидагилардан иборат: бевосита қурилиш ва монтаж ишларида банд ишчиларнинг асосий иш ҳақини; қурилиш машиналарини бошқариш ва уларни таъмирлаш ишларида банд ишчиларнинг иш ҳақини; ишчиларнинг устама харажатларда, вақтинчалик бино ва иншоатлар қийматида, қишки қимматлашиш ва бошқа харажатларда акс этувчи иш ҳақи.

Ресурс методи бўйича смета қийматини аниқлашда локал ресурс смета ҳисоб-китоби (локал смета) асосида амалга оширилади.

Бундай ҳисоб-китобда қуйидаги ресурс кўрсаткичлари ажралиб туради:

- меҳнат сиғими (киши-соатда) – қурилиш ишлари ва қурилиш машиналарига хизмат кўрсатиш ишларида банд ишчиларнинг иш ҳақини аниқлаш учун;
- қурилиш машиналарининг ишлаш вақти (машина-соатда);
- материаллар, буюм ва конструкциялар сарфи (қабул қилинган натурал бирликларда: метр куб, метр квадрат, тонна, погон метр ва бошқаларда), материаллар, буюм ва конструкциялар транспортировкаси учун ресурслар сарфи.

Бунда ресурслар қиймати жорий ва кутилаётган баҳоларда олинади.

Қурилишнинг смета қиймати бир вақтдаги қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

$$С = Скур + Смонт + Суск + Сбош + Сзах ,$$

Бунда С – қурилишнинг смета қиймати; Скур – қурилиш ишлари харажатлари; Смонт – ускуналарни монтаж қилиш харажатлари; Суск – ускуна, асбоб ва инвентарларни ҳарид қилиш харажатлари; Сбош – бошқа капитал харажатлар; Сзах – кутилмаган ишлар ва харажатлар учун заҳира.

Қурилиш смета қийматининг таркиби.

Қурилиш ва монтаж ишларининг смета қиймати тўғри харажатлар, эгри харажатлар ва режалаштирилган фойда суммасини ифода этади.

Тўғри харажатлар бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ ва қуйидагиларни ўз ичига олади: ишчиларнинг асосий иш ҳақи; материал, конструкция, детал ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати; машина ва механизмларни ишлатиш/эксплуатация қилиш харажатлари.

Асосий иш ҳақига қурилиш ва монтаж ишлари, шунингдек омбордан қурилиш жойигача материаллари етказиб беришда банд бўлган ишчиларнинг ишбай ва вақтбай иш ҳақи киради. Иш ҳақининг бир қисми қурилиш-монтаж ишлари смета қийматининг бошқа моддаларига киритилади. Масалан: қурилиш материалларини юклаш, транспортировка қилиш ва ортиб туширишда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи материаллар нархига киритилади; машиналарда ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақи машиналарни эксплуатация қилиш харажатларига киритилади; инженер-техник ишчилар ва хизматчилар иш ҳақи устама харажатларга киритилади.

Материаллар, конструкциялар, деталлар ва ярим тайёр маҳсулотлар смета қиймати таркибига: материалларни шартномада келишилган нархларда

ҳарид қилиш харажатлари, ўраш, реквизитлаш, объект олдидаги қурилиш омборигача етказиб бериш харажатлари, шунингдек ўраш-сақлаш харажатлари киради.

Машина ва механизмларни эксплуатация қилиш харажатлари таркибига: машина ва механизмларни қурилиш майдонига етказиб бериш, объектдан объектга кўчириш, монтаж ва демонтаж қилиш харажатлари; амортизация ажратмалари, машиналарни капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган харажатлар; машинистлар, мотористлар ва бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар иш ҳақи; ёқилғи-мойлаш ва тозалаш материаллари қиймати, алмаштириладиган мосламалар ва бошқалар киради.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш, бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган устама сарф-харажатлардан фарқли ўлароқ, бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ эмас ва қурилиш ишлаб чиқаришни нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга кетган харажатларни ифода этади.

Устама сарфларга қуйидаги харажат моддалари киради:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (маъмурий-хўжалик ходимлари иш ҳақи; ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар; компьютерлар, бино ва иншоатлар, хизмат енгил машинасини тутиб туриш ва эксплуатация қилиш; маъмурий-хўжалик ходимлари фойдаланадиган асосий фондларни таъмирлаш; маъмурий ходимларга хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган асосий фондлар бўйича амортизация ажратмалари (ижара ҳақи); маслаҳатлар, ахборотлар ва аудиторлик хизматлари учун ҳақ тўлаш; почта-телеграф, канцелярия, босмахона ва бошқа маъмурий-хўжалик харажатлари;

- қурилиш ишчиларига хизмат кўрсатиш харажатлари (тайёрлов, қайта тайёрлов, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, санитар-гигиеник ва хўжалик шароитлари билан таъминлаш, меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги);

- қурилиш майдонларида ишларни ташкил этиш харажатлари (арзон ва тез эскирувчи асбоб-ускуна ва инвентарларни эскириши ва уларни таъмирлаш; кашфиёт ва рационализаторлик; геодезия ва қурилиш ишларини лойиҳалаштириш харажатлари; ишлаб чиқариш лабораторияларини тутиб туриш; қурилиш майдонларини ободонлаштириш ва тутиб туриш; қурилиш миқёсига кўра қурилиш бўлинмаларини тайёрлаш);

- бошқа харажатлар (мажбурий суғурта, банк кредитлари бўйича тўловлар; реклама, кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш; солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва бошқа мажбурий ажратмалар, ишчиларни йиғиш ва уларни хизмат сафарига юбориш, тақдимотлар ўтказиш ва буюртмачилар томонидан қопланадиган бошқа харажатлар).

Смета фойдаси - қурилиш ташкилотининг алоҳида (умумий) харажатларини қоплаш учун зарур бўлган ва ишлар таннархига қўшиладиган маблағлар суммаси. Смета фойдасига даромад солиғини тўлаш харажатлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш харажатлари киради.

Ускуна, мослама, инструмент ва ишлаб чиқариш инвентарларини ҳарид қилиш харажатларига: лойиҳада кўзда тутилган монтаж қилинадиган ва монтаж қилинмайдиган (транспорт воситалари, автомашиналар, тракторлар, электровозлар, вагонлар ва бошқалар) технологик, кўтарма-транспорт, энергетик ва бошқа ускуналарни ҳарид қилиш, идишга солиш, ўраш, қадоқлаш ва қурилиш майдонига етказиб бериш харажатлари; қурилаётган объектларни эксплуатация қилиш уларсиз мумкин бўлмаган мослама ва инвентарларни ҳарид қилиш ёки уларни тайёрлаш харажатлари киради.

Қурилиш смета қийматига кирувчи бошқа капитал сарфлар таркибига: лойиҳа қидирув ишларини амалга ошириш харажатлари; майдоннни ўзлаштириш харажатлари (қурилиш майдонини тартибга келтириш, қурилиш муносабати билан кўчириш ва бошқалар); корхона учун кадрларни тайёрлаш харажатлари; ишчиларга турли компенсация ва қўшимча тўловлар.

Смета қийматида назарда тутилган, умумий қурилиш қийматининг маълум бир фоизи ҳисобида кутилмаган ишлар ва харажатлар бўйича заҳира лойиҳалаштириш жараёнида ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайдиган, аммо лойиҳавий қарорларни батафсил кўриб чиқишда, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган ишлар қийматини ва харажатларни компенсациялаш учун мўлжалланган.

Таъкидланган харажатларнинг корхона, бино ва иншоатлар қурилишини умумий қийматидаги улуши қурилаётган объектларнинг мақсади ва ишлар хусусияти (янги қурилиш, реконструкция, мавжуд ёки вақтинчалик тўхтатилган корхоналарни техник қайта қуроллантириш) дан келиб чиқади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қимматбаҳо машина ва агрегатлар ўрнатиладиган саноат корхоналари қурилишида ускуналар ҳарид қилиш ва монтаж қилиш смета харажатларининг асосий қисмни ташкил этади. Техник қайта қуроллантиришда асосий харажатлар ускуна ва уни монтаж қилишга, ижтимоий-маданий соҳа объектларини қуришда – қурилиш монтаж ишларини амалга оширишга тўғри келади.

Қурилишнинг смета қийматини аниқлаш учун учта усулдан фойдаланилади: **базис-компенсацион, ресурсли ва ресурс-индексли усуллар.**

Базис-компенсацион усулда смета ҳужжатлари мавжуд смета меъёрларига асосан тузилади. Бу ерда объект қиймати ҳақиқатда қилинган харажатлардан шаклланади ва фақат қурилиш якунлангандан кейин тўлиқ аниқланиши мумкин.

Ушбу усул ёрдамида қиймат икки босқичда аниқланади:

- биринчи (лойиҳалаштириш) босқичда – базис даражада базис қийматнинг инфляция муносабати билан кутиладиган ўсиши эҳтимоли билан;

- иккинчи (қурилиш жараёни) босқичда – ишлар, хизматлар, ускуналар ва бошқаларга ҳақ тўлашда биринчи босқичда белгиланган нарх ва тарифларнинг реал ўзгариши натижасида қўшимча харажатлар ҳисобга олинади.

Қурилишнинг жами қиймати унинг базис даражаси ва ишлатиладиган ресурслар учун нарх ва тарифларни ўсиши натижасидаги барча бошқа қўшимча харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Ресурсли усул лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар (ресурслар) элементларини жорий (кутилаётган) нархлар ва тарифларда калькуляциялашдан иборат. Таннарх (ишлаб чиқаришни келгуси харажатлари) калькулаяцияси материаллар, буюм ва конструкцияларга бўлган эҳтиёжнинг натурал бирликлардаги ифодаси, қурилиш майдонига етказиб бериш ва масофа, қурилиш машиналарини эксплуатация қилиш вақти, ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун:

- объектларни лойиҳалаштиришда тузиладиган материалларга бўлган талаб қайдномаси;
- лойиҳалаштириш ҳужжатларининг “Қурилишни ташкил этиш” бўлимида келтириладиган ишчиларнинг меҳнат сарфи ва қурилиш машиналарининг ишлатиш вақти ҳақидаги маълумотлар;
- материаллар сарфининг ишлаб чиқариш меъёрлари;
- ресурс бўйича смета меъёрлари йиғиндисидан фойдаланилади.

Тегишли ишлар қийматини аниқлашда ишлатиладиган ресурслар одатда, бино (иншоот)нинг бутун ёки бир қисми бўйича, йиғинди кўринишида ҳисобланади. Жами ресурс кўрсаткичлари баҳоланиши лозим. Ресурслар сарфи бўйича йиғма кўрсаткичларни ҳисоблаш учун дастлаб, объектда бажариладиган ҳар бир иш бўйича ресурслар ҳажми ажратиб кўрсатилган локал ресурс қайдномасини тузиб олиш зарур бўлади.

Инвестор учун **ресурслар қийматини** аниқлашда нархларнинг ҳам базис, ҳам жорий (кутилаётган) даражасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Фақат жорий нархлар даражасини қўллашга йўл қўйилади.

Меҳнат ресурслари бўйича жами маълумотлар қуйидагича баҳоланади:

- базис даражада - меъёрларда кўзда тутилган ўртача смета иш ҳақи асосида;
- жорий (кутилаётган) даражада - қурилиш-монтаж ишларида ва ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган ишчиларнинг ҳақиқатдаги ўртача меҳнат ҳақи асосида, аммо меъёрда белгиланган маҳсулот таннархига киритиладиган ўртача иш ҳақи миқдоридан ошмаган ҳолда.

Қурилиш машиналари бўйича жами маълумотлар қуйидагича баҳоланади:

- базис даражада - қурилиш машиналари эксплуатацияси смета меъёрлари ва нархлари бўйича;
- жорий (кутилаётган) даражада - қурилиш машиналарини эксплуатация қилиш бўйича жорий нархлар ҳақидаги маълумотлар асосида.

Материал ресурслар қуйидагича баҳоланади:

- базис даражада - материаллар, буюмлар ва конструкцияларни смета нархлари бўйича;

- жорий даражада - материаллар, буюмлар ва конструкцияларнинг транспорт ва тайёрлов-сақлаш харажатларини ҳақиқатдаги нархлари бўйича.

Устама харажатлар қуйидагича аниқланади:

- харажат моддалари бўйича калькуляциялаш орқали маълум бир қурилиш ташкилоти учун индивидуал устама харажатлар меъёрлари асосида;

- қурилиш ва монтаж иши турлари бўйича устама харажатлар кўрсаткичлари тизими асосида;

- устама харажатларга оид амалдаги меъёрлар асосида.

Устама харажатларни ҳисоблаш вариантини буюртмачи (инвестор) ва пудратчи ташкилот қабул қилади. Устама харажатларни аниқлаш асоси бўлиб тўғри харажатларнинг смета қиймати ёки ҳақиқатдаги қурувчи-ишчилар ва механизаторларнинг меҳнат ҳақига ажратилган маблағ миқдори хизмат қилади.

Иш ҳақининг ҳақиқий миқдорини қуйидаги усуллар орқали аниқлаш мумкин:

- ишчиларнинг сметадаги иш ҳақини, қўшимча иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, унинг статистик ўзгариш индексига кўпайтириш орқали;

- статистик ҳисоботлар ёки бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқий иш ҳақи ҳақидаги маълумотлари асосида.

Локал ресурс сметаси ҳисобидаги смета фойдаси қуйидагича аниқланади:

- маълум ташкилот учун смета фойдасида кўзда тўтиладиган харажатлар моддаларини калькуляциялаш орқали олинган индивидуал меъёр бўйича;

- умумтармоқ меъёр бўйича.

Смета фойдаси миқдорини ҳисоблаш вариантини танлаш тўғрисида якуний қарор буюртмачи ва пудратчи ташкилот томонидан қабул қилинади. Смета фойдасини аниқлаш асоси бўлиб қурувчи ишчилар ва ташкилотчилар иш ҳақининг ҳақиқий миқдори ёки пудрат ишларининг таннархи хизмат қилади.

Ресурс-индексли усул - бу ресурс механизмини ресурслар (материал, техник, меҳнат, ускуна, хизмат) индекслари тизими билан уйғунлигидир.

Индекслар маҳсулотлар қиймати, нархи ёки ресурсларнинг жорий (кутиладиган) даражадаги қийматини нархларнинг базис даражасига нисбатидир. Улар миқдорий кўрсаткичларда бўлмайди ва одатда, ўнли касрда икки хонадан кўп бўлмаган хонада ифодаланади.

Инвестицион жараённинг турли босқичларида қурилиш қийматини аниқлаш учун жорий ва кутилаётган индекслар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Жорий индксларни аниқлаш учун информацион асос бўлиб статистик ҳисоботлар, бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳамда нарх шаклланиши ҳудудий марказлари томонидан ташкил этилган махсус статистик кузатувлар натижалари хизмат қилади.

Кутиладиган индекслар қуйидагилар орқали топилади:

- ўтган квартал ёки ойларда нархлар динамикаси кўрсаткичларини статистик қайта ишлаш орқали;

- инфляция ва энергия ташувчиларга бўлган нархларнинг ўсиш омиллари ва уларнинг таҳлили;

- инвесторлар ва пудрат ташкилотлари томонидан олиб бориладиган инфляцияга қарши тадбирлар ва нархни мувофиқлаштириш бўйича тадбирларнинг нархлар даражасига таъсирининг миқдорий таҳлили.

Базис даврда аниқланган смета қийматини ҳар бир қатори (бўлими) ни тегишли жорий (кутиладиган) индексга кўпайтириш, кейинчалик смета бўйича жами натижани қўшиш орқали жорий (кутиладиган) нархлар даражасига келтирилади.

Ресурсли ва ресурс-индексли усуллардан, уларнинг мулкий ва ташкилий шаклидан қатъи назар, инвестицион жараённинг барча иштирокчилари – буюртмачи (инвестор), лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фойдаланиши мумкин. Ушбу усулларнинг қўлланилиши техник-иқтисодий асослашни ҳисобга олган ҳолда, техник ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг барча босқичларида амал қилади.

Капитал қурилишда шартномавий нархлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 12 сентябрь 2003 йилдаги 395-сонли “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан амалга оширилади. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистонда капитал қурилишдаги шартномавий нархлар ягона услубияти барча мулк шакллари учун қабул қилинган. Шартномавий нархлар - бозордаги мавжуд шароитларни ҳисобга олган материал қийматнинг конъюнктураси, ишлатиладиган машина ва механизмлар қиймати ҳамда пудрат ташкилотларини фойдасини англатади.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тузилади.

2. Умумий смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва унинг таркиби.

Лойиҳа олди изланишларининг муҳим босқичларидан бири - бўлғуси инвестицион лойиҳани амалга ошириш қийматини баҳолашдир. Лойиҳа қийматини аниқлаш учун асос бўлиб лойиҳани алоҳида қисмлари (қурилиш, технологик ва ташкилий) бўйича ва уларни амалга ошириш бўйича ишланмалар хизмат қилади. Бундай тарзда олинган ишлар ва технологик ускуна ҳарид қилиш қиймати лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқаришга, уларни бошқа аналог-лойиҳалар билан таққослашга, лойиҳалаштиришдаги афзалликлар ва камчиликларни аниқлашга, капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифаларни шакллантиришга имкон беради. Смета ҳужжатлари лойиҳа бюджетини шакллантириш ва уни бажарилиши устидан назорат қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Смета асосида қурилиш ишлари харажатлари; технологик, энергетик, кўтарма-транспорт ва бошқа ускуналар, корхона фаолият кўрсатиши учун

зарур бўлган бошқа асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентарлари ҳариди харажатлари; ушбу ускуналарни ўрнатиш ишлари харажатлари; қурилиш майдонини ўзлаштириш харажатлари; техник ва муаллифлик назоратини амалга ошириш харажатлари; лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатларини ўз ичига олувчи капитал қўйилмалар ҳажми аниқланади.

Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати буюртмачилар ва пудратчилар, ускунани етказиб берувчилар ўртасида шартномалар тузиш ва шартнома баҳосини аниқлаш ҳамда улар ўртасида ҳисоблашишни амалга ошириш учун ишлатилади.

Смета қиймати кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳавий ечимлар вариантларини баҳолаш ва улардан иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиғини танлаш учун зарур. Бундан ташқари, смета қиймати қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш вариантларини таққослаш, конструктив ечимларни ҳамда қурилиш материалларни, ускуналарни танлаш учун ишлатилади.

Қурилишнинг смета қийматини ҳаққоний белгилаш лойиҳани ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилади. Қурилиш қийматини дастлабки ҳисоб-китоби йириклаштирилган меъёрлар бўйича лойиҳаолди босқичида техник-иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш объектлари учун иқтисодиёт тармоқлари ва тармоқичи соҳалари корхоналари технологик моделлари асосида ишлаб чиқилган қурилиш базис қийматининг йириклаштирилган меъёрлари (ҚБҚЙМ) қўлланилиши мумкин. Ижтимоий-маданий соҳа объектлари бўйича уларнинг қийматини жорий ва келгуси нархларда аниқлаш учун лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида объект-намоёндалар асосида ишлаб чиқиладиган ҚБҚЙМ дан фойдаланиш тавсия этилади.

Лойиҳалаштирилаётган корхоналар, бино ваиншоатлар, объектлар, уларнинг қисмлари ва иш шаклари нинг смета қиймати лойиҳалар (эскиз лойиҳалар) ва ишчи ҳужжатлар таркибида уларни лойиҳалаштириш жараёнида аниқланади. Бунинг учун лойиҳалаш ва изланиш ишлари сметаларини ўз ичига олувчи қурилиш қийматининг йиғма сметаси, объект бўйича ва локал сметалар тузилади.

Йиғма смета ҳисоби - корхона, бино ва иншоатлар қийматини белгилаб берувчи асосий ҳужжат. У объект бўйича ва локал сметалар ҳамда объект бўйича ва локал сметаларда аниқлаштирилмаган қўшимча харажатлар бўйича смета ҳисоби асосида тузилади.

Асосий иш ҳақига қурилиш ва монтаж ишлари, шунингдек омбордан жойигача материаллари етказиб беришда банд бўлган ишчиларнинг ишбай ва вақтбай иш ҳақи киради. Иш ҳақининг бир қисми қурилиш-монтаж ишлари смета қийматининг бошқа моддаларига киради: қурилиш материалларини юклаш, транспортировка қилиш ва ортиб туширишда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи материаллар нархига киритилган; машиналарда ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақи машиналарни эксплуатация қилиш

харажатларига киритилган; инженер-техник ишчилар ва хизматчилар иш ҳақи устама харажатларга киритилган.

Материаллар, конструкциялар, деталлар ва яримтайёр маҳсулотлар смета қиймати таркибига: материалларни саноат таклиф қилган нархларида ҳарид қилиш харажатлари, ўраш, реквизитлаш, объект олдидаги қурилиш омборигача етказиб бериш харажатлари, шунингдек, ўраш-сақлаш харажатлари киради.

Машина ва механизмларни эксплуатация қилиш харажатлари таркибига: машина ва механизмларни қурилиш майдонига етказиб бериш, объектдан объектга кўчириш, монтаж ва демонтаж қилиш харажатлари; амортизация ажратмалари, машиналарни капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган харажатлар; машинистлар, мотористлар ва бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар иш ҳақи; ёқилғи-мойлаш ва тозалаш материаллари қиймати, алмаштириладиган мосламалар ва бошқалар киради.

Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган устама сарфлар харажатлардан фарқли ўлароқ, бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ эмас ва қурилиш ишлаб чиқаришни нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга кетган харажатларни ифода этади.

7.1.-чизма

Лойиҳани инвестициялаш босқичи

8-мавзу. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш

Режа:

1. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги.
2. Тендер савдолари ва уларнинг таснифланиши.
3. Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари.
4. Пудрат савдоларини амалга ошириш тартиби.
5. Лойиҳаларни амлга оширишда шартнома муносабатлари.

1. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тендерларини ташкил этишнинг мақсади, ахамияти ва объектив зарурлиги.

Қурилиш ишларида олиб бориладиган тендерлар Вазирлар Маҳкакмасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилади. Тендерларнинг тартиби қарорнинг 2-иловасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомда акс эттирилган. Шунингдек Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари Вазирлар Маҳкакмасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилади. Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендерларнинг тартиби қарорнинг иловасида “Хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида”ги Низомда келтирилган.

Қурилиш ишларида тендер ўтказишдан мақсад белгиланган муддат ва қиймат доирасида қурилиш, монтаж, ремонт ишларини сифатли амалга оширувчи қурилиш ташкилотини конкурс асосида танлаб олишдан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомда мувофиқ тендер савдоларини ўтказиш тартибини кўриб чиқамиз:

Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишди;
- расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилайди;
- мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаши мумкин.

2.Тендер савдолари ва уларнинг таснифланиши.

Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

1. Очиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланмайди;

2. Ёпиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланади.

3. Икки босқичли танлов савдолари:

Очиқ тендер ўтказилганда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча субъектлар қатнашиши мумкин, очиқ тендерлар ўтказилишидан 1 ой олдин эълон қилинади, эълонлар чоп этиладиган даврий нашрлар рўйхати Давархқурилиш қўмитаси билан келишиб олинади. Одатда эълонлар "Халқ сўзи", "Народное слово", газеталарида чоп этилади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади ва ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Ёпиқ танлов савдоларида эса танлов савдолари ташкилотчиси камида иккита чет қатнашчини таклиф қилиши шарт.

Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаганда ва буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ "Даварҳитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

3.Тендер савдолари қатнашчиларининг функциялари.

Тендер савдоларини ўтказишда Буюртмачи қуйидаги функцияларни бажаради:

- танлов комиссияси таркибини ва иш тартибини шакллантиради ва тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;
- миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини белгилайди;
- танлов савдоларининг ташкилотчиси бўлади (ушбу функцияларни жалб этиладиган ихтисослашган ташкилотга бериши мумкин);
- танлов ҳужжатлари таркибини белгилайди;
- талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларига қўйиладиган асосий талабларни, танлов савдолари предметига қўйиладиган ва танлов ҳужжатлари таркибига киритиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;
- белгиланган тартибда экспертизанинг ўтказилиши ва танлов ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда танлов савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;
- танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади;
- танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

Қуйидагилар танлов савдолари ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- танлов савдолари ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;
- танлов савдолари предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларини ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни матбуотда чиқариш ва/ёки потенциал талабгорларга таклифномалар юбориш;
- агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, аризалар ва оферталарни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;
- жалб этиладиган буюртмачи билан шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш;
- талабгорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш;
- оферталарнинг асл нусхаларини улар очилгандан кейин буюртмачига бериш.

Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- ўзининг иш тартибини белгилайди;
- миқдори танлов ҳужжатларида қайд этилган танлов шартларига боғлиқ бўлган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини тасдиқлайди;
- офертани қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;
- талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлайди, агар у танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;
- тегишли равишда расмийлаштирган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидаларини амалга оширади;
- ичида оферталар бўлган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштириш ва ҳоказолар) ва конвертларни очиш тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди;
- мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этиш зарурлигини белгилайди ёки танлов комиссияси аъзолари орасидан баҳолаш гуруҳини тузади;
- танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ оферталарни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов савдолари ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;
- танлов савдоларини ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли хулосалар чиқаради.

13. Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиб (одатда камида тўққиз, ўн бир киши), шу жумладан унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади: инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади. **Комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.**

Танлов комиссияси мажлисларида "Давархитектқурилиш" қўмитасининг ваколатли вакили иштирок этади.

4. Тендер савдоларини амалга ошириш тартиби.

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

-танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;

-танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш манбалари;

-танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;

-танлов савдолари предметини сотиш муддати;

-талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;

-танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;

-оферталарни тақдим этиш жойи, охирги куни ва вақти;

-оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари энг оммавий даврий нашрларда, газеталарда, web-сайтда ёки БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Оферталарни тақдим этиш муддати оммавий ахборот воситаларида берилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак. Мелиорация объектларида таъмирлаш-тиклаш ишлари объектлари учун оферталарни тақдим этишнинг энг қисқа муддати оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 15 кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб 20 кунни ташкил этади.

Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Умумий қисмга қуйидагилар киради:

-танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;

-товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

-талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртманомалари шакли;

-талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари ғолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига тааллуқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

Техник қисм Қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми товар (ишлар, хизматлар) нархидан ишлар (хизматлар)ни бажариш ёки товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади.

Тўлов миқдори буюртмачи ва танлов савдолари ташкилотчиси томонидан, танлов ҳужжатларини кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-устав сармоясининг миқдори;

-танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади.

Оферта уни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунгача қайтариб олиниши мумкин.

Тақдим этиш муддати тугагандан кейин олинган оферта кўриб чиқилмайди.

Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади.

Танлов комиссияси мажлиси ушбу белгиланган муддат (30ёки 35 кун) тугагандан кейин ўтказилади.

Мажлис вақтида оферталар солинган конвертлар очилади, шартлар ва тартиботларга риоя қилиниши, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

Танлов комиссияси мажлиси натижалари протокол билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси мажлислари натижалари тўғрисидаги ахборот қатнашмаган оферентга ёзма шаклда етказилади.

Ҳужжатлар пакетида танлов ҳужжатлари талабларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан оферентга қайтарилади.

Танлов ҳужжатлари шартларига жавоб берадиган оферталар бўйича оферентнинг исми (номи), малака маълумотлари, таклиф қилинган нархлар

ва бажариш муддатлари, шунингдек оферент томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ киритилган қўшимча таклифлар ҳисобга олинади.

Танлов комиссияси мажлисида офертани кўриб чиқиш давомида оферент томонидан офертанинг мазмуни тушунтириб берилишига йўл қўйилади.

Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Тендер комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда тендер шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича, шунингдек тендер савдоларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига нарх преференциялари бериш тартибини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ аниқлайди. Танлов савдолари ғолиби танлов қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар белгиланган тартибда хабардор қилинади.

Оферталарни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Танлов комиссиясининг ҳар бир мажлисида протокол юритилади.

Танлов савдолари буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Буюртмачи "Давархитектқурилиш" қўмитаси билан келишилган кундан бошлаб беш кун муддатда оммавий ахборот воситаларида танлов савдолари натижалари (предмети, ғолиби, инвестиция лойиҳасининг шартномавий нархи ва уни амалга ошириш муддати) тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.

Танлов савдолари қуйидаги ҳолларда ўтказилмайди;

-оферталарни тақдим этиш муддатида учтадан кам оферта тушса;

-оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

-оферталарда танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш кафолати мавжуд бўлмаса;

-оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдолари предмети бошланғич қийматидан анча ортиқ бўлса;

-"Давархитектқурилиш" қўмитаси билан келишув бўйича танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса ўтказилмаган ҳисобланади.

5.Лойиҳаларни амлга оширишда шартнома муносабатлари.

Танлов савдолари ташкилотчиси улар тугалланган кейин танлов савдолари ғолибига беш кундан кечикмай ёзма билдиришнома жўнатади.

Шартнома танлов савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади.

Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки шартнома ижросини таъминлашни белгиланган муддатда тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи

баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

Танлов савдоларида белгиланган нарх қатъий нарх ҳисобланади.

Биринчи молиявий йил мобайнида нархларга ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш юзасидан шартномани бажариш муддатига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Иккинчи йил ва ундан кейинги йиллар учун шартнома нархларига тузатишлар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Танлов савдолари ғолиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда объект қурилишининг суғурта қилинишини таъминлайди.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг методлари ва усулларининг асосланганлигини аниқлаш, танлов савдоларини ташкил этиш, танлов савдоларини ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш мониторинги "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси шартнома асосида ўтказилади.

9-мавзу. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини лойиҳалаштириш

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти.
2. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳаларни амалга оширишни лойиҳалаштирувчи махсус ташкилотлар.
3. Мамлакатимизда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг мазмуни ва моҳияти.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167 - сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сон “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167 - сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қаррорига мувофиқ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуришнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинди.

“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясинининг вазифалари:

1. Уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги

объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

2. Қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини шартнома асосида бажариш, жумладан, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатиш;

3. Аҳоли буюртманомаларига мувофиқ уй-жойлар, шунингдек, намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш буюртмаларини объектларни сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида жойлаштириш;

4. Кейинчалик «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уйларни аҳолига бериш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни эксплуатация ташкилотларига топшириш.

“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябргача минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида 1 ноябргача Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Давархитектқурилиш” қўмитаси билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинади ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой объектлари қуриш учун “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясига топширилади.

Аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳани танлаган якка тартибда иморат қурувчи “тайёр ҳолда топшириш” шарти билан турар-жой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси билан шартнома тузади.

Якка тартибда иморат қурувчи билан тузилган шартнома асосида “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида “тайёр ҳолда топшириш” шарти билан намунавий лойиҳа бўйича якка тартибдаги турар-жой биноси қурилиши юзасидан барча ишлар комплексини ташкил этади.

Қурилиш якунлангандан кейин ва якка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича турар-жой биноси қабул қилингандан сўнг якка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар)

ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Даварҳитектқурилиш” қўмитаси ва “Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуришга тасдиқланган бош режа асосида ҳар йили қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер участкалари ажратилишини таъминлайди.

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ кредитлари ҳисобидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси "Даварҳитектқурилиш" қўмитаси танланадиган ер массивларининг муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, ишга тушириладиган уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларга бўлган амалдаги талабнинг мавжудлиги комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлайди шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилишида қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

Ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига ажратилаётган маблағлардан, шу жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБнинг имтиёзли кредитларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли равишда текширувлар олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сон “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори намунавий лойиҳалар бўйича хусусий уй-жой қурилиши кўламини янада кенгайтиришга қаратилгин бўлиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ жойларда хусусий уй-жой қурилиши учун ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ерлардан ҳар бир иморат қурувчига 0,06 га ҳажмида ер участкаларини ажратиши ҳамда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилиши дастурини 2012-2012 йилларда амалга ошириш мақсадида, йилдан-йилга унинг ўсишини таъминлашни кўзда тутган ҳолда, республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган қўшимча ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ лойиҳалаштириш институтига бир ой муддатда намунавий лойиҳалар асосида қурилган хусусий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларини танқидий баҳолаб иморат қурувчилар учун қўшимча қулайликлар, зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш ҳамда гаражлар ва ҳовли қурилмалари учун жойлар ажратилишини назарда тутган ҳолда тегишли тузатишлар киритиш вазифаси топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси инвентаризация натижалари бўйича бир ой муддатда шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш жадвалини, шунингдек, архитектура-режалаштириш ташкилотларининг ҳудудларнинг 2012 - 2014 йилларга мўлжалланган лойиҳалари тасдиқланган.

2009 йилда қурила бошланган 42 тураржой массивида, шунингдек, 2010 йилда қурилаётган 213 тураржой массивида ижтимоий инфратузилма объектларини комплекс тарзда барпо этиш;

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ орқали тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини мўлжалланган ҳажмларда қўшимча молиялаш.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2010 йил 15 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига 2009-2010 йилларда барпо этилган хусусий уй-жой массивларида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг аниқ объектларини қуриш бўйича асосланган таклифлар кирилиши юзасидан таклифлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун АТ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда, амалга оширилади.

Уй-жой қуришни молиялаштириш инжиниринг компаниясининг аванси ҳисобига (объект қийматининг камида 15 фоизи), бажарилган ишлар ҳажмининг 90 фоизгачаси ҳар ойда жорий молиялаштирилган ҳолда, берилган аванс пропорционал ушлаб қолинган ва объект қийматининг 5 фоиз миқдоридаги қолган қисми инжиниринг компанияси филиали томонидан тасдиқлангач кафолат муддати тамом бўлгандан кейин тўланган ҳолда инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш банкнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган, кредитга лаёқатли қишлоқ фуқароларига намунавий лойиҳа бўйича уй - жой қийматининг 25% дан кам бўлмаган миқдорда бошланғич бадални тўплаганларидан сўнг, энг кам иш

ҳақининг 1000 баробар миқдоригача ва фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида, 15 йил муддатгача имтиёзли кредит ажратилади.

Уй-жой қурилиши учун кредит қуйидагиларга берилади:

- қишлоқ жойларда домий яшайдиган, яъни қишлоқ жойда доимий рўйхатдан ўтган;
- ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган, яъни 18 ёшдан ошган;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросига;
- охирги 12 ой мобайнида доимий иш жойига, доимий даромадига, шунингдек кредит бўйича тўловларни ҳар ойда тўлашга қодир бўлан;
- қурилидиган уй-жой қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган;
- кредит ташкилотларидан муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқаро, аввало ўзи истиқомат қиладиган вилоятдаги "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг филиалига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Фуқаро ўз аризасида уй-жойларнинг намунавий лойиҳасини ва уй-жой қурилиши учун тўлов турини кўрсатиб ўтиши лозим. "Қишлоқ қурилиш инвест"ИК аризани ўрганиб чиқади ва фуқаро билан дастлабки шартнома тузиш учун таклиф этади. Фуқаро "Қишлоқ қурилиш инвест"ИК билан шартнома тузгандан сўнг, ипотека кредити расмийлаштириш учун фуқаро яшаш жойига яқин бўлган "Қишлоқ қурилиш банк"нинг филиалига мурожаат қилади. Қарз олувчи фуқаро "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан "калити билан топшириш" шартлари асосида тузилган шартномада қурилиш ташкилотини танлаш ва техник назорат қилиш вазифаларини компанияга юклайди. Бунда, қарз олувчи шартномага мувофиқ қурилишнинг бутун даври мобайнида қурилиш жараёнига ҳалақит бермаган ҳолда қурилишнинг боришини кузатиб бориш ҳамда зарурият бўлганда намунавий лойиҳа доирасида ёзма шаклда таклифлар киритиш ва инжиниринг компанияси ва пудратчига эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

"Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уй-жой лойиҳаси бўлиб, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини республика минтақаларининг табиий - иқлим шароитларини ва жойларнинг рельефини, ижтимоий - демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

2009-2010 йилларда 260,5 млрд.сўм, шу жумладан, 2009 йилда - 65,5 млрд. сўм миқдорида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида якка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясини ташкил этилди.

9.1.-жадвал

Қурилаётган уй - жойлар тўғрисида маълумот

Қурилиш олиб бориладиган йиллар	Массивлар сони	Уйлар сони	Қурилиш ҳажми (минг м2)	Қурилиш қиймати (млн сўм)	шу жумладан		
					аҳоли маблағи ҳисобидан (млн сўм)	аҳоли маблағи улуши (%)	ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан (млн сўм)
2009 йил	42	847	100,6	50 696,0	19 235,0	37,9	31 461,0
2010 йил	225	6 800	809,7	428 980,8	169 516,1	39,5	256 172,7
2011 йил	372	7 400	1 134,4	576 509,3	208 470,3	36,1	368 039,0
Жами	639	15 047	2 044,6	1 056 186,1	397 221,8		655 672,9

Манба: Давлат статистика қўмитасининг 2009-2011 йиллардаги маълумотлари асосида тузилди

2012 йилда умумий тураржой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига мувофаққиятли интеграциялашуви бевосита ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига боғлиқдир. Шунинг учун мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳасини қуриш мавжудларни модернизациялашга катта этибор берилмоқда бунинг натижасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 5о фоиздан юқори қисми йўналтирилмоқда. Шу билан бирга мамалакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятлардан яъна бири кучли ижтимоий сиёсатдир, шунга асосан мамлакатимизда ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида малакатимизда 2011 йилда 17,9 миллиард сўм академик лицейларни қуриш ва қайта тамирлаш ўзлаштирилган шунингдек, касб – ҳунар коллежларни қуриш ва қайта таъмиралаш йўналтирилган инвестициялар 14,9 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Шу билан бирга мамалкатимизда наъмунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй –жойлар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда.

ШАРТНОМА ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этиш учун якка тартибдаги қурувчи яшаш жойи бўйича инжиниринг компаниясининг тегишли минтақавий филиалига буюртманома билан мурожаат қилади.

Якка тартибдаги қурувчи ўз буюртманомасида ўзи танлаган аниқ ер участкасини ва намунавий лойиҳани, шунингдек қуриладиган уй-жой қийматини (ипотека кредитлари, ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига) тўлаш усулини кўрсатади.

Якка тартибдаги қурувчи хоҳишига кўра инжиниринг компаниясининг филиали томонидан танланган намунавий лойиҳанинг нусхаси билан таъминланади.

Инжиниринг компаниясининг филиали бир иш куни мобайнида якка тартибдаги қурувчининг буюртманомасини кўриб чиқади ва у маъқулланган тақдирда, уч кун муддатда якка тартибдаги қурувчини ёзма равишда хабардор қилади ҳамда уни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой қуришга инжиниринг компанияси томонидан буюртмачи функцияси амалга оширилиши учун шартнома тузишга таклиф қилади.

Инжиниринг компаниясининг филиали билан қурилаётган уй-жой қийматини ипотека кредити ҳисобига тўлаш шарти билан дастлабки шартномани тузган якка тартибдаги қурувчи банкнинг филиалига ариза билан мурожаат қилади.

Ипотека кредити берилиши юзасидан қарор қабул қилингандан кейин банкнинг филиали ўша куннинг ўзида инжиниринг компаниясининг филиалига тегишли бадални киритган якка тартибдаги қурувчилар рўйхатини илова қилган ҳолда бошланғич бадал тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Ушбу маълумотлар инжиниринг компанияси филиали учун якка тартибдаги қурувчи билан асосий шартномани тузиш учун асос ҳисобланади.

Қурилаётган уй-жой қийматини ўз маблағлари ҳисобидан ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига тўлайдиган якка тартибдаги қурувчи бошланғич бадални тўлаш учун банкда омонат қўйилма ҳисоб рақами очади.

Қурилаётган уй-жой қийматининг қолган қисми якка тартибдаги қурувчи билан инжиниринг компанияси ўртасида шартнома тузилгандан кейин, ушбу шартномада назарда тутилган тартибда тўланади.

Инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун АТ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда, амалга оширилади.

Уй-жой қуришни молиялаштириш инжиниринг компаниясининг аванси ҳисобига (объект қийматининг камида 15 фоизи), бажарилган ишлар ҳажмининг 90 фоизгачаси ҳар ойда жорий молиялаштирилган ҳолда, берилган аванс пропорционал ушлаб қолинган ва объект қийматининг 5 фоиз миқдоридаги қолган қисми инжиниринг компанияси филиали томонидан тасдиқлангач кафолат муддати тамом бўлгандан кейин тўланган ҳолда инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

10-мавзу. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили

Режа:

1. Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.
2. Лойиҳавий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотлар базаси.
3. Лойиҳавий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Лойиҳавий таҳлилнинг таркибий тузилиши: молиявий-иқтисодий, техник, экологик, институционал, хуқуқий ва бошқалар.

1. Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳавий таҳлилнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

Лойихавий тахлил – харажатлар ва даромадлар хамда лойиха билан боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли бахолаш ва очиб бериш асосида лойихаларни тайёрлаш, бахолаш ва танлаб олиш усулидир. Лойихавий тахлилнинг катта қисми лойиха даврининг дастлабки босқичида, яъни уни қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилингунгача амалга оширилади.

Лойиханинг даромадлилигини аниқлаш лойихавий тахлилнинг вазифаси хисобланади. Даромадлилик эса лойихадан олинадиган даромад билан унга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Яъни лойиханинг даромадлилигини аниқлаш учун унинг барча натижаларини аниқлаш хамда лойихадан олинган даромадлар унга қилинган харажатлардан ортиш ёки ортмаслигини хисоблаб кўриш керак. Чунки лойихани амалга ошириш учун бугун қилинаётган харажатлар билан ундан қандайдир вақт ўтгандан кейин олинадиган даромадларни бевосита солиштириб бўлмайди. Лойиханинг кўпгина активлари ва иншоотлари узоқ муддат хизмат қилиши бунинг сабаби хисобланади. Лойиханинг айрим харажатлари ва натижаларини, масалан, қурилиш ишлари харажатларини ўлчаш ва бахолаш осон. Бошқаларини эса ўлчаш осон, лекин бахолаш анча қийин. Масалан: ходимларни ўқитиш харажатлари ва натижаларини миқдорий ва сифат жихатдан ўлчаш осон лекин реал натижаларини бахолаш анча мураккаб.

Нихоят, айрим лойихалар натижаларини, масалан лойихаларнинг анъанавий фаолият турларига таъсирини ўлчаш хам, бахолаш хам қийин.

Лойихавий харажатлари турли хилда бўлиши туфайли лойиха хар хил нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

1. Лойиха техник жихатдан асосланганми?
2. Лойиха тижорат талабларига жавоб берадими?
3. Лойиха ўз-ўзини молиявий жихатдан қоплайдими?
4. У иқтисодий жихатдан ўзини оқлайдими?
5. Лойиха атроф -мухитга қандай таъсир ўтказади?
6. Лойиха махаллий ижтимоий - маданий хусусиятларни хисобга олганми?

7. Лойихани амалга оширишнинг институционал (ташкилий) имкониятлари борми?

Ижобий натижалар ялпи харажатлардан ортиш-ортмаслигини аниқлаш зарур. Харажатларни тахлил қилиш учун қуйидаги саволларга жавоб олишимиз керак:

- Лойиханинг биз истаган натижаси қандай?
- Лойиха харажатларини ким кўтаради ва унинг ижобий натижаларидан ким фойдаланади?
- Лойиханинг ижобий натижалари қачон ва қаерда пайдо бўлади?

Лойиханинг якуний қиймати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун лойихага алоқадор бўлган кишиларнинг турли гурухлари олган фойда ва қилган йуқотишларни қандай таққослаш ва жамлаш керак?

Бу лойиханинг якуний ижобий натижаси бошқа мумкин бўлган лойихалар натижасидан нимаси билан фарқ қилади?

Лойиха тахлили лойихани шакллантириш жараёнининг ўзидаёқ унинг турли жихатлари таъсирини ва ролини ўзгартириш имконини беради. Хар қандай янги ахборот, агар фойдали бўлса, илгари қабул қилинган қарорларни ўзгартириш учун сабаб бўлиши мумкин.

Демак, лойиха-смета хужжатлари лойиха тахлили жараёнида, яъни лойиханинг турли жихатларини кўриб чиқиш натижалари ва янги олинган ахборотлардан келиб чиқиб, илгари берилган бахоларни тузатиш билан бирга ишлаб чиқилади.

Лойихавий тахлил тузилмаси

Лойиха тахлилида даромадлар ва харажатлар қуйидаги 7 нуқтаи назардан туриб бахоланади ва улар лойихавий тахлилнинг 7 бўлимини ташкил этади.

1. Техник тахлил: лойиха техник жихатдан асосланганми?
2. Тижорат тахлили: лойиха махсулотига бозорда талаб борми?
3. Молия: молиявий жихатдан лойиха яроқлими?
4. Лойихага қилинган харажатлар ундан фойдаланувчи (истеъмолчи)лар хисобига қопланадими ?
5. Экология: лойиха атроф-мухитга кандай таъсир кўрсатади?
6. Институционал ривожланиш: лойиха учун масъул бўлган ташкилотлар уни амалга ошириш ва эксплуатация қилишга қодирмилар?
7. Лойиханинг ижтимоий ва маданий талабларга мослиги: Лойиха махаллий шароитларга мосланганми? Лойиха ахолининг айрим гурухларига таъсир кўрсатадими ?
8. Иқтисод: лойиханинг ижобий натижалари уни амалга ошириш ва эксплуатация қилиш харажатларидан ортиқми ? Лойихада таваккалчилик даражаси қандай ?

Лойиха тахлилининг хар бир бўлими ўз услубига эга хамда кўрилаётган харажат, даромад ёки бошқа омиллар характерига кўра миқдор ёки сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги фойдаланиладиган ахборот хажми ўзгариб туради. Хатто тахлилнинг миқдорий жихатларига тегишли бўлган молиявий лойихалар хам прогнозлашга хос бўлган ноаниқлик омилларидан келиб чиқувчи сифат элементларига эга. Яъни лойиха тахлили лойиханинг келажак холатлар тўғрисидаги фикрларнинг ўзгаришига таъсирчанлигини хисобга ола билиши керак.

Лойихаларни техник тахлил қилишнинг вазифалари ва таркиби

Лойиханинг маркетинг нуқтаи назардан ижобий хулосаси олингач, унинг техник тахлили амалга оширилади. Техник тахлилда лойиха технологиясини ишлаб чиқарувчилардан шу лойихани амалга ошриш учун зарур бўлган тижорат таклифи олинади. Тижорат таклифи лойиха технологиясининг хар бир машина ва асбоб-ускунаси, уларнинг бахоси, техник спецфикацияси, техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Лойихани амалга оширишда энг самарали бўлган технология танланади. Агар лойиха чет эл валютаси хисобига технология билан таъминланадиган бўлса, унда халқаро кўламда шу технологияни ишлаб чиқарувчилар ўртасида танлов эълон қилинади. Мутахассислар тилида бундай танлов тендер деб аталади.

Инвестиция лойихаларини техник тахлил қилишнинг вазифаси лойиха мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойихадан манфаат кўриши мумкин бўлган ахоли контингенти, махаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг бахоси, бозор хажми, шунингдек, лойихани режалаштириш хамда амалга оширишнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини аниқлаш хисобланади.

Инвестиция лойихалари устида ишлаш жараёнида техник тахлил биринчи навбатда ўтказилади.

Техник тахлилга қуйидагиларни кўриб чиқиш ва белгилаш киради:

1) Техник ва технологик жихатдан муқобил вариантлар.
2) Лойихани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантлар.
3) Лойиха хажми.
4) Лойихани амалга ошириш муддатлари.
5) Хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилигини.
6) Лойиха махсулоти учун бозор сиғими (хажми).
7) Кўзда тутилмаган омилларни хисобга олган холда лойиха харажатлари.

Экологик тахлилнинг мохияти

Хозирги давр илмий техника тараққиётининг жадаллашиши ва инсоннинг табиатга таъсири кучайганлиги билан ажралиб туради. Бу холатни хисобга олган холда микро ва макро кўламда тузилаётган лойихалардан хар

бирининг экологик мувозанатга таъсири мустақил экологик экспертлар томонидан бахоланиши шарт. Агар тижорат лойихалари экологик мувозанатга салбий таъсир этса бундай лойихалар молиялаштирилмайди. Шу билан бирга давлат томонидан экологияни яхшилашга қаратилган нотижорат лойихалари ишлаб чиқилади. Бундай лойихаларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва ахолининг саломатлигини мустахкамлашдан иборат.

Халқаро нодавлат ташкилотлари, мисол учун, ЭКОСАН каби ташкилотлар маълум грант лойихаларини амалга оширади. Умуман олганда, экологик лойихалар грантлар, давлат бюджети ва хомийларнинг маблағлари хисобига амалга ошрилади. Инвестиция лойихалар хам экологик тахлилдан ўтказилиши талаб этилади. Агар лойихада экологик вазиятга (сувга, хавога, ўисмлик дунёсига ва бошқаларга)таъсир этувчи цех ёки асбоб-ускуналар бўлса, уларнинг экологияга таъсирини йўқотиш учун қўшимча лойиха-смета хужжатлари тузилади. Масалан, оддий транспорт воситаларидан фойдаланишни кўпайтириш янги трассалар қуришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ландшафтнинг ўзгариши, ахоли оқимининг ошишига олиб келади. Айрим холларда шу жойнинг анъаналарига салбий таъсир кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-мухит хавоси зарарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай холларда бу салбий натижаларни самара натижалари билан таққослаш ва бу нисбатни чуқур тахлил қилиш зарур.

Экологик тахлилнинг асосий вазифаси лойиха натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал зарарни олдиндан белгилаш ва унинг таъсирини юмшатиш ёки батамом тугатиш йўлларини топишдир. Бу жараён лойихада кўзда тутилган натижаларга салбий таъсир кўрсатиши керак эмас. Ташқи мухит “табиий капитал бўлиб”, у иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради. Нотўғри режалаштирилган лойихалар эса унинг бузилишига, миллий капиталнинг емирилишига олиб келиши мумкин.

Экологик бошқаришнинг вазифаси ахолининг табиий таъсирларга бўлган талаби билан атроф-мухитнинг шу талабни қондира олиш имкониятлари орасидаги мувозанатни (балансни) топишдан иборат. Лойихаларни амалга ошириш «экологик сиғим» потенциалини камайтириши керак эмас. Лойихаларни амалга оширишдан олдин уларнинг атроф-мухитга мухим таъсирларини белгилаш, лойихалар таъсири асосида мухит бузилиб кетгандан кейин уни ўз холига келтиришдан афзалроқдир.

Шунинг учун хар қандай лойиханинг экосистемага келтирадиган салбий оқибатларини чуқур тахлил қилиш талаб этилади. Агар лойиха экосистемага меъёрдан юқори салбий таъсир кўрсатадиган бўлса уни янгидан кўриб чиқиш, шундан кейин хам вазият ўзгармаса ундан воз кечиш зарур. Экосистема битта давлат худудидаги муаммо эмас, балки унинг ўзгариши бутун ер шарига таъсир кўрсатади (масалан, Орол муаммоси). Шунинг учун экосистемани тахлил килинганда бир мамлакат манфаатларидангина келиб чиқиш керак эмас.

Ижтимоий тахлилнинг мохияти ва таркибий қисмлари

Хар қандай лойиха самарали амалга оширилиши учун ижтимоий тахлилнинг ахамияти катта. Лойиханинг таклиф этилаётган у ёки бу варианти ахолининг мақсадли гурухи манфаати талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини аниқлаш ижтимоий тахлилнинг вазифаси хисобланади. Ижтимоий тахлил лойиха ва у йўналтирилган ижтимоий гурухнинг ўзаро мувофиқ келишини яхшилаш бўйича тадбирларни таклиф этади. Шунингдек, ижтимоий тахлил ахоли томонидан қўллаб-қувватланадиган хамда жамоатчилик фикри ва қарашларидаги ўзгаришларни рағбатлантириш йўли билан лойиха мақсадларига эришишни таъминлайдиган лойиха стратегиясини белгилайди.

Ижтимоий тахлил қилинмаган лойиха мазмунига уни ишлаб чиқарувчиларнинг маданий қарашлари лойиха мўлжалланган кишиларнинг маданий қарашларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади. Ижтимоий тахлил лойиха тахлилининг бошқа турлари билан бирга ўтказилиши керак. Лойиха тахлилининг бошқа турлари сингари ижтимоий тахлил хам индентификация босқичида бошланиб, лойиха даврининг кейинги хар бир босқичида давом этиши керак.

Ижтимоий тахлил тўрт асосий сохага эътиборни жамлайди. Булар:

1. Лойихага таъсир кўрсатадиган ахолининг ижтимоий-маданий тавсифи миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича тахлил.

2. Лойиха амал қиладиган худуддаги ахоли томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, шу жумладан оилалар, уй хўжаликлари тузилмаси, ишчи кучининг мавжудлилиги, ерга эгалик қилиш шакллари, ресурслардан фойдаланиш имконияти ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари тахлили.

3. Лойиханинг махаллий маданият нуқтаи назаридан талабга жавоб бериши, хусусий лойиханинг мавжуд ижтимоий меъёрларга мослашувчанлиги, кишиларнинг қарашларида, ўз эхтиёжларини англашларида зарур ўзгаришлар ясашга қобиллиги.

4. Лойихадан уни амалга оширувчи ташкилот хамда махаллий ахоли манфаатдорлигини таъминлаш стратегияси. Бундан мақсад ахоли ва ташкилотларнинг лойиханинг барча босқичларида узлуксиз иштирокини таъминлашдир.

Институционал тахлилнинг мохияти ва мақсадлари

Институционал тахлил лойиха устида бажариладиган ишларнинг энг мухимларидан бирига айланди. Инвестиция лойихалари натижалари кўп жихатдан ташкилий тузилма сифатига хам боғлиқ. Лойихани амалга оширувчи ташкилотларни ўрганиш, уларнинг бошқарув имкониятлари, шунингдек, марказий хокимиятнинг лойиха учун мутасадди бўлган ташкилотларга ёрдам беришга қанчалик тайёр эканликларини бахолашга имкон беради. Яхши шаклланмаган, такомиллашмаган бошқарув тузилмасига, малакали мутахассислар, ахборот тизимлари ва хоказоларга эга бўлмаган ташкилотлар зиммасига лойихаларни амалга оширишни топшириш

ёки улар таклиф этган лойихаларни молиялаштириш муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин (ёки хеч бўлмаганда қўшимча харажатларни келтириб чиқаради).

Институционал тахлил лойихаларни самарали амалга ошириш ва эксплутация қилишга, шунингдек, мавжуд ташкилотларни мустахкамлаш, малакали мутахассислар билан тўлдиришга кўмак бериши лозим. Кучли институтларни ташкил этиш лойихага кўра фойдаланиладиган миллий хамда халқаро ресурсларни мухофаза қилган холда лойихаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Инвестиция лойихалари институционал тахлили (ИТ)дан мақсад лойиха амалга оширилаётган макондаги ташкилий, хуқуқий, сиёсий ва маъмурий вазият (мухит) га бахо бериш хамда лойихага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустахкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тавсиялар қуйидаги масалаларни қамраб олади:

а)менежмент услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва бахолаш;

б)ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар;

в)режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни режалаштириш;

г)ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш;

д)молиявий фаолият, шу жумладан молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тузиш, бухгалтерия хисоби ва тафтиш;

е)лойихаларнинг моддий-техник таъминоти;

ж)эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари;

з)ташкилотлараро мувофиқлаштириш;

и)алохида секторларга нисбатан сиёсат масалалари.

Бу вазифалар нафақат лойихаларни амалга ошираётган ва эксплуатация қилаётган ташкилотлар, шунингдек, лойиха муваффақиятига таъсир кўрсатувчи хукумат ва тармоқ тузилмаларига, яъни вазирликлар, идоралар, банклар, тадқиқот муассасаларига хам тегишли.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда институционал тахлилнинг мухим вазифаларидан бири эски давлат ташкилотларини бозор иқтисодиётидаги бошқачароқ вазифаларни бажаришга мослашган янги ташкилотлар, агентликлар ва корхоналарга айлантиришни режалаштиришдан иборат. Бу муаммонинг нақадар мухимлиги бир қатор мамлакатларда оммавий хусусийлаштириш лойихаларини амалга ошириш чоғида яққол намоён бўлди. Бунга Ўзбекистонда жахон банкининг пахтачилик индустриясини такомиллаштириш бўйича лойихаси мисол бўла олади.

Ушбу лойихани амалга оширишда лойихада иштирок этаётган совхозлар ва колхозлар хусусийлаштирилиб, очиқ турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Колхоз ва совхозларнинг мулкларининг қийматига тенг миқдорда акциялар чиқарилди ва улар биржасига эркин сотилиши ва олиниши учун республика фонд жойлаштирилди. Бундан асосий мақсад колхоз ва совхозларни хусусийлаштириш, хиссадорлик жамиятларига айлантириш ва хусусий секторни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш бўлган

эди. Шу вазифаларни хал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Пахтачилик лойихасини амалга ошириш агентлиги ташкил этилди. Унинг бошқарув тузилмаси қуйидаги чизмада соддлаштирилган холда келтирилган:

Иқтисодиётни қайта қуриш шароитида лойихага мутасадди бўлган ташкилотлар учун “мулкчилик” концепцияси ўта мухим хисобланади. Лойихани амалга оширувчи ташкилотлар унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун масъулиятни ўз зиммаларига олгандагина ижобий натижага эришилади. Мулк хуқуқи мутасадди ташкилотлар менежерлари лойиха мақсадларини англашлари ва бу мақсадларга эришиш учун зарур қарор қабул қилиш ваколатига эга эканликларини англатади. Бундай вазиятда уларда хам шахсий манфаатдорлик, хам лойихага рахбарлик қилиш имконияти мавжуд бўлади. Институционал тахлилнинг каттагина қисми “мулкчилик” омили лойихани муваффақиятли амалга оширишга қанчалик таъсир этишини аниқлашга қаратилган.

Инвестиция лойихаларини институционал тахлил учун конкрет шароитларга тезда мослаштирса бўладиган стандарт ечимлар ёки моделлар деярли йўқ. Институтларни ривожлантириш узоқ давом этувчи экспериментлар ва адаптация (мослашув) жараёнларидан иборат. Бу жараёнлар эса кўпинча сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг салбий ўзгаришлари туфайли муваффақиятсизликка учрайди. Умуман олганда институционал тахлилга қуйидаги вазифаларни бажариш киради:

- лойиха амалга ошириладиган институционал шарт-шароитларни (ташкилотлар, меъёрий хужжатлар ва сиёсий омилларни) аниқлаш ва тасвирлаб бериш;
- лойихада иштирок этувчи ташкилотларнинг моддий ва мехнат ресурслари, техник малакаси, ташкилий тузилмаси, бошқарув ва маъмурий имкониятлари, молиявий ахволи нуқтаи назаридан кучли ва заиф томонларини бахолаш;
- қонунлар, сиёсат ва йўриқномалар ўзгаришининг лойихани амалга ошириш ва эксплуатация қилишга (айниқса, атроф-мухитни мухофаза қилиш, иш хақи, бахолар, субсидиялар, ташқи савдо, валюта курси ва хоказоларга) эхтимол бўлган таъсирини бахолаш;
- лойихада қатнашувчи ташкилотларнинг заиф жихатларини бартараф қилишнинг муқобил йўлларини хамда қонунлар, сиёсат ва йўриқномаларнинг лойихага кўрсатиши мумкин бўлган потенциал салбий таъсирига қарши чора-тадбирларни илгари суриш (тегишли такомиллаштириш ишлари лойиха амалга оширилаётган ва эксплуатация қилинаётган вақтда хамда бундан олдин лойиха бўйича иш графигига кўра амалга оширилади);
- тавсия қилинаётган ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш учун керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдам бўйича таклифларни илгари суриш хамда зарур ишларни ўтказиш графигини ишлаб чиқиш.

Молиявий тахлилнинг мохияти ва турлари

Лойихани молиявий тахлил қилиш бир неча кўринишга эга бўлиб, лойиха турига қараб, икки ёки ундан кўпроқ турдаги молиявий тахлил амалга оширилиши мумкин. Молиявий тахлил қуйидаги турларни ўз ичига олади:

1. Молиявий рентабеллилик тахлили.
2. Молиялаштиришга эхтиёж тахлили.
3. Лойихани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий тахлили.
4. Харажатларнинг қопланиши тахлили.

Молиявий тахлилнинг санаб ўтилган турлари қайси вазифаларга эга бўлиши, лойиханинг молиявий жихатдан мақсадга мувофиқлиги у қайси нуқтаи назардан туриб кўриб чиқилаётганлигига боғлиқ.

Буни қуйидаги жадвалда кўрамиз:

10.1.-жадвал

Молиявий тахлил турлари

Тахлил тури	Молиявий рентабеллилик тахлили	Молиялаштиришга эхтиёж тахлили	Лойихани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий тахлил	Харажатларни қопланиши тахлили
Тахлил мақсади	Лойихага қўйилган капитал маблағлар самарадорлигини аниқлаш	Лойихани амалга ошириш учун маблағ билан таъминлашни режалаштириш	Лойихани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий ахволи ва бошқарув сифатини аниқлаш	Давлат лойихаларида фойдаланувчилардан тушадиган тўловлар хисобига харажатлар қопланишини бахолаш
Лойиха тахлили қайси позициядан туриб амалга оширилади	Лойиха позициясидан туриб	Хукумат, лойихадан фойдаланувчи-лар ва ундан манфаат кўрувчилар позициясидан туриб	Лойихани эксплуатация қилувчи ташкилот позициясидан туриб	Хукумат, лойихадан фойдаланувчилар, ундан манфаат кўрувчилар хамда лойихани бошқариш позициясидан туриб
Фойдаланиладиган молиявий хисоботлар тизими	Дисконтланган пул тушумлари ва чиқимлари оқими хисоботи	Молиявий режа	Фойда ва зарарлар хисоботи, Пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари оқими хисоботи, баланс хисоботи.	Харажатларни қоплаш кўрсаткичлари, тўлов хажми, ёки фойдаланувчилардан олинадиган солиқ хажми.
Мезонлар	Ички фойда меъёри, Соф келтирилган қиймат	қарзларни ва улар бўйича фоизларни тўлаш учун қилинган	Самарадорлик меъёри, молиявий кўрсаткичлар	Тўлов хажми ва таркиби

		харажатларни қоплаш даражаси.		
қайси объектга нисбатан қўлланилади	Хусусий сектордаги лойихаларга, давлат секторидаги тижорат лойихаларига нисбатан	Хамма лойихаларга нисбатан	Фирмаларга ва давлат лойихаларига нисбатан	Давлат секторидаги таълим, соғлиқни сақлаш, сув таъминоти, транспорт каби хизмат кўрсатишга йўналтирилган лойихаларга нисбатан

Молиявий тахлилнинг хар хил турлари лойиханинг мақсадга мувофиқлигини, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, лойиха иштирокчилари учун рағбатларни, молиявий режаларнинг асосланганлигини, молиявий бошқарувнинг лаёқатлилиги даражасини хамда лойихани амалга ошириш натижасида кутилаётган фойда даражасини бахолаш учун қўлланилади.

У ёки бу турдаги тахлилни ўтказиш зарурати лойиханинг мураккаблиги даражасига, унинг хусусий сектордаги ёки давлат лойихаси эканлилигига хамда иқтисодиётнинг қайси тармоғига тааллуқлигига боғлиқ.

Молиявий тахлилда даромад ва харажатларни хисоблашда:

- фақат алохида бозор бахолари қўлланилади;
- капитал харажатлар лойиханинг бутун хизмат даврига тақсимлаб чиқилади (амортизация);
- солиқлар ва турли гурухлар ўртасидаги бир томонлама тўловлар хисобга олинади;
- хусусий дисконт ставкаси қўлланилади.

Молиявий рентабеллилик тахлили

Молиявий рентабеллилик тахлилининг мақсади лойиханинг хаёт даври давомида инвестициялардан келадиган самарани бахолашдан иборат. Бу тахлилни баъзида лойиханинг молиявий мақсадга мувофиқлиги тахлили деб хам юритилади. Бу тахлилни ўтказишнинг услубий асослари иккинчи ва учинчи мавзуларда кўриб чиқилган. Шу асосга таянилган холда рентабеллилик кўрсаткичлари хисоблаб чиқилади.

Бу тахлил лойихадаги пул тушумлари ва чиқимлари оқимига асосланган холда ўтказилади. Бунда эътибор лойихани амалга оширувчи ташкилотларга(уларнинг молиявий холатига) эмас, балки лойиханинг ўзига қаратилади. Молиявий рентабеллилик тахлили товарлар ва хизматлар савдосини амалга оширувчи лойихалар учун ўта мухим, лекин коммунал хизмат кўрсатувчи ва давлатдан қисман дотация олиб ишловчи ташкилотлар учун унча хам мухим эмас.

Харажатларни қоплаш тахлили рентабеллилик тахлилининг деярли худди ўзи бўлиб, давлат харажатлари фойдаланувчилар тўловлари ва солиқлар хисобига қопланадиган лойихалар учун қўлланилади.

Молиявий рентабеллилик тахлилида харажатлар ва даромадлар қўйилган мақсаддан келиб чиқиб аниқланади. Харажатларни фирма ёки ижрочи ташкилотнинг фойдасини камайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этса, даромадларни фойда ёки даромадни кўпайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этади.

Харажатлар ва даромадлар оқимларини лойихалаштириш учун ишлаб чиқариш фаолиятининг техник даражасини белгилаб олиш, инвестициялардан кўзда тутилган техник ресурсларнинг лойихага кириш ва чиқишдаги оқимини, лойихаларнинг бозор ва маъмурий ўрнатиладиган бахоларда хисобланган натижаларини аниқлаб олиш талаб этилади.

Тушумлар оқими махсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) хажмини уларнинг харид бахоларига кўпайтириб топилади. Харажатлар оқими эса ишлаб чиқаришда фойдаланилган моддий ресурслар ва хизматлар миқдорини уларни сотиб олиш бахосига кўпайтириб топилади. Бундай бахолаш лойиханинг бутун яшаш даврига, хар бир йил учун ўтказилади.

Лойиха учун зарур ресурслар ва ундан кутилаётган натижаларни бахолашда: биринчидан, ички ва ташқи бозорда яқинда бўлиб ўтган битимларда қўлланилган амалдаги бахолар асосида реал бозор бахоларини; иккинчидан, келгусидаги бахоларни прогноз қилиш лозим.

Одатда, иқтисодий ва молиявий тахлилни ўтказишда инфляция таъсиридан тозаланган доимий бахолар, шунингдек, инфляция таъсиридан тозаланган дисконт коэффициенти қўлланилади.

Лойиха бўйича ишлаб чиқарилган товар (кўрсатилган хизмат)лар учун тушган барча тўловлар, дебиторлик қарзлари, субсидиялар ва бошқа даромадлар (ижара хақи ва бошқалар) лойиха бўйича тушумларга киритилади ва унинг умумий самарасини кўрсатади.

Харажатлар ўз ичига эксплуатация ва капитал харажатларини олади. Эксплуатация харажатларига иш хақи, материал, ёқилғи харажатлари, ижара хақи тўловлари, коммунал тўловлар, умумий ва маъмурий харажатлар, солиқлар, жорий таъмирлаш харажатлари, хали тўланмаган, аммо хисобга олинган кредиторлик қарзлари ва бошқалар киради. Капитал харажатларга эса инвестициялар, лойиха фондларини алиштириш, модернизация қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари киради.

Пул оқимлари бахолаб бўлингандан сўнг рентабеллилик кўрсаткичлари калькуляция қилинади, лойихалаштирилаётган тушумлар ва харажатлар дисконтланади ва иловада келтирилган кўрсаткичлар хисобланади. Молиявий эхтиёжни тахлил қилишда лойихани амалга оширишга кетадиган айланма маблағлар алохида валютада хамда сўмда хисобланади. Ўзбекистон шароитида айланма маблағларни валютада шакллантириш айниқса катта амалий ахамиятга эга. Агар лойихада айланма маблағлар валютада тўғри режалаштирилмаса, лойиха муаммога дуч келади. Мисол учун, лойиха махсулотининг ингредиентлари импорт қилинса, уни сотиб олиш учун

валюта кўринишидаги айланма маблағлар етарли бўлиши керак. Шунда махсулот ингредиентларни сотиб олишда муаммога дуч келинмайди. Баъзи лойихаларда айланма маблағлар сўмда етарли бўлса-да валютада етарли бўлмагани учун корхоналар ингредиентларни импорт қила олмайди. Натижада ишлаб чиқариш тўхтаб қолади.

Молиялаштиршга эхтиёж тахлили

Молиялаштиришга эхтиёж тахлили лойихани инвестициялаш ва уни эксплуатация қилиш учун керак бўлган барча молиявий эхтиёжларни прогноз қилишни ўз ичига олади.

Бу эса зарур ресурслар келиб тушишини таъминлайдиган молиявий режа тузиш имконини беради. Молиявий режани тайёрлашда хорижий кредиторлар талабларини бажаришни енгиллаштириш учун хорижий валютага бўлган эхтиёж алохида кўрсатилади.

Молиявий режада, шунингдек, молиялаштиришнинг махаллий манбалари, лойиха учун масъул бўлган ташкилотнинг ўз маблағлари ва фондлари, давлат ва тижорат ташкилотларидан олиниши мумкин бўлган қарзлар хам эътиборга олинади.

Молиявий режада лойихани эксплуатация қилиш даври харажатлари ўз аксини топмаса, эксплуатация қилиш, жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун фондлар йўқлиги туфайли лойиха ускуналари эскириб, тезда яроқсиз холга келиб қолади.

Молиявий режа лойихадан манфаат кўрувчиларнинг у таклиф этаётган махсулотни сотиб олиш қобилиятини хисобга олиши зарур.

Молиявий режа жорий бахоларда тузилиши хамда йиллар бўйича лойиханинг бутун амао қилиш даврига қуйидагиларни кўрсатиши керак:

- мўлжалланаётган капитал маблағлар ва эксплуатация харажатлари (шу жумладан, бахо ва физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгаришлари хисобга олиб киритилган тузатишлар);
- лойиха махсулотини сотиш ва бошқа манбалардан келадиган даромад;
- қарзларни, инвестицияларни ва лойиханинг бошқа эхтиёжларини қоплашнинг бошқа манбаалари.

Лойихани молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари қанча кўп бўлса, унинг инвестор томонидан бахоланиши шунча енгил бўлади.

Лойихани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий тахлили

Лойихани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий тахлилга учта молиявий хисоботни тайёрлаш, тахлил этиш ва прогноз қилиш киради:

- даромадлар(фойда ва зарарлар) хисоботи;
- пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари хисоботи;
- баланс хисоботи.

Бу хисоботлар лойиханинг бутун амалда бўладиган даври ёки хеч бўлмаганда уни эксплуатация қилишнинг дастлабки бир неча йилига тузилади.

Кўрсатилган молиявий хисоботларни прогноз қилиш уларнинг барча компонентларини чуқур тахлил қилиш, бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботларнинг умумий қабул қилинган қоидаларини билишни талаб этади. Шу туфайли бу ишни тажрибали бухгалтер аудиторларга ёки молиявий тахлилчига топшириш керак.

Фойда ва зарарлар хисоботи корхонанинг маълум даврдаги (чорак, йил) ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромадларини шу даврдаги қилинган ва даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатлари ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Бу хисобот жорий хўжалик фаолияти самарадорлиги, лойиханинг ўз капиталини ошириш захираларини бахолаш учун зарур. Бу шаклнинг яна бир вазифаси турли солиқ тўловлари ва дивидендлар миқдорини аниқлашдан иборат.

Иқтисодий тахлилнинг мохияти ва мақсади

Лойиха Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг устувор йўналишларига ва иқтисодий хавфсизлигига жавоб бериши керак. Шунинг учун иқтисодий тахлил инвестиция лойихасини умумжамият манфаати нуқтаи назаридан ўрганади. Иқтисодий тахлил лойихаларга кенгроқ ёндашиб, даромад ва харажатларни бахолашда молиявий тахлилдан фарқ қилади. Умуман, бу тахлилда даромадлар-харажатлар оқимини бахолашда молиявий тахлилга қараганда икки катта ўзгаришга йўл қўйилади.

Биринчидан, инвестиция лойихасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқарувчилар олган субсидиялар солиқ тўловчиларнинг йўқотишлари билан қопланиб кетса, айрим шахслардан тушадиган тўловлар умуммиллий даражада ресурслар миқдорини ўзгартирмайди. Иккинчидан, бир лойихани амалга ошириш иккинчи бир лойиха учун ресурслар миқдори камайишига олиб келиши мумкин. Мисол учун, Самарқанд вилоятида 15000 тонна помидор етиштирилади. Европа технологиясида қайта ишланган памидор томат пастаси, агар 220 кг лик ассептек қопларга қадоқланса ва Европанинг ISO- 9001 сертификати билан кафолатланса, лойиха валюта келтирувчи лойихага айланади.

Агар шундай завод мавжуд бўлсаю, унинг талаби 12000 тонна помидорни қайта ишлашга мўлжалланган бўлса, демак, кейинги лойихага фақат 3000 тонна помидор қоляпти. қўшимча захиралар билан яна 5000 тонна памидор етиштирилса хам иккинчи турдош корхонанинг лойихасига хом ашё тақчил бўлади. Бу холда иккинчи лойиха ўзи билан бир хил бўлган биринчи лойихага конфликтли лойиха деб бахоланиши мумкин. Бундан хулоса шуки, биринчи лойиханинг амалга оширилиши иккинчи лойихани молиялаштиришни самарасиз қилиб қўяди. Бу холда умумжамият нуқтаи назаридан иқтисодий даромад молиявий даромаддан паст бўлади ва буни лойиха бўйича иш бошлашдан олдин хисобга олиш зарур. Молиявий тахлилда фойдали деб бахоланган лойиха ўзининг салбий экологик ёки ижтимоий оқибатлари туфайли иқтисодий тахлилда фойдасиз деб бахоланиши мумкин.

Лойиханинг экологик жихатлари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар хисобга олинганда кўп холларда у самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Лойиханинг экологияга салбий таъсирини олдини олиш учун тозалаш иншоотлари қуришга тўғри келади. Бу холда инвестиция харажатлари кўпаяди ва лойиханинг самарадорлиги пасаяди. Натижада лойиха самарасиз деб хисобланиши мумкин. Молиявий тахлил ва иқтисодий тахлил ўртасидаги фарқларни қуйидагича келтириш мумкин:

1. Молиявий тахлилда даромад ва харажатларга нисбатан алохида бозор бахолари қўлланилади.

Иқтисодий тахлилда муқобил ижтимоий қийматлар (даромадлар ва харажатларга нисбатан яширин бахолар, экологик даромад ва харажатлар, фойдалинилмаётган ёки тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш омиллари) қўлланилади.

2. Молиявий тахлилда капитал харажатлар лойиха хизмат муддатига тақсимлаб чиқилади (амортизация).

Иқтисодий тахлилда эса капитал харажатлар фойдаланиш (ишлатилиш) йилидаги бир маротабалик харажат суммаси сифатида хисобга олинади.

3. Молиявий тахлилда солиқлар ва турли гурухлар ўртасидаги бошқа бир томонлама тўловлар хисобга олинади. Иқтисодий тахлилда эса бу тўловлар ва солиқлар жамият ичидаги трансферт тўловлари бўлгани учун хисобга олинмайдилар.

4. Молиявий тахлилда дисконтнинг хусусий ставкаси қўлланилади.

Иқтисодий тахлилда лойихалар бўйича даромадлар ва харажатлар оқимларини даромад даражаларига кўра гурухлар бўйича ўрганилади.

Умуман олганда, иқтисодий тахлил лойиханинг хомийларига хам, бошқаларга хам таъсирини ўрганган холда у жамият учун қанчалик фойдали эканлигини, уни амалга ошириш учун жамият нуқтаи назаридан ресурс ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини текширади.

Даромадлар ва харажатларни иқтисодий тахлил қилиш ресурслардан самаралироқ фойдаланиш мақсадида иқтисодий танлаш муаммосини қулай ва тушунарли изохлаш усулидир. Хар бир мамлакат у ёки бу махсулотни кўп ишлаб чиқара олади. Лекин бир йўла хамма махсулотни кўп ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу сабабли ресурслардан фойдаланишнинг турли вариантларидан бирини танлашга тўғри келади. Минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришишни таъминлайдиган қилиб инвестициялашга эришган мамлакатгина ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлай олади.

Иқтисодий тахлил мақсади лойиха билан боғлиқ барча самараларни кўриб чиқиш учун умумий асос яратишдир. Бунга:

1. Бозор битимларидан ўз аксини топадиган иқтисодий ўзгарувчиларни аниқлаш (масалан, уй бахоси у жойлашган худуд сифатини-транспорт, мактаб кабиларнинг яқинлигини, уй-жой архитектурасининг урф бўлган турини, хоналар сонини акс эттиради);

2. Лойиханинг турли белгиларини бахолашга ахоли муносабатини аниқлаш учун лойиханинг фойдали томонларини характерловчи кўрсаткичларга пулда ифодаланмайдиган қийматларни киритиш;

3. Лойихаларни бевосита ўлчанадиган бошқа харажатлари хамда натижаларини таққослаш имконини берувчи чизмаларни ишлаб чиқиш йўли билан эришилади.

Булар асосида лойихадан олинадиган манфаат унга сарфланган харажатдан ошиш-ошмаслиги тўғрисида мураккаб қарорга келинади. Бунда манфаат (даромад) ва харажатлар ягона ўлчов бирлигида ифодаланади.

Лойихани қабул қилиш, лойиха бўйича истеъмол қилинадиган ресурслардан фойдаланиш борасидаги муқобил вариантлардан хеч бири мамлакат олдида турган вазифалар нуқтаи назаридан бундан юқорироқ натижа бермаслигини англатади.

Иқтисодий тахлил яъни даромадлар ва харажатларни тахлил қилишда NPV, PI, IRR, CC, PP, ROI каби кўрсаткичлари хисобланади.

Иқтисодий тахлилнинг вазифалари. Лойиханинг мақсадларини ва тахлил чизмасини аниқлаш

Даромадлар ва харажатларнинг тахлили қуйидаги тадбирларни ўтказишдан иборат:

1. Лойиха мақсадларини аниқлаш ва бош мақсаднинг иқтисодий мазмуни, оқибатларини англаш;

2. Лойихани бахолаш чизмасини ва босқичларини аниқлаш;

3. Лойиха натижалари бўйича талабни прогноз қилиш;

4. Даромад ва харажатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини хисоблаш;

5. Рентабеллилик кўрсаткичларини бахолаш;

6. Таъсирчанлик ва таваккал хавфи (қалтислик) даражасини тахлил қилиш.

Лойиха мақсадлари уни молиялаштирувчи ташкилотнинг оператив вазифаларини акс эттиради. Масалан, транспорт сохаси бўйича лойиха мақсади транспорт қатнови самарадорлигини таъминлаш, саноат лойихасининг мақсади эса маълум турдаги махсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириш бўлиши мумкин.

Муқобил вариантларни кўриб чиқиш лойихани тайёрлаш ва уни ишлаб чиқишнинг мухим қисми хисобланади. Техник, муқобил вариантлар (яъни ёқилғи учун ё кўмир ёки газни қўллаш, темир йўлни узайтириш ёки янги автомобил шоссесини қуриш)ни бир-бири билан таққослаш ва энг мақбулини танлаб олиш керак. Агар хамма вариантлар миқдор ва сифат жихатдан бир хил натижа берса, хам инвестиция, хам эксплуатация харажатларини хисобга олганда энг кам харажат талаб этиладиган лойиха танланади.

Иқтисодий тахлил чизмаси турлича бўлиши мумкин. Бунда лойиха мақсадларига салбий таъсир этувчи хамма нарса харажатларга, ижобий таъсир этувчи хамма нарса даромадларга киритилади.

Лойиха тахлили даромад ва харажатларни ресурслардан фойдаланишнинг бошқа вариантлари бўйича эришилиши мумкин бўлган даромад ва харажатлар билан қиёслайди. Кўпинча лойихасиз ва лойиха билан деган чизма қўлланилади.

Масалан, цемент заводи қурилиши бўйича лойиха бор бўлса, инвесторлар бошқа лойихаларга сармоя қўйиш имкониятидан махрум бўлади. Аммо цемент ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида унинг нархи тушиб кетиши, харидорлар учун цементга камроқ пул тўлаш , айрим харидорлар учун эса бошқа қурилиш материаллари ўрнига цемент ишлатиш имкониятини пайдо қилиши мумкин.

Лойиха билан ва лойихасиз вазиятларни солиштириш лойихани амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча ва ўсган даромадларни хисоблашнинг асосий услубидир. Лойихасиз вазиятларни истиқболга бахолашда харажатларнинг тахмин қилинаётган ўсуви ёки даромадларнинг пасайишига нисбатан реакцияни хисобга олиш керак. Бу лойихани амалга ошириш юзага келтирадиган ўзгаришларни тўлиқ акс эттириш имконини беради.

Лойиха натижаларига талабни тахлил ва прогноз қилиш киритиладилган ресурслар ва ишлаб чиқариладиган махсулот бозорларини тахлил қилишни ўз ичига олади хамда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни билишни, лойихага тааллуқли ресурслар ва махсулотлар маркетинги хақида маълумотга эга бўлишни талаб этади.

Ноаниқлик ва қалтислик хақида умумий тушунча.

Биз хохламаган нарсанинг, воқеанинг содир бўлиш эхтимолини қалтислик деб атаймиз. Инвестиция лойихалари учун қалтислик – бу лойихаларда кўзда тутилган мақсадларга эришмаслик эхтимолидир.

Айнан XIX аср охирида инсоният қалтислик ларни бошқариш муаммолари Билан тўқнашди. Шу даврда фирмалар ривожланди ва кўпайди, табиий зарар кўриш қалтисликни хам ошиб борди.

Энг биринчи қалтислик бошқариш режаси 1890 йилда АқШдаги темир йўл қурилиш билан шуғлланувчи фирма томонидан ишлаб чиқилди.

1920-1930 йил Буюк депрессиядан сўнг қалтислик бошқарувига катта эътибор қаратилди. II жахон урушидан сўнг дунёда илм-фан, техника-технология жадал ривожланди ва инсоният учун XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб қалтислик бошқаруви мухим муаммога, масалага айланди. 70-йилларга келиб қалтислик бошқарув жараёнлари ва профессионал қалтислик менежерларига талаб пайдо бўла бошлади.

Хозирда эса қалтисликни хисобга олиш лойихаларни бахолашнинг ажралмас қисми хисобланади

Иқтисодий қалтислик деганда пул кўринишида ифодаланиши мумкин бўлган турли зарарларнинг юзага келиш эхтимоллиги тушунилади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин.

- Зарар кўриш хавфи, эхтимоллиги - қайсидир махсулотни ишлаб чиқариш зарар келтириши мумкин;
- Ноаниқлик, олдиндан кўра билиш имконияти йўқлиги. Яъни бозорнинг ўрганилмаганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли маълум бир лойиха учун якуний молиявий натижа қандай бўлишини олдиндан айтиш қийин бўлади.

Иқтисодий қалтислик билан хохлаган субъект тўқнашиши мумкин – алохида шахс, гурух, фирма, банк, суғурта компаниялари ва хоказо. Иқтисодий қалтислик кимда бўлишидан қатъий назар, хамма қалтислик билан боғлиқ хатарни, зарарларни камайтиришга харакат қилади. Шунинг учун қалтисликларни бошқариш муаммоси юзага келади ва «қалтислик - менежмент» деб аталади.

Иқтисодий қалтислик билан боғлиқ эхтимолий йўқотишнинг камайишини хохлайдиган хар бир фирма ўзи учун қуйидаги бир қанча муаммоли масалаларни хал қилиши керак:

- иқтисодий қалтислик билан боғлиқ эхтимолий зарарларни бахолаш;
- қалтисликни тўлиқ ўзида қолдириш ёки бошқа субъектга бериш, маълум қалтисликни ўзида қолдириш ёки бошқа субъектга бериш каби масалаларни хал қилиш;
- ўзида қолдирилган қалтислик сабабли юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш. Бундан мақсад қалтислик мавжуд бўлган шароитда фирманинг самарали ишлашини таъминлашдир.

Фирмада рўй бериши мумкин бўлган қалтисликлар турли хил, лекин асосан уларнинг икки тури кўрилади:

7. Молиявий қалтисликлар. Уларга қуйидагилар кириши мумкин:

- фоиз ставкаси ўзгариши;
- кредит қайтарилмаслиги;
- валюта курсининг номаъқул тебраниши;
- харидорларнинг тўловга қобилиятсизлиги;
- хом-ашё ва материаллар нархининг ошиши;
- харидорлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ва хоказолар.

8. Фирма хўжалик фаолияти билан боғлиқ қалтисликлар. Уларнинг пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- жихозларнинг эскирганлиги;
- хом-ашё ва материаллар сифатининг ўзгариб туриши;
- технология етишмаслиги;
- ишлаб чиқариш кучлари захирасининг йўқлиги;
- туриб қолишлар;
- фавқулотда холатлар ва хоказо.

Қалтисликларни бошқаришнинг кўп қўлланиладиган аниқ усуллари қуйидагилар:

1. Қалтисликдан қочиш ёки инкор қилиш (Risk avoidance). Компаниялар ишида қочиш мумкин бўлмаган катта қалтисликлар мавжуд бўлади. Бундай қалтисликларни бироз камайтириш мумкин, аммо бу уларнинг таъсир кучини камайтирмайди. Шунинг учун улардан қочишнинг энг яхши усули улар содир бўлиши эхтимолини умуман йўқ қилиш керак. Бундай усулни қўллашга мисол маълум махсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиш, шу сохада бизнесдан кетиш ва бундай қалтисликлар бўлмаган бошқа сохаларни танлаш.

2. Қалтисни ўзига олиш (Risk assumption). Унинг мохияти – зарарларни хусусий молиявий имкониятлар асосида қоплашдир. Бу усул қуйидаги холатларда маъқул:

- Зарарлар частотаси катта бўлмаганда;
- Потенциал зарарлар хажмини фирма жорий активлари хисобидан қоплаш мумкин бўлганда. Бу усулда зарарлар жорий пул тушумлари ёки шу мақсадларда махсус тузилган захира фонди хисобидан қопланади.

3. қалтисликни олдини олиш (Loss prevention). Бу усулда улар юзага келиши эхтимолини камайтиришга қаратилган тадбирлар қилинади. қуйидаги холларда уни қўллаш маъқулдир:

- Зарар юзага келиши эхтимоли юқори;
- Зарар миқдори катта эмас.

қалтис бошқаришда бу усулни қўллаш хар хил олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ. Бу дастурлар даврий бўлади ва улар назорат қилиб турилиши керак. Мисол сифатида, қоровуллар (банкларда), хайдовчиларни ўқитиш (хафвсизлик мақсадида) ,кимёвий зарарлардан огохлантириш, мехнат мухофазаси ва хоказо.

4. Зарарни камайтириш (Loss reduction). Бу усулнинг мохияти зарарларни камайтиришга қаратилган усулларга қаратилган. Бу усулдан қуйидаги холларда фойдаланиш мумкин:

- эхтимол зарарни катта бўлиши;
- қалтис, зарар юзага келиш эхтимоли катта эмас.

5. Суғурталаш (Incurance). Бу усул қалтислик бошқарувида энг кўп қўлланиладиган усуллардан биридир. Унинг мохияти шундаки, фирма маълум қалтисликларни суғурта компаниясига беради ва агар булар содир бўлганда суғурта фирмаси кўрилган зарарни қоплайди. қуйидаги холларда фирма учун бу усулни қўллаш маъқулдир:

- Агар қалтислик, зарар эхтимоли юқори эмас, аммо эхтимол зарар хажми катта бўлса. Шуни назарда тутиш керакки, фирмада қалтисликлар бир хил турда ва кўп бўлса, уларни суғурта компанияси орқали суғурталаш йўли билан эмас, балки суғурта бадалларини фирма ичида жорий этиш орқали бошқариш мумкин.
- қалтислик, зарар бўлиши эхтимоли юқори, аммо зарар миқдори кам бўлса.

Суғурта асосан бахтсиз ходиса юз берган холларда жуда зарурдир. Кўп холларда суғурта қалтислик бошқарувида ягона усул хисобланади, баъзида эса қонун томонидан мажбурий қилиб қўйилади.

6. Ўз-ўзини суғурта қилиш (Self-insurance) усули яъни зарарларни қоплашга қаратилган шахсий суғурта фондларини тузишга қаратилган. У қалтислик бошқарув усули сифатида қуйидагиларга шароит яратади:

- Зарарни қоплаш имкониятларини ошириш;
- Суғурта фондларини инвестиция қилиш орқали фирма фойдалилигини ошириш.

Кептив суғурта – бу носуғурта ташкилотлари гурухига кирувчи суғурта ташкилотидир – саноат, саноат-молиявий, молиявий гурухлар ва хамма гурух қалтисларини суғурта қилади.

7. қалтисликни бошқага ўтказиш (Risk transfer) усули шуни англатадики фирма ўзидаги эхтимолий қалтислик , зарарни бошқа фирмага ўтказади. Бунинг бир тури суғурта, фирма суғурта бадалини тўлайди ва қалтислик суғурта компаниясига ўтади. Бундан ташқари қалтисликни ўтказишнинг , ижара, hold-harmless типидаги келишувлари каби кўринишлари мавжуд.

Хеджирование(hedging) – суғурта билан боғлиқ бўлмаган нарх бўйича қалтисликларни бериш. Бунинг маъноси бозорда нархларнинг ўзгариши хисобидан келадиган фойда ва зарарларни чегаралаш хисобланади. Хеджирование савдо аукционлари, фючерс ва форвард шартномалари орқали жорий қилинади ва қалтислик менежментининг ажралмас қисми бўлиб қолади.

Ижара усули мулкни ижарага олган киши учун унинг эскириш қалтисини мулк эгасига қолдириш имконини яратади. Одатда бундай қалтислик учун тўлов ижара хақи таркибига киритилади.

Hold-harmless типидаги келишувлар (ушловчи учун зарарсиз) зарарлар бўлишига тузилади. Бунда бир томонда зарар юзага келганда, иккинчи томоннинг қалтислигини ўзига олиши бўйича келишув бўлади.

Яна шуни хам айтиш мумкинки, давлат томонидан хам фирмалар қалтислигини камайтирувчи сиёсатлар юритилади. Масалан, маълум шароитларда мажбурий суғурта, иқтисодий-ижтимоий қалтислик жуда юқори фаолиятлар билан шуғулланишни чеклаш ва хоказо.

Бу усулларни қайси бирини қўллаш ёки қўлламасликда иқтисодий тамойил шундаки шу усулга харажатлар ундан келадиган қўшимча фойдадан кам бўлиши керак.

“ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ХОРИЖИЙ МАНБАЛАР

1. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: учебник – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2010 – 368 с.
2. с.
3. Ивасенко А.Г., Никонва Я.И. «Инвестиции: источники и методы финансирование» М.: ОМЕГА-Л, 2009 г.
4. Ткаченко И.Ю., Малых Н.И. Инвестиции: учебное пособие для студентов вузов – М.: Издательство центр «Академия», 2009 – 240 с.
5. Мазур И.И., Шапиро В.Д. и др. «Инвестиционно-строительный инжиниринг: учебное пособие» - М.: ЕЛИМА, 2009 – 763 с.
6. Малиновская О.В., Скобелева И.П., Легостаева Н.В. «Инвестиции» М.: СПГУВК 2009 г.
7. “Инвестиционно-строительный инжиниринг”. Под ред. Мазура И.И., Шапиро В.Д. Учебное пособие. М.: Экономика.2009 г. 763 с.
8. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учебное пособие. - Мн.:Экопреспектива, 2008 г. 468 с.
9. Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 384с.
10. Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учебное пособие – 2-е издание, М.: КНОРУС, 2011 – 312 с.
11. Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 7-е изд., - М.: «Дашков и Ко» , 2008. – 372 с.
12. Андрианов А.Ю., Валдайцев С.В., Воробьев П.В. (и др.). Инвестиции: учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 584 с.
13. Международные экономические отношения: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям /под ред. В.Е. Рыбалкина. – М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2008. -591 с.
14. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник /под ред. проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. – М.: Магистр, 2010 – 654 Инвестиции: учебник/ кол. авторов; под ред. Г.П. Подшиваленко.- М.: КНОРУС, 2008 г.-496 с.
15. Просветов Г. И. Инвестиции: задачи и решения: Учебно-практическое пособие. - М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2008. - 408 с.
